

915
940

ШАРК ЮЛДУЗИ



1
2013



Алишер Навоий

* * *

Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паршион айлагач.

Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг?
Ё юзунгга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?

Тийг ила пайконларинг етти кўнгул бўлгоч хароб,
Сув қўюб, тухм экдинг, ул кишварни вайрон айлагач.

Қон эмаским ёпти гулгун ҳулла жанинат хозини,
Ишқ мақтули шаҳид айларда урён айлагач.

Ошкор айлаб юзин кўзумни ҳайрон айлади,
Ёшурун олди кўнгул кўзумни ҳайрон айлагач.

Жонда кўйгоч нақди ишқин қилди кўнглумни ҳалок,
Ўлтуур махрамни султон ганжик пинҳон айлагач.

Эй Навоий, ишқ агар кўнглумни мажсруҳ этмади,
Бас, недурким қон келур оғзингдин афғон айлагач.



SHARQ YULDUZI

ШАРҚ ЎЛДУЗИ

Экз
152

Адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган



Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Мухаммад Али	Сувон Нажбиддинов
Бобур Алимов	Абдувахоб Нурматов
Эркин Вохидов	Бахамдулло Нурабуллаев
Кенесбай Каримов	Абдулла Орипов
Наим Каримов	Тўра Сайдов
Тўра Мирзаев	Сирожиддин Саййид
Икбол Мирзо	Энахон Сидикова
Минҳожиқиддин Мирзо	Йўлдош Солижонов
Ғулом Мирзо	Хайриddин Султонов


Бош мухаррир — Улугбек Ҳамдам

Бош мухаррир ўринбосари — Икром Отамурод

Масъул котиб — Сайдулло Қурунов

Наср бўлими мудири — Орзиқул Эргаш

1
2013



УШБУ СОНДА:

Шеърият

Абдулла ШЕР



Атрофимиз ~ ложувард олам

Шеърлар



Икки қайиқ чайқалар тинмай,
Атрофимиз – ложувард олам.
Умримизни, сира ачинмай,
Дарё билан күрамиз баҳам.



Драматургия

Хуршид ДАВРОН

АЛГУЛ



УЛУФБЕК: Сиз нечун суктудасиз, нега көлганингиздан буён оғиз очмайсиз, амир Бобо Ҳусайн? Нега сиз жимсиз, нега қиличингизни мадҳэттмайсиз?

БОБО ҲУСАЙН: Мен қиличум зарбасини яхши биламан, шаҳриёр!

УЛУФБЕК: Сўйланназ, сиздек марди майдон гапирмаса, ким гапирсун?!

БОБО ҲУСАЙН: Амирлар қилични айтурлар, аммо юракни, идрокни унутуб айтурлар.

УЛУФБЕК: Қилич ва юрак... Қилич ва идрок! Қизиқ?! Сўйланг, амир, сўйланга...

Наср

Зулфия ҚУРОЛБОЙ қизи

КАСАЛ ҚУШ



Ҳикоя



Аммо мен баридир кутавераман. Эҳтимол, ўзимнинг бепарвоглигим ва ношудлигим туфайли шу таҳлимт жазо олаётгандирман, кейин изтироблардан – касалликдан эмас – фориг бўларман. Соглом одамлар орасида яшаб оғир дардга чалиндим, аммо энди дардмандлар билан яшаб соғаярман, тозарапман...



Шеърият

Шаҳноза НАЗАРХОН

Рұхимда йалиннан мусика

Достон

Ранглар ёлгон экан, ранглар галати –
Мавҳум тасаввур у мавҳум акслар.
Мен рангсизман ва ё У рұхим тоти,
Рангдан сизиб чиқар авровичи саслар.





Йиллар, воқеалар, тақдирлар

Умарали НОРМАТОВ

ҚОДИРИЙНИНГ СҮНГГИ ИЛТИЖОСИ

Бу бекиес жасур сиймонинг орадан ўн икки йил ўтиб, рақиблари қаршисида:
“Мөн тайёрман. Бўйргунгни беравер!” дега кўксину ўққа тутуб бериши, кишида
заррача шубҳа түғдирмайди, аксинча, адаб табиатига хос айни ҳақиқатни яна
бир карра тасдиқлайди.



Диллардан дилларга

Рамиз РАВШАН



23 ёшимда мени севлянлаф...

Шеърлар

Сўзлар юрагимдан қўлимга етди,
бироз саргайди ва сўлди, на илож?!

Бироз жасурлиги, ўхълиги йитди,
гина қылмасинлар, йўл-да, на илож?!



Адабиётшунослик

Илҳом ФАНИЕВ,
Нодира АФОҚОВА



ИҚРОР ВА ИСЁН

Истеъдодли ёзуви Эркин Аъзам услубида Шарқу
Ғарб синтези ўзига хос тарзда, бадиий матнининг ичкни
қаватларида туради.



Наср

Ҳамрохон МУСУРМОНОВА

СИРЛАР САЛТАНАТИГА САЁХАТ

(Хаёлий саргузашт қиссадан боблар)



— Сизлар оддий йигитлар ёки ўлаб топилган қаҳрамонлар эмассиз,
— деди Доңишманлар устози фикримни уқиб тургандек, кўзимга тикилиб.
— МНСЗда сеҳрарлик шилатилмайди. Бу ердаёз ҳар бир вазифа табиии куч
кудратга таянган ҳолда инсон оғиз ва тафаккури орқали бажарилади. Шу
боис, энг аввало, ўз имкониятларини анлашга ҳаракат қилинадар. Ақел
ва тафаккур билан иш кўрмас экансиз, бошқалардан фарқинагиз қолмайди.

МУНДАРИЖА

ИФТИХОР

Иброҳим Азиз. Ватан озодлиги – менинг озодлигим 5

ШЕЪРИЯТ

Абдулла Шер. Атрофимиз – ложувард олам. Шеърлар. 13
Мирпӯлат Мирзо. Тонг нурлари ўйнар корлар устида. Шеърлар. 38
Гулбаҳор Саид Фани. Кушларимга бўлақол манзил. Шеърлар. 41
Эшқобил Вали. Эртак сўйлар буюк мозий. Шеърлар. 52
Дилдора Яхё. Умрим – ҳечкимайтмаганқўшиқ. Шеърлар. 55

ДОСТОН

Шахноза Назархон. Рухим чалинган мусиқа. Достон. 87
Улугбек Ҳамдам. Янгиланаётган бадий тафаккур меваси. 87

НАСР

Ҳамроҳон Мусурмонова. Сирлар салтанатига саёҳат. Қиссадан боблар. 18
Зулфия Қуролбой қизи. Касал күш Ҳикоя. 101

ИЖОД ЛАБОРАТОРИЯСИ

Марҳабо Қўчқорова. «Ўзим ўз қалбимнинг бўлсам Колумби». 44
--

ДРАМАТУРГИЯ

Хуршид Даврон. Алғул. Пъеса. 58

ДИЛЛАРДАН ДИЛЛАРГА

Рамиз Равшан. 23 ёшимда мени севгандар. Шеърлар. 112
Абдулкарим Баҳриддин. Шоир ҳақида сўз. 112

ЖАРАЁН

Янги авлод овози. Суҳбат.
Ҳамидулла Болтабоев, Шуҳрат Ризаев, Назар Эшонқул... 117

БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ

Набийра Торешнова. Ўзлик – қалбларда нурдир. Шеърлар. 139

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАҚДИРЛАР

Умарали Норматов. Қодирийнинг сўнгги илтижоси. 142

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Наргиза Одинаева. Нигоҳимда гуллар тўйғуларизисиз. Шеърлар. 145
Усмон Азим. Кувончкат. 145

БОЛАЛАР ДУНЕСИ

Жаббор Халил. Халоскор. Эртак. 149

ЁШЛАР ДаҒТАРИДАН

Йўлимиз ёритар кўкдаги ҳилол. Мушсира. 151

МЕЪРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Ҳафиза Асланова. Гадойининг форсий газали. 154

ҒАЗАЛ БЎСТОНИ

Икромжон Аслий. Мұхаббатим мұқаддас. Ғазаллар. 158

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Дилрабо Қувватова. Ўзбек поэмачилигига модернистик изланишлар. 161
Илҳом Фаниев, Нодира Афокова. Икрор ва исён. 166
Зокиржон Мамажонов. Ифода усулларида ўҳшатиш санъати. 170

ГУЛҚАЙЧИ

Восит Аҳмад. Янги бой. Ҳажвия. 173

ШАРҚ ЙОЛДУЗИ

2013

1-сон

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
ЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри
таҳририят фикри деб кабул
килинмасин.

Таҳририята юборилган
материаллар муаллифларга
қайтарилимайди.

* Обунага монелик
кўрсатилса,
Тошкент – 100000,
«Амир Темур» тор
кўчаси, 2. Республика
«Матбуот таркватучи»
акциядорлик
компаниясига мурожат
килинсин.
Обуна индекси — 911

Манзилимиз:
 100127, Тошкент шаҳри,
 «Ўзбекистон» кўчаси, 16-а уй.
 Телефонлар:
 227-00-81, 245-22-99, 245-27-87
www.sharqyulduzi.uz
 E-mail. sharqyulduzi1931@mail.ru

Босиша руҳсат этилди
10.10.2012 ийл.
 Коғоз бичими 70x108 ¼.
 Офсет босма усулида тип.
 № 1-котозга босиди.
 Босма тобоги 11.
 Шартли босма тобоги 15.4.
 Наширёт хисоб тобоги 17.2.
 Адади 3090 нусха.
 Буюртма № 31-13

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигига 0562 – ракам
билин рўйхатта олинган.
 «Ўзитувчи» НИИУ босмахонасида чоп
етилди.

Корхона манзили:
 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
 Янгишҳар кўчаси, 1-уй.

Журнал иккى ойда бир марта чоп
етилади.

Сахифаловчи ва дизайнер:
 Акбарали Мамасолиев
 Мусаххилар:
 Дилғузә Маҳмудова,
 Раъно Ҳакимжонова

Copyright © «Шарқ юлдузи»



Ифтихор

ВАТАН ОЗОДЛИГИ - МЕНИНГ ОЗОДЛИГИМ

XXI аср! Мустақилликимизнинг йигирма икки йиллиги! Мана, йигирма икки йилдирки, мустақилликнинг кўз очаётган ҳаётбахш чашмаларидан баҳра олган Ватан озодлиги дараҳти бўй чўзаёттир. Бу маънавий чашмалар – тикланган қадрияларимиз, обод қилинган қадамжоларимиз, аждодларимизнинг шонли тарихи.

Ҳаммамиз ҳам мактабда тарих дарслукларидан Тўмарис, Широқ, Спітамен ҳақида ўқиганмиз, ўқитувчимиз дунёнига буюк тарихчилари – Геродот, Гай Плини, Клитарх, Страбон, Ариан, Плутарх китобларидан бизнине аждодларимиз номлари борлигини айтиб бергандা, ҳайратга тушганимиз, фахрланганимиз. Дарҳақиқат, уларнига номлари зикр этилган китобларнинг ўзи жилд-жилд, улар ҳақидаги ривояту афсоналар ҳам беҳисоб экан.

Бизни ўша даврнинг қатиға олиб киришига, қаҳрамонларимиз нафаси, юрак уришлари, ўй-хаёллари, қувончу изтиробларини ҳис қилишимизга, минглаб йиллар олдин оддий ва магнур ҳаёт кечирган аждодларимиз орасида яшаб кўришимизга, қиличи наизалар садоси остида улар билан ёнма-ён от елдиришимизга, тунлари саҳродағи гулханлар атрофида улар билан бирга юлдузларга термилиб улуғтвор ва мунағли қўшиқлар куйлашимизга, ёғийга уларнига нафратли нигоҳлари билан қарашимизга, тогу тошларимизни, дарёю саҳроларимизни, дунёни уларнига кўзлари билан кўришимизга сабаб бўладиган, бир сўз билан айтганда, қалбимизда Ватанга муҳаббат оловини ёкишига қодир бўлган бадиий асарларимиз ҳам кўп экан...

Аждодларимизнинг озодлик учун олиб бораан курашларини, улар яшаб ўтган даврни ўз қалбida ва масавиурида қайта кашф этган адабларимиздан бири – Яёдат Иллөсовнинг “Сўғдиёна” тарихий романини ҳар гал интиқиши билан кўлга оламан.

Китоб номининг ўзиёқ қалбга яқин, уни ўқишимиз билан қон-қонимизга сингиб кетган, тилларимизга, дил-



Иброҳим АЗИЗ

1990 йилда туғилган. 2007 йилда “Келажак овози” танловининг голиби бўлган. “Мұҳаббат гулхани” номли публицистик мақолалар китоби нашир этилган. Айни вақтда, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети магистранти.

ларимизга ўйиб битилган “Ватан!” деган улуғвор бир ҳаяжоннинг акс-садосини эшитгандай бўламиз. Илк жумлаларидан бошлаб, сизни ўз оламига олиб кириб кетадиган бу асар, жуда оддий, табиий, қизиқарли, халқ қиссалари руҳида ёзилган. Қийналиб, тушунишга зўриқиб ўтирумайсиз. Тўлқинига тушиб, сузид кетаверасиз ва бу тўлқин сизни гоҳ осмон қадар юксакларга кўтариб чиқади, гоҳ изтироб ва алам гулханлари ёқилган тарих соҳилларидан олиб ўтади.

Асарнинг муқаддимаси шундай жумлалар билан бошланади: “Бу кампир бутун Катан ахлига маълум эди. Юнон хотинларининг фикрича, бу ерга у қайсиdir Шарқ мамлакатидан келиб қолган... Аммо, кўпинча, тиланчи кампирни нон ўрнига таёқ билан сийлашарди. Болалар унинг орқасидан мева қолдиқларини отишар эди. Итлар бусиз ҳам илма-тешик бўлиб кетган катак яктаги этакларини узиб оларди... У буюк одамнинг хотини бўлганман, деб таъкидларди. Лекин ҳеч ким бунга ишонмасди. Кампир эса тўғри гапираётган эди”.

Бирдан юрагингизга чўғ сачрайди. Кампир... Ким у?.. Қандай қилиб?.. Қаердан?.. Бу саволларга тезроқ жавоб топгингиз, бу ғалат сирнинг тагига тезроқ етгингиз келади. Чўғ бора-бора, ёна-ёна катта алангага айланади. Ёзувчи асарнинг энг сўнгги саҳифаларигача бу сирни ошкор этмайди.

Искандарнинг ниқоби

Ер юзида одамзод яралганидан бери кимдир фатҳ этади, кимдир озодликка интилади, кимдир зулм қилади, кимдир қуллик занжирларини парчалаш учун курашади. Аммо тарихий бир ҳақиқат мавжуд – қайси олам фотихи бўлмасин, ҳар доим юртимиз остонасига кўшин тортиб келганда, албатта, қаршиликка учраган, маҳв бўлган. Она тупроқнинг мард фарзандлари кўксини қалқон қилиб жангга кирган, жонини фидо қилган. Босқинчилар ўз нафслари, бойлик учун, дунёга ҳокимлик қилиш учун қон тўкканлар, биз эса, озодлик учун қон тўкканимиз.

Милоддан аввалги VII-VI асрлардаёқ, юртимиз худудида энг қадимги давлатлар пайдо бўла бошлагани ва сўғдийлар, бақтрияликлар, хоразмликлар, сак ва массагет эзлатлари ҳаёт кечиргандарни тарихдан маълум. Эрамиздан олдинги 530 йилда дунёning йирик мамлакатларини босиб олган Эрон шоҳи Кайхусрав (Кир II) энди Ўрта Осиёга юриш қилади. Қурдатидан кибрланган подшоҳ қандайдир Осиёни назар-писанд қилмайди. Шунда Тўмарис кўлига қилич олиб майдонга чиқади, ёвнинг сон-саноғи йўқ шафқатсиз қўшинларига қарши аёвсиз жанг қилади. Ва қонхўр подшоҳнинг бошини кесиб, қон тўлдирилган мешга солади. Явdat Илёсовнинг “Олачипор ажал” асарига ана шу тарих воқеа қилиб олинган...

Сўнг орадан саккиз йил ўтиб тахтга Доро ўтиради. У ҳам ота-боболари бошлаб берган анъанани давом эттириб, аждодларимиз бўлмиш саклар устига черик тортади. Ва Широқ исмли оддий бир чўпон уларнинг йўлига тўғон бўлади.

Хуллас, Широқнинг тадбири билан куш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган саҳроларда адашиб қолган ёғий чўпонни ўлдириб, кечаю кундуз саргардонлиқда кезиб, охири йўл топиб, қутулиб кетишади. Доро, барибир, тавбасига таянмайди, яна қонли юришларини давом эттиради. Унинг даврида форслар бунёд этган улкан империянинг қудратига-қудрат қўшилади. Пушкиннинг “Балиқчи ва балиқ ҳақидаги” эртагидагига ўхшаб, Дорони қўл остидағи мулклари, бойликлари қаноатлантирумай қўяди ва у юнонлар мамлакатига кўз олайтиради. Афсуски, у Македонияда, кейинчалик дунёning катта бир

қисмими забт этувчи баҳодир туғилиб, вояга етганини ва унинг исми Искандар эканлигини билмасди.

Алалоқибат, ўша әртакдагидай, Искандар Дорони боридан ҳам жудо қилади – аскарларини битта қўймай қиради, Доронинг ўзи эса шармандаларча жанг майдонини ташлаб қочади. “Сўғдиёна”нинг “Гавгамели жанг” бўлимида шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ҳали ташналигини тўйиб қондиролмаган одамдай Искандар Дорони тутиб ўлдирмагунча тинчимайди. Катта қўшини билан унинг ортидан йўлга тушади. Аммо Дорони Бақтрия ва Сўғдиёна ҳокими Бесс ўлдиргани ҳақидаги хабарни эшишиб, ғазаби қайнайди, уни ўз қўллари билан ўлдиролмаганидан афсус чекади. Искандар биринчи марта Спитамен номини ҳам хабар келтирган македонлар оғзидан эшигади: “Бу Спитамен ҳам айтишларича, сал телбароқ эмиш. Титилиб кетган қоплон терисини кийиб юрадиган, ҳеч кимдан тап тортмайдиган дарбадар ва асқиябоз эмиш... Яна айтишларича, у номи муқаддас саналган қадимги сўғд подшоси Сиёвуш авлодидан эмиш... Сиёвуш номини қўёш худоси билан боғлашади, шунинг учун Спитаменning сочи ҳам сеникдай (Лаг “сеникдай малла” демоқчи бўлди-ю, журъат қилолмади) тилларанг эмиш...” Бу ғаройиб маълумотлар Искандарни бироз ҳайратга солади: “Ҳм... Ҳа, бу қизиқ экан... Бўпти, яхши. Унинг номини эсингдан чиқарма. Балки менга керак бўлар”. Худди Искандарнинг юрагидан бир нарса ўтгандай бўлади. Сиз буни ҳис қиласиз. Эртасига Искандар Эрон давлати ҳукмдори деб эълон қилинади. Бирок зафарли юришлардан илҳомланган Мақдумий Доро қўшинини енгис билан чеклангиси келмайди. “Интилсанг, ғалабадан ғалаба туғилади”, деган ҳикмат бор. Нурафшон уфққа тикилиб, унинг ортидаги Шарқнинг яширин хазиналари – мўъжизакор шаҳарлару мамлакатларини эгаллаш орзусида қўзлари ёниб турган Искандарнинг қиёфаси беихтиёр кўз олдингизда гавдаланади. Шу ўринда бир савол. Хўш, нима учун? Нима учун яна буюк Искандар ўз юришларини давом эттиражак? Бойлик учунми? Наҳот, қўлга киритилган шунча тиллою зарлар кам бўлса? Агар у бойлик учун йўлга отланганда, аллақачон кайф-сафога берилиб кетган бўларди. Лекин унинг юрагида бошқача олов ёниб туарди – жаҳонга ҳукмрон бўлиш орзуси! Ёзувчи ёзади: “Бутун инсоният тасаввурини ҳайратга солиш, ўзидан асрларга хотира қолдириш, ҳатто минг йил, ўн минг йилдан кейин, токи, одам зоти яшар экан, македониялик Искандар ҳақида гапирсингилар, ёэсинилар, ўқисингилар ва баҳслашсингилар – мана буюк одамга муносиб орзу”.

Бу орзулар рўёби учун ақл, куч ва эҳтиёткорлик керак эди. Шунинг учун ҳам Искандар баҳона излаб топади. Доро ўлди, аммо у билан бирга орта чекинган форслар Бақтрияга, Сўғдиёнага қочган. Искандар Зулқарнайн Осиёни форс подшолари зулмидан озод қилаётган дўст ниқобини кияди.

Спитамен Бақтрияда. Искандарнинг форсларга қарши янги “юриши” ҳақида эшигтан ва бундан хурсанд. Умуман, асарни бошлаганингиздан бери, кўпроқ Искандар ҳақида ўқийисиз. Гўё Искандар асар бош қаҳрамонидай. Лекин Спитаменning кекса дўсти Вахшунварта олдига келиши воқеасидан бошлаб Спитамен образи “фаоллашади”, энди кўпроқ у ҳақида ўқий бошлайсиз ва у аста-секин роман марказидаги ўрнини эгаллайди. Спитамен қалбидан кечётган кечинималар, фикрлар ва унинг авлод-ажҳоди ҳақидаги афсонани ҳам илк бор, айнан Вахшунварта билан бўлган суҳбатида ўз тилидан тинглайсиз – ўқийисиз. Суҳбатда Искандарнинг “янги никоби” ҳақида сўз боради, шунда Спитамен: “Бесс эсингдан чиқдими? Искандар мана нима учун келмоқда. Форс қўшинининг қолган-кутганини қириб ташлайди-да, кейин қайтиб кетади”,

дейди. Дорони енгган Искандарга нисбатан Спитамен илик фикрда эди. Гүё Искандар Сүғдиёнани ҳам форслардан тозалайды ва Спитамен ўз юртингин хукмдорига айланади.

Биз Спитаменни ватанпарвар қаҳрамонимиз сифатида севганимиз учун романда унинг Ватанга бўлган муҳаббатини кутиб, излаб, истаб ўқиймиз. Ва бу муҳаббатга биринчи марта яна дўсти билан қилган сұхбатларида дуч келамиз: “Мен ўзим ўз юртимга хукмдор бўлишни истайман. Мен ўзим далаларимда ўтирадиган ғалланинг нонини егим келади. Мен ўзим қўйларимнинг гўштини емоқ истайман”. Бирдан кўзингизга, тасаввурингизга чизилган Спитаменни ҳақиқий Инсон сифатида ҳам қайтадан кашф қила бошлайсиз. Машҳур нотиқ Цицероннинг қуйидаги гаплари худди Спитамен ҳақида айтилгандай: “Бизга ота-оналар, болалар, яқин хеш-акраболар қимматлидирилар, лекин муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина “Ватан” отли сўзда мужассамлашгандир”. Ёзувчи диалоглар, сұхбатларни шундай маҳорат билан тузиб чиққанки, ҳар бир жумлагла, ҳар бир сўзга ана шу буюк муҳаббат сингдириб юборилган. Китобни мутолаа қилишингиз давомида, бу муҳаббат қуррати гоҳо баҳор елидай хушбўйларини таратиб, гоҳо момақалдириқдай гулдураб, чақмоқдай ўт сочиб ифода этилади.

Искандар билан юзма-юз

...Бу ёқдан Искандар келяпти, у ёқда форс Бесс ўзини шоҳ Артахшатра Тўртинчи деб эълон қилиб, бошига олтин тож кийди. Спитаменни яна иккиланиш қийнайди – Искандарми ёки Бесс? Шундай кунларнинг бирида бир сўғд Спитаменга Искандар юборган мактубни олиб келади. Хат, мен форслардан аламимни оляпман, фақат Бессни тутиб жазолашим керак, наҳот, сен ҳам форс тарафида бўлсанг, менга ёрдам бер ва кейин Сўғдиёна сеники бўлиб қолади, деган мазмунда эди. Навтака ҳокимининг оддий бир кўёви, оддий бир Спитаменнинг катта-катта мамлакатларни забт этиб келаётган жаҳонгирдан бундай хат олиши, умуман, хаёлига келмаганди. Бироқ, барибир, эҳтиёткорликни йўқотмайди. Атрофдагиларни маслаҳатга чақиради. Балки оломон бақир-чақир қилиб кўчага чиқмагандан эди, Спитамен Искандар таклифига кўнмаган бўларди ҳам. Оломон молларни талаётган, аёлларию болаларини ўғирлаб кетаётган, ваҳшийликлари ҳаддан ошиб бораётган форслар устидан шикоят қилади. Натижада, бутун Навтака оёққа туриб, аламини олишга киришади. Охир-оқибат мактубда сўралганидай, ғазабланган Спитамен Бессни юоннлар чангалига топширади.

Атрофидагиларидан тузукроқ маслаҳат эшитмагач, Спитамен Сўғдиёнага келиб қолган юоннлар яшайдиган кичик шаҳарчага – дўсти Паллант ёнига келади. Шоиртабиат Паллант Искандар келиши ҳақида Спитамен биринчи марта қандай ўйга борган бўлса, шундай фикр билдиради, бутун вужуди билан хайриҳоҳлигини айтади ва Спитамен билан бирга ширин орзулас қанотида парвоз қилишади. “Сен руҳимни кўтардинг”, дейди Спитамен. Энди Спитамен Искандар тўғрисида аниқ бир тўхтамга келганди. Мароқандда Спитаменни Искандар билан учрашув кутмоқда эди.

“Мароқанд – Сўғдиёнанинг қадимиий пойтахти бўлган. Уни афсонавий Сиёвшуннинг отаси Кайковус подшо қурдирган дейишади...” Деярли, китобнинг ҳар бир саҳифасида бундай тарихий маълумотларга дуч келасиз. Ёзувчи “Сўғдиёна” романида Глутархнинг “Искандар Мақидунли” китобидаги кўлгина қизиқарли маълумотларни келтиради. Шунингдек, Искандар ҳақида сўз кетганда, Клитархнинг солномаларидан парчалар берилади.

Буни қарангки, биз ўқиган тарих китобларининг бирортасида Спитамен билан Искандарнинг учрашгани ҳақида ёзилмаган. “Сўғдиёна”да эса бу икки баҳодирнинг юзма-юз келиш саҳнаси асарнинг энг ҳаяжонли нұқталаридан бирига айланган. Барча жанг жадал тасвирлари бир тараф – Спитамен билан Искандарнинг юзма-юз келиши саҳнаси бир тараф...

Мөхмөнларни кутиб олиш учун Мароқанддан ташқарига, Бухоро йўлига чиқиб турган сон-саноқсиз оломон. Ниҳоят, кутилган лаҳзалар бошланади. Ҳамманинг кўзи фақатгина икки одамда, яъни Искандар ва Спитаменда. “У ҳам, бу ҳам жойидан қимирламади. У ҳам, бу ҳам биринчи бўлиб саломлашишни истамаётганга ўхшарди. Улар от устида индамай ўтиришар, Искандар Спитаменга баджаҳлик билан амирона тикилар, Спитамен эса Искандарга бамайлихотир, лекин бироз масхараомуз қараб турарди... Сукунат тоқат қилиб бўлмас даражада чўзила бошлади. Атрофда турганларнинг юзларидаги табассум сўнди. Майдон узра хавф-хатар кўз илғамас қанотларини ёзди. Буни ҳаммадан бурун Искандар ҳис қилди”. Искандар тўқнаш келган Спитамен эмас эди, йўқ-йўқ. Искандар Шарқ билан юзма-юз келди, ҳа, биринчи марта Шарқ билан! Иирик-иирик империялару қудратли салтанатларни забт этиб келаётган, қаршисида не-не ҳукмдорлар тиз чўккан, этагини ўпган жаҳонгир, бутун дунёни зир титратиб турган жаҳонгир, энди умрида илк бора Шарқ билан, Осиё билан учрашид... Ва қаршисида турган саҳройи бир сўғдинг нигоҳлари унинг бутун вужудини, онгу шуурини ларзага солди. “ – Спитаменни Диогенга ўхшаб кетади деб ишонтирган эди. Аммо униси қадаҳсиз ҳам куни ўтишига амин бўлгач, уни уриб синдириган бўлса, буниси ҳаммадан олдин менинг бошимни пачақлайди...” Ҳа, Спитамен Искандар ўйлаганчалик бефаросат эмас экан. Аксинча, у – Қоплон бўлиб чиқди. Доим устига ташлаб олиб юрадиган қоплон териси унинг чексиз моҳирлигини, зийраклигини, ўз ўрнида айёрлигини ҳам кўрсатиб турарди. Бу Қоплоннинг – “Спитаменнинг қараши македонликка уни – Искандарни ейишни қаеридан бошласам экан, деб шайланиб, юмшоқ жойини синчиклаб кузатаётган ииртқични эслатарди...”

Сабр косаси тўлган, юрагида аллақандай даҳшатли қутқу, ғулғула пайдо бўлган Искандар Спитаменга қарши қатъий уруш эълон қилади. Аммо Искандар битта ножӯя қадам қўйилган лаҳзада, “македон ёки юон пичноғидан ақалли битта сўғд хўроzi ўлган заҳоти” уруш бошланишини, македонияликлар бошига гул ўрнига тошлар ёғилишини жуда яхши тушунади, англайди. Шунинг учун ҳам энди унга биринчи навбатда, шаҳардан четроқда, янги босқинчиликларни амалга ошириш учун хавфсизроқ ва қулай жой керак эди.

Ниқоб йиртилди

Учрашувдан сўнг кўп ўтмай, Искандар Киресхатага йўл олади. Агар жанг бошланса, Яксарт (Сирдарё) ортидаги скифларни сўғд томонга ўтказмаслик керак, бундан ташқари, сўғдларда қурол учун зарур бўлган темир кам, темир кони эса Киресхата яқинида. Бу шаҳарнинг, умуман, ҳар тарафлама қулай худудда жойлашгани юонларга қўл келади.

Ғазаб отига мийган Искандар очиқдан-очиқ босқинчилик йўлига ўтади. Спитаменнинг дўсти Палланти үлдиришади. Мароқандда ҳунармандлардан бок талаб қилишади, эвазига қандайдир бир сопол синиқларини бериб лақиплатишади. Бу ҳам камлик қилгандай, юонлар уларни тутиб калтаклашади.

Искандар кийган ниқоб йиртилади. Спитаменning күзи энди очилади. Күч – бирликда! Күмак бериши мүмкін бүлгап ҳамма күчларни йиғиш керак. Аввалин, ү қайнотаси Оробанинг олдига келади. Лекин Ороба Спитамен ўйлаган одам бўлиб чиқмайди. “Менга деса, Сўғдиёна тепасида тоғлик бир кўзли девлар турмайдими, факат улар менинг ҳ-ҳаётимга ш-шафқат қиласа-ю, мол-мулкимни ярмини ў-ўзимда қ-қолдирса, бас!” Спитамен бундай разилликни ақлига сиғдиролмайди. Эх, Ороба!.. Унга ўхшаганлар кимнинг кўйин тинч, иссиқ бўлса, ўзини ўша ёққа уради. Кечча форсларга сотилганди, бугун юонларга сотилади, эртага яна бошқа бирорга. Ороба Ватан деган тушунчани онгига умуман сиғдиролмайди, ўзига таниш бўлган жойда яшади нима-ю, бегона ерларда яшади нима? Энг асосийси – у тирик, нафас оляпти. Унинг ҳаётида ҳеч қандай мақсад ҳам йўқ, эътиқод ҳам; ёлғиз сиғинадиган нарсаси – пул.

Орадан анча вақт ўтади. Юрт остонасига кириб келган Искандарни халоскор, деб ишонган Спитамен алданганини кечроқ англайди. Искандар оғзида “халоскорлик” деган гулни тишлаб олган – илон бўлиб чиқади. Бу баҳайбат илон билан олишмоқ учун ён-атрофдаги қўшниларига чопар юбориб кўмак ўтинади. Бироқ ҳамма қўшнилар бош тортади. Ўз қайнотаси берган оғир зарбадан кўнгли чўккан Спитамен чопарлар келтирган хабардан баттар ғамандуҳга ботади. Ичкилиқка ружуъ қўяди. Уни бу ғафлат ботқогидан Вараҳран билан Баро кутқаради. Улар Искандар билан курашиб учун халқ бор, дейдилар. Халқ йигилади, денгизга айланади ва уч юз мингга яқин душманни қиличдан ўтказади.

Эътиқоди синмас Спитаменning Мароқанд деворлари яқинидаги жангда юонлар устидан қозонган ғалабаси ишончига-ишонч, кучига-куч қўшади. У бу ғалабадан сўнг Искандар қўшинига яна тўқнаш келади. Бу гал Политимет (Зарафшон) бўйида. Спитамен жангчиларининг сони Искандарнидан бир неча баробар кам бўлгани учун ҳийла ишлатишига мажбур бўлади. Сўғ жангчилари ортга чекинар, пистирма қўяр, яна чиқиб ҳужум қиласар эди. Искандар Спитамен аскарлари тўқайзорда яшириниб турганидан хабар топгач, чакалакзорга ўт қўйиб юборади. Олов ичидан чиқиб келаётган дарғазаб саклар, сўғлар Искандар аскарларига қақшатқич зарба беради. Тасаввур қилиб кўринг-а?! Ҳам даҳшатли, ҳам ҳаяжонли манзара...

Дарвоқе, юонларнинг икки минг аскарини йўқ қилган Спитаменning бу сафар ҳам зафар құчгани Искандарга ҳақоратдай таъсир қилади. Қаҳри қайнаб, қўзларига ҳеч нарса кўринмай қолади.

- “ – Вайрон қилинг!
- Ўт қўйинг!
- Зўрланг!
- Ўлдиринг!”

Искандарнинг буйруғи шундай эди. Спитамен қолган жангчилари билан чекка қишлоқларга қочиб кетади.

Руҳий покланиш ва сўнгги кунлар

Искандар Бақтрияни, Мароқандни, Сўғдиёнани эгаллаб олган. Ҳамма жойда унинг одамлари. Спитаменни эса Вахшунвартага ўхшаган “дўст”лари ҳам ташлаб кетган, бир сиқимгина аскари билан қолган. Нима қилиш мүмкін, ахир? Бу ўйлар Спитамен руҳиятини зевлаб ташлайди. Яна мусаллас ичишиликка берилади. Шунда яна Баро ва Вараҳран уни бу тушкунлик, умидсиз-

лик тузогидан құткаради. Спитаменни Таноаксар исмли, күзлари күр кекса бир донишманд олдига олиб келишади. Икки юз ёшни қоралаган Таноаксар мамлакат буюк фалокатта учраганда ва халқа донишманд кексанинг маслаҳати керак бўлғандагина тилга кирап экан.

Донишманд билан сұхбат Спитаменning шу пайтгача нима учун, ким учун яшаб келганини очиб беради. Донишманднинг саволига жавоб бераркан, Спитамен Мароқандни эслайди. У боши берк күчага кириб қолганда, халқни оёққа турғизганди. Нега? Ўшанда у – куч халқ томонидалигини кўра олган эди. Демак, ақп уни шундай қадам қўйишига унданаган. “Унинг юраги эса халқа эмас, Сиёвуш авлодига ачиган эди”. Ўзини йўқотиб қўйған Спитамен ҳақиқатни тан олади. “Одамнинг ўз манфаати йўлидаги курашда топган шуҳрати эмас, эл манфаати учун курашда топган шуҳрати абадий қолади”; “Сенинг номинг келаҗак авлодлар учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қиласи... Буюк ишлар бир зумда амалга ошиб кетмайди. Ҳужум қил! Кураш! Лозим бўлғандан, ортга чекин. Аммо нима учун курашаётганингни унутма”. Спитамен донишманднинг ушбу айтган сўзларини юрагига умрбод нақш этади. Сұхбатдан сўнг Спитамен тонгга қадар ухлаб қолади, туш кўради. Тонготарда Спитамен бутунлай ўзгариб уйғонади. “Сен, кўзи ожиз одам, менинг кўзимни очдинг. Энди улар абадий юмилгунча курашавераман”, дейди у. Ҳа, Спитамен худди тасаввухдагидай руҳий покла нишдан ўтган эди. Донишманд, найзангни учига боғлаб қўй, деб Широқнинг сочидан бир ўрим инъом этади. Энди сиз Спитамен қиёфасида Тўмарис, Широқ, Жалолиддин руҳиятини ҳис қиласиз.

Покланишдан сўнг Спитаменда қоплондай шижаат пайдо бўлади. У жангчилари билан бирга юоннлар эгаллаган қалъаларни талайди, юон аскарларининг кўпини қиличдан ўтказади. Хуллас, юоннларни ер тишлатишга жидду жаҳд билан аҳд қиласи. Бироқ массагетлар йўлбошчисининг ўғли Дейока, масхарабоз никобидаги македон Тигран бу орзулар осмонида қора булат бўлади. Ҳаммаси Искандарнинг хос навкари – Тиграннинг Спитамен кўшин йиғаётган қишлоққа кириб келишию кулгили гаплари, хатти-ҳаракатлари билан аскарлар мөхрини қозонишидан бошланади. Ҳеч ким унинг айғоқчи эканини, маҳсус топшириқ билан юборилганини хаёлига келтирмайди, шубҳаланмайди ҳам. Бундан фойдаланган Тигран аста-секин ўз мақсадини амалга оширишга киришади. Дейока Тиграннинг режаларини рёёбга чиқарувчи “восита”га айланади. Қармоқ – тайёр бойлик. Яна қанақа бойлик дeng, Спитамен белига қистириб юрадиган халттачадаги қимматбаҳо тошлар!. Шундай қилиб, Дейока Спитамен ишончини шунчалик қозониб оладики, кўшиннинг бир қисмини бошқариш Дейока зиммасига юкланди. Бу Тигранга айнан асқотади. Дейока навбатдаги жанг пайтида қўшиннинг чап қанотини бўш қолдириб, Баро қўл остида жанг қилаётган сўғд ва бақтрийлар юки ортилган араваларни талашга киришиб кетади. Қўшин чекинади, анчагина йўқотишлар бўлади. Жангдан кейинги ҳордик пайтларида Тиграннинг уйдирмалари, ёлғонлари таъсирида аскарлар бирин-кетин тарқаб кета бошлайди. Охири Спитаменning ўзидан бошқа ҳеч ким қолмайди ва у душман ичига бир ўзи кириб боради.

Спитамен ҳамма нарсасидан жудо бўлгач, қалбининг таскини, ҳаётининг умиди чироғи бўлган муҳаббатини излаб, юоннлар чодирига кириб келади. “Заро!” Эркалаб, шивирлаганча Спитамен қизга талпинади. Заро эса... “У эрига қаҳр билан ўқрайди. Агар кўзлар камон ўқидай ярадор қила олганда эди, Спитамен турган жойида ҳалок бўлган бўларди”, дейди ёзувчи. Оний сукутдан сўнг қиз: “ Ўлимингни берсин! деб вишиллайди” ва ғазаб билан чодирдан чиқиб кетади.

ОНО Зиммасига Спитаменни ўлдириш топширилган Тиграннинг Зарога раҳми келади: "У сенинг эринг.. ўзинг ёнига бор, айтгинки, Искандарга ўз ихтиёри билан таслим бўлсин..." Заро ҳодирга кириб, эридан таслим бўлишини сўрайди. Газабдан титраб кетган Спитамен хотинини "Йўқол!" деб ҳайдаб юборади. Шунда ёзувчи: "Бир-бирига мутлақо ўхшамаган икки кишини боғлаб турган, кўзга зўрга ташланадиган нимжон ришта қайта уланмайдиган бўлиб узилиб кетди", дейди. Бироқ ёзувчи ўзи билмай, янгишиади. Спитамен ҳатто сўнгги нафасигача муҳаббатига талпиниб яшайди. Тиграннинг кўлида жон бераётган Спитамен: "Заро!!! деб қичқиради. Сўнг, яна, яна... Қичқириқ учинчи марта ногла гайланади. Ва у жон беради.

Спитамен Зарони излаб келмаган тақдирда ҳам, кузатиб келаётган айғоқилар уни, барибир, ўлдиришарди. У одамларини, халқини хотиржам, эркин кўрмоқ истади, Ватанини озод кўрмоқ истади. Чиндан-да, муқаддас истак, муқаддас фикр. "Спитамен" номи "муқаддас фикр" деган маънони англатишида ҳам рамзий маъно бор.

Ватанга муҳаббат

Тарих. У дарахтга ўхшайди. Дарахт фаслларга ўзининг янги-янги сирларини, гўзаллигини ошкор қилиб боравергани янглиф, тарихнинг ҳам замонга қараб янги-янги ва кутилмаган қирралари юз кўрсатаверади.

Инсон эрки. Дунёда бундан-да томли, бундан-да муқаддас сўз бормикан? Инсон туғилганидан бери эркинликка интилиб яшайди. Бёшикка беланганд болани озгина ечиб қўйине-чи, қандай кувониб яйрайди, нигоҳлари ҳам бирдан ўзгаради, қўлларини ёзив қўкирлай бошлайди. Лекин қайтадан яна беласангиз, қафасга тушган күшдай тўйлганади, қичқиради, йиғлайди – исён қиласади.

Одам ўзи қачон эркин бўлади? Ватан эркин бўлганда, Ватан озод бўлганда. Демак, инсон эркига интилиш – бу Ватаннинг озодлигига интилиш билан баробар. Инсон эрки, юрт озодлиги учун кураш бундан 2,5 минга ўтил муқаддам эмас, балки қадимул айёмда бир қабила иккинчи қабилага ҳужум қилганда, унинг яшаб турган горини эгаллаб олганда бошлангандир. Явдат Иллесов қаламидан тўйкунган фалсафа ана шу буюк интилишини улуғлайди. Ёзувчи бизга Ватанга муҳаббат туйғусини ўргатмайди, балки ўзимизга сезидирмай уни синадиришга, қалбларимизда тарбиялашга ундаиди!



Шеърият

Атрофимиз ~ ложсувағы олам

* * *

Ниманидир доимо кутиб,
Қаергадир доим шошамиз.
Кимни эслаб, кимни унитиб,
Йиллар деган гөвдан ошамиз.

Умр ўтар, шундай сезилмай:
Гоҳо Шарққа, гоҳ Farбга чотиб.
Йўқотгани бир тиёла май
Тубидан гоҳ оламиз тониб.

Жўфтимизга бокамиз комрон,
Атроф баҳор, иқбол ёр бизга.
Ва тун бўйи юлдузли осмон
Кўниб яшар тўшагимизга.

Сўнг кўрпани тортқилару тонг,
Үйготади ялангоч ҳаёт:
Яна чорлар бизни бефарқ тонг –
Турмуши деган қадим сирсирот.

* * *

Менсиз бўшаб қолмайди, шаксиз,
Мен билан тўлмаган бу олам.
Лекин мен одамман, мен одам,
Мен яшай олмайман эртаксиз.

Эртакнамо хаёлларимда
Бошимга қўндириб Ҳумони –
Билсан ҳам – ҳаммаси яримта,
Бут қилиб юраман дунёни.

Ёш булбулдек ҳис этиб ўзни,
Тунларни қўшиққа кўмаман.
Гоҳида юмганча мен кўзни,
Ботинда ёғдуга чўмаман.



Абдулла ШЕР

1943 йилда туғилган.
Тошкент Давлат
университетининг
журналистика
факультетида таҳсил
олган.

Ижодкорнинг
бираинчи "Кўклам
табассуми"дан
бошлиб, "Гул йиллар,
булбул йиллар" гача
үн бешга яқин
шеърий тўпламлари,
“Асрларнинг
асраганлари” номли
насрий китоби ҳамда
“Ахлоқшунослик”,
“Эстетика” қўлланма
ва дарсликлари нашр
этилган.

Менсиз бұшаб қолмайди, шаксиз,
Мен билан тұлмаган бу олам.
Лекин мен одамман, мен одам,
Мен яшай олмайман әртаксиз.

* * *

Иккى қайиқ чайқалар тинмай,
Атрофимиз – ложувард олам.
Умримизни, сира ачинмай,
Дарё билан күрамиз баҳам.

Дарё гүзал, дарё мовийдир,
Ранг бағишилар умидимизга.
Қадым ўзан кекса ровийдир –
Ривоятлар сүйлайди бизга.

Лекин мавжелар ўжардан-ўжар,
Бүй бермайды бизларга, асло.
Иккى сужуд бұлиб чайқалар
Омонат баҳт қайиқлар аро.

Чайқалади бир ширин гусса,
Чайқалади ҳатто титроқлар.
Ёрти қолар лабларда бұса,
Олиб кетар бизни қыргоқлар.

Дарё гүё қисматдаги ійлі,
Бизни бошлар энді ийроқта.
У ерларда энді ҳиқярон мұл,
Биз яшаймиз түйіб фироққа.

Энди сира учрашимаймиз, биз,
Иккى қыргоқ ришишани узар.
Ва чайқалған қайиқларимиз
Энди фақат туашларда сузар.

* * *

Мен күптарга ачиндим,
Менга ачинган борми?
Мен сүз бұлиб сочилдим,
Мендең сочилған борми?

Саволларим күпdir, мен,
Кимга берай уларни?
Балқы ўзим чүпdirман –
Шарафлайман гулларни.

* * *

*Синфдоши дўстим Мухтор
Кўчкоров хотирасига*

Марҳумликка ўрганолмасдан
Тушларимга кирасан, дўстим.
Ўйчангина, шовқин солмасдан
Бирга-бирга юрасан, дўстим.

Бақатерак остида гоҳо¹
Майсазорда ётиб чалқанча,
Ўй сурамиз: иккимиз даҳо,
Биз яшаймиз довруқ солганча.

Очилади икки юракнинг
Ҳеч ким билмас сирлар дафтари.
Кўллаб бизни бақатеракнинг
Қарсак чалар кумуши кафтлари.

Гоҳ ётамиз – дурдек тиши билан
Чирт-чирт узиб ўт поясини.
Гоҳ тинглаймиз қизиқиши билан
Шамолларнинг ҳикоясини.

Гоҳ ойдинда суҳбат қурамиз,
Сувга қараб қулоқбошида.
Гоҳ ўлтириб хаёл сурамиз
Тегирмоннинг эски тошида.

Аганаимиз курашиб гоҳо
Майсаларнинг ҳидига тўйиб.
Яқинлашиб келади, аммо,
Йилдан-йилга ўлим от қўйиб.

Мингаштирап у сени ногоҳ,
Кувончимни олиб кетасан.
Үйгонаман ҳар гал тортиб оҳ;
Сен тушимда қолиб кетасан.

Кўшини қиз ҳакида баллада

Кели туяр қўшини қиз
Ҳоблига бериб чирой.
Юрагимда тошган ҳис
Тилимга чиқар: “Вої, вої!”

Нозик белгә ярашиб,
Күш ўрими чүлганаар.
Нимчадан жой талашиб,
Икки күкрак түлганаар.

Кошига берар гурур
Тонгда күйганаар ўсмаси:
(Эх, келисон қурмагур
Мунча күзни түсмаса?)

Нураган пахса девор
Үртамиизда пардадир.
Хар бир зарбда маъно бор,
Эҳтимол, бу зардадир.

Бўса билмаган дудоқ
Хар зарбда ним очилар.
Сўрашига қўймас титроқ:
“Қачон борсин сочилилар?” –

Нима қиласай, тортинчоқ
Хаёлнараст боламан.
Қандай бўлмасин, бироқ,
Шу қизни мен оламан!..

Лекин бир кун у ногоҳ,
Қанот қоқди қуши бўлиб.
Энди келади гоҳ-гоҳ
Тунда ширин туши бўлиб.

Энди ўша гулдек вақт
Хаёлимни тарқ этмас:
Қочиб кетди мендан баҳт,
Тутай десам, кўл етмас!..

Дераза

Шаҳримдаги бир деразада
То тонггача ўчмайди чироқ.
Унда нотинч ўйлардан зада
Үйқу билмас тўлмаган қучоқ.

То тонггача кўзимни, ҳайҳот,
Қамаштирап ўша дераза.
Ўз кўчамда ўзимни бот-бот
Адаштирап ўша дераза.

Пардасига унинг осилиб
Яшайман дер бу ўжар хаёл...
Қылма мени, қылма бенасиб,
Бир дөраза нур бўлган аёл!

Совқотган одам ҳақида баллада

Ташқарида қиши кезар магур,
Изгиринда кукунланар қор.
Деразадан тушиб турган нур
Бамисоли бир қучоқ баҳор.

Йўл четидан совқотган одам
Тикилади келиб ҳаваси:
Ичкарида иссиқ, ёши олам –
Эр-хотиннинг баҳти давраси.

Тикилару бир муддат сўнгра,
Бирдан тиз чўкарди у қорга.
Ва боладек ўкиниб, хўнграб
Кўз ёшини тўқарди қорга.

Дераза-чи, сочганича нур
Кўз-кўз қилар оила тафтин.
Ёлиз одам эса беҳузур
Юзга босар иккала кафтин.

Сўнг, довдираф кетар у беҳол
Дала бўйлаб, унугтиб йўлни.
Тортқиласиди бешафқат шамол
Хўл юзларни беркитган қўлни.

Тўртлик

Гул бўлиб силкинар, миллар бу кечада,
Гапирмас лаблару тиллар бу кечада.
Энг ширин сўзларни айтадар шу сабаб,
Бармоқлар тилида қўллар бу кечада.

Наср



**Ҳамрохон
МУСУРМОНОВА**

1971 йилда туғилған. 1994 йил Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини туғатған. “Ҳақса етказ” номли шеърлар, “Арбагшининг лолалари” номли ҳикоялар түпнамалари нашр этилган. “Оила ва жасамят” газетасининг бош мұхаррир үрінбосары вазифасында ишлайды.

СИРЛАР САЛТАНАТИГА САЁХАТ

(Хаёлий саргүзашт қиссадан боблар)

УЧ ЎРТОҚ АФСОНАСИ

MNSS (Маълум ва номаълум сирлар салтанати) да яшаётганимизга ҳам икки ҳафтадан ошди. Бу ернинг ўзига хос хусусиятларига кўнишиб боряпмиз. Ҳар куни олти соат ўқув-машгулот хонасида донишмандлардан сабоқ оламиз. Билиб турибман, дўстим, афтиңгиз буришиб: “Эзилиб ўлаётган экансизлар-да, а?” деб ўйладингиз. Жуда унчаликмас... Бу ерга келганимиздан сираям хафамасмиз. Мақтаняпти, деманг-у, MNSSда ташкил этилган, оламлараро машҳур ўқув даргоҳи – Олий Табиат Академиясида таҳсил олаётганимиздан фахрланаман. Қадрдоним, яна нотўғри ўйлаяпсиз, сизни алдаётганим йўқ. Айни ҳақиқатни гапирияпман. “Ие, хаёлимдан ўтаётгандарни қандай илғаб оляпти?” деган хаёлга бордингиз, тўғрими? Ахир

ҚИССА ҲАҚИДА СҮЗ

Ҳамрохон Мусурмоновани қатор ҳикоялари орқали жуда яхши биламиз. Иктидорли қаламкаш. Қўлимизда унинг “Сирлар салтанатига саёҳат” деб номланган янги қиссаси. Бу асар ўсмирилар учун мўлжаллаб ёзилган. Шодивой, Рустам, Сарвар – уч ўртоқ табиатдаги экологик бузилишларга қарши курашга бел боғлашади. Бунинг учун кўпроқ билим олишига интилишади. Дам олиши кунларининг биринча улар гаройиботга дуч келишиади. Аллақандай кучлар, мўъжисалар ёрдамида ўзга бир хаёлий мамлакатга бориб қолишиади. Ва шу ерда уларнинг гаройибдан гаройиб, қизиқарли, таъсирчан саёҳати бошлиланади. Куюн уларни олиб бориб ташлаган жой – Олий

бизга бу ерда телепатиядан сабоқ беришади. Түғри, аълочи талабаларданман, деб мақтанолмайман, аммо гоҳида суҳбатдошимнинг айрим фикрларини уқиб оляпман. MNSSдаги ўқитиш услуги бизнинг мактабдагидан бутунлай фарқ қиласди. Биз оз муддатда кўплаб тилларни ўрганиб олдик. Энг қизиги, кўпинча бизга ўз тилимизда мурожаат этишади. Донишмандлар устози “оламлараро мутаносибликка ҳисса қўшган кўплаб буюк алломаларнинг тили бу”, дея ўзбек тилимизни қадрлайди. Шунаقا пайтда юрагим ғурурдан тўлиб тошади. Бу ерда ўқув-машгулот хонаси ҳам бошқача. Синфхонамиздагига ўхшаш парталар, стол-стуллар йўқ. “Худди фантастик кинолардагидек бўлса керакда”, дейсизми? Янгишдингиз, дўстим. Ундаи эмас. Ярим айланана шаклида юшоқ ўриндиклар қўйилган. Хонанинг шифтига шаффоғ ойна ўрнатилган. Деворлари эса ўнқир-чўнқир шаклда бўлиб, у ерда жуда антиқа гуллар, майсалар ўсиб ётибди. Ичкарига киришингиз билан димогингизга ёқимли ифор урилади. Умуман олганда, бу салтанатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири атрофдан антиқа гулларнинг ҳиди тарашиб туришида экан. Машгулот хонасининг бир тарафи оддий девордек кўринса-да, аслида, бу ерда катта экран мавжуд. MNSS донишмандлари экранни фикр орқали бошқаришади. Энг қизиги, биз бу ерда ёзиб-чишиб ўтирумаймиз. Ҳамма билимлар оғзаки ўқитилади. Диққатингизни жамлаб уларни хотирангизда сақлаб қолмасангиз, кейинги дарсни асло ўзлаштиромайсиз. Шу боис мустақил машгулотларимиз асосан мияни чархлаш, хотирани мустаҳкамлашга қаратилган.

Яна бир гапни айтсан, ҳайрон қоласиз, бизни кутиб олган Гунафша до-нишмандликка ётишмаган бўлса-да, устозлик мақомини олган бўлиб, биздан ўйгирма ўш катта экан. Аммо кўринишидан ўн беш ёшли қиз деб ўйлайсиз.

Бир куни ўзимиз билмаган ҳолда унинг жаҳлини чиқариб қўйдик. Гунафша табиат сирларини яхшироқ англашимиз учун – физика, кимё, биология, география фанларидан бошлангич таълим олишимиз кераклигини айтганида бу гап Рустам билан Сарварга ёқмади.

– Мактабдаги оддий фанларни ўргансак, телепортацияни қаҷон ўзлаштирамиз? – деди Рустам бесабрлик билан афтини буришириб.

– Телекинетиканичи?.. – бетоқатланиб савол берди Сарвар.

– Қадрдонларим, агар табиат қонунларини пухта билмас экансиз, телепортацияни ҳам, телекинетика, телепатия, умуман олганда, табиий сирларнинг

Табиат Академияси, деб аталади. Бу ерда деярли барча уч ўртоқин танишади. Чунки болаларни ўйлантираётган, изтиробга солаётган муаммолар уларга ҳам бегона эмас. Шодивой, Рустам ва Сарвар Академияга ўқишга қабул қилинади. Шу ерда улар оламлараро мумомала муносабатини ўрганишади. Кора Қуюн каби салбий персонажлар билан курашишади. Муаллиф асарда, асосан, экологик муаммоларга, уларнинг келиб чиқши сабаблари ва уларни бартараф этишининг назарий тўл-йўриклиарига кенг тўхталади. “Сирлар салтанатига саёҳат”нинг матни раён, тили ширадор. Қийнагмай, мириқиб ўқши мумкин. Ҳамрохон бу асарида болалар дунёсининг, уларнинг қизиқиши ва интишиларини теран англашини курсата олган. Гарчанд тасвирланаётган воқеалар хаёлий асосларга қурилган бўлса-да, биз уларга ишонамиз, қаҳрамонлар билан ҳамдард-ҳамнафас бўламиз, ифода этилаётган жараёнда ҳаяжонланамиз. Ўсмирларга хос севғи кечинмалари ҳам анча жонли, нозик ифодаланган.

Луқмон Бўрихон, ёзувчи.

бирортасини ҳам ўзлаштиrolмайсиз. Шундай экан, ёш болага ўхшаб хархаша қилаверманглар, – деди Гунафша бизга норози қиёфада кўз ташлаб.

– Унақаси кетмайди, демак, бизни лақиллатаётган экансизлар-да, асли мақсадингиз нима ўзи? Ота-онамизнинг олдидан ўғирлаб келдингиз, индамадик, энди ёш болани алдагандек муомала қиласизми? Анави фанларни мактабда ҳам биноидек ўрганаётувдик. Масалан, физикадан Лобар опа жуда яхши тушунтириб беради, – деда тумтайиб олди Рустам.

Гунафшанинг кўзида ғалати чўғ милтиллагандек бўлди. У бир муддат экрандан кўз узмай турди-да, кейин қошини чимириб, ўриндиқларга кўз ташлади. Шу пайт десангиз, хонадаги ўриндиқлар ўз-ўзидан ҳаракатга тушиб кетса бўладими. Аввалига аста-секин, кейин шиддат билан ўрин алмаштираётган ўриндиқларни кўриб анқайиб қолди.

– Нима бўляпти? – деди Сарвар мени туртиби.

“Билмайман”, деб елка қисдим.

Рустам эса кўзини ола-кула қилиб, ер остидан менга қараб шивирлади:

– Бунақа пайтда калима қайтариш керакмиди, оғайнин?

– Менимча, ҳамма гап бу ёқда, – деди Гунафшага ишора қилдим мен.

– Унга нима бўлган? – деди Рустам.

Гунафшанинг юзи жиддийлашган, кўзидаги кулги қаёққадир ғойиб бўлганди. У товушини кўтармай, қатъий оҳангда шундай деди:

– Асабийлашяпман. Савол беравериб миямнинг қатигини чиқаришингизни аввалдан билгандим. Аммо, барибир, сизларни машгулотларга тайёрлашни ўз зиммамга олдим. Бу йил номзодларимиз кўп эди-я, аммо Донишмандлар устози айнан сизларни танлади. Нега? Нега ахир?! Сизлар эплашингиз мумкин бўлган нарсани бошқалар ҳам биноидек уddaларди-ку!

Гунафша гапиракан, ўриндиқлар янам тезроқ ҳаракатлана бошлади. Хонада қаттиқ шамол тургандек эди гўё. Девордаги гулларнинг япроқлари ҳам ваҳимали тебрана, юрагимизни кўркўв қоплаганди. Нимадир қилиш керак. Аммо нима қилишни билмасдик. Ундан узр сўрасак-чи? Уриниб кўриш керак деган ўйда: “Бизни кечиринг, Гунафша. Илтимос...” деб унга хаёлан мурожаат этдим.

Биласизми, шу пайт қандай ҳодиса рўй берди? Ўриндиқлар ҳаракатлана нишдан тўхтади. Гунафшанинг юзида яна аввалигидек хотиржамлик ва мулоийим табассум пайдо бўлди. Менга мамнун қиёфада қараб қўйди.

– Бугун сизларга телепатия, яъни бошқалар билан фикран суҳбатлашиш маданиятининг бошлангич сабоқлари берилади. Марҳамат қилиб манави хонага киринглар, – деб бизни қўшни хонага етаклади у.

Фикримни англагани учунми ёки бошқа бир сабаб бўлдими, ишқилиб, кўнглимда Гунафшага нисбатан яқинликни ҳис этиб, унинг ортидан юрдим. Ҳалидан бери оғзи очилиб турган Сарвар билан Рустам ҳам бизга эргашди.

Ичкарида тўртта йигит ва икки қиз ўтиришарди. Гунафша уларга юзланиб бизни танишитирди:

– Марҳамат, танишинглар. Булар уч ўртоқ – Рустам, Сарвар ҳамда Шодимирзо.

Малла сочини силлиқ қилиб тараган қиз бизга қизиқсиниб қараб олгач, кўзларини пирпиратиб:

– Уч ўртоқ афсонаси шулар ҳақида айтилганми? – деб сўради.

Лаби дўрдоқ қора танли йигит Гунафшага юзланди:

– Уч ўртоқ афсонаси? Нега биз бу ҳақда эшитмаганмиз?

Гунафша уларнинг саволига жавоб бермай:

- Йигитлар, қани, дүстларингиз билан саломлашинг, – деди. Үтирганлар ўрнидан туришди.
- Салом, менинг исмим Дэвид, – деди ҳалиги қора танли йигит.
- Мен Алисаман, – жилмайди малла сочли қиз.
- Тумораман, – деди қизлардан яна бири.
- Навбати билан Жонатан, Глеб ҳамда Альберт билан ҳам танишиб олганимиздан сүнг Гунафша бизни ўтиришга таклиф этди.
- Азизларим, барчангиз бу йил MNSSнинг Олий Табиат Академиясига қабул қилиндингиз. Сизлар билан қиласидаган ишларимиз кўп. Машғулотларга жиҳдий ёндашинг. Умид қиласманки, ишончимизни оқлайсизлар.
- Уч ўртоқ афсонаси ҳақида бизга ҳам айтиб берсангиз, – деб илтимос қилди Дэвид.

Гунафша ўйчан бир қиёфада гап бошлади:

– Аслида, бу афсонадан кўра кўпроқ башоратга ўхшайди. Кекса донишмандларимизнинг айтишларича, ер куррасида тараққиёт юксалгани сайин одамлар кам ҳаракатланиш йўлларини қидира бошлашади. Натижада табиийликка путур етади. Одамлар эса сунъийликка ружу қўядилар. Сунъий ашёлар туфайли Ер курраси улкан чиқиндилар майдонига айланади ва оламлараро табиий мутаносиблик бузилади. Муаммо ва зиддиятлар юзага келади. Ўша вақтда Донишмандлар Кенгаши Сирлар салтанатининг доимий анъаналари-га зид ҳолда ер куррасининг битта шахрида вояга етган учта ўртоқни бу ерга ўқишига таклиф этадилар. Улар Олий Табиат Академиясида бирга таҳсил олган сафдошлари билан ҳамкорликда оламлар ўтасидаги зиддиятларнинг олдини олишда жонбозлик кўрсатишади. Ҳозир Ер курраси чидаб бўлмас даражада чиқиндилар майдонига айланаб бормоқда, бу оламлардаги мутаносибликка салбий таъсир этяпти. Зудлик билан бу ноҳушликнинг олдини олишимиз керак. Акс ҳолда, табиат аянчли инқирозга юз буради. Донишмандлар кенгаши мана шу уч ўртоққа умид кўзини тиккан, – Гунафша чуқур тин олиб, бизга бир муддат тикилиб турди-да: – Шунақа гаплар, қадрдонларим, сизларга ишоняпмиз, – деди.

Тўғрисини айтсам, бу гапларни эшитиб, юрагим шиф этиб кетди. Нега, дейсизми? Ахир сизга ҳам бирор тўсатдан: “Оламлараро зиддиятларни бартараф этишингга тўғри келади, оғайни”, десин-чи, қандай ахволга тушаркан-сиз? Очигини айтсам, уйда акам билан бўладиган низоларимизни эплаб бир ёқли қилолмайман-у, оламлараро зиддиятларга йўл бўлсин, нима дедингиз, дўстим. Агар бу ҳақда ойим эшитиб қолса борми, вахимадан қон босими ошиб кетиши турган гап.

Гунафша бизни хонада қолдириб чиқиб кетгач, юзлари кулчадек юмалоқ, кўзлари тим қора, кўнғирранг сочини икки тарафга силлиқ қилиб тараган қиз кириб келди. Унинг исми Субҳидам экан. У бизга телепатиядан сабоқ бераркан.

– Мана шунга тикилиб, фикрингизни жамлашни ўрганинг, – деб қўлимизга бир донадан япроқ тутқазди у. – Унинг битта нуқтасидан кўзингизни узманг, бошка ҳар қандай ўй-фикрларни миянгиздан кувиб чиқаринг. Агар уddeлай олмасангиз, соатлаб япроққа тикилиб ўтирасиз.

Бошқаларни билмадим-у, аммо мен ўша куни фикримни жамлайолмасам керак деб ўйлагандим. Хаёлимдан уч ўртоқ афсонаси кетмасди. Устига-устак, уйда, мактабда ўрнимни эгаллаб олган аваби нусха – виртуал бойваччанинг нима ишлар қилаётганини билгим келарди. Охири шу истак устун келди. Фикримни жамлаб, хаёлан уйимга бордим. Виртуал бойвачча йўқ эди.

Уни қидириб, мактабға жүнадим. Бир маҳал қарасам, вой тавба, у қызларнинг ўртасида гап сотиб ўтирибди. Ҳамма унга маҳлиё! Оббо, виртуалбой-ей, буни қандай уддалади экан-а? Ҳатто Дилнозаям унга термилиб қолибди. Негадир ич-ичимдан ғазабим тошиб кетди. “Хозир шарманданғы чиқараман, қани, бир айланып қўйсинглар-чи”, дедим-у, бутун кучимни кўзимга жамлаб, виртуал бойваччага таъсир ўтказа бошладим. Ана, у айланяпти, қизлар ҳайрон, “қани, яна-ям тезроқ айланиснлар-чи, қани... қани...”

Шу пайт:

– Жуда соз, бугунга етарли, – деган овоз фикримни түзгитиб юборди.

Хушимни йиғиб қарасам, аллақачон қўлимидан чиқиб кетган япроқ ҳавода муаллақ турганича чирпирак бўлиб айланаётган, гуруҳимиздагилар менга қараб анқайиб қолишганди.

Япроқ ерга туша бошлади. Шунда унга фикран буйруқ бериб, ҳавода муаллақ тутиб қолдим ва бирдан мактабдаги шумликларим эсимга тушиб дэнг, бир шўхлик қилгим келди. Япроқни устоз Субҳидам тарафга йўналтиридим. Япроқ бир текисда ҳаракатланиб устознинг олдига бориб тўхтади. “Марҳамат, – деб ўйладим, – гулдаста ўрнида қабул этинг”. Шундай дедиму, ўлай агар, чўчиб кетдим. Ахир бу сиз билан биз билган оддий мактаб эмас-да, дўстим. У ерда устозга ичингизда истаган гапингизни айтишингиз мумкин, фақат уни ташингизга чиқармай бош эгиб, “мўминтой” бўлиб турсангиз бўлди. Бу ерни эса Олий Табиат Академияси деб қўйишибди. Устозлар хаёлингиздан милт этиб ўтган фикрни ҳам илғаб олишади. Сизга аввал айтмаган бўлсан-да, мен мактабда устозларга хаёлан мурожаат этиш бўйича мутахассис бўлиб кетган-дим. Эҳҳе, информатика устозимиз Шухрат акани нималар деб ташламасдим ичимда, Карим акани-чи... Хуллас, менга паст баҳо қўйғанларнинг бирортаси хаёлий “зарбаларимдан” бебаҳра қолишмасди.

Япроқ Субҳидам устознинг рўпарасида муаллақ турибди. Устоз эса хаёлимдан нима ўтганини билади. Аччиқланса борми, ўйлаб ўтирамай, мени MNSSдан бадарға қилишлари мумкин. Мен эса буни асло истамайман. Сирлар салтанатининг маҳфий жосуси бўлиш кимга ҳам ёқмайди дейсиз?

Кўрқанимдан ичимда титроқ туроётган пайт Субҳидам майнин жилмайди. Гарчи, унинг оғзи қимирламаган бўлсаям, “раҳмат” деганини англадим. Ўлай агар, устоз менга хаёлан раҳмат айтди ва қўлини оҳиста юқорига кўтариб, япроқни кафтига қўндириди.

– Донишмандлар кенгаши сизларни бу ёққа чақиришга қарор қилганда, тўғрисини айтсан, кўпчилигимиз норози бўлгандик, аммо бугун Шодимирзо унинг янглишмаганини исботлади, – деди Субҳидам бизга юзланиб. Сунг менга яқин келиб, кўзларимга тикилиб: “Қадрдоним, энди сенга телепатиянинг бошлангич сабоқлари шартмас, марҳамат қилиб онгни бошқариш машғулотига қатнашсанг бўлади”, деди хаёлан. “Ўртоқларим-чи?” – дедим мен. Субҳидам кўзини пирпиратиб, бош чайқади: “Улар ҳали тайёрмас.”

– Үнда мен ҳам бошқа машғулотларга қатнашмайман, – деб юбордим овоз чиқарип.

Болалар биз томонга ўгирилишиб, менга ажабланиб қарашди.

– Бўймаса, улар билан тажрибангни ўртоқлаш, агар эртагача бирор на-тижага эришопсанг, балки онгни бошқариш машғулотига улар ҳам сен билан биргаликда боришар, – жилмайди Субҳидам.

Хуллас, ўша куни алламаҳалгача Сарвар билан Рустамга фикрни жамлашни ўргатдим. Охири улар ҳам буни уддалашди.

БИҢДЕМЕҢ ОДЫС ПОНЧА СЕВИШГАНЛАРГА ХАЛАЛ БЕРМАНГ

Бир пайт Рустам ерга тикилиб, ўтириб қолди.

Эй, томинг кетганим, ахир айтганларимни қылсанг-чи, – дедим жаҳлим чиқиб.

Аммо у жимгина ерга қараб ўтираверди. Ҳафсалам пир бўлиб, қўл силтадим. Шу пайт кутилмаган воқеа содир бўлди. Хона бурчидаги пулт ўз-ўзидан юқорига кўтарилиб, девордаги экранга тўғриланди ва экран ишга тушди. Мен бу ишни Сарвар қиласяпти, деб ўйладим.

Экранда Рустамнинг у ёқдаги ксеронусхаси, яъни виртуал бойвачаси намоён бўлди. Унга қараб туриб, кулгидан аранг ўзимни босиб олдим. Нега десангиз, рингда бокс мусобақаси бўлаётган, Рустамнинг ксеронусхасини эса пастаккина йигитча боплаб дўппослаёттанди. Мен ҳамон ерга тикилиб ўтирган Рустамга зимдан назар ташладим. Унинг қўллари мушт бўлиб туғилди, юзи қизариб, бўйин томирлари бўртиб чиқди. Шунда экрандаги виртуал нусханинг кўзида ўт чақнаб, рақибини аямай дўппослай кетса бўладими. Тўғридан ва ёнбошдан берилган зарбалардан кейин рақиби шўрлик ўзини ўнглолмай қолди. Виртуал нусханинг охирги зарбаси уни ерга кулатди. Рустам эса ҳамон қизариб-бўзариб хаёлан жангни бошқараётган эди. Мундок қарасам, унинг нусхаси рақибнинг устига бостириб боряпти. “Бас қил, – дедим Рустамга хаёлан мурожаат этиб, – ксерокопиянг билан биргалашиб бечорани ўлдириб кўясналар ҳозир. Шундогам ғалаба сизларники”. Шу маҳал анави йигит базур ўрнидан туриб яна жангга ҳозирлана бошлади. Рустам ҳалиям аламидан чиқмаган экан, ксеронусхасининг кўли билан рақибининг тумшуғига яна битта мушт йўллади, йигит нокдаун ҳолига тушди. Шундан кейингина дўстим енгил нафас олиб, ксеронусхаси билан хаёлий алоқани узди.

– Зўрсан-у, оғайни, – дедим унинг елкасига қўл ташлаб.
 – Ҳа, энди бошқача бўлолмасам нима қилай? – деб жилмайди Рустам.
 – Ўзиям даҳшат жанг бўлдими?
 – Бу бола ҳар доим мендан калтак еб юрарди. Яхшиям, ксерокопиямни вақтида йўқлабман. Бўлмаса, шунча йил қийналиб топган обрўйимни бир ти-йин қилиб юборар экан.

Сарвар ҳалиям кўзини юмганча, сузилиб жилмайиб ўтиради. Унинг ўйларини ҳам билгим келди. Рустамга кўз қисиб, Сарварнинг хаёлига уланмоқчи эканимни ишора қилдим-да, аста кўзимни юмиб, унинг ёнига ўтиридим-у, бирдан ярқ этиб кўзимни очдим. Шу десангиз, Сарвар MNSSнинг энг гўзал хиёбонларидан бирида Алисага ошиқона термилиб ўтиради. Ҳа, ишонаверинг, дўстим, бизнинг Сарвар севиб қолганга ўхшайди. Сарвар Алисанинг қулоғига роса лағмон иляпти. “Эй, сultonлар сultonни, у ёқдаям бир эмас, тўртта севгилингиз борлиги эсингиздан чиқмасин”, деб шивирладим Сарварнинг қулоғига. У менга эътибор бермай, Алисага тикилиб ўтираверди. Бирор йўлини топиб, Сарварни Алисадан узоқлаштиришим керак эди. Дўстим хаёл сурibi ўтираверса, фикрни жамлаш машғулоти нима бўлади? Мана шу бемаъни ўйларни деб донишмандлар бизни бу ердан қувиб юборишса, ваъда қилинаётган шон-шухратдан мосуво бўламиزمи? Бу ёқда биз ҳақимизда “Уч ўртоқ афсонаси”ни тўкиб қўйишган бўлишса.

Шундай ўйлар билан хиёбонда хаёлан айланиб юриб Туморага дуч келдим. У тепаликдаги майсазорда булоққа термилиб ўтиради. Қарашлари ғамгин. “Унга нима бўлдийкан?” дея хаёлига уландим. Оғир бетоб бўлиб қолган

онаси ҳақида ўйлаб ўтирган экан. “Манави дарё уйимиз ёнига оқиб келгунча иккита шаҳарни кесиб ўтади. Одамлар эса ҳамма чиқиндиларини шу дарёга ташлайдилар. Энди унинг суви ҳаёт манбаи эмас, хасталик тарқатувчи бактериялар йигиндисига айланиб бўлган. Ҳамқишлоқларимнинг ўн фоизи ҳар иили юқумли касалликлардан вафот этишади. Ёш болаларнинг кўпчилиги яримжон”. Тумора оғир хўрсинди. “Наҳотки сизларда ичимлик суви бўлмаса?” деб сўрадим. “Йўқ... – қизнинг кўзида ёш айланди. – Шу сабаб болалигимдан табиатни асрарни орзу қилганман, табиатни асрорчи фариштага айланиб қолсайдим, деган истак билан яшардим. MNSSнинг маҳфий жосуси бўлиб олсан, сувга чиқинди ташлаётган шаҳарликларнинг, дарёларни заҳарлаётган завод эгаларининг шунақа таъзирини бераманки...” Туморанинг кўзларида ўт чақнагандек бўлди. Аммо шу пайт хаёлий сухбатимиз бўлинди. Мени Гунафша чақираётганди.

Кўзимни очганимда, Сарвар ҳамон ёқимли хаёллар гирдобида ўтиради. Уни бир тутиб ўзига келтириб кўйишим мумкин эди-ю, аммо Гунафша бунга йўл қўймади. “Уни ўз ҳолига кўй”, дегандек ишора қилди-да, Рустам иккимизни ташқарига имлаб чақирди. Биз унинг ортидан эргашиб, узун йўлакка ўрнатилган лифтга чиқдик ва жуда узоқ йўл юрдик. Қаёққа, қайси йўл билан кетаётганимизни илғаб бўлмасди. Гоҳ юқорига чиқар, гоҳ пастга тушар, кейин эса тўғрига қараб борардик. Худди катта бир дараҳтнинг томирлари ичиди айланиб юрганга ўхшардик. Келганимизга бир ойдан ошган бўлса-да, биз қайси хонага ёки қайси бинога қандай йўл билан бораётганимизни билмасдик. Чунки хоналар ва биноларни фақат лифтларгина ўзаро боғлаб турарди.

Ниҳоят, эшик очилиб, олдимизда кенг, ёруғ зал пайдо бўлди. Бу ердаги турли ҳажмдаги экранлар эътиборимни тортиди. Залнинг тўрида баланд қилиб ўрнатилган ўриндиқда кўринишидан ёш эканини ҳам, кексалигини ҳам билиб бўлмайдиган бир киши ўтиради.

– Муҳтарам Донишмандлар устози, мана, икки дўст ҳузурингизда, – деди Гунафша бизга ишора қилиб.

– Учинчиси нега келмади?

– Биласизми, у... – Гунафша хижолат бўлгандек ерга тикилди. – Яхшиси, муҳаббат боғига бир назар ташланг, устоз.

Донишмандлар устози бир нафас кўзини юмди-ю, кейин сирли жилмайди.

– Майли, ҳалақит берманглар, бу ёшдаги муҳаббат тоза, табиий хиссиятлардан туғилади. – Сўнг бизга юзланиб, ёнига ишора қилди: – Қани, сизлар яқинроқ келинглар-чи.

Тўғрисини айтсам, анқайиб қолдим. Бунақасини кутмагандим. Агар бизнинг мактабда бирор йигит билан қиз холироқ жойда гаплашиб қолса, ўқувчиликларнинг ҳаммаси, мени кечирасиз-у, ҳатто мактаб директори ҳам нима гап эканига қизиқиб, бирор тирқишдан мўралайди. Уларнинг орасида муҳаббат изҳори содир бўлса борми, ўша куни нафақат ўша икки ўқувчи, балки уларнинг синфдошлари, ота-онаси ҳам оёққа турғазилади, тўғрими? Бу ерда эса “ҳалақит берманглар” эмиш.

Шундай ўйлар куршовида Донишмандлар устозига яқинлашдим. Унинг рўјарасидаги экранларда жуда ғалати тасвирлар бор эди. Биринчи экраннинг тепасига “Тошлар салтанати”, иккинчисига “Шамоллар салтанати”, учинчисига “Оловлар уммони” деб ёзиб кўйилганини илғадим-у, “Донишмандлар устозининг хонаси M NSSнинг ҳақиқий сирлари сақланадиган жой бўлса керак”, деган хулосага келдим.

БУ ШУНЧАКИ ЎЙИН ЭМАС ЭКАН

Донишмандлар устози Рустам иккимизнинг бўй-бастимизга бир қур кўз ташлаб олгач, аста гап бошлади:

— Сизлардан умидимиз катта. Бу ерда нима мақсадда таълим олаётганингизни яхши биласиз. Ҳар бир машгулотга жиддий ёндашишингизни истайман. MNSS оламлараро табиийликни асрарга хизмат қиласди. Агар табиий мутаносиблика путур етса, нафақат ер курраси ёки күёш тизими, балки бошқа галактикалар ва атрофимиизда мавжуд бўлган, аммо сизу бизнинг кўзимизга кўринмайдиган оламларнинг ҳаммаси катта талофат кўради.

— Бу масалада сизларга қандай ёрдам бероламиз? — деб юбордим сабрим чидамай. Чунки бир ойдан бери фақат шу саволга жавоб излаётгандим. Сехргар бўлганимизда, Гарри Поттерга ўхшаб бир-иккита дуо ўқиб, ҳамма масалани ҳал қилиб ташлардик. Ёки Жеймс Бондникideк супер-техник куролларга эга бўлсак ҳам майли эди. Жуда бўлмаса, жарроҳлик йўли билан бизни Терминаторга ёки "Матрица"даги Неога айлантириб кўйишса экан, MNSSдагиларнинг истакларини сўзсиз бажо келтирасак. Лекин биз бор-йўғи мактабда тўполон қилиб, ишқал чиқариб юрган ўқувчилар бўлсак. Қўлимиздан нимаям келарди, тўғрими, дўстим?

— Сизлар оддий йигитлар ёки ўйлаб топилган ҳаҳрамонлар эмассиз, — деди Донишмандлар устози фикримни уқиб тургандек, кўзимга тикилиб. — MNSSда сехгарлик ишлатилмайди. Бу ердаги ҳар бир вазифа табиий куч-кудратга таянган ҳолда инсон онги ва тафаккури орқали бажарилади. Шу боис, энг аввало, ўз имкониятларнингизни англашга ҳаракат қилинглар. Ақл ва тафаккур билан иш кўрмас экансиз, бошқалардан фарқингиз қолмайди.

— Наҳотки, бизни бошқалардан ақллироқ деб ўйласангиз? — деб савол берди Рустам.

— Аслида-ку, ҳаммага онг ва тафаккур берилган, лекин одамларнинг кўпчилиги уни тарбиялашни, бошқаришини билмайди. Аниқроги, ялқовлиги туфайли ўз онгини англашга интилмайди, шу боис аксарият одамлар табиий кўнималар асосидагина умр ўтказади. Мен сизларга айтсан, риёзат чекмай туриб ўз онгини англаш мумкин эмас. Тарихда номи қолган инсонларнинг барчаси одам ва олам имкониятларини бошқалардан кўпроқ англаб етганлардир.

Донишмандлар устозининг гапини эшта туриб Рустам билан бир-икки марта кўз уришибириб олдим. Тўғрисини айтсан, иккаламиз ҳам, MNSSдагилар махфий жосулар тайёрлаш учун бошқа бирорвнинг ўрнига адашиб бизни бу ерга олиб келган бўлишса керак, деган фикрда эдик. Айтсан ишонмайсиз, ҳатто турӯҳимиздаги йигитлар Дэвид, Жонатан, Глеб ва Альбертлар ҳам издан кўра ақллироқ туюларди менга. "Охириям аҳмоқлигингин тан олдингми?" деб куляпсиз-а, дўстим. Майли, кулаверинг, лекин мен бор гапни айтяпман. Айниқса, Дэвид математик ҳисоб-китобни шунаقا қойилмақом қилиб бажарадики, энг машҳур олимлар тирилиб келганда ҳам, унинг ақлига тан беришарди. Жонатанни эса салкам файласуф дейиш мумкин. Глеб астрологияни, Альберт табиий қонуниятларни сув қилиб ичиб юборган. Бу йигитлар MNSSга келгунча ер юзидаги энг машҳур мактабда ўқишган экан. Биз эса уларнинг олдида оддийгина тўпори йигитлармиз. Улар билан бизнинг битта ўхшашик томонимиз бор, ҳаммамиз болалигимиздан бошлаб ич-ичимиздан табиий кучларга эга бўлишни истаганмиз.

— Сизларга маслаҳатим, "менинг имкониятларим бошқаларнидан юқори" деган таъкидни онгингизга сингдириб олинг, акс ҳолда, ҳеч нимага зришолмайсиз, — деб жилмайди Донишмандлар устози. — Кейин эса, ҳар қандай шароитда ўзингизни хотиржам тутиб, жилмайиб туришни ўрганинг.

“Бу маслаҳатми ёки сабоқми?” деб ўйладим ичимда. Биздан сал нарида турган Гунафша тарафдан овоз келгандек бўлди: “Донишмандлар устозининг ҳар бир сўзи сабоқdir”. Гунафшага ўғирилганимда, у қимир этмай турарди. Демак, мен бошқаларнинг фикрини қабул қилипман. Ишоняпсизми, дўстим, мен ўзим билмаган ҳолда телепатияни тобора яхшироқ ўзлаштириб олаётганга ўхшайман. Қойилмисиз?

– Телепортацияни ҳам фақат ўз онгимизни бошқариш орқали ўзлашти-
рарканмизда-а? – деди Рустам жуда мураккаб вазифа олдида иложсиз қолган одамдек бўшишиб.

– Йўқ, бунинг учун онгни бошқаришнинг ўзи камлик қиласи. Табий қо-
нунларни, айниқса, ҳар бир оламнинг вақт ўлчамини аниқ билишингиз керак.

“Эҳ-хе, – деб ўйладим, – бунақада биздан бирор нарса умид қилмай кўя
қолсинлар, муҳтарам устоз! Масалан, мен мактабда физикадан бир амал-
лаб “уч”га тортардим. Қандайдир вақт ўлчамлари, тезликлар ва бошқа бош
қотирап масалаларни эшитганимда уйқум келарди. Сиз орзу қилаётгандек
“супер айғоқчи” бўлиш учун камида Эйнштейннинг калласи, Алномишининг
қудрати керак бўлади. Бизни эса бу ёқа адашиб келтиргансизлар”. Шундай
ўйладим-у, яна тилимни тишладим. Нега дейсизми? Ахир сизга бу ерда ҳатто
ўй-хаёлларингизниам билиб олишади, деб айтувдим-ку. Нафасим ичимга ту-
шиб, секин донишмандлар устозига қарадим, унинг бир туки ҳам қилт этмай,
жилмайиб туриби. Таъба, буларнинг жаҳли чиққанини ҳам, сени жазоламоқчи
бўлаётганини ҳам билолмайсан. Нуқул тиржайиб туришади. Ўзимизнинг мак-
табда бўлганда-ку, устозларнинг юз-кўзига қараб, “об-ҳаво” қайси томонга
ўзгараётганини аниқлаб олиш қийин бўлмасди. Устознинг кўзида аччиқланиш
аломатлари сезилдими, дарров ҳимояланиш учун бирор баҳона қидира бош-
лайсан. Икки-учта ёлғонга авра-астар бичиб ташласанг, бўлди, олам гулистон.
Бу ерда унақамас. Кулиб туриб кўнглингдан ўтаётганини билиб олишади, қани,
шундайм алдаб кўр-чи.

– Сизлар билан ер куррасининг манзарапарини томоша қилмоқчи эдим,
– деди Донишмандлар устози менинг ўй-хаёлларимдан мутлақо бехабардек.

Шундагина устоз бизни бу ёқа нега чақирганини илғагандек бўлдим.
Эҳтимол, у имкониятларимизни яна бир борсиновдан ўтказмоқидир? Ёнимга
қарасам, Рустамнинг кўзлари ола-кула бўла бошлаган экан. “Ҳа, бирор ёмон
нарсани ўйлаб кўйдингми?” дедим унга хаёлан. “Э-э, нимасини айтасан, анави
супер билимдонга: “Бизни бу ёқа келтириб адашдингиз, оғайні”, деворишим-
га сал қопти”, деб елкасини учирив, илжайиб қўйди Рустам. Беихтиёр “пик”
етиб кулиб юбордим. “Қойилман сенга, ўзиям боплабсан, супер билимдон-а,
бунақаси менинг хаёлимга келмаганди”. Бу гапдан кейин ўртогимнинг елкасига
туртиб қўйиш учун Рустам тарафга бир қадам сурилдим-у, лекин тиржайган ба-
шарам ўз-ўзидан буришиб кетди. Нега десангиз, Донишмандлар устози менга
тиклиб турар, юзида табассум бўлса-да, кўзининг туб-тубида: “Ҳаддингдан
ошма!” деган таъқид бор эди.

– Қани, бу ёқа ўтириңглар-чи, – деди у хотиржамлик билан.

Биз унинг ёнидаги ўриндиқларга жойлашдик. Экранда атрофи тоғлар билан
куршалган гўзал водий намоён бўлди. Баҳор фасли. Тоғ ёнбағридан бошлаб
бутун водий гул-чечаклар билан безанганд. Бир тарафда далаларни сиёҳранг
гуллар қамраб олган бўлса, бошқа ёқда қип-қизил лолақизғалдоқлар очилиб
ётиби. Яна бир тарафда сариқ ва оқ чечаклар тебранади. Қирлар ёнбағрида
очилган бойчечакларнинг ҳисоби йўқ. Экранга қараб туриб, тавба, олам гулга
бурканганми, деб ўйлайсиз. Табиат бир ёнга қип-қизил, бир ёнга зангори, яна
бир томонга сиёҳранг ва сап-сариқ гилам тўшаганга ўхшайди.

– Бу тасвирлар юз йил йил аввал олинганди, – деди устоз Чукур хўрсиниб.
– Мана энди водийнинг бугунги қиёфасини томоша қилинглар.

Экрандаги тасвирлар ўзгарди, айнан ўша тоғлар, ўша водий, баҳор фасли. Тоғ ёнбағрида яккам-дуккам лолазорлар кўзга ташланади. Далаларнинг чеккаларида битта-яримта лолақизғалдоқ ёки бўтакўз кўринмаса, бошқа гулларга кўзингиз тушмайди. Тоғ ёнбағрини қоплаган ёввойи наъматклар ҳам бармоқ билан санаарли. Ҳамма ёқ ўйдим-чукур қилиб ковлаб ташланган. Бетон уйлар ёки уларнинг қолдиклари кўзга ташланади. Тошлоқ текисликнинг узоқ-узоқларигача майдонда ахлат уюмлари сочилиб ётибди. Бу ерларнинг кўриниши шунчалик аянчилики, кўрган одамнинг кўнглига беихтёр фашлик чўқади. Мен бунчалик катта ахлатхона бўлиши мумкинлигини хаёлимга ҳам келтирмагандим.

– Шунча ахлатни қаердан олиб келишган, – деб сўрадим.

– Водий яқинида катта шаҳар бор, маишӣ чиқиндиларни ҳар куни ўнлаб, юзлаб машиналар мана шу ерга олиб келиб ташлайди.

– Бу ер шаҳарнинг ахлатхонаси эканда, а? – деди Рустам.

– Ҳа, – дея бош иргади Донишмандлар устози экрандан кўз узмай.

Биз яна экранга тикилдик. Тасвирлар ўзгарди, кўз олдимизда чексиз уммон пайдо бўлди. Мовий ранг сувнинг тиниқлигини куриб, юрагингиз ҳаприқиб кетади. Сув юзида тумшуғини кўкка чўзган дельфинлар кўринади. Катта-катта каскадлар, китлар тўдаси осмонга сув пуркайди. Кўкда чағалайлар чарх уриб учмоқда. Уммоннинг у ер-бу ерида ям-яшил ороллар кўзга ташланади. Уларга қараб, ер юзининг жаннати шу ердамикан, деган ҳаёлга борасиз. Кўп ўтмай, тасвирлар яна алмашди. Уммоннинг суви негадир қоп-кора мой билан қоришиб кетган. Қирғоқда балиқлар ўлиб ётибди. Сувда на китлар бор ва на дельфинлар. Чағалайлар уммоннинг ачинарли аҳволига мотам туваётгандек, ғамгин кўшиқ куйлади. Бу манзарани кўрган одамнинг эти жимирилаб кетади.

Кейин экранда ер юзидаги улкан шаҳарларни, уларнинг осмонўпар биноларию тартиб билан экилган дараҳатлари, гулларини томоша қилдик. Шаҳарлардан чиқаётган чиқиндилар ва ям-яшил далаларни кулранг ва кўримсиз ҳолатга келтирган ахлатхоналарни кўрдик.

Негадир кўнглим бузилди. Донишмандлар устози экранни ўчириб, бизга юзланганда ҳам ўзимга келолмагандим.

– Ер юзи инсониятнинг баҳтиёр яشاши учун яратилган бебаҳо бир маскан. Унда ором олмоқ, еб-ичмоқ, кийинмоқ ва безанмоқ учун ҳамма нарса муҳайё қилинган. Қушлар сайроғи кўнгилларга завқ беради. Табиат гўзалликлари кўзни қувнатади. Мукаммал ҳикмат билан яратилган бу дунёда ҳаёт ва мамот, ёшлиқ ва кексалик, яшаш ва ўлим ҳақ. Ҳаётнинг бу қонуни – ҳар бир жонзор, у инсонми, ҳайвонми, ўсимлик ёки бактериями, хуллас, тирик жон борки, барчасига бирдек тааллуқли. Улар бир-бирининг яшашига ва ҳатто қазо қилиб тупроққа айланишигача ёрдам бериш учун яратилган. Аммо инсоният табиатнинг бу мутаносиблигини бузяпти. Натижада, Олам ичра барча оламларда кундан кунга ташвишли ўзгаришлар юз беряпти. Одамзод эса бунга парво қилмай шиддат билан сунъийликка интиляпти. Бу ишларнинг охири фожеага айланишини биллиб туриб ҳам ўзини тўхтатолмаяпти. Олам ичра оламларнинг табиий мутаносиблигини сақлаб туриш бизнинг зиммамиздаги вазифа. Ҳар қадамда битта муаммо кўндаланг бўлади. Уларни аста-секин бартараф этишимизга тўғри келади, – деди Донишмандлар устози.

Рустам билан кўз уриштириб олдим-да:

– Бизинг кўлимииздан нимаям келарди, – дея елка қисдим.

– Кўп нарса келади. Қалбингиздаги истаклар шунчалик буюкки, буни ҳали ўзингиз англаб етмагансиз. Бир эслаб кўринг-а, Сарвар бувисидан айрилгандা дилингиз изтиробга тўлиб тошмаганмиди?

— Шундай бўлувди. Аммо биз барибир оддийгина болалармиз-да...

— Сарварнинг бувиси табиатнинг бир зарраси эди. Унинг кўз ўнгида нафақат саҳронинг олтин кўли – Орол куриб борган, балки оролбўйидаги минг-минглаб жониворлар ҳалок бўлган. Агар одамлар барча оламларда яшовчи жониворларнинг товушини эшигтганда эди, оролбўйи нолакор куйлар масканига айланганини ўша вақтларда ёк англаб етишарди. У ерни 500 турдаги күшлар, 200 хил сут эмизувлар, 100 хил балиқ турлари, қанчадан қанча ҳашоротлар, судралиб юрувчилар макон этганди. 1200 хил гул ва чечаклар, фақат Ўрта Осиёгагина хос 560 турдаги тўқай ўсимликлари бор эди.

Чин маънода табиатнинг олтин хазинаси бўлган Оролда яна қанчадан қанча одамзот англай олмайдиган оламлар вакиллари яшарди. У ердаги сув париларининг, ботқоқ хурларининг аянчли аҳволини одам болалари ҳеч қаҷон англаб етолмайдилар. Бундай ҳалокатлар дунёнинг ҳамма мамлакатларида мавжуд. Озон туйнугининг катталашиб бораётгани сабабли Олам ичидағи барча оламлар изтиробдан тўлғоняпти. Кислотали ёмғирлар эса нафақат одамларнинг, балки бутун тирик мавжудотларнинг ҳаётига хавф солмоқда. Қани энди, менга айтинглар-чи, наҳотки, оламларнинг инқизозига жим қараб туролсангиз. Ёрдам беришни истамасангиз? Ахир, бу сизнинг қўлингиздан келади-ку.

Рустам иккаламиз анқайиб қолгандик. Менинг юрагим шувиллаб кетди. Чунки, бу энди шунчаки суперқаҳрамонлик ўйинига ўхшамаётган, Донишмандлар устози бизни катта курашга чорлаётганди.

САРВАР ТУЗОҚҚА ТУШДИ

Тўғрисини айтсам, MNSSдагилар бизга бунчалик ишонч билдиришади, деб ўйламагандим. “Сунъийликка интилаётган инсониятга қарши курашасизлар”миш. Жарангланиши қаранг! Осон эканда-а? Булар бизни ким деб ўйлашяпти ўзи? Бир қарасанг, бу ердагиларнинг ҳаммаси жуда ақллидек кўринади, аммо яна бир карра айтаманки, бу сафар уларнинг адашгани рост. Биздан бунақа қаҳрамонлар чиқиши мумкин эмас.

Менимча, супер ақллилар ҳам баъзан адашишса керак. Бўлмаса, MNSSдагилар шундай ҳал қилувчи курашга келиб-келиб бизни танлашармиди?

Шитоб билан сунъийлик сари интилаётгандарга қарши туриш кутуриб оқаётган дарёга битта чўп билан тўсик кўяман, дейишга ўхшамайдими? До-нишмандлар устозининг гапини эшишиб, нега довдирағ қолганимни энди ту-шунгандирсиз. Шу жойда яна бир гапни яширмай айтишим керакки, кимсан, Донишмандлар устозидан бунақа таклифни эшишиб ҳар кимгаям насиб эта-вермайди. Гарчи, бу ёққа бизни адашиб келтиришган бўлсаям, бу ишончдан юрагим ғурурга тўлди.

Шулар ҳакида ўйлаб каллам ғовлаб турган пайт, Рустам менга кўз қирини ташлади: “Ошна, обрў борида бу ердан сурниб қолиш керак. Бўлмаса, шарманда бўлишимиз аниқ”, деди у хаёлан. “Мен ҳам шу ҳақда ўйлаётувдим”, дедим. Рустам иккى кўлини шимининг чўнтагига солиб, елласини учирди: “Яхшиси, устозга оддий йигитлар эканимизни айтамиз. Адашишганини англаб, уйимизга қайтарворишиади”. Дўстим иккимиз бу ҳақда гапириш учун эндиғина оғиз жуфтлагандик, Донишмандлар устози ўрнидан туриб, бизга яқинлашди.

— Қадрдонларим, биргина ер куррасимас, чексиз коинотдаги оламларнинг барчаси ва уларда яшаётган мавжудотлар ёрдамингизга муҳтож. Жумладан, ота-онангиз ва келажақда туғиладиган фарзандларнинг ҳам, – деди у кўзимизга тикилиб.

Оти – Наҳотки?! – дедим ҳайратимни яширолмай. Кимдир сунъийликка интилаётган бўлса, бунинг бизга нима алоқаси бор?

Оддийгина бир мисол айтаман, бугунги кунда ер куррасидаги одамларнинг деярли тўқсон фоизи сунъий моддалар билан тўйинтирилган озуқаларни тамадди қилишяпти. Масалан, кўччилик резина сақич чайнайди. Афсус билан тан олишимиз керакки, бу ҳам аслида, сунъий матоҳ. Қани, айтинглар-чи, резина чайнаш одамзодга нима беради?

– Тишларни мустаҳкамлайди, овқат ҳазмини яхшилайди, – дедим. – Ахир уни телевизорда шундай реклама қилишади-ку.

– Сунъий толалардан тикилган кийимлар-чи? Тананинг эркин нафас олишига тўсқинлик қиласа-да, аммо дўконларда уларнинг бозори чақон.

– Улар чидамли, устига-устак, табиий толадан тикилган кийимлардан анча арзон, – деб билагонлик қилдим ва ойимнинг гапи эсимга тушиб, қўшиб қўйдим:

– Кир бўлса, ювганда дарров доғи кетади, дазмоллаб ўтириш ҳам шартмас.

– Одамларнинг сунъийликка интилаётганига бош сабаб нима эканини биласизларми? – деди Донишмандлар устози гапимга эътибор бермай. – Улар оммавий равища ялқовлик касалига дучор бўлишяпти ва шу боис табиятдан узоқлашиб, соя-салқин иншоотлардан чиқмай, ўзларига сунъий кийимлар, ҳатто сунъий егуликлар ўйлаб топишяпти. Бу фожия, ахир!

Шу пайт мени беихтиёр эсноқ тутди. Гапнинг очиги, Донишмандлар устозининг ҳадеб “сунъийлайвериши” жонимга текканди. Ҳатто бошим ғувиллаб кетди. Ҳалидан бери хонадаги гулларни суфораётган Гунафша аҳволимни сезгандек, менга ўгирилди: “Шодивой, нима гап?”. “Чарчадим, негадир бошим ғувилляяпти”, деб ростини айтдим-қўйдим. Кутимаганда Донишмандлар устози маърузасини тўхтатиб, бизга меҳр билан кўз ташлади:

– Яхши, бугунча етарли, бориб дам олинглар.

Рустам иккаламиз бир-биримизга ялт этиб қарадик. Айни пайтда, бир хил фикр кўнглимиздан ўтганди: “Қара-я, дарсдан чарчасанг ёки зериксанг, бориб дам ол, дейишаркан. Зўрми?” Бизнинг мактабда-чи, тўқсон тўққиз марта эснасанг ҳам, баъзида дарсни тушунмай миянг ғовлаб кетсаем, бирор эътибор бермайди. Мабодо, оғзинг очилган пайт сенга устознинг кўзи тушса борми, “Юм оғзингни, пашша кириб кетади, нима бало, тунда бола боққанмисан!” деб дакки беришади. Аслида-ку, устозларнинг шундай койиб турганиям яхши. Бўлмаса, кечаси алламаҳалгача жангари фильмларни кўриб ёки компьютер ўйнаб чарчаган ўқувчиларнинг ярми дарсда ухлаб қолган бўларди.

Кечирасиз, яна гапдан чалғиб кетдим, хуллас, Донишмандлар устозининг олдидан чиққанимиздан кейин Гунафша бизни хонамизга кузатиб қўйди:

– Энди жиддий синовлар даври бошланяпти. Бугун дам оласизлар, эртага сизларни MNSS тарихи билан таништираман, – деди у.

Хонага кирганимизда Сарварнинг аҳволини кўриб, чўчиб тушдик. Тавба, буни қаранг, энди у осмонга тикилиб, лаб-лунжини йиғиштиролмай, тиржайиб ётибди. Аммо кўзи ҳалиям юмуқ.

– Нима бало, Алиса билан бирга еттинчи осмонда учиб юрибдими бу? – дедим Рустамга қараб.

– Кел, яхшиси, Сарварнинг ксерокопиясини қидирамиз. У ёқдаям роса қизлар билан даврон сурин юргандир миরсуюқ ошиқ, – деб мёнга кўзини қисди Рустам.

– Шошма, олдин манави ошиқу бекарорнинг руҳиятидан хабар олайлик, яна Алиса бунинг томини қийшайтириб кетган бўлмасин, – деб кўрсаткич бармоғим билан пешонамнинг бир чеккасига нуқиб ишора қилдим.

– Түғри айтасан, ғалатироқ бүп қопти. Бу ердан түғри жиннихонага жүннатмайлик, тағин, – деб фикримни мақұллади Рустам.

Иккимиз бир вақтда Сарварнинг хаёли билан бөгландид. Энди унинг ёнида Алиса йўқ эди. Бир ўзи муҳаббат хиёбонида осмонга тикилиб ўтирибди. Онда сонда жиннига ўхшаб тиржаяди. Рустамга юзландим:

– Аҳволи чатоқ. Энди нима қиласми?

Рустам Сарварнинг елкасига күл ташлади. У күзларини сузип, лабини чўччайтириди:

– Алиса, намунча мени куттирдинг? Ахир сени бирпас кўрмасам, соғинчдан бўғилиб ўлай деяпман.

Рустам Сарварнинг қулоғига шивирлади:

– Оғайни, тузумисан?

Мен ҳам унинг ёнига ўтиридим. Сарвар шошиб кўзини очиб:

– Нега хира пашшадек ёпишиб олдиларинг, тинч қўясизларми, йўқми?! – деб бақириб берса бўладими.

– Сендан хавотирланяпмиз, ошна, кўринишинг сал чатокроқ... – дедим баҳарамни буриштириб.

Сарвар бирдан тутақиб кетди.

– Мени ўз ҳолимга қўйинглар! Йўқолинглар!

– Исимтанг борми? Сенга нима бўлди, оғайни? – деб Сарварнинг пешонасига қўлимни теккизмоқчи бўлгандим, унинг кўзлари чақчайди:

– Йўқол, дедим сенларга! Йўқолинглар!!!

Тўғрисини айтсан, Сарварни кимдир алмаштириб қўйганга ўхшарди. Унга ачиниб қараб турганимни кўрган Рустам:

– Юр, менимча, бунинг томи кетган. Сал ёлғиз қолса, ўзига кеп қолар, – деб ўрнидан турди.

Барибир қўнглим тинчимади. Хаёлан Муҳаббат боғига бордим. Тепаликка етганимда қулоғимга кимнингдир пиҷирлагани эшитилди. Аввал эътибор бермадим, кейин бирдан сергак тортдим. “Ўзиям, бу ердагиларни боплаб лақиллатдик. Маҳоратингга беш кетаман-да, Нозанин, ҳатто Донишмандлар устози билан Гунафшам сени Алиса деб ўйлашиди. “Севишганларга халал берманглар”миш. Анави анқов Сарварнинг эса юраги алғов-далғов бўп кетди. Энди уч ўртоқнинг биттаси тузогимизда. Нима десак, айтганимизни қиласди. Агар улар чиндан ҳам Донишмандлар устози куттандек, туғма қобилиятили бўлишса, ўзимизга оғдириб олишимиз керак”, дерди эркак кишининг товуши. “Бунга менинг шубҳам бор, – деди қиз. – Улар шунаقا лапашанг, шунаقا анқовки, Гунафша энагалик қиласа, ҳатто MNSSнинг бош қасридаям эплаб йўлини топиб юришолмайди.” Эркак унинг гапини бўлди: “Дошишмандлар устози шу пайтгача сирайм янглишмаган. Фақат йигитларнинг онгига тезроқ таъсир кўрсатишимиш керак. Улар ҳали кўп нарсани билишмайди. Биттасининг ожиз томонини топдик. Энди наригиларини қўлга оламиз”.

Гап биз ҳакимизда бораётганди. Шу пайт ёнгинамда Рустамнинг турганини илғадим. У кўрсаткич бармоғини лабига босди: “Тсс...”. Негадир унинг қилиғидан кулгим келди ва икки қўлим билан бошимни яшириб: “Ортиқча нарса ўйлама”, деб ишора қилдим. Ахир бу ерда овоз чиқаришмас, фикрлар катта аҳамиятга эга-ку. Шундан сўнг биз суҳбатдошларни кузатишга қарор қилдик. Тепалик ортида қирқ ёшлардаги киши билан қош-кўзлари қоп-қора, соchlари узун қиз бир-бирига тикилиб ўтиришарди. “Агар манави йигитларни қўлга олиб, дошишмандлар устозини маҳв этсан, ОТА (Олий Табиат Академияси, демоқчи) сенини бўлади, Нозанин”, деди ҳалиги одам. “MNSS эса сизники, устоз”, жилмайди қиз. “Эҳ, қандай улкан ишлар кутяпти бизни!” қўлларини бир-бирига

ишикалади әркак. Шундан сүнг уларнинг иккиси ҳам бирданига күздан ғойиб бўлишди. Афтидан, телепортацияни ишга солишганди.

Бу одамларнинг нияти бузуқа ўхшайди. Донишмандлар устози, MNSS ва ОТАНИНГ тақдиди хавф остида. Дўстимиз Сарвар уларнинг тузогига илингани эса ҳаммасидан ошиб тушди. Айтдим-а, нега у ҳе йўқ, бе йўқ бизга ўшқирияпти, деб. Демак, Алиса қиёфасига кирган Нозанин онгини заҳарлаётган экан-да.

“НИҚОБЛАР ТАНТАНАСИ”ДАГИ ЎҒИРЛИК

Шу кунларда сизлар янги йилни кутиб олиш тараффудида юрган бўлсангиз керак. Биз ҳалиям Сарварнинг ташвиши билан оворамиз. Унинг эс-хуши Алиса-сада. Қизнинг бундан хабари йўқ. Нозанин дўстимни боплаб лакиллатиб кетди.

Рустам билан келишиб, бу гапдан Алисани хабардор қилиш керак, деган фикрга келдик. Қизларнинг хонасига кирганимизда, Алиса билан Тумора хонани қор парчалари, турли ўйинчоқлар билан безатишшаётган экан.

– Нима қиляпсизлар? – дедим ҳайрон бўлиб.

– Янги йилга тайёргарлик кўряпмиз, – деб ишини давом эттириди Алиса. – Келганингиз яхши бўлди, манави қор парчаларини шифтга осиш керак. Ёрдам берасизларми?

Ишга киришдик. Алиса қор парчаларини ясашга уста экан, кумуш ранг ялтироқ қоғоздан бир-бирига ўхшамаган, шунаقا чиройли шакллар ясагандики, маҳоратига қойил қолмай иложингиз йўқ эди. Сал бўлмаса, бу ерга нима учун келганимиз ёдимиздан кўтарилий, дебди.

– Олдингизга ёрдам сўраб келгандик, – дедим қизларга.

– Сизларнинг хонангизниятам безаб берайликими? – жилмайди Алиса.

– Йўқ. Аслида-ку, биз эмас, Сарвар ёрдамга муҳтож. Қандайдир Нозанин деган қиз сенинг қиёфасига кириб, бошини айлантирган. Ҳозир у “Алиса, сен-сиз ҳаёт йўқ менга”, деб оҳ-воҳ қилиб ётиби.

– Севиб қолганми? – деди Тумора.

– Ҳа. Лекин уни алдашяпти.

– Унга бор гапни айтишимиз керак, – деб қўлидаги қор парчасини четта сурди Алиса.

Тумора кескин бош чайқади:

– Шошманглар, яххиси, анави одамларнинг кимлигини аниқлашимиз керак. Гуруҳдаги йигитларниятам ёрдамга чақирмасак бўлмайди.

Кўп ўтмай, хонага Альберт, Дэвид, Глеб ва Жонатан кириб келишди. Уларга ҳам вазиятни тушунтиридик. Дэвид одатдагидек қатъийлик билан ўз фикрини айтди:

– Уларнинг кимлигини билиш учун ОТА (Олий Табиат Академияси)нинг архивига киришимиз керак. Аммо ҳозир бунинг иложи йўқ, чунки тизимдаги ахборотлар хазинасида қизғин иш кетяпти.

– Қанақа иш? – деб сўрадим ҳайрон бўлиб.

– Ер куррасидаги ишбилармонлар эски йил сарҳисоби ва янги йил режалари билан банд. ОТА ахборот марказидагилар ҳеч нарсани кўздан қочирмай кузатишяпти. Агар архивга кирсак сезиб қолишади.

Бирдан хәёлимга ажойиб фикр келди. Агар виртуал бойваччаларимиз билан ўрин алмашсак, ёмон ниятли кимсалар бизнинг ўрнимизга уларни ўғирлаб кетишилари мумкин-ку. Ҳеч бўлмаса, вақтдан ютардик.

Секин Рустамнинг қулоғига пичирладим:

– Юр, бир жойга бориб келамиз.

– Қаёққа? – деб йўлимини тўсди Глеб.

– Донишмандлар устозининг олдига боришимиз керак.

– Уни ҳуда-бехудага безовта қилишнинг нима кераги бор?

Мен хаёлан Гунафшани чақира бошладим. Донишмандлар устозининг хонасига фақат у бизни олиб бориши мумкин эди.

Донишмандлар устози дераза оша уфққа тикилиб ўйланиб турарди. Эшикдан киришимиз билан ортига ўгирилмай:

– Келинглар, сизларни кутаётувдим, – деди.

Хайратимни яширолмадим:

– Йўғ-э.

– Янги йил арафасида ниқоблар тантанасини ўюштирамиз. Бу байрам сизларга, албатта, маъқул бўлади.

– Устоз, – дедим унга яқинлашиб. – Биз Мұхаббат хиёбонида шубҳали кишиларнинг сұхбатини эшитиб қолдик. Бизни ўғирлаб кетишмоқчи.

– Уларнинг кимлигини яхши биламан, – деди у. – Яна бош күтаришяпти.

– Улар ким ўзи?

– Бир пайтлар MNSSнинг ОТАсида талаба бўлишган. Сизлар кўрган киши Олий Табиат Академиясининг раҳбарлигига ҳам кўтарилган. Аммо сеҳржодудан фойдалангани учун бу ердан бадарға қилинган.

Сеҳру жодулар ҳақида кўп эшитгандим.

– Сеҳр-жоду мавжудми, устоз? – деб сўрадим.

– Ҳа, аслида у ҳам бир илм. Лекин у билан шуғулланиш таъқиқланган.

Негаки, одамзод ҳали унинг асл моҳиятини англаб етмаган. Шу сабаб сеҳру жодудан ҳар ким ўз манфаати йўлида фойдаланишини истайди. Бу эса бутун бошли авлодлар руҳиятига катта талофат келтиради. Одамлар сеҳрга қизиқишдан аввал ўз онги ва имкониятларидан, табиат инъомларидан унумли фойдаланишини чукурроқ ўргангандарида эди, олам тараққиёти бутунлай бошқача бўларди. Тўғри йўл аслида шу эди. Аммо одамзод адашишга мойил. Улар орасида тафаккур йўлини топганлар “Адашганлар”дан бўлиб қолмаслик учун ҳаётдаги ҳар бир ўзгаришдан ҳикмат излашади. Шу тариқа тўғри йўлдан боришига интилишади.

Донишмандлар устози оғир тин олди. У бизни бутунлай унугтандек, ўйчан бир аҳвонда, бир нуқтага тикилиб қолганди.

– Сизларни ўғирлашни режалаштираётган одам ҳам аслида салоҳиятли эди. Табиат ва олам тараққиётига катта ҳисса қўшиши мумкин эди. Аммо унинг қалбидаги ҳасад ва разолат эзгу йўларидан устун келди. Ҳа, у адашди, – деди Донишмандлар устози чуқур хўрсиниб.

– Уларнинг ниятини пучга чиқариш учун бизда бир режа бор эди, – дедим шошқалоқлик билан.

Донишмандлар устози менга синчков тикилди:

– Хўш-хўш?

– Менимча, улар бизни ниқоблар тантанасида ўғирлашни режалаштираётган бўлишса керак. Агар хўл дессангиз, у ёқдаги нусхаларимиз билан ўрин алмашиб турардик. Кийимларига кузатув камералари ўрнатамиз.

– Ажойиб ғоя!!! Жуда соз!!! – деди устоз кутилмаганда кўтариинки кайфият билан. – Қойил, азаматлар!

Мени Донишмандлар устозининг оддийгина таклифимиздан шунчалик хурсанд бўлиб кетгани ҳайрон қолдирди. Бу ернинг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳам шу эдикни, ҳар бир фикрга юксак даржада эътибор билан қарашарди.

Донишмандлар устози бирдан ўйга толди.

– MNSSнинг қоидалари бўйича сизларни уч ойгача уйингизга юбормаслигимиз керак эди. Аммо начора, бу сафар таваккал қилишимга тўғри келади. Ўйлайманки, ишончимни оқлайсизлар ва бу ерда бўлганингизни ҳеч кимга айтмайсизлар.

– Хўп бўлади, – дедик биз.

– Ҳозир тантаналар залини бориб кўрамиз, қандай ажойиб кечадан воз кечайтганингизни билишингиз керак, – деди устоз.

Ҳали тантаналар залига кирмагандик. Ичкарига қадам қўйишими билан анкайиб қолдик. Залнинг қуббасимон шифтида минглаб жажоки юлдузлар ёғду сочяпти. Гўё осмон остида тургандек ҳис этасиз ўзингизни. Юлдузлардан тараляётган шуъла қўзингизни қамаштиради. Деворларда эса турли чечаклар, гуллар очилиб ётар, майнин бир ифор димоқقا уриларди. Залнинг ёруғлиги ва кенглиги кўнглигизни завқка тўлдиради. Энг қизиги, жуда майнин ва ёқимли шабада ўзингизни сийпалаб ўтади. Ўзингизни худди тоғ этагида, хушхаво масканда тургандек ҳис этасиз.

– Зўр-ку, – дедим Рустамга қараб қўярканман, юлдузларга ишора қилиб.

– Биласизларми, бу юлдузчалар қуёш нури ва шамол қувватини тўғридан-тўғри қабул қилиб, энергияга айлантиради. Юлдузчалар орасига жойлаштирилган маҳсус мослама хона ҳароратини меъёрлаштириб туради, – деди устоз.

– Иситиш ва ёритишнинг янги усули экан-да, – дедим қойил қолганини яширмай. – Буни ер куррасига тадбиқ этиш керак.

– Лекин M NSSнинг Олий маслаҳат кенгаши ҳозирча бунга рухсат бермаяпти.

– Нега?

– Одамлар онги ҳали қуёш ва шамол қувватини бирлаштириб энергия ҳосил қилиш даражасида юксалгани йўқ. Улар бу энергиядан фойдаланишига ҳали тайёрмас.

Назаримда устоз замондан ортда қолгандек бўлиб туюлди.

– Бизда қуёш батареялари билан ишлаш аллақачон йўлга қўйилган.

– Бу энергия эса бутунлай бошқача йўл билан олинади, – дея бош чайқади устоз. – Умуман олганда бу ерда ҳамма нарса бошқача. Ҳа, азизларим, M NSSда вақт тушунчаси нисбий. Ҳар бир оламни ўзининг вақт ўлчамига қараб назорат қиласиз. Буни тушуниб этишингиз учун сизларга ҳали йиллар керак бўлади. Талабаларимизнинг асосий қисми одам болалари бўлгани учун ҳар йили уларнинг вақт ўлчови асосида байрам уюштирамиз. Бу тантанада сизларнинг ҳам иштирок этишингизни истагандим. Аммо вазият бу тарзда ўзгарган экан, бугундан бошлаб сизларга маҳфий таътил бераман. Буни ҳеч ким сезмаслиги керак. Уйингизга бориб, ота-онангиз билан янги йилни кутинглар. Тунги 24.00да у ёқдаги нусхаларингиз билан ўрин алмашасизлар. Бу ҳақда гуруҳингиздаги йигит-қизлар ва ҳатто Субҳидам ҳам билмаслиги керак.

Ўша куни ярим тунда Донишмандлар устози хонамизда пайдо бўлди ва бизга телепортация сирини очди. Буни қаранг, шамол оламининг вақт ўлчовини ҳисоблаб топиб, генимиздаги ҳали одамларга маълум бўлмаган сирли имкониятни ишга солсак, кўз очиб юмгунча бутун олам билан бирлашиб кетарканмиз. Ҳа, дўстим, биз ўша куни ҳатто ракетадан ҳам тезроқ ҳаракатланиш формуласини ўзлаштиридик. Рустам Донишмандлар устозининг ҳар бир сўзини диққат билан эшлитиб, формулани ёдлаб олди.

– Биринчи галда виртуал нусхаларингизни бу ёққа чақириб олишимиз керак, – деди устоз.

У кўзларини юмиб бир зум жим қолди ва қўли билан аллақандай ҳаракатлар қилганди, рўпарамизда тунги пижамадаги нусхаларимиз пайдо бўлишиди.

Шундан сүнг Донишмандлар устози билан хайрлашиб телепортация ҳолатига тайёрландик. Рустам формулани ишга солди. Күз очиб юмгунча ўз уйимизга қайтдик.

Ўзимни үйдаги түшагимда кўриб, бирам суюниб кетдим. Дарҳол сакраб ўрнимдан туриб, ҳовлига чиқдим. Димоғимга намиқкан ҳаво ҳамда қуриганрайхон иси урилди. Ойим ҳар йили ёзда райхонларни қуритиб, қишига олиб қўяди. Юрагим тўлқинланиб кетди. Ўйингдан узоқда бўлсанг, ҳовлидаги тош ҳам кўзингга азиз қўринаркан. Ишком тагидаги сўрига ўтириб атрофни томоша қилдим. Декабрнинг сўнгги кунлари эмасми, танамдан совук ўтди. Қунишиб яна бироз ўтирганимдан сўнг, секин уйга кирдим. Ойимни жуда соғингандим, югуриб бориб қучоқлаб олгим келди-ю, яна чўчитиб юбормайин, деб тишимни-тишимга босиб ўз жойимга чўзилдим. Эрталаб чидолмай, елкаларидан маҳкамакучиб, юзларидан ўпид олдим.

– Сизни яхши кўраман, ойижон, – дедим тўлқинланиб.

– Шодивой, тинчликми, болам? – ҳайрон бўлди ойим. – Нима бало, кечаси Қорбобо келиб сени алмаштириб кетдими, дейман.

“Ха, ойижон, шундай бўлди”, деворишимга оз қолди.

Рустам билан хаёлан боғланиб, MNSSдаги воқеаларни Сарварларникудан кузатишига келишиб олдим. Сарварларникуга борсам, у ҳалиям хаёл суруб ётибди. Агар чалғитмасак, Нозарин унинг хаёли билан боғланиб, ҳийламиздан хабардор бўлиши мумкин. Сарварни туртиб ўрнидан турғаздим-да, ҳамма гапни айтиб бердим. У аввалига ишонмади. Аммо Донишмандлар устози берган экран орқали MNSSдаги воқеаларни кузатишини бошлаганимиздан сўнг Сарвар бошини чанглалаб қолди.

Бу пайтда MNSSда ниқоблар тантанаси бошланганди. Барча талаба ва устозлар тантаналар залига йиғилишган, ҳамманинг юзида ниқоб, бизнинг виртуал бойваччалар ҳам ниқоб тақиб олишган. Бўри ниқобида юрган Сарварнинг ёнига бир пайт тулки ниқобли Нозарин яқинлашди:

– Юр, Сарвар, Мұхаббат хиёбонига борамиз.

Улар ҳеч кимга сездирмай чиқиб кетишиди. Бизнинг виртуал нусхаларимизга ҳам оққуш ва лайлак ниқобидаги икки қиз яқинлашиб, Мұхаббат боғига таклиф этди. Улар ҳам ташқарига юришиди. Шу пайт қора ниқоб тақкан уч киши нусхаларимиз атрофини ўраб олди-да, бирданнiga ҳаммалари кўздан ғойиб бўлишиди.

Ичкарида эса байрам тантаналари авжига чиққанди. Биз ўз мактабимизга отландик. Бу ерда ҳам янги йилга аталган байрам тадбири бўлаётган экан. Синфдошларимиз бизни алмашиб қолганимизни сезишимдиям. Улар билан роса ўйинга тушдик. Ўйинга чалғиб кетиб, Донишмандлар устозининг хушёр бўлиб тургин, телепатия орқали фақат сен билан боғлана оламан, деган ўйтини эсимдан чиқариб қўйибман. Бир пайт Рустам арчанинг орқасига ўтиб мени имлаётганини сезиб қолдим. Унга яқинлашдим. “Қара, дарров нусхаларимизни юборишибди”, деди у шивирлаб. Чиндан ҳам эшик олдида Сарвар, мен ва Рустам турардик. Шу пайт хаёлимда кимдир мени чақираётгандек ту юлди. Атрофга алангладим. “Шодивой, фавқулодда ҳодиса юз берди. Тезда MNSSга қайтинглар. Бизга жудаям кераксизлар”, деган фикр миямга урилди. Бу Гунафша эди. Ўртоқларимга тезроқ кетишимиз кераклигини айтдим.

– Янги йил байрами ҳам расво бўлди. Ойим тайёрлаган нориндан маза қилиб ейман, деб ўйловдим, – деди Сарвар.

Рустамга яқинлашиб, ўзимизни телепортацияга тайёрлай бошладик. Тўғрисини айтсам, устоз формулани ўргатаётганда, менинг хаёлим бошка ёқда бўлгани учун телепортациядан фойдаланишни билмасдим. Рустам дикқат би-

лан эшитиб олғанди. Ахир у телепортацияга жуда қызиқади-ку. Аммо негадир шу тобда у ҳам жим турарди.

– Тезроқ қимирланглар, иккитадан бүп қолганимизни бирор сезса, ваҳима күтарилади, – дедим ўртоқларимга.

Худди шу пайт даврада қызлар билан ўйинга тушаётган Дилноз биз тарафға қараб құлуни силкитди. Негадир юрагим гурсиллаб ура бошлади. Чунки M NSSда юрган пайтимиз Дилнознинг бўйи чўзилиб, ранги тиниклашиб, кўзларида ажойиб чўғ пайдо бўлганди. Уни кўришим билан ич-ичимдан титроқ туриб, ҳаяжонланиб кетгандим. Авваллари у менга сира аҳамият бермасди. Ҳозир бўлса кўйга ҳамоҳанг бошини силкитиб, мени рақсга таклиф этяпти. Ахир, шундай фурсат келишини саккиз йилдан бери орзу қилардим-а. Беихтиёр Дилноз тарафга юрдим.

– Шодивой, қайт орқангга, – деди Рустам.

Бир муддат иккиланиб туриб қолдим. Орқага қайтай десам, Дилноз ҳалиям мени рақсга чақирипти. Унинг олдига борай десам, бу ёқда M NSSдагилар бизни кутиб туришибди. “Яна бироз кутишса, дунёга ўт тушмас, Дилнознинг олдига бораман-у, кўзларига озгина термилиб, у билан хаёлан хайрлашаман”, деган қарорга келдим.

– Эй, томи кетган, ҳозир қовун туширасан, – деб енгимдан тортди Сарвар.

Уни силтаб ташладим:

– Сен аралашмай тур.

Шу пайт анави сурбет нусхам – виртуал бойвачча Дилнознинг ёнида пайдо бўлиб, уялмай-нетмай қизнинг қўлидан ушлаб, ўзига қаратиб олса бўладими? Ёмон жаҳлим чиқиб кетди. Ўша ёққа отилдим. “Ҳозир унга кўрсатиб қўяман, индамаган сайн ҳаддидан ошишини қаранглар буни! Уйимни эгалладинг, ойижонимнинг эркатойига айландинг, мактабдаги ўрнимни олдинг, бўлди-да энди. Тинчгина юравермайсанми? Нима қиласан севган қизимнинг бошини айлантиришга уриниб?” Шу тобда виртуал бойваччанинг башарасини бежаб қўйишини истардим. Синфдошимиз Зухра мени кўрди-ю, таҳтадек қотиб қолди.

– К-к-ар-ранглар, Шодивой и-к-ки-та бўп қопти, – кўзларини ола-кула қилиб, атрофидаги қызларга алланглади у. Рустамнинг нусхаси билан ўйинга тушаётган Шоҳиста биз тарафга ўгирилиб, Рустами кўриб қолди ва:

– А-а-a! Рустам ҳам иккита экан! – деб бақириб юборди.

Бирпасда тўполон, шовқин-сурон бошланиб кетди. Синфдошларимдан айримлари нусхаларимизнинг кийимларидан ушлаб кўришар, нима бўлаётганини тушуниш учун дам биз тарафга, дам Зухралар тарафга ўгирилишар, энг қизиги, уларнинг ҳеч бири ёнимизга яқинлашишга журъат этишолмасди.

Ур тўполон, сур тўполонда формула Рустамнинг эсига туша қолмасди. Ана энди томошани кўраверинг. Нусхаларимиз нима қилишни билишмайди. Рустам хаёлига келган лотинча ҳарфларни бириқтириб, ўзича формула яратишга зўр бериб уриниб ётибди.

Мен эса фикримни жамлашга ҳаракат қиляпман. Гунафша билан фикран боғлана олсам эди. Ниҳоят уддаладим! Шовқин-суроннинг менга алоқаси йўқдек кўнглимга ажиб сокинлик инди. Фикрим тиниклашибди ва кўз олдимда Гунафшанинг сиймоси намоён бўлди. “Бизга зудлик билан ёрдам керак. Ёрдамга муҳтожмиз. Формулани унутдик…”, дедим унга. Гунафша формулани ҳарфма ҳарф айта бошлади. Мен уни шивирлаб тақорорларканман, бирдан Рустамнинг юзи ёришди. Формула унинг эсига тушганди.

– Шошманглар, – дедим дўстларимга юzlаниб. – Бу ерни тинчтиб кетишимиш керак.

Виртуал нусхаларимизга фикран буйруқ бериб ёнимизга чақиридим. Тадбирга йиғилгандарнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

– Ростдан ҳам улар иккитадан экан, – деган гаплар қулоқча чалинди.

– Биз сизларга фокус кўрсатувдик, ҳаммаси ҳазил эди, – дедим барабал товшуда. Аслида, биз биттаданмиз. Ахир одам иккита бўлиб қолиши мумкинмаску...

Шундай дейишим билан Рустам телепортация формуласини ишга тушириди. Кўздан ғойиб бўлдик. Байрамга йиғилгандар эса бир-бирларига қараб елка қисиб қолаверишиди. Аниқ биламанки, қизлар “сенларнинг ҳазилинг қурсин, юрагимизни ёрдинглар”, деб виртуал нусхаларимизни роса дўпослаган бўлишса керак.

Донишмандлар устози бизни бетоқат бўлиб кутаётган экан.

– Тезда ишга киришамиз, – деди у.

– Устоз, савол берсан майлимий? – деб Донишмандлар устозининг гапини бўлдим.

– Нима дейсан?

– Айтинг-чи, биз уйдалигимизда нусхаларимизни анави нияти бузук кишилар ўғирлаб кетишганди. Лекин ҳозиргина у ёқда ҳам нусхаларимиз пайдо бўлди, буни қандай уддаладинглар.

– Фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда бир одамнинг икки-учтадан нусхасидан фойдаланамиз.

Буни қаранглар-а, осон экан-да, а? Бир кун келиб учаламизнинг нусхаларимиздан бутун бошли лашкар тузишмаса эди бу MNSSдагилар.

– Бошка иложимиз йўқ эди, сизлар бизга бу ерда кўпроқ кераксизлар. Уйингизга юборилган нусхаларингиз кундалик фаолиятингизга қараб программа-лаштирилган. Ўғирланган нусхаларингиз ҳам ўша программа бўйича ишлайди. Энди уларни масофадан туриб фикран бошқаришингиз ва керак пайтда уларнинг ўрнини эгаллашингиз керак. Акс ҳолда, бу ҳийламизни жуда тез билиб олишади.

– Биз ўша ёвуз ниятли кимсаларнинг кимлигини билишимиз керак, – дедим жиддийлик билан.

Донишмандлар устози маъқул, дегандек бош иргаб, бизни ўз хонасидаги экранлар ёнига таклиф этди ва ўтиришимиз учун жой кўрсатди.

– Сизларга унинг кимлигини айтиндим. Ҳатто сеҳр-жодудан фойдаланишидан ҳам хабарингиз бор. У тез-тез исмими ҳам, ташки қўринишини ҳам ўзгартириб туради. Ўзи билан танишган одамларда яхши таассурот қолдириш учун ҳар доим жилмайиб юради. Лекин кўзларига синчилаб қараган одам унинг нигоҳидаги ёвзликни илгайди. Биз унга Қора Қуюн деб ном берганимиз. Негаки, ер юзининг истаган жойига қуондек бостириб боради ва ўзидан ҳамиша ноxуш из қолдиради. Унинг нияти қандайлигини билиш жуда мушқул. Бир пайтлар MNSSда таҳсил олгани ва ҳатто ОТАни бошқарганини ҳисобга оладиган бўлсан, қаршингизда жуда кучли ва маккор ракиб туриди. Сизларга ҳозир Қора Қуюннинг аввалги кирдикорлари ёзилган видеотасмани кўрсатаман, агар кўрқсангиз, менга рост гапни айтинглар, курашни кечикитирамиз. Аммо бир кун келиб, барibir, у билан тўқнашишингизга тўғри келади. Чунки барча умидимиз сизлардан, – деди Донишмандлар устози.

Видеотасмани кўриб бўлгач, ўзимизни бирдан улғайиб қолгандек ҳис этдик. Ер юзидаги катта-катта ҳалокатларга сабабчи бўлган, одамлар онига билинтиримай таъсир эта оладиган, уларнинг инсоний ожизликларидан усталик билан фойдаланиб, урушларни келтириб чиқарган ва бундан ўз манфаати йўлида фойдаланган Қора Қуюн билан курашиш бизнинг чекимизга тушаётган эди. Яширмайман, кўнглимизда кўркув ҳам йўқ эмасди.

- Сизларни бунчалик тез курашга соламиз, деб ўйламовдик, – деди Гунафша. – Лекин ўзингиз кўриб турибсизлар, бошқа иложимиз йўқ.
- Нима қилишимиз кераклигини айтинг, вақтни ўтказмай, ишга киришамиз, – дедим Донишмандлар устозига қараб.

– Аввало, ўғирлаб кетилган нусхаларингиз билан хаёлан боғланишингиз керак. Шунда Қора Қуюн уларни қаерда сақлаётганини, нима қилмоқчи эканини билиб оламиз.

Тутқундаги виртуал нусхаларимиз билан фикран боғланишини менга юклашди. Аввалига уренишларим зое кетди. Пешонамдан совуқ тер чиқиб, кўнглим бехузур бўлди. Кўз олдимда майда оқ зарралардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Дўстларим нафасини ичига ютиб, менга тикилиб ўтиришарди. Ҳеч бир натижага эришолмадим. Ҳатто бу иш менинг қўлимидан келмас экан деб тушкунликка ҳам тушдим. Шунда Донишмандлар устози кўзларимга тикилган кўйи меҳрибонлик билан:

– Шодимиро сен буни уddyдайсан. Ўз имкониятларингга ишон. Фақат ўзингга ишон, – деди.

Кейин яна ва яна фикримни жамлашга уриндим. Ниҳоят, кўз олдимда замонавий услубда қурилган осмонўпар бино пайдо бўлди. Нусхам айнан шу ерда эканига шубҳам йўқ эди. У билан хаёлан боғланганимдан кейин манзаралар янада тиникалашди. Бинонинг йигирма биринчи қаватидан қорамтири нур чиқаётганини илғадим ва хаёлан ўша тарафга учеб кетдим. Янгишмабман. Катта ва серҳашам хонадаги оромкурсида оёқларини чалишириб ўтирган Қора Қуюн рўпарасида турган катта ойнаванд кутиларга совуқ нигоҳини тикканди. Яхшилаб қарасам, кутиларга бизнинг нусхаларимизни жойлаб қўйишибди.

Шу пайт эшиқдан Нозанин кириб келди.

– Энди бу йигитчаларни спорт залга олиб боринглар. Улар ер куррасидаги жамики жанг санъати сирларини ўзлаштиришлари керак. Агар Донишмандлар устози танлаган бу йигитчалар чиндан ҳам буюк салоҳият эгаси бўлса, уни ўзи танлаган талабалари ёрдамида енгамиз ва барча оламлар бошқарувига таъсир эта оладиган MNSSни кўлга киритаман, – деди Қора Қуюн Нозанинга.

Кўз олдимдан ўтаётган воқеаларни овоз чиқариб айтарканман, кимдир елкамга қўлини кўйди. Аста кўзимни очдим.

– Шодимиро, нусхаларингиз залга кириши билан сизларни у ёққа юборамиз, уришиш сирларини сизлар ўзлаштирасиз. Аммо машғулот тугаши билан тезда бу ёққа қайтишингиз керак, – деди Донишмандлар устози.

– Биз Қора Қуюндан жанг санъатини ўрганамизми?

– Ҳа. Унинг ўзи шуни хоҳляяпти. Майли у истаганча бўла қолсин. Сизларга омад тилайман. Ишонаманки, бизга панд бериб қўймайсиз.

Гунафша бизни тинчлантириш учун:

– Кийимларингизда камералар жойлаштирилган. Ҳар бир ҳаракатингиз назоратимизда бўлади, – деди. – Аммо бир нарсани билиб қўйинглар, фавқулодда холатларда энг охирги қарорни фақат ўзингиз чиқарасиз.

Орадан икки дақиқа ҳам ўтмай, биз Қора Қуюн қароргоҳидаги спорт залида пайдо бўлдик. Биз бу ерда ҳақиқий курашга тайёргарлик кўрамиз. Энг қизиги, бизни ўз рақибларимиз жангга тайёрлайди...

Шеърият



**Мирпүлат
МИРЗО**

1949 йылда туғилган. Тошкент Давлат университетидә таҳсил олған. Шоиринг “Тонг жылvasи”, “Ишқ фасли”, “Аттергул ва юлдузлар”, “Яхши күнлар”, “Сунбула”, “Онажон”, “Сайланма” каби қатар тұрғыламлари чоп этилған. У жақыннинг уч юздан ортиқ шоирлари ижодидан нағындалар таржима қылған. Уннинг таржимасында Г. Лессингнинг “Донишманд Натан”, В. Шекспирнинг “Ез туни гаройиботлари” драмалари Миллий театрының саңасыда мұваффақият билан құйылған.



Тонг нұрлағы үйнаф қорлар үстіда

* * *

Кор тиниб бир замон, ажисб тонг пайты
Лојсувард фусунга йүргілди фалак.
Бамисли шоирнинг серташибек байты –
Ярқыраптар тарновда олмос сумалак.

Борлық күмуш билан хилланмии әзіз,
Киймешідір юпүн болғылурдан либос.
Дағытап күнгілімдә берді акс-садо,
Оліс болалиғим соглан жаранггос.

Ойнадек яхмалак, қиши қаҳри чандон,
Онамиз юзида хавотир-ғамлар.
Бизлар-чи, бепарво, фақат хүш-хандон...
Әнді бир әртакадир, қайтмас у дамлар.

Инжас замзамани күзатдым мен, тек,
Аёзли чилланинг ажисб ҳуснида.
Күнгілімдаги оліс хотиралардек
Тонг нұрлар үйнар қорлар үстіда.

* * *

Оліс ёшпік завәңі өдімдан ўчмас:
Қорларнинг устига ёғар нұкра қор.
Борлық оқылукларға құммишідір бесас,
Фусунга йүргілар оқшом бетакрор.

Ер, само, түйгүлар – бир-биридан оқ,
Бизнинг маҳримизде бир дүнә – ажисб.
Сендең Лайло қызы-ла бирга саір қылмоқ
Мен – бир бүз үйигитта этганди насиб.

Нұ克拉лар парвона яңгылғы олмай тин
Үрілар ёногынг ғоҳы лаълингга.

Мен ҳам қор учкүни бўлиб қолсайдим,
Кўнародим бесўроқ киприкларингга.

Фараҳли лаҳзалар заррин таҳтида
Мен дориломонлик тилардим фақат.
Сен қордан тўқулган рўйжо остида
Жилвалар қулардинг, қулардинг фақат.

Бу нечук жозиба, нечук нашида,
Тавсифлай олурми шоирнинг байти?
Мен умримнинг турфа нучмоқларида
Сендаги ҳуснин кўрмадим қайтиб.

Кўклиам олча гули сарин эпкиндан
Тўзегиганда ҳар ён бамисоли қор,
Кўриб атиргулни – оқса кўмилган,
Сенинг рухсорингни эсладим кўп бор.

Инсон хотираси неники асрар,
Барни унум бўлар бир кун – эрта-кеч.
Лек, менинг ёдимдан ўчмас, бир пайтлар
Сен-ла қор кўйнида кезган оним ҳеч.

* * *

Цўкар ерга оқшом зулмати,
Кенгликларда бўралайди қор.
Элтар дилни унинг шиддати,
Замзамаси ажизиб таскинвор.

Юраги қон, гуноҳкор замин
Самоларга топинар бу пайт.
Олиб гўё мангаликка тин,
Оқликларга ётинар бу пайт.

Юпанч талаб менинг ҳам руҳим
Нимагадир интиқ ва илҳақ.
Ҳеч кимсага: “Хайр!” демай жисим,
Зулмат ичра синггинг келар нақ,

Ичга ютиб ҳасратим, оҳим,
Сукунатнинг қаърига кетсам.
Сассиз маъво ичра улоқиб,
Дунё сирин тагига етсам.

Эшиитсам, бас, фақат қорларнинг
Шиширлашин, ажисиб говуриш.
Тұхтамасам, кетаверсам мен,
Шояд боссам юрак ҳовуриш.

Хәлімнинг чексиз ҳудудин
Чүлгаб олар бир идрок тиниқ,
Титраганча вужуд-вужудим,
Босиб келар селдек хұрсиниқ.

Қанча андух тортсам, бұлар кам,
Тушмади не ғамтар бошима?!.
Фаришталар билан сирлашсам,
Боқиб ерда қолған лошимга...

Бу тун аёз кучли бұлар, ҳойнахой,
Йұлларда шамширдек ялтирар музлар.
Күнишиб, термилар күкдә юпун ой,
Пинжисида дилдирар шүрлик юлдузлар...

Қорбүрон

Қиши айёми, лекин офтоб чарақлар,
Қалин қордан әгилганың дарахтлар.

Ташқаридан эшиитилар шұх сурон,
Қий-чұв авжеда, авжеда әди қорбүрон.

Эс-хүшишни олиб учди хаёллар –
Үзоқларда қолиб кетған висоллар.

Едә тушиди сен-ла кечган пайтларим,
Менга атаб айтған ўтли байтларинг.

Қайдан чорлай әнді сени, айт, жоним,
Сенсиз ўтар кундузларим, оқшомим?

Деразадан ташқарига боқдым, мен,
Сени эслаб, муз юрагим ёқдым, мен.

Айт, ҳижронга оташ қалбинг күндими,
Севгимизни ёки қорлар күмдими?

Бог-богчада янграр бирам шұх сурон,
Ёшлигимни эсса солдинг, қорбүрон...

Күрштағымша бұлакол мәнзил

* * *

Бир-бірини құвлар ям-яшил күнлар,
Балқы мени күтиб олгани шошиб.
Кетгиси келади довондан ошиб
Тошкенттің іўлиға чиққан тераклар.

Согинчдан сарғайған олма дараҳты,
Мени согинганмии шафттолилар ҳам.
Она ер меҳрини, қүёш тафтини
Эмиб олганини күргани баҳам.

Ариқтінің четига бағрини беріб,
Җүзилиб қолибди салла ошқовоқ.
Анжирнің юраги согинчдан әриб
Тұқылар. Хузурин күради чорбөз.

Юзимни күришига муштоқу мұхтож,
Ниши уриб чиққандыр жұхорилар ҳам.
Агар ҳеч күрмаса юзларимда гам,
Бошига попукдан кияр эмши тоже.

Қадам құйдим: бояғ, даға – түзи-да,
Озод шамолларға үлганиб ёди,
Чайқалади бугун баҳт деңгизіда
Яшил кема мисол гул таққан водий.

Бир-бірини құвлар ям-яшил күнлар,
Чапаклар қалади осмондан ошиб –
Тонғода мени күтиб олгани шошиб
Тошкенттің іўлиға чиққан тераклар.



Гүлбақор
САЙД ФАНИ

1969 йилда туғилған.
Филология фанлари
номзоды. Құқон
Дағлат педагогика
институтини
туғатған. Ҳозыр шу
институттә фолият
олиб борағы.
Шоураннің “Еввойи
үшіоқ”, “Барибир
баҳтлыман”,
“Құшығымни
кутмоқда дүнә”
номлы шеърий
тұпталмалари нашр
қылғанған.
Құқон шахриðагы
“Нұхол” адабий
тұғаралғы Раðбары.

* * *

Осмонимда жисеганак қүёш.
 Ўнгіб борар күнларнинг тузи.
 Сарғаяди ташналиқ билан
 Күн санаған тупроқнинг юзи.

Юзланаман сенсиз күнларга,
 Тобистонни хазон сўроқлар.
 Куз шаклига киради аста
 Нафасимдан куйған япроқлар...

* * *

Дафтарим очарман фаромуш,
 Қатида қуриган қизғалдоқ.
 Дафтарим саҳфаси сарғаймииш,
 Базрини күйдирған куюк доз.

Мен сени эсладим, ҳаяжон
 Куршаган қалбимга нур сингар.
 Ҳад қўйиб боролмам сен томон,
 Чизиқлар тортганиман юзингга.

Йилларнинг тақвими тўзғиган,
 Қизғалдоқ умрича йўқ ишонч.
 Йўқолган ҳисларим изидан
 Тўзғидим... тақвимдек бенишон.

* * *

Дикқинафас хонага сигар
 Юзлаб орзу, дунё ташвиши.
 Кимдир бемор, кимдир нулталаб,
 Булар билан менинг тўқ ишиим.

Елкамга юк қилиб чарчадим,
 Ҳижронларнинг зил-замбил тошин.
 Ҳамма нарса сиққан хонага
 Сигмаянти ёлгиз бардошим.

Бир лаҳза кел!
 Келгил, севгитим!
 Кўзларимда дилгир илинжим.
 Мен дунёга сигмаянман-у
 Лаҳзаларга сигар севинчим.

* * *

Эшикларин очади күнгил,
Зулфинлари занглаң синади.
Жылмаяди фариншта күнгил,
Бахтли, асли, унинг тийннати.

Енгилдимми, шунчалар енгил
Қирқта сирим сеники бўлди?
Сокинликда яшаган күнгил
Муҳаббатга кўнишиб бўлди.

Мен қирқ бора ўзимдан кетдим,
Қирқта сирим бағрида гуноҳ.
Хузурингда титрайди жоним,
Сен – дилимнинг сиридан огоҳ.

Ҳар нафасим бағрида ҳасрат:
“Худо, менинг дилимни асра!”
Қирқ биринчи сиримдир жоним,
Қирқ биринчи сирим – имоним!

* * *

Тоидек ботар оғриқ тилимга
Бахт тилашдан чарчаган тилак.
Бўй-бўй қолган уядек гариф
Ором қушин йўқотган юрак.

Кўзёшимнинг денгизи тўфон,
Сув юзига урилгай қанот.
Чақмоқ урар, энди кўринмас,
Оғир тортган парвозга најсот.

Остонандга – жоним, муҳаббат!
Руҳиямни пойлар таназзул –
Кушларимга очиги багрингни,
Кушларимга бўлақол манзил...

Фаргона

Ижод лабораторияси

Журнал берилади көрнеки жаңылар
жарнамалари жөнүлдүрүлгөн аныкталып
шынаның түркменистандык мактабасы



**Марҳадаб
Кўчқорова**

1976 йилда туғилган. 2005 йилда "Хозирги ўзбек адабиёттида эссе жанри" мавзуда номзодлик диссертацияси ни ҳимоя қилган. "Бадший сўз ва руҳият манзаралари" номли илмий монография муаллифи. Бир неча йилдан бери "Хозирги ўзбек насирида бадший шартниллик" номли докторлык диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

«ЎЗИМ ЎЗ ҚАЛБИМНИНГ БЎЛСАМ КОЛУМБИ»

Хозирги ўзбек шеъриятининг забардаст вакилларидан бири – Омон Матжон. Унинг ишлери тўплами "Очиқ деразалар" (1970) номи билан нашр этилган. Шундан буён қўирк ишллик ижодий тажриба ва меҳнат фаолиятига эга бўлган шоирнинг "Карвон қўнгироги" (1973), "Қуёш соати" (1974), "Драматик достонлар" (1975), "Ёнаётган дараҳт" (1977), "Ярадор чақмоқ" (1979), "Ҳаққуш қичқириғи" (1979), "Сени яхши кўраман" (1983), "Дараҳтлар ва гиёҳлар китоби" (1984), "Гаплашадиган вақтлар" (1986), "Минг бир ёғду" (1989), "Ўртамиизда биргина олма" (1990), "Одамнинг сояси қуёшга тушди" (1991), "Қуш йўли" (1993), "Иймон ёғдуси" (1995), "Дийдор азиз" (2011), "Халоскор рӯҳ" (2012) каби йигирмага яқин шеърий, насрый, драматик китоблари чоп қилинди.

Омон Матжон 1943 йил 14 февралда Хоразм вилоятининг Гурлан туманида туғилди. Унинг отаси – Матжон Жуманиёзов (1905-1976) шу тумандаги почта бўлнимининг бошлиғи лавозимида ишлар эди. Онаси – Хотира Эрматованинг (1916-1946) умри жуда қисқа экан, ўттиз ёшга тўлганнида тўрт фарзандини чирқиллатиб, боқий дунёга риҳлат қиласди. Ёш Омон онаси вафот этганида уч яшар гўдак бўлган. Шу боис, Омон ака туққан онаси – Хотира опани тугал эслай олмаслиги табиии ҳол бўлиб, уни тарбиялаб-ўстирган ўгай онаси – Ўрозбика опа номларини жуда хурмат ва эҳтиром билан тилга оладилар. Омон аканинг вояга етишида унинг иккита опаси – Гулсара ва Ойимжонларининг ҳам хизматлари катта бўлганлигини тусмол қиласми. Минг таассуфлар бўлсинким, Хотира опанинг умри қисқалиги, қизлари қисматига ҳам битилган экан. Бу қисмат қизларига она мерос қолган эканми? Ёки бошқа бир сабабми? Бишмадик... Омон аканинг эслашича, катта опаси – Гулсара жуда хушрўй, келишган қиз бўлиб, унинг нафис, гоят билимдонлиги, одоби ёш Омон қалбини ўзига ром этади. Опасининг мактаб топширикларини биргина она тили ва адабиётдан берилган иншо ва машқларни зўр иштиёқ билан бажаришини кўриб, укаси – Омон ҳам унга эргашиб, олти ёшида қишлоқдаги Оржаникайдзеномидаги ўрта мактабга: "Мен ҳам мактабда ўқииман", дебя ўжарлик қилиб боради ва биринчи синфга ўқишига

қабул қапынади. Айниңса, опасининг ҳуснхати жуда гүзап, саводли, тоза ёзишганligини Омон ака күвонч ва ишик хотиралар билан эслади. Опаси – Гулсара боши қаттиқ шамоллаб, шу дард билан гуллаган ўн олти ёшида оламдан кўз юмади. Омон аканинг хотирлашича, қизининг бевақт ўлими отаси – Матжон Жуманиёзовни чукур қайгуга ботиради, бир кунда сочлари оқариб кетади.

Омон аканинг иккинчи опаси – Ойимжон эса турмушга чиқиб, йигирма олти ёшида бевақт вафот этади. Омон Матжон ота ва онаси бир Зариф аканинг ҳам алоҳида феъли, қизиқишилари ва характеристи ҳақида гапирдилар. Зариф ака тугма санъат шайдоси бўлсалар-да, тарих фани бўйича мутахассис бўлиб етишади. Зариф ака Самарқанд Давлат университетини тугаллаб, ўша ерда қўним топиб, бугун ҳам ўша ерда оиласи билан умр кечирмоқда.

Матжон Жуманиёзовнинг иккинчи турмуш аёлидан туғилган фарзандлари – Собир, Ҳамро, Қадам акалар бугун ҳам Гурлан туманида ҳаёт кечиришишоқда.

Ёш Омон қалбида адабиётга, сўз санъатига меҳру муҳаббатнинг уйгонишида икки опаси ҳамда акасининг ҳам таъсири бўлди, десак янгилишмаймиз. Албатта, шоир шахсиятининг шаклпанишида, унинг бадиий тафаккури, поэтик нигоҳининг камол топишида жуда кўп омиллар, оиласи мухит билан биргаликда, устозлар меҳнати, шахсий мутолаа (газета-журналлар, бадиий адабиёт мутолааси) ҳам катта аҳамиятга молик. Унинг шоир Ҳамид Олимжоннинг бувисига ўхшаган эртакчи бувиси, сўзга чечан энаси ўйқ эди. Лекин қишлоқда халқ мутолааси, парижон муллалар, оқшомлар уюштирилган шеърхонлик ва доистончилик анъаналари ёш Омон қалбини нурлантириб, ўйналиш бергани аниқ. Бу соҳиҳ кечалар ва яқинлари, оиласи ҳақида шоир шундай ҳикоя қиласиди:

“Менинг катта бобом Хоразмда – Ферузшоҳ замонида – саройда девонбеги бўлганлар. Исли – Эрмуҳаммад бобо (Гап Омон Матжонни туққан онаси – Хотира опанини ҳақида кетаяпти. Таъкид бизники – М.Қ.) бўлган. Бу тарихий маълумотларни турли мавқели идоралардан истаб, ўрганиб кўрганман. Аммо булар 1917 йил бутун шўро мамлакатидаги “эрвилишлар” оловида ёндирилган, тупроққа кўмилган. Амударёга ташлаб, оқизиб юборилган. Бу замон воқеалари ҳақидаги нолаларим “Икки дарё оралиғида” шеъримда бироз акс этган...

...Болалик майли ўзи дунёнинг турли информатив оқимларига ошуфта этади. Эсимда, қишлоғимизда чоплар, халфа кампирлар, кўпинча, туркман шоирлари – Муланафас, Маҳтумкули шеърларини жуда кўп ўқишарди. Бизнинг уйимизда ҳам бу шоирлар шеърияти катта қизиқиш ва меҳр билан ўқиларди. Яна шундай кексалар бор эдики, улар кечқурунлари йиғилишиб, ашулалар айтишарди. Аёллар эса кечалари мойчироқ ёруғида кўрак чувишиб, эртаклар айтишарди, халқ кўшиклиарини кўйлашарди. Мен, мактаб ёшига кирмаган бола, бу сеҳрли куй, кўшиқ, эртакларнинг барисини ухламасдан, қизиқиш билан, қандайдир ҳайрат билан тинглардим. Балки болаликдаги мана шу қизиқиш ва ҳайрат менинг қалбимда шеъриятга бўлган улкан муҳаббат ҳиссининг илк куртакларини уйғотгандир”.

Ёш Омон мактабда ўкувчилар томонидан тайёрланадиган деворий газета ишларига бош-қош бўлади. Газета саҳифасини расмлар, шеърлар билан тўлдирганини Омон ака сұхбатларида таъкидладилар. Ўша йилларда Янгибозорда “Коммунизм учун” район газетаси нашр этиларди. Омон аканинг ўкувчилар ишларида ёзилган “Балиқ билан чирик тўр” номли ишк шеъри шу газетада чоп қапынади. Мазкур шеърнинг яратилиши ҳақида шоир болалик хотираларини эринмасдан гапириб бердилар. Айтишларича, Омон ака дўстлари билан Амударёдан оқиб келадиган уй олдидан ўтадиган ёндан (сув ўйли, каналдан кичикроқ сув ўйли Хоразмда ён дейилади. – М.Қ.) ёз кунлари балиқ тутишади. Дарё сувидан ишиб, чанғонини босишади. Ён ва шу ердаги балиқ ови ҳақидаги болалик кунлари натижасида “Балиқ билан чирик тўр” шеъри ёзилади.

Шеърда тўрга ишинган балиқ ва чириганд тўр мулокот қиласиди. Бу услугуб ёш Омоннинг болаларча бадиий тафаккури, фантазиясини акс эттирган бўлса,

айни пайтда, ўзи англаб-англамаган ҳолда мажозий, фалсафиј шеър намунаси-
ни яратғанлыгыга гуюш бўласиз. Чирик тўр – чириган тузум рамзи бўлса, тўрга
илинган балиқ – собиқ шўро одами. Чирик тўр баликни тезроқ овчига етказмоқчи
бўлади. Аммо уддабурон, кўрқмас балиқ чириган тўрни додга қолдириб, озодликка
интилади. Бу ишининг уддасидан чиқади ҳам. Шеър холосаси чуқур оптимизм ва гу-
манизм гоялари билан сугорилган. Умуман, шеърда ёш шоирнинг ижтимоий муно-
сабатлар, эзгулик ва ёвузлик, туткунлик ва эркинлик ўртасидаги абадий зидди-
ятлар ҳақидаги таъсирли ҳукм-холосаси тимсолли образларда ўз аксини топган.

Келинг, яхшиси булар ҳақида шоирнинг ўзларидан эшиятайлик:

“Биринчи шеърим эсимда, унинг номи “Балиқ ва чирик тўр” эди:

Балиқ билан чирик тўр
Жанжал қилди жуда зўр.
Чирик тўр дер: Балиқвой,
Ишинг чатоқ, ҳолингвой...
Сени ўраб оламан
Ва ҳалтамга соламан.
Овчига етказаман,
Кунингни битказаман.

Бу шеърнинг бошланиш қисми, холос, у ёғи эсимда қолмаган. Бу шеър Янгибозор райони газетасида чоп этилган. Ўша йиллари Янгибозорда машҳур журналист ва шоир Дўстжон Матжон ишларди. У менга шеър ёзиш санъати ҳақида маслаҳатлар ҳам берган. Биз бу инсон билан кўп учрашганмиз. У болалар шоирни ҳам эди”.

Омон Матжон ота касбини эгаллаш учун мактабни тугатгач, дастлаб, Тошкент Алоқа институтига ҳужжатларини топширади. Бир ҳужжат туфайли бу олийгоҳ талабаси бўлиши шарафига мусассар бўла олмайди. Сўнгра шу институт қошидаги Алоқа билим юртига ўқишга киради. Бир йиллик таҳсилдан сўнг Гурланга қайтиб келиб, томма-том юриб, кимнингдир телефон симларини, яна кимнингдир радиосини, ҳуллас, нимаики техника жиҳозлари бўлса, уларни тузатиб-бузиб, усташилек билан шугулланади. Гурланда монтёрлик вазифасини сидқидилдан бажаради. Радио-техникага, газета-журналга ихлос унга ота меррос эди. Шу боис, радиотехник Анвар образи Омон Матжоннинг “Гаплашадиган вакътлар” шеърий қиссасига бежиз олиб киршлаган. Китобга, техникага, кашфиётга, билим олишига ўч Анвар Омон Матжонга ўхшаб кетади. Аммо Омон Матжонга ҳаёт башқачароқ, кашфиётчиликни инъом этди. Яъни, у техник кашфиётчи эмас, бадиий сўз кашфиётчиси бўлиб етишди. Мазкур қиссадаги кўпгина воеалар, образларнинг ҳаёттий асослари бор.

Шоир ўзининг таълим ва таҳсил йиллари, фаолияти ҳақида шундай ҳикоя қиласиди:



“Мен 1961 йилда акам – Зарифнинг маслаҳати билан Самарқанд Давлат университети филология факультетининг француз тили бўлимига ўқишига кирдим. Аммо иккинчи курсга ўтган йилим армия хизматига чақирилганман. Талабанинг ҳам ҳарбий хизматга чақирилиши тарихий-ижтимоий ҳодиса: чунки, 1941-45 йилларда Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги, ниҳоятда кўп одамлар, айниқса,

эркаклар курбон бўлиб кетишиган. Отамнинг елкасида урушдан олдинроқ авто-авария туфайли содир бўлган жароҳат бор эди, шундан уни фронтга олишмаган.

Шундай қилиб, мен, 1962 йилда хизматга кетдим ва ўша пайтда, Германиянинг Дрезден, Майсен шаҳарларида уч йил ҳарбий хизмат бурчимни ўтадим. Ҳарбий қисмимизда жуда катта кутубхона бор эди. Мен ўйладим: уч йил – минг кун... Ҳар куни сал бўш қолсан, китоб ўқииман. Кўп ўқиш болалиқдаги ички қизиқишимга руҳий кувват берди. Шеърлар ёзабошладим. У пайтларда, аспирантларга ҳарбий хизмат муддати икки йил эди. Ленинободлик Исокул Тўрақулов деган ҳарбий хизматчи дўстим шеърмидан бир-икки дастасини Тошкентга олиб кетди. У шеърларимни ўша пайтда, "Шарқ юлдузи"да ишлаётган устоз Шуҳратга бериб кетиби. Устоз эҳтиромли эътибори билан, бирга ишлашаётган Ҳусниддин Шариповга оқ йўл ёздириб, 1965 йилнинг 6 сон (июнь)ида "Солдат ўйлари" сарлавҳаси билан шеърларимни эълон этишган. Отам битта журнални ҳарбий қисмга жўнатганлар. Мен журнални олдим. Шундай қилиб, мен ҳарбий хизматдан шоир Омон Матжон бўлиб қайтиб келдим. Хизматдан қайтища ҳарбий кийимда "Шарқ юлдузи" журнали редакциясига кириб, устоз Шуҳрат билан учрашдим... Устоз мени кучоқлаб: "А-ай, солдат гонорар олдингми?" дедилар... Мен Хоразмга – уйга – Богононга эртасига ярим кечаси етиб бордим... Мен устоз Шуҳратнинг нурли эҳтиромларини кўп туйганман...

1965 йилда хизматдан қайтиб келиб, дорилғунунда ўқишини давом эттиридим. Лекин мен энди француз филологиясида ўқишини хоҳламадим. Ҳарбий хизматда юрган пайтимда қарорим ўзгарди. Ўқишимни ўзбек филология факультетига алмаштиридим. Университетда менга дарс берган Воҳид Абдуллаев, Улуғ Турсунов, Нуридин Шукров, Қўнгурев қаби азиз зотлар – устозларим бўлганидан фаҳрланаман.

1969 йилда таҳсилни тутагтагч, устозларим мени шаҳри азим Тошкентга жўнатиши, бу ерда Навоий кўчасида жойлашган Fa�ур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлашга имкон, ўйл-йўриқ бериши.

Бу нашриёт у пайтлар бутун республикада танилган нашр даргоҳи эди. "Навоий – 30". Деярли, барча йирик босмахоналар, газета-журналларга ҳам меҳрли мураббийлар маскани бўлиб, ўша йиллари, Шуҳрат, Сайд Аҳмад, Саида Зуннунова, Кибриё Қаҳҳорова, Рамз Бобоҷон, Мирзакалон Исмоилий, Мавлон Икром, Ҳамид Гулом сингари кўплаб ижодкорларни кўриш баҳтига мусассар бўлганиман.

1969 йилнинг охиридан бошлаб то 1986 йилгача мазкур даргоҳда ишлаган давримда мен учун яна янги нашр академияси эшик очгандай бўлди. Бу ерда, нафақат, улуғ устоз Ҳамид Гулом билан ёрқин иш фаолиятимиз, улуғ ижодкор акаларимиз билан танишув, балки бутун вилоятлар, Марказий Осиёдаги кўплаб ижодкор шоирлар, таржимонлар билан танишув, хизмат жараёни ҳам бўлди..."

Омон Матжоннинг биринчи шеърий тўплами "Очиқ деразалар" (1970) нашр этилгач, адабий танқидчилик, жамоатчилик унга илиқ муносабат билдириди. Маълумки, шоир уруш йилларида тутгилди, мургак болалик йиллари уруш ва уруshedan кейинги қийин ижтимоий-тарихий даврга тўғри келди. Шу боис, кўп қийинчиликлар, замона қаттиқликларини бошидан кечирган ёш шоир илк шеърий китобини "Очиқ деразалар" деб номлади. Сарлавҳага чиқарилган шеър матнинга эътибор қаратсан, Омон Матжоннинг ижодий кредоси, бадиий-эстетик аъмоли бор бўйи бости билан кўз олдимиизда намоён бўлади. Шоир ўз деразасини, дераза ортидан ётди, соя, кулги эшиштишиб турадиган фаровон, осойишта оила, руҳий хотиржам уй, Ваттанин орзу қиласи. Ёш шоир ўз ўйлани излайди, бедор руҳий тўлғанишларини шеърга солади. Мазкур тўпламга кирган "Очиқ деразалар", "Шеърият", "Бошқалардек севишдик биз ҳам", "Фируза", "Шар", "Дўстларим", "Буғдоӣ" каби ўнлаб шеърларида ёш шоирнинг олам ва одам муносабатларига лиро-романтик, фалсафий, патетик, ҳиссий тафаккури ўз муҳрини босган.

Ижодкор шеърдан шеърга, фикрдан фикрга, образдан образга томон ўсиш ва ўзгаришда давом этди. У бадиий ижодда тиним билмай мөхнат қилди.

Китобларининг сарлавҳа – номлари ҳақида шоир шундай дейди:

"Китобларимнинг номлари кўнглимда, ҳали асарим чиқмай, кўп олдин зоҳир бўлиб юрар эди. Ҳозир ҳам..."

"Карвон қўнғироги". Тасавур қилинг, қадим Хоразм замини, овул-эли. Бу қадимий карвон йўллари диёри...

Хоразмнинг барча шаҳар, кент, овул-қишлоқларининг, ҳар бирининг номи жуда қадим пур маъно. Битта Боголонни олинг, Бўзқалъя, Чўуболончи, Дўсимбий, Мискин бобо... Амударёнинг "орқа" – шимоли "Қирқ қиз", "Турроққалъя", "Элликқалъя"...

Мен Навоийнинг асарларини ўқиб-ўрганишларим натижасида, хусусан, унинг "Хамса"сидан таъсирланиб, "Минг бир ёғду" асаримни яратдим".

Омон Матжон Ватанимиз тарихи, маданияти, урф-одатлари, фольклорини, ўзга ҳалқлар тарихини чукур биладиган, бир сўз билан айтганда, катта билим ва тафаккур эгаси. Бу қирралар унинг шеъриятида ёрқин кўринади. Яна Омон Матжон шеърларидаги руҳ шундан иборатки, у кўп дунё кўрган, кўп инсонлар билан танишган, уларнинг ҳаёти, дарду изтиробини чукур ҳис этган ижодкор сифатида кўз олдимизда намоён бўлади. Адабиётшунос Умарали Норматов уни "Омон – жаҳонгашта шоир", деб таърифлаган эди. Омон Матжон шеърларида ҳалқонапик, аллегорик образлилик, ижтимоийлик, насрга хос эпик тасварни шеърий ўйлда ифодалаш, фалсафилик, ҳақиқатпастлилар, давр фожиаларини, инсон дардини дадил айтиши жиҳатлари ёрқин намоён бўлади. Шу маънода унинг юксак маҳорат, баланд бадиий дид натижаси ўлароқ, "Гаплашадиган вақтлар" шеърий қиссаси, "Паҳлавон Маҳмуд", "Хоразмийнинг тўрт саёҳати ва саккиз башорати", "Тўғон", "Жаққуш қичқириғи" каби драматик, фалсафи, тарихий достонлари, сўнгги ўйларда эса "Нажмиддин Кубро" трагедияси, "Тўрабекахоним" насррий қиссаси яраттипди.

Омон Матжон лирик, лиро-эпик, драматик турнинг турли жанрларида баралик ижод қилди. Шу билан бирга, моҳир таржимон сифатида ҳам уни яхши билан. Жумладан, турли миллат шоирлари – Шиллер, Бодлер, Евгений Евтушенко, Расул Ҳамазатов, Юстинас Марцинявичюс, Шандор Петефи, Берди Кербобоев, Суҳроб Тоҳир, Ибройим Юсуповлар ижодидан таржималар қилди.

Зоро, бадиий таржима ҳам алоҳида сањат ҳисобланади. Таржимон билан ўзга миллат ижодкори руҳияти орасида қандайдир ўйгунлик, руҳий яқинлик бўлиши лозим, дейишади таржима назарияси билан шугулланувчи олимларимиз. Ўзининг таржимонлик фаолияти хусусида шоир шундай дейди:

"Таржималарга келсак, мен жуда уста таржимон эмасман. Муайян вақт учун, ижодий жараён руҳига бир "Хорманг!" тарзида кучим етганча Шиллер, Бодлер ва бошқа шоирлардан озгина таржималар қилдим. Евгений Евтушенко билан жуда яқин ижодий ҳамкорлигимиз бор. У менинг шеърларимни рус тилига таржима қилди. Ҳатто хонадонимизда бир неча бор меҳмон ҳам бўлган. Жуда яхши эслайман, у билан биринчи маротаба Тошкентда учрашганимизда шундай деган эди: "Мен минглаб юлдузларни кашф этган буюк мунажжим Мирзо Улуғбек туғилган она заминни, унинг одамларини бир кўрсам эди, – деб орзу қиласдим. – Улуғбек, Беруний, Ибн Сино, Ал Хоразмий каби буюклар туғилган юрт одамлари қандай экан? Улар қандай тилда гаплашар экан? Улар қандай миллат экан? – деб қизиқар эдим. Ниҳоят, мен шундай кутлуг заминни кўриш баҳтига мусассар бўлдим!" деган эди. Евгений Евтушенко, асли сибирлик, музлар, қорлар қоплаган бир юртдан..."

Таржимонлик иши ҳақиқатданам машақатли касб, таржимон билан ўзга ижодкор ўртасида, албатта, руҳий боғлиқлик бўлиши шарт. Шу маънода мен таржима қилган шоирларнинг руҳини бир қадар топа олиш керак, деб ўйлайман. Балки шунинг учундир, улар ўзбек бадиий таржима адабиётида ўз ўрнини топа билди. Хусусан, Евгений Евтушенконинг Ўзбекистондаги энг ишончли таржимони мен бўлиб қолдим. У менга шундай ваколат берди: "Фақат Омон Матжон менинг шеърларимни таржима қиласин!" Евгений Евтушенко бир келганида, унинг истаги билан Ўзбекистоннинг гўзал шаҳарларини биргаликда айланиб чиқдик.

Яна бир гап. Еттинчи-саккизинчи синфларда ўқиб юрган пайтларимда, менда бир орзу пайдо бўлган эди: "Қани қирқ ёшимиғача ҳеч курса ярим дунёни кўриб келсан..." Пирлар ёр бўлди. Шу ниятим амалга ошиди. Мен Франция, Америка, Германия, Чехославакия, Туркия, Мўгулистон мамлакатларига, Россиянинг Москва, Свердловск каби шаҳарларига саёҳат қилдим. Французларда шундай гап бор экан: "Уч марта Парижни кўрмаган шоир – шоир эмас!"

Эҳтимолки, хорижий мамлакатларга қилган сафарларим ҳам бадиий таржи-мага турткни бергандир..."

Омон Матжон шеърий, драматик достонларида тарихий шахслар ҳаётига кўп мурожаат этди. Масалан, Ал Хоразмий, Беруний, Маъмун, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Дравархоним (Тўрабекахоним) каби тарихий образлар қатор драматик достон, трагедия ва қиссаларида акс эттирилган. Тарихий асар яратишда ўзига хос бадиий шартлилук талаблари мавжуд. Ижодкор тарихий фактни айнан кўчириб эмас, унга бадиий тўқума образлар қўшиб, воқеликни хаёлан тўлиқ тасаввур этиб, тарихий воқеликни бадиий ҳақиқатга айлантиришда бир қанча мезонларга таяниши лозим. Масалан, ўтмишини тасвирлаш учун, табиий равишда, ўша давр лексикасини асарда кўллаши, тарихий миллий колоритни асарнинг руҳига сингдирив юбориши лозим бўлади. Қолаверса, тарихий асар фонида замонавий кун тартибдаги муҳим ижтимоий, маънавий-ахлоқий, фалсафий гояларга ҳам жиҳдий эътибор бершиши лозим.

Омон Матжоннинг "Дийдор азиз" номли янги китобига иккита тарихий асар киритилган. Улардан бури Кубровия тарикатининг асосчиси Нажмиддин Куброға багишиланган. Трагедияда Нажмиддин Кубро тимсолида иродаси кучли шахсни кўрамиз. Қолаверса, бу валийтарош, мутасаввиф тимсолида ватанпарвар, миллатпарвар, инсонпарвар шахс образи мужассамлаштирилган. Ижодкор тез-тез тилга олганидек, Нажмиддин Кубро шартли заминий инъомлару, заминий орзу-истаклардан анча юқорига кўтарила олган зот.

"Нажмиддин Кубро" трагедиясида жиҳдий танқид этилган маънавий, ижтимоий муаммолардан бури ўша давр муҳитидаги хиёнаткорлик, сотқинликдир. Ички низолар, адоват-кин, кўра олмаслик, катта истеъдоchlарни тан олмаслик, қандай бўлмасин, уларни маглуб қилиш учун бутун бошли миллатни маҳв этишига меваффак бўлган худкашлар образи кўрсатиб берилган. Мазкур трагедиядаги иллатлар, бундан салкам йигирма-ўттиз ишлар опдин яртилган "Беруний", "Ал Хоразмий", "Паҳлавон Маҳмуд" драматик достонларида ҳам ишонарли очиб берилган эди. Демак, Омон Матжон шахс табиатига хос хиёнаткорлик, сотқинлик, ҳасадгўйлик каби иллатларни қизип иш мисоли кўпгина асарларида давомий ўрганади, аёвсиз танқид қиласди.

"Нажмиддин Кубро" трагедиясининг яратилиши, ижодий жараён лаҳзалари ҳақида сўраганимизда, Омон Матжон шундай жавоб беради:

"Менинг бу асарни ёзиш ҳақидаги ижодий режам йигирма йил опдин миямда бор эди. "Дийдор азиз" китобимга янги икки асаримни киритдим. Иккиси ҳам тарихий мавзуда. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимизда тарих ўқитувчимиз биз – ўқувчиларни Хивага зиёратга олиб борди. Шунда муаллимимиз Дўсиммат ака Нажмиддин Кубро билан Тўрабекахоним ҳақидаги тарихий ҳикоятларни гапириб берган. Шу ҳикоятлар менга кучли таъсир қилган эди ўша пайтда. Қолаверса, Хоразм тарихини ўрганган рус олими Толстовнинг китобларига суюндим. Умуман, мен, асосан, ижодимда X-XIII асрлар Хоразм тарихини, шу даврдаги энг машҳур, қаҳрамон деб аташга лойиқ шахслар ҳақида ёздим".

Омон Матжон шеъриятининг асос ўзагини Хоразм нафаси, Хоразм одамлари, Хоразм тарихи, Хоразмининг қадимиий минг ишллик урф-одатлари, Хоразм характери, табиати, иқлими бир сўз билан айтганда, Хоразм миллий колорити ташкил этади. Шоир асарларидан Хоразм оҳанглари уфуриб туради. "Сиз Хоразм заминида туғилганингиздан, гурланлик эканингиздан фахр ҳиссини ту-

ясисми? Гурланликлар қайсар, ўжар одамлар бўлади. Сизнинг табиатингизда ҳам шундай хислатлар борми?" деб сўраганимизда, Омон Матжон шундай жавоб қилиди:

"Хоразмда менга энг катта раҳбар ҳам, боғчага кетаётган болакай ҳам бари руҳ гўзалиги, эҳтироми, деб биламан! Ижод ҳам гоҳида шахмат ўйинини эслатмайдими? Менда унча ҳам шахматчиликка салоҳият йўқ. Баъзан бир пиёданинг юриши кифоя! Шоҳнинг ҳимояси эса асосий ғоя!

Мен, албатта, буюклар туғилган она замин Хоразмда туғилганимдан фахрламан! Унинг ҳар бир қарич ери, одамлари, янтоғи, чўли, суви – ҳаммаси мен учун бирдек қадрли!

Биласизми, мен, "Ҳаққуш қичқириғи" достонимга "Гурланликлар" ҳақида бир афсонани киритган эдим. Умуман, Гурлан ва гурланликларнинг пайдо бўлиши ҳақида турли таҳминлар, ҳалқ афсоналари, чўпчаклар юради ҳалқ орасида. Шулардан биттаси кўр ва ланг одам ҳақидаги афсона. Шу афсонанинг моҳиятидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, гурланликлар уддабурон, ишнинг кўзини биладиган, оғир шароитдан, ҳалқ таъбири билан айтганда, "тегирмондан бутун чиқадиган" қавм деб ўйлайман. Менда ўша ота-боболаримнинг характер, фазилатлари бор, албатта..."

Омон Матжон ҳаёти ва ишодининг асосий қисми шўро замонида кечган бўлса-да, унинг асарларида ўзбек ҳалқининг дарди, изтироби, экологик, ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммолари айтилган. Масалан, биргина "Гаплашадиган вақтлар" шеърий қиссаси бунга мисол. Шоур ҳаёти ва ижодини тадқиқ этган Ж.Жумабеев мазкур қиссану "кўп тармоқли асар", У.Норматов эса "мураккаб асар", деб белгилашган. Унда ўша пайтларда айтилиши қийин бўлмаган жуда жиддий муаммолар кўтариб чиқилган.

Жоиз бўлса, "Гаплашадиган вақтлар" шеърий қиссаси қат-қат муаммолар, қат-қат фалсафа, қат-қат маънолар мавжуд серкіппа асар. "Битта акса урса, ўттисизта протокол тузилади", деган жумла билан собиқ шўро давридаги даҳшатли қозозбоэзлик, расмиятчилик устидан шоур қаҳқчаҳа уриб куплади, ўтпи қалам кучи билан мавжуд ижтимоий иллатни аёвсизларча танқид этади. Қиссада англшумчча, биографик деталлар билан бир қаторда, тарихий воқеалик, тарихий шахслар ҳаёти яширин билан тарзда берилган. Мазкур ўринларга бирор аниқлик киришиб беришини шоирдан сўрадик. "Тўрт дарвеш образини яратишдан мақсадингиз нима эди? Нима учун дарвешларга исм кўймагансиз?"

"Тўғри англабсиз, қиссада тўрт дарвеш образи бор. Уларга мен атайлаб исм кўймаганман. Чунки, мен дастлаб Аҳмад Яссавий образини яратмоқчи бўлганман шу қиссамда. Лекин бу пиримизнинг номлари ҳам, асарларини ўқиши ҳам, уни тарғиб этиш ҳам қатъиян ман этилган давр эди. Биласиз, Аҳмад Яссавий бобомиз олтмиш уч ёшга тўлганларида "Пайғамбаримиздан ортиқ умр кўришни ўзларига эп кўрмай, ер остига кириб кетганлар! "Гаплашадиган вақтлар" қиссамдаги сирли дарвеш, аслида, бу – Аҳмад Яссавий эди.

"Ҳаққуш қичқириғи", "Гаплашадиган вақтлар", "Карвон қўнгироғи" сингари китобларим бугун ҳам дунёнинг турли информ нашрларида фойдаланилаяти. Мен бу жиҳатдан жуда баҳтили ижодкорман!"

Омон Матжон Тошкентда иш фаoliyati тини бошлаган даврларида, Навоий – 30 кўчасида, бўлажак рафиқаси Мақсуда Тоҳирова билан танишиб қолади. У ўша пайтларда ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетининг кечки бўлимида таҳсил олар, шу билан бирга, нашриётда корректор лавозимида ишлар эди. Уларнинг дунёқарашлари, гаплашадиган гаплари, интилишлари, ҳаётга муносабатлари мос тушади. Шундай қилиб, иккى ёш турмуш куришига аҳду паймон қилишади.

1970 йилда Омон Матжон билан Мақсуда опаларнинг никоҳ тўйлари бўйлиб ўтади. Мана улар қўрқ уч ўйлдан бери бирга умргузаронлик қилишмоқда. Тўрт фарзанднинг ота-онаси. Матжоновлар сулоласи давом этмоқда. Фарзандлари –

Райхона, Диёр, Элёр, Назиҳа. Уларнинг касблари – иқтисодчи, техник, шарқшунос (япон тили мутахассиси), психолог.

Омон Матжон билан сүхбатлаши учун хонадонларига қадам ранжида қиласар эканман, ҳар сафар унинг ижодий лабораторияси билан яқиндан танишиши имкониятига эга бўлдим. Унинг ҳаётда, ижодда кўрган-кечирганлари, болалик ва наққирон ёшлик хотиралари билан танишдим. Энг сўнгги маротаба борганимда, адабий жараён учун муҳим бўлган янги бир гап айтиб қолдилар. Шоур шахсий архивида "Ибн Сино" ҳақидаги тайёр сценарий ёзил туғалланганигини, аммо уни шу пайтгача ҳеч қаерда нашр этмаганигини гапирди. Бир пайтлар шоурга Зулфия ҳаёти ва ижоди ҳақида "Садоқат" номли либретто ҳам ёзганлигини қайд этди.

Бугун Омон Матжон фарзандлар, неваралар ва қизғин ижодий меҳнат қўйнида яшамоқда. 1968 йилда яратган "Шеърият" шеърида шоур шундай деган эди:

Шеърият – ҳамманинг ўзи, ўзлиги!
Шеърият ўзинг-ку, қалбдан-қалбларга
Эзгуликнинг бекиёс ганжин
Ишонч қозосисиз элтиб бергувчи!..
...Мен ҳам шошиляпман сенга, шеърият!
Сен сари кетгувчи улкан кемадан
Фақат юкларимга жой топсан, майли.
Шеърият!
Шу ишонч тинчиттас тақрор,
Сирли кашифлар сари судрар солимни.
Сенга содиқлигим байробги шулки,
Ҳар гап,
Ҳар шеъримда,
Ҳар тегланда қалб –
Ўзим ўз қалбимнинг бўлсан Колумби.

Ха, атоқли шоур Омон Матжон ўз қалбининг кашфиётчиси – Колумби бўлди!

Омон ака, сизни илк бор ўзбек ҳалқига танитган "Шарқ юлдузи" журнали таҳририяти ва мухлислингизга тилакларингизни изҳор этсангиз.

"Юқорида айтганимдек, менинг илк шеърларим 1965 йил июнь ойида "Солдат ўйлари" сарлавҳаси билан "Шарқ юлдузи" журналида нашр этилган. Ўша пайтларда устоз Шуҳрат, Ҳусниддин Шариповлар кўп эътибор билан қарашган. Бугун ҳам ушбу жонажон журналимиз ижодкорларига, ўкувчиларига юксак руҳоният тилайман!"

Эҳтиром ила
Омон МАТЖОН".

Шеърият



Эшқобай ВАЛИ

1965 йылда туғылған. Самдұ рус филологиясы факультетини ва аспирантурасини битирған. Унинг “Пахса қишилогим”, “Минг иккінчи кечә”, “Суқунат мүлки” шеърий китоблари, “Француз адабиети тарихи (Үрта асrlар ва Үйгөнші даври)” ўқыға құлланмаси ва бошқа қатор ўқыв-иммий асарлари, мақолалари нашир этилған.

Әртак сүйлар буюк мозий

* * *

Яшай билсам қучогингда қадрга монанд,
Чин қадрга рутба ійікдір, бундан-да баланд,
Олай баҳтим, ғурурим – мен сенға фарзанд,
Қонима-қон, құтлуг макон – Самарқанд бу!

Күллаб турар топинганни пок руҳлари,
Бунда унұт жопнұлкіннің андухлари,
Әртак сүйлар буюк мозий қолдиқлари,
Садқаи жон, құтлуг макон – Самарқанд бу!

Минорида гиёх юсар ўзбекона,
Соясида юлдуз санаар, шоҳ шоҳона,
Бунга омад излаб келар, дўст, бегона,
Риштаи жон, құтлуг макон – Самарқанд бу!

Кетолмайман, бошқа бирор-бир маконга,
Жой бўлмас-ку, қўши муҳаббат битта жонса,
Алишмайман шон-шуҳратни Самарқандга,
Жонима-жон, құтлуг макон – Самарқанд бу!

* * *

Фол очғаним болаликда бекор-бекор,
Учид кетгап орзуларим турнақатор,
Етказмасми дилгинанға зарра озор,
Эй, баҳтли баҳтсизим, бормисан омон?!.

Сүймас экан муҳаббатнинг чироги ҳеч,
Күнгил порлаб қолар экан әртами-кеч,
Хотирамда сүймас бўлған танҳо севинч,
Эй, баҳтли баҳтсизим, бормисан шодон?!.

Ялтироқ сарноларнинг жозибаси кўп,
Бахт аталган кўшикнинг шоҳсугаси кўп,
Энди кўнгилларнинг соҳибаси кўп,
Эй, баҳтили баҳтсизим, согиндим ёмон?!.

Кибор орзуларнинг содда ҳаммоли,
Сенсиз ҳар кунимнинг ортар малоли,
Сен – висол, мен – айрилиқ, жуфти ҳалоли,
Эй, баҳтили баҳтсизим, қўлласин осмон!..

* * *

Биз ҳавода муаллақ вақтмиз:
Гоҳ эртароқ, гоҳида кечмиз.
Ўтмиши экиб кетган дараҳтмиз:
Гоҳ мевали, гоҳида ҳечмиз.

...Март тугмасин ечар ялтизнинг,
Кўк уммонга чўқади тақрон.
Үйқулари учар кўнгизнинг,
Ўз ҳолига табиат ҳайрон.

Айланади вақт – тегирмон,
Симсимланиб ёнади излар.
Вақт тандири узатади нон –
Дийдадаги тош қотган ҳисдан.

* * *

Мен ишқ деб йиқилдим, туриб кетаман,
Сен тан олмасанг-да, юриб кетаман.
Боши берк кўчангнинг чанггини ютиб,
Кишишихўр отимни буриб кетаман.

Алтомиши атайман, энди ўзимни,
Бойчибор бўлади кишишихўр отим.
Танҳо кезиб юргум, бийдай Чамбилини,
Балки учратарман Қоражсон зотин.

Ачинмаиман, асло, ачинма сен ҳам,
Жавобсиз муҳаббат – бўлмагур бир гап.
Ҳали тугилмаган Барчиной дилбар,
Ҳали ўлтон сўраи бўлмаган одат...

Бу қишилоқнинг кўчалари тор экан...

* * *

*Сукут-ла боқаман, теварак-өнга:
 Кимлардир – мұғамбір, кимлардир – сұзбоз.
 Күксімда бир нараса олар аланга:
 Оз-оз,*

*03-03,**03-03.*

*Кимларға ишондым, алдағы мени,
 Кимларға меҳр бердім, қылды хиёнат.
 Хұрсинаң әслайман, әнді ұар куни,
 Қалбимнің қағыраға чүқиб диеңат.*

*Хомталаш түйгелар залворли, оғирир,
 Малоллик келтирағ ёнимда сұзбоз.
 Күксімда бир нараса симиллаб оғрир:
 Оз-оз,*

*03-03,**03-03...*

* * *

*Үн беш күнлик ойдин кунгурас
 Лабларингга тұқмии табассум.
 Регистонда саір этған малак,
 Мен ҳұснингдан лол қолдым бир зум.*

*Тиллакори деворида нақши,
 Қарогимга битилған ашъор.
 Бүнча сұлтим, бүнча оромбахи,
 Изларингдан тараған ифор?*

*На мулким бор, на етар ҳукмим,
 Тұхтатғали сени мұваққат.
 Юрагимда лиқ тұла шашқым
 Регистонга ва... сенға фақат!*

*Ой рашик қылған бу мовий гүмбаз,
 Бибихоним тұқыған палак.
 Шер құвлаган, ҳұв, ўшал оху,
 Сен учрагач, ійқолған юрак!*

Самарқанд

Үмрим ~ ҳеч ким айтмаган құшик

Үмрим

Күнларим – қайғунинг қариндошлари,
Үйкінчлар ўпади этакларини.
Юзимни қүйдірап согинч ёшлари,
Сүйлай...
Үттиз иккенинг әртакларини.

Хафталар – аламга туғишиған сингил,
Құзларини сабрқуашлар ер.
Қувончни яшириб құяды құңгил,
Тұқилиб қолади этагимдан шеър.

Ойларим – оймома құздидаги ёш,
Самода кезади – дарбадар.
Сен, барибир, кетдинг, бағритош,
Сенға кетгім келар нақадар...

Йұлларим – күчамдан оқиб ўтган сой,
Йұлингга қадалған күзларим оғыр.
Үн олтидан бүён, шунча йиі ва ой,
Сени күтиши, нақадар оғыр?!

Үмрим – ҳеч ким айтмаган құшик,
Оханги оламни ғиелатар – маҳзун.
Сенға әлтар иўлда очилмас тұсык,
Хисекроннинг соchlары иўлимдай узун...

Үмрим – ҳеч ким айтмаган құшик...



Дилдора ЯХӘ

1979 йилда туғылған.
Наманған Дағлат
университети
филология
факультетини
тамомлаған.
Матбуотда
шеърлари, “Қора
“Нексия” сири”,
“Қонли гүл”,
“Талваса” каби
детектив қиссалари
эълон қылған.

Нима қилай?

Бошимда кезади беҳад коинот,
Пойимда юракдай титраётир ер.
Үңгимнинг сүзига кирмадим азал,
Сұлымдаги лаънин иймонимни ер.

Айролиқтар аро юраман дайидиб,
Күзгулар чил синар қараб аксимга.
Фалак бүнча торлик қилади ё раб,
Бағримга сиғмаган куюк күксимга?

Күксимга тошлардай осилар юрак,
Юракка юк бўлган, шу гамбода дил.
Дилимда бир сўзки, залворлари тоз,
Тоз – харсанг тигидан тилинади тил.

Бу сўзни ҳеч маҳал айтмагум,
Забонимни кесиб ташлагум, мана.
Қара, хунларим томчиси тоши бўлиб,
Юракка осилиб қолаяпти яна.

Нима қилай?
Бу сўзни ҳеч маҳал айтмагум...

Энди

Энди адоликдан тийилар жоним,
Энтикиб бораятман сен томон.
Энди сокинликка қўнап ҳар оним,
Энди обрўйимнинг обрўси осмон.

Энди минг йил асраган дардимни
Шартта оёғингга тўкиб ташлайман.
Энди ўт тафтингга қилолмай бардош
Чимматим чокини сўкиб ташлайман.

Энди баланд кўнглим айвонасини
Тарқ этган қалдиригоч қайтади.
Энди қорлари беминнат қишиларим
Илиқ баҳоримга видо айтади.

Энди нигоҳингга талош бўлгим бор,
Энди англагим бор дунё завқини.
Энди бир кунгина яшаб ўлгим бор,
Минг йил ўтган умрим ҳаққини...

Ёнингга

Тоқатим тугади, тугади сабр,
Чарчадим ёнингга энтикавериб.
Садпора жонимга қылдим-ку жабр,
Ишқингнинг пойига гул тикавериб.

Шу тоглар бердими бардошларини,
Аямай, кулимни совурдим кўкка.
Баҳорлари ёлгиз, сарсона умрим
Пойимда йиглайди, тушганча чўкка.

Ахир, ҳақ сен учун айлади мени,
Қалбимга назр осмайсанми ё?
Тоглардай бағанд кўксингга мени
Бир даста гул янглиг босмайсанми ё?

Мана... чўққиларда қарибди қорлар,
Согинчинг тўзитди, алҳол, тўзимни.
Афтода бағрингни тўлдирмоқ учун
Олиб кетаяпман кўкка ўзимни...

Наманган

Ишқингнинг талош бўлгим бор, оғизимни
Минг йил ўтган умрим ҳаққини...
Ишқингнинг талош бўлгим бор, оғизимни
Минг йил ўтган умрим ҳаққини...
Ишқингнинг талош бўлгим бор, оғизимни
Минг йил ўтган умрим ҳаққини...
Ишқингнинг талош бўлгим бор, оғизимни
Минг йил ўтган умрим ҳаққини...
Ишқингнинг талош бўлгим бор, оғизимни
Минг йил ўтган умрим ҳаққини...

Драматургия



Хурийд ДАВРОН

1952 йилда туғилган.
Ўзбекистон
халқ шоири.
Ўзбекистон Миллий
университетининг
журналистика
факультетини
туғатган.
“Тұмариснинг құзлары”,
“Болалыкнинг овозы”,
“Қақпүс”, “Самарқанд
хаёлы”, “Соҳибқирон
набираси”, “Баҳордан
бир кун олдин” каби
үндән ортиқ шеърий
ва настрий китоблари
нашр этилган.
Ўзбекистон
телерадиокомпаниясыда
хизмат қылади.

АЛҒУЛ

(Мирзо Улугбек)

ИККИ ПАРДАЛИ ФОЖИА

ИШТИРОҚЧИЛАР:

Мирзо Улугбек – Мовароуннахр подшоҳи,
54-55 ёшларда.

Абдуллатиф Мирзо – Мирзо Улугбекнинг тұнғыч ўғлы,
Балх вилояты ҳокими, 25 ёшларда.

Абдуллағиз Мирзо – Мирзо Улугбекнинг кенжә ўғлы,
валиаҳд, 20 ёшларда.

Али Құшчи – Мирзо Улугбекнинг суюкли шогирди,
машхур олим, 36 ёшларда.

Хожа Низомиддин – девонбеги, 45-50 ёшларда.

Хожа Бурхониддин – шайхулислом, 45 ёшларда.

Шамсиiddин Мұхаммад Мискин – қозикалон, 60 ёшларда.

Шоҳ Вали Баҳодир – амир, 45 ёшларда.

Бобо Ҳусайн Туркестоний – амир, 45 ёшларда.

Мироншоҳ қавчин – амир, Самарқанд доруғаси,
50 ёшларда.

Султоншоҳ барлос – амир, 50 ёшларда.

Она – амир Вафодорнинг онаси, Улугбекнинг энагаси
Тўйжон – хонанда аәл, 24-25 ёшларда.

Талабалар, шаҳарликлар, мулозимлар.

**ПЬЕСАДАГИ ВОҚЕАЛАР 1449 ЙИЛНИНГ КУЗИДА,
БИР КУН ДАВОМИДА БҮЛИБ ЎТАДИ.**

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Қадимиий Самарқанднинг Чорсумайдони. Бозор яқинлиги
сезилади. Гала-говур дам пасайиб, дам кучайиб эшитиплади.
Баъзан яқиндан ўтиб кетган от түёклари овози келади.
Майдондан ўтиб турган йўловчиларнинг айримлари бир
ерда тўхтаб, гаплашиб қоладилар.

БИРИНЧИ ШАҲАРЛИК: Подшоҳимиз кўп азиз вағтларини
юлдуз санашга беҳуда сарф қўлмоқдалар. Сиз таъриф қўлган
ўша расадга қамалиб олиб, аллақандай... зижму дерлар, бир
балони тузмак ила муттасил машғулдурлар. Мамлакатда не
бўлаётганидан эса мутлақ бехабарлар. Бу ишнинг оқибати,
 билмадим, не бўлгусидур.

ИККИНЧИ ШАҲАРЛИК: Оқибатини кўриб турибмиз. Сўнгги бир-икки йилда неча карра таҳликада қолдик.

УЧИНЧИ ШАҲАРЛИК: Султонимиз фалакиёт сирларини тафакурлари ила тадқиқ қилурлар, сайёralар йўлини ҳисоблаб билурлар.

ИККИНЧИ ШАҲАРЛИК: Э қўйинг, ўша юлдузларни... Ўша Мирриху Уторуднинг сизу бизга иши йўқ! Йўлчига йўл кўрсатган Зухро ҳам ташвишимизда йўлбошли бўлолмас, мадад бермас, юпанч беролмас.

БИРИНЧИ ШАҲАРЛИК: Мен султонимиз тадбирли, оқил, улусга меҳрибон зот эканликларини инкор этолмайман. Аммо мен учун замин, ойу юлдуз ҳаракати эмас, тегирмон тошининг ҳаракати муҳимроқдур.

УЧИНЧИ ШАҲАРЛИК: Рост сўйладингиз, сўнгги йилларда мамлакат қайта-қайта ғоратда қолди. Аммо подшохимиз ҳар сафар жидду жаҳд ила ёғийни салтанатдан соқит қилишиблар...

БИРИНЧИ ШАҲАРЛИК: Ҳар сафар мамлакат олдингидан кўра кучлироқ талофатга учрамаяптими? Айтинг, тақсир?!

ИККИНЧИ ШАҲАРЛИК: Подшохимиз эса осмондан тушмайдилар! Ҳозир уламою умаронинг кўпчилиги подшохга зид, аларнинг ғазаб ва интиқом тиғлари ўткирлашган. Яқин орада қонли гавғолар бўлишини сезиб турибман.

УЧИНЧИ ШАҲАРЛИК: Тақсир, гумонингиз беҳуда. Қирқ йил ҳукмфармолик қилдилар, бу ёғига ҳам эгам паноҳида сақлагай, иншооплоҳ...

Шовқин-сурон кучаяди. Одамларнинг ҳаракатида ташвиш аломатлари зоҳир бўлади. Суҳбатлашиб турган шаҳарликлардан бири югуриб ўтаётган танишини тўхтатади.

ИККИНЧИ ШАҲАРЛИК: Ҳа, мулла Мирғиёс, бунча ҳовлиқасиз, тинчликми?

ТЎРТИНЧИ ШАҲАРЛИК: Шаҳзода Абдуллатиф подшоҳга қарши исён бошламиш!

УЧИНЧИ ШАҲАРЛИК: Ё алҳазар!

БИРИНЧИ ШАҲАРЛИК: Ана айтмадимми? Ўғилнинг отага қарши исён бошлагани мен сўйлаган гавғолар ибтидоси эмасми?

ИККИНЧИ ШАҲАРЛИК: Ё Раббим, энди нима бўлади?

БИРИНЧИ ШАҲАРЛИК: Бу ёғи нима бўлишини айтайми? Қоп кўтариб бозорга юргурмоқ лозим.

УЧИНЧИ ШАҲАРЛИК: Ҳозир қонни гапирасизми?

БИРИНЧИ ШАҲАРЛИК: Олти фарзандингиз бор, тақсир. Агар ҳозироқ қоп кўтариб бозорга чопмасангиз, эртага ўзингиз қопга тушгайсиз.

Суҳбатдошлар тўрт томонга шошилиб тарқаладилар. Ёнгиз қолган биринчи шаҳарлик бирлаҳа ўйга чўмиб туради-да, ўз-ўзига гапирганча шошиб чиқуб кетади.

БИРИНЧИ ШАҲАРЛИК: Авомга ою юлдуз ҳаракати эмас, тегирмон тошининг ҳаракати муҳимроқдур, десам ишонишмайди...

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Милодий 1449 йилнинг кузи. Шоҳруҳ вафотидан кейинги талотумлар оқибатида бошланган ҳокимиёт учун кураш авжига чиқкан. Шаҳзода Абдуллатиф мирзо отаси – Моварооннахр ҳукмдори Мирзо Улугбекка қарши бош кўтарган пайт.

Самарқанд яқинидаги Кўҳак тепаликлари. Тепаликлар оралаб оқадиган Оби Раҳмат ариғи ёқасидаги баландликда нақшинкор расад биноси кўзга ташланади. Бинога анча шикаст етган.

Расад этағидаги боғ ва Чилсутун кўшки. Субҳи азон. Ҳали атроф қоронғи.

Олис-олислардан азон чорлови элас-элас эшиштилади. Жимжитликда хавотир ва вахума яширин.

Бог ўртасидаги шийтонда Мирзо Улугбек билан Али Қушчи бомдоод намозини адо этишишмоқда. Нихоят, улар ўринларидан турадилар.

АЛИ ҚУШЧИ: Ассалому алайкум, устоз.

УЛУҒБЕК: Ваалайкум ассалом.

Али Қушчи жойнамозларни олиб таҳлайди ва четга қўяди. У бу иш билан андармон пайтда Мирзо Улугбек ўйга ботганча осмонга тикилади.

УЛУҒБЕК: Бу дунёда инсон тафаккурини мудом равнақ топишига сабаб бўладиган икки нарса бор: бу юлдуз тўла фалаку (қўли билан чап кўксига ишора қилиб) мана бу ердаги юрак... Фалақдаги сабиту сайёралар асрорини билмак нечоғлиқ машаққатли бўлса, юракни билмак, уни англамак ҳам шунчалик имконсиздур... Нечун қувонганданда ҳам, қайгу чекканда ҳам бирдек безовталанади? Нега ўткинчи ҳою ҳавасларга эрмак бўлади? Нега алданади?.. Нега алдайди, Али?..

АЛИ ҚУШЧИ:

Ягона бирликка эзадур олам,
Бу бирлик, шубҳасиз, юракдадур жам.
Фалак сирларини кашф эта билиб,
Юрак асрорини билолмас одам.

УЛУҒБЕК: Ҳаққаст шундай! Мен фалакнинг кўп жумбокларини англаб етдим, лекин мана бу ердаги (У яна чап кўксини муштлайди) бир парча гўшти англаёлмадим!.. Нега ўглим менга хиёнат қилди?! Ул ҳам юрагидан бехабарму, Али?

АЛИ ҚУШЧИ: Қисматта илож йўқ, устоз... Қисмат беомондур!

УЛУҒБЕК: Қисмат ҳам фалакдай беомонму? Қисмат беомонлиги фалак ниҳоясизлиги каби даҳшатлидур. Йўқ, бу ҳадсизлик мени даҳшатта солмайди, унинг сирини билолмаслигим кўркитади, холос...

Мен кимман?.. Қандай яшашим керак?..

(Сукут чўқади.)

УЛУҒБЕК: Хув, анави юлдуз Байтул Жавзодур... Худди ғазабга минган Абдуллатиф кўзларига ўхшайдур!

АЛИ ҚУШЧИ: Шомликлар ани Иблис кўзи демишлар.

УЛУҒБЕК: Ҳаққаст, Али!.. Беруний ҳазратларининг китобларида ўқиганим бор... Иблиснинг кўзи! Бағоят тўғри ўхшатиши.

(Яна ўртага сукут чўқади.)

УЛУҒБЕК: Иблиснинг кўзлари чақнаб турган мана шундай субҳи аzonда "Сегоҳ"ни тинглагим келади. Тўйжон хониш қилган "Сегоҳ"га қулоқ тутиб ўтирган кезларим юрагимни кафтимга олиб томоша қилгандек бўламан.

"Сегоҳ" аламимга, сирқираб оғриган жонимга ўхшайдур! Алғул юлдузини билурсан, Али.

АЛИ ҚУШЧИ: Филҳақиқат, Алғул ғалатидур. Уч кун ёниб, сўнгра сўнади-да, яна пайдо бўлуб, аввалгидек порлаб тураверади.

УЛУҒБЕК: Кўксимдаги изтироб ана шу Алғулга ўхшайдур, Али!.. У гоҳ сўниб қолгандек бўлади, сўнгра яна жонимда оғриқ кўзгайди... Кун келиб Алғулнинг мубҳам сири аён бўлгусидур... Аммо... аммо бу изтироб, бу оғриқ сиридан бехабар ўтишдан кўрқаман.

(Яна жимлик.)

УЛУФБЕК: Али, жанозам ўқиладиган пайт, мабодо бошимда бўлсанг, айт, “Сегоҳ”ни чалсинглар...

АЛИ ҚУШЧИ: Қазойи қадар ҳақида гапирманг, қиблагоҳ. Ҳали, Аллоҳга шукурким, кўп яшайсиз.

УЛУФБЕК: Юрагимда мотам бор, Али! Бошимга келган ҳар балони кўтармоққа ро-зимен. Лекин туқон болам бошимга тиф била келатурганига қандоқ чидай? Айт, жига-рим, айт, нима қиласай?

АЛИ ҚУШЧИ: Булар ўткинчидур! Иншооплоҳ, яхши кунлар келгай.

УЛУФБЕК: Шул муддихи воқеа сабабидан кўнглимга вахима тушди-ю, умрим барқ янглиқ ўтганини англадим. Қолган ишларни битирмакни Аллоҳ насиб этармикин?

АЛИ ҚУШЧИ: Бизга вайда этган ишларни битирмай қайга борурсиз. Биз этагингиз-ни кўйуб юбормасмиз, устоз!

(Сукут.)

УЛУФБЕК: Ҳушёр бўл, Али, бугун тунда ғалат ҳодиса бўлур: бир буржда етти сайёра давра қуради. Оқибатда кучли шамол кўтарилигай, дараҳтларни илдизи билан қўпориб учургай, эски биноларни вайрон қилгай... Аммо барибир юрагимда ғалаён қиласётган бўрончалик бўлмас. Бу ғалаён вужудимни бўшлиқ аро, замин билан фалак ўртасида, току таҳт ҳаваси-ю, илим иштиёқи, оталигу подшоҳлик ўртасида учирашиб юрар... На ерга қулагар парчин-парчин бўлгайман, на юлдузлар кўксимга ханжар бўлиб ботгайлар...

(Девонбеги – Ҳожа Низомиддин киради.)

ДЕВОНБЕГИ: Ҳақ таолодин султоним ҳимматларини буюк, қудратларини зиёда қилишини тилайман!

УЛУФБЕК: Тақсир, тагин Абдуллатиф мирзога мактуб жўнатмак тараддутида кел-дингизму? Минбаъд бу гапни айтманг...

ДЕВОНБЕГИ: Мактуб жўнатмак маслаҳатидан қайтганим йўқ, онҳазрат. Аммо, ҳозир ҳузурингизга бошқа мақсадда келдим. Амрингизга биноан салтанатда, унинг ҳудудидан ташқарида юзага келгон вазиятни мулоҳаза этдим, хуфиялар еткарган ха-барларни тартиби солдим.

УЛУФБЕК: Ҳуш?

ДЕВОНБЕГИ: Дашиб Қипчоқда аҳвол нотинч. Абулхайрхон Мовароуннахрда рўй берәётган ҳар бир ҳодисани зийраклик ила кузатмоқда. Мўлжални, мабодо мирзо била уруш бошласангиз, фурсатдан фойдаланиб яна яғмо қилмоқ. Яна хон била баъзи амирларингиз орасида хуфия алоқалар борлиги хусусинда гумонлар мавжуддир.

УЛУФБЕК: Ҳушёр бўлингиз, ғафлатда қолиб пушаймон бўлмайлик!

ДЕВОНБЕГИ: Хиротда ҳам нотинчлик. Абулқосим мирзо иниси Султон Мұҳаммад мирзо била падарингиздан қолган мулкни деб жангу жадални ҳануз тўхтатмаганлар. Яна маълум бўлдики, Абдуллатиф мирзо бир муддат аввал Абулқосим мирзога яши-рин нома йўллаб, ани сизга қарши гиж-гижлашга уринган...

УЛУФБЕК: Оқладар!..

ДЕВОНБЕГИ: Султон Абусайд мирзо ҳам ғимиirlаб қолди, анинг хатти-ҳаракатларида итоатингиздан чиқишига уринишлар зоҳир бўлмоқдадур.

УЛУФБЕК: Абусайдни кўйинг, шаҳзода хусусида яна қандай хабар бор?

ДЕВОНБЕГИ: Мирзо Жайхунни кечиб, Термизи ишғол қилгани хабарини айтган эдим, ҳозир ҳам илдамлик ила йўл босищдан тўхтамайдур.

УЛУФБЕК: Сарҳаддаги қўшунларни кучайтиринг, Кеш била Китобдаги амирлар ҳушёр бўлсунлар!

ДЕВОНБЕГИ: Подшоҳ ҳазратларига яна бир ноҳуш хабарни етказиш қўлингизнинг зиммасига тушди.

УЛУФБЕК: Сўзланг!

ДЕВОНБЕГИ: Бугун тунда амирларингизнинг бир нечаси доруссалтанани яширин тарқ этиб, шаҳзода томонга йўл олмишлар.

АЛИ ҚУШЧИ: Мунофиқлар!

(Мирзо Улугбек девонбеги яна ниманидир айтмолмай тарафдуудланадаётганини се-заб, баттар безовталаанди.)

УЛУГБЕК: Яна...

ДЕВОНБЕГИ: Дасти Қипчоқ йўлида навкарларимиз Абулхайрхон даргоҳига қочиб бораётган бир кишини кўлга олмишлар.

УЛУГБЕК: Абулхайрхон даргоҳига?! Кимни?!

(Девонбеги бироз тарафдуудланади.)

УЛУГБЕК: Кимни дедим?!

ДЕВОНБЕГИ: Амир Вафодорни!

УЛУГБЕК: Вафодорни?!

ДЕВОНБЕГИ: Ҳа, аълоҳазрат.

УЛУГБЕК: Қаерда у?

ДЕВОНБЕГИ: Кўксаройда, амир Мироншоҳ навкарлари қўлида!

УЛУГБЕК: Оҳ, Абдуллатиф, Абдуллатиф, сенинг хато йўлга кирганинг бошқаларни ҳам ўз комига тортмоқда. Ўртадаги ихтилофдан ҳар бадният кимса борки, фурсатни ганимат билиб, фойдаланишга уринмоқда. Аммо, ёнингдаги – сен ишонган кишилар мунофиқлик қиссалар даҳшат экан! Ахир бир кўкракдан мен била баробар сут эмган кўкаaldoшим хиёнат йўлига ўтган экан, бошқалар нима қислинлар?! Мен била баробар бибим Сароймулхоним даргоҳида тарбияланган, волидаси – суюкли знагам ҳар иккимизни оқ юваби, оқ тараган бўлса-ю, мана оқибати... Соч-соқолига оқ тушганда шу ишни қиладими?! Сарҳадларда баҳодирлик қилаётган ўғиллари-ю, набираларидан уялмадими..

Хожа Низомиддин, шайхулислом билан қозикалон жаноблари келдиларми?

ДЕВОНБЕГИ: Улар амрингизга мунтазирлар, аълоҳазрат.

УЛУГБЕК: Ҳузуримга чорланг!

Девонбеги чиқиб шайхулислом билан қозикалон Шамсиiddин Мұхаммад Мискинни бошлаб кираади. Улугбек уларни эҳтиром билан кутиб олади.

ШАЙХУЛИСЛОМ: Подшоҳи замон, дини исломнинг кўмакчиси, оламни забт этган Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг кўз нури Султон Улугбек Кўрагон давлатларига Аллоҳ таолодан равнақ тилаймиз!

ҚОЗИКАЛОН: Ишооплоҳу таоло!

УЛУГБЕК: Пойқадамингиз бош устига.

ШАЙХУЛИСЛОМ: Силқиган кўзларингиздан бу кечани ҳам уйқусиз, беҳаловат ўткарганингизни кўриб турибмен.

УЛУГБЕК: Мавлоно Бурхониддин, сиз бир кечани айтасиз. Бутун умрни шундай фарогатсиз ўтказдик-ку. Мудом таҳлика, мудом жанг жадал, мудом бемеҳрлик!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Худо хоҳласа, барчаси ўнглангай. Ойнинг ўн беши қоронги, ўн беши ёруғ, дейдилар.

УЛУГБЕК: Пешонамизга ёлғиз қаро битиклар, қаро сўзлар ёзилганга ўхшайдур, ҳазратим.

ШАЙХУЛИСЛОМ: Пешонадан шикоят қилмоқ ислом подшосига ярашмагай.

ҚОЗИКАЛОН: Худойим сизга қувват берсун.

УЛУГБЕК: Сиз менга қувват тилайсиз, мен эрсам ҳаловат истаймен, ҳаловат...

ШАЙХУЛИСЛОМ: Бизни чорлаган экансиз, шунга келдик.

УЛУГБЕК: Ҳар нечук сўз бўлса, иддаосиз ўртага ташлаб, ақл ва инсоф билан ҳал этмоқ учун сизни чорлаган эдим.

Сүйлангиз, гумроҳ фарзандимиз фитнасини даф этмоқ учун не чора буюрсак экан? ҚОЗИКАЛОН: Ўз падарига тиф кўттарган зурриёт, иншоолпоҳ, Ҳақ таолонинг қаҳрига йўликур, давлатпаноҳ!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Мулки Мовароунахра тақдири, салтанат рўзгори сизнинг илкингиздадур. Сизнинг муборак хотирингиз бу ҳодисалар хусусида не фикр баён этса, биз андин бош тортмагаймиз.

УЛУҒБЕК: Аммо мен сизнинг муборак хотирингизда не фикрлар бордур, билмоқчиман... Сўйлангиз.

ДЕВОНБЕГИ: Жанобларига маълум бўлсунким, биз султонимизни неча кундан бўён шаҳзодага мактуб жўнатмакка даъват қилурмиз. Аммо аълоҳазратлари бунга асло кўнмаслар... Вақт эса зик, ҳар сония олтинга тенг.

УЛУҒБЕК: Ўйл йўқотган фарзандимга нима деб мактуб битаман! Қаҳри таҳдид қилайму, ялинайму?.. Ё опдин унга мактуб битмаган эдикму?

ҚОЗИКАЛОН: Ўз қиблиагоҳининг иродаси фарзанд учун фарзи айндор. Анинг иродасига бош эгмаган фарзанд устидан ҳукм қиқармоқ падар учун ҳам фарз, ҳам қарздор, давлатпаноҳ!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Энг аввало жазони ўйлаш эмас, бу фалокат олдини олмоқ керак, токим унинг даҳшатли чангаки давлатингизни қақшатмасун! Эл-улусга озор бермасун!

УЛУҒБЕК: Қандай қилиб? Ақлли кенгаш беринг!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Ақлли кенгаш шулким, Ҳожа Низомиддин айтқонларидек, Абдуллатиф мирзони ақлга, инсоғу вижданга чақирасиз, унинг кўнглида меҳру оқибат уйғотишга ҳаракат қиласиз.

УЛУҒБЕК: Демак, сиз ҳам мактуб битмакка даъват этасиз?

ШАЙХУЛИСЛОМ: Оре, олампаноҳ!

УЛУҒБЕК: Демак, юришга ҳожат йўқ?

ШАЙХУЛИСЛОМ: Асло!

УЛУҒБЕК: Аммо ноқобил фарзанд яхши тилакларимизни қабул этмаса-чи? Унда нима қилгаймиз?

ДЕВОНБЕГИ: Меҳру оқибатингизни рад этса, унда идрок этмоқдин ожиз фарзанд бўйнига таёқ урмоқ отанинг вазифасидур.

ШАЙХУЛИСЛОМ: Аммо асло қилич урмоқ эмас!

УЛУҒБЕК: Унда сиз шаҳзодага мактуб битмак чорасини кўрингиз.

ШАЙХУЛИСЛОМ: Бу савоб ишни барпо қилмоқ учун камина ҳар қандай машақатдан юз ўтирасман.

(Қозикалон сукутда.)

УЛУҒБЕК: Қозикалон жаноблари, нечун сиз сукутдасиз?!

ҚОЗИКАЛОН: Иш мактуб билан тузатмоқ ҳаддидан ошибтур, деб қўрқаман. Шаҳзода бамисоли камондан узилган ўқдур, ани тўхтатмоққа қофоз эмас, қалқон ло-зимдур...

УЛУҒБЕК: Давом этингиз...

ҚОЗИКАЛОН: Маълумингизки, мен ҳарб кишиси эмасман, аммо ҳар икки тарафнинг кучини, ҳар ёқдаги шароитни узоқ мулоҳаза этдим. Тараддуддуга асло ҳожат йўқ. Ҳаялламай зафар байроқларини кўтаришингиз лозим!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Асло бундай қилманг, аълоҳазрат... Мавлоно Мұхаммад Мискин, илмпеша подшоҳимиз...

ҚОЗИКАЛОН: Илмпеша подшоҳимиз тужу таҳтни илм кучи била эмас, қилич била олганлар, уни яна қилич била пойидор қилишга ҳаракат қилмоқлари даркор!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Бу ерда қиличининг ҳожати йўқдур!

ҚОЗИКАЛОН: Аммо салтанат тамалини кулатмоққа кўтарилган қўлларни кесмоқ зарур!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Бутун олам тиглари ҳаракатга келган чоғдаем, агар Аллоҳ таоло хоҳламаса, биронта томир ҳам қирқилмагай!

ҚОЗИКАЛОН: Ҳазрати пайғамбаримиз ўрнаттган шариат чарогисиз бирор киши ўз ақпига најот күчасини топар деб ўйламанг. Ҳудди шунингдек, агар сұлтоннинг ҳайбати ўз мулкни ҳимоя қылмаса, бу салтанатда ҳеч кимса тинчлик-хотиржамлик билмагай.

УЛУФБЕК: Чора... чора айтингиз.

ШАЙХУЛИСЛОМ: Ўғлингиз гунохини адлу авғ суви била ювмоқ, даволамоқ зарурдур. Бўлгуси мумомалада қиличга эмас, адолат кучига суюнмоқ мирзони гумроҳликдан қайтарар деб инонурман!

ҚОЗИКАЛОН: Куръони Карим «Уруш очғанларга қарши уруш очмоққа ижозат этилур, негаким улар йўлдан озғанлардур» деб буорар. Ягона чораси: ё жанг қилмоқ, ё мирзони дунёдан олиб ташламоқдур!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Астағфуруллоҳ!

АЛИ ҚУШЧИ: Аллоҳ таоло бундай күнни ҳеч бандасининг бошига солмасун!

УЛУФБЕК: Худойим олдида не гуноҳ қилган эканман?!

ҚОЗИКАЛОН: Тоҷдор бўлмоқни тилаган бош ўлумдан кўркмайди, деган нақл бор. Фарзандингиз ўз ўлимими бўйнига олган бўлмаса, бундай куфр ишга – ўз туқон падарига тиф кўтариша жазм этармиди? Йўқ, олампаноҳ, ягона чораси: ё жанг қилмоқ, ё шаҳзодани дунёдан олиб ташламоқ!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Икки дафъа айтган бўлсангиз-да, ҳануз қулоқларимга ишонмасман. Қозикалон жаноблари, наҳотки, сизнинг оғзингиздан чиқди бу гап?!

ҚОЗИКАЛОН: Балки сиз бошқа чорасини айтурсиз!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Мен чорасини айтдим.

ҚОЗИКАЛОН: Сиз айтган тадбир била иш барибир битмайди. Салтанат тақдиди ҳал қилинар экан, на гуноҳ иш бору, на муқаддаслик бор, на бегоналик бору на ота-боловалик бор. Ҳазрати Расуулуппоҳнинг «Ла арҳама байн-ул мулки», яъниким «Подшоҳлар олдида ҳеч кимнинг қавми-қариндошлиги йўқдур», деган муборак ҳикматларини унутдингизму, тақсир!.. Шундай экан, мен учинчи дафъа тақрорлашдан ҳам қайтмасман: ягона чораси, ё жанг қилмоқ, ё Абдулатиф мирзони дунёдан олиб ташламоқ!

ДЕВОНБЕГИ: Ишни мактуб била битирмоқ ҳадди ўтган бўлса, аълоҳазрат жанг қилишини истамасалар, ўйлашимча, сўнгти чорадан... албатта, ҳеч иложи қолмагандан кейин фойдаланмоқ лозимдур.

УЛУФБЕК: Бу қандай сўнгти чора экан?

ДЕВОНБЕГИ: Давлатпаноҳ, муборак дилингизни хира қиладиган бўлса-да, айтаман. Қабул қилиш, ё рад этиш ихтиёргизда...

УЛУФБЕК: Хўш?!

ДЕВОНБЕГИ: Шаҳзодани исталган онда саранжом қилмоқ учун унинг орқасига соя зргаштириб қўйган эдик.

УЛУФБЕК: Нега менинг хабарим йўқ, Ҳожа Низомиддин?!

ДЕВОНБЕГИ: Сиз бунга асло изн бермас эдингиз, аълоҳазрат, аммо салтанат амалини ўйлаб, шаҳзода қинғир ўйлуга кираётганини сезган маҳалдаёқ шу чорани қўллаган эдик.

УЛУФБЕК: Ҳаддан ошибсиз, Ҳожа Низомиддин!.. Ҳуфия вазифа кимга топширилган?!

ДЕВОНБЕГИ: Шаҳзода ёнидаги хос навкарлардан бирига.

УЛУФБЕК: Агар ул нобакор заррacha хатога йўл қўйса, ўз имконидан ортиқ иш тутса, сиз жавоб бергайсиз!

ДЕВОНБЕГИ: Мен анга кафилмен!

УЛУФБЕК: Бошингиз била кафилсиз! Шаҳзода бошидан бир мўй сабабсиз тўкилгудай бўлса, сизнинг қонингиз тўкилгай!..

ҚОЗИКАЛОН: Давлатпаноҳ, ақл била иш кўрадиган бўлсак, биз айтқон чорадан бўлак ўзга чора йўқтур!

УЛУФБЕК: Ҳа, ақл инсонлар йўлуни ёритган чароғдур. Аммо баъзан чароғ нур сочгани билан овлоқ бурчаклар қоронги бўлиб қолаберади. Ёруглик қанчалик урунмасин, сояни янчидан ташлашдан ожиздур. Инсоннинг ақли ҳам шундай: ёрқинроқ нур сочгани сайин шубҳалар сояси ҳам шунча қуюқлашади. Фақат қалдан тарағлан, ишонч, меҳру оқибат сочган зиёгина бу шубҳаларни тарқата олади.

ҚОЗИКАЛОН: Сиз раҳмұ шафқат тимсолисиз, давлатпаноҳ. Бироқ... Бироқ сиз шаҳзодага ҳозир фарзандға әмас, салтанат душманига қарагандаі қарамағингиз, шунға яраша иш тутмогингиз лозим.

УЛУФБЕК: Ох, не савдо бу! Ахир у менинг фарзандым-ку, Хожа Низомиддин! Нега мени фарзандимни маҳв этмоққа даъват этасиз. Ахир мен ҳам инсонман!

ҚОЗИКАЛОН: Биз ҳаммамиз инсонмиз, аммо сиз әңг аввало салтанату улуснинг тақдирига масъул подшоҳсиз!

УЛУФБЕК: Майли, биздан жабру зулмингизни аямантаз. Адлу адолат йўлига жонимни фидо қўлмоққа ҳамиша тайёрман, аммо мен әңг аввало инсонман, ундан сўнг подшоҳ!

Мен сизни ақел ва инсоф билан кенгаш бермоққа чорлаган эдим, асло бундай қийноқ учун әмас!

(Сукут.)

Аллоҳу акбар, агар юлдузлар каромати яқин ўртада рўй бермаса, агар шаҳид кетмасам, фарзандимга тоҷу таҳтни ўз қўлим била топширгайман. Агар изн берса, мадрасада мударрислик қўлгайман ёхуд расадда машғул бўлгайман... Изн бермаса, эгнимга эски палос илгайман, дарвиш бўлуб узлатга чекингайман, бу дунё азобларидан халос бўлгайман!

ДЕВОНБЕГИ: Фазаб вақтида айтилган сўзнинг оқибати афсусу надомат бўлгай, онҳазрат!

УЛУФБЕК: Бутун умрим афсус-надомат әмасму, Хожа Низомиддин?! Йўқ, энди мен соҳиби таҳт әмас, соҳиби дил бўлмоқни истайман! Аросатда қолган жонимни қутқаргайман! Энди бизга бир бурда нон, бир қумғон совуқ сув бўлса, кифоя. Бу тоҷу таҳт, бу дабдаба, бу фитна-ю, макр – барчаси ҳирс бандаларига буюрсун!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Давлатпаноҳ...

УЛУФБЕК: Йўқ, мавлоно Бурҳониддин, йўқ... Мен англадим, мактуб битмак даркор әмас! Агар мактуб битган тақдиримда ҳам, тоҷу таҳт деб әмас, расадда ё мадрасада бир ҳуҗрани деб ялингайман!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Ҳиёнаткорлар ўз ҷоҳларига ўzlари тушгайлар, давлатпаноҳ, Иншооплоҳ, тез кунларда салтанат таҳлика-ю, оғатлардан қутқарилур. Фақат сиз бардам бўлинг!

(Сукут.)

УЛУФБЕК: Али, расадни зийнатлаган уста бобо тирикму?

АЛИ ҚУШЧИ: Бобо Қамбар оламдан ўтганларига уч йил бўлубтур, ўғиллари уста Абдулғаффор барҳаёт.

УЛУФБЕК: Одам юборинг, ҳузуримизга чорланг! Расадни таъмир этмоқ учун нима-ики зарур бўлса, айтсун, шошилинч иш бошласун!

АЛИ ҚУШЧИ: Бош устига, устоз, бугунок одам юборурман.

ШАЙХУЛИСЛОМ: Ҳозир расадни ўйлайдургон замонму, аълоҳазрат?!

УЛУФБЕК: Фурсат ғанимат!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Ҳаққаст рост, аълоҳазрат, фурсат ғаниматдур! Ёнгин олди олинмаса, бутун юрт зарар топгай. Сиз ёлғиз ўғлингизни ғаламислик йўлига кирган деб ўйлайсизму? Йўқ, аълоҳазрат, асло бундай әмас!..

УЛУФБЕК: Нега тўхтадингиз, давом этингиз...

ШАЙХУЛИСЛОМ: Сизнинг ғанимларингиз гимирлаб қолдилар. Айрим мунофиқлар турили-туман ерларда гап сотиб, сизга ғоят ваҳм гуноҳлар тақмоқдалар.

УЛУФБЕК: Биз қандай гуноҳлар қилган эканмиз?

ҚОЗИКАЛОН: Агар ижозат берсалар, айтамен. Илло, мен бу хусусда сиз, аълоҳазратларига айтмоқни қасд қилган эдим.

УЛУФБЕК: Айтинг, Мұхаммад Мискин жаноблари, айтинг.

ҚОЗИКАЛОН: Давлатпанох, айтаман бу сўзларни айтмоқ менинг бурчимдур. Яширмайман, ўша гапни тарқататеётганлар атрофингизда, ҳам мадрасаларда сабоқ бературғон мударрислар динимизга раҳна солувчи, мусулмонларнинг эътиқодига шубҳа туғдирувчи илмларни тарқатмоқдалар, қани дину диёнат, демоқдалар!

АЛИ ҚУШЧИ: Иғво бу, иғво!

УЛУҒБЕК: Бас, Али, бас!.. Қозикалон жаноблари, ёлғиз алар шундай демоқдаларму ёки ўзингиз ҳам шу хуносадамисиз?!

ҚОЗИКАЛОН: Аларнинг гапларида озму кўпму ҳақиқат бордур.

УЛУҒБЕК: Афлотун, Арасту, Ибн Сино, Беруний каби донишманду ҳукамолар фикрларини талқин этиш дини исломияга шаккоклик деб билинса, мадрасаларда илмномига нима қолур?

АЛИ ҚУШЧИ: Илмпарварлиги билан шуҳрат чиқарган бир подшоҳ пойтахтида бу қадар жаҳолат!

ҚОЗИКАЛОН: Тийилинг, мавлоно, ҳали сизга гапиришга изн берилганича йўқ! Қолаберса, ўша гапларнинг чиқишига сиз ҳам сабабчидурсиз!

УЛУҒБЕК: Бу ҳолатга тоқат қилиб бўлмайди! Илмнинг, ҳикматнинг ҳақиқий дурларини жоҳиллар мусфид фикрлар деймишлар! Мен илми диния билан бир қаторда мантик, ҳикмат, илми ҳайъат, риёзиёт каби инсон заковатининг муборак неъматларила толиблар кўнгилларини тафсия этмоқни истадим, холос!

ҚОЗИКАЛОН: Инсон кўнглини ёлғиз Худонинг китоби тафсия этажак!

УЛУҒБЕК: Ҳақ гапни айтдингиз! Инсон кўнглини соф этган ўша китоб-да: «Албатта, Аллоҳдан олим бандаларигина қўрқадилар!» ояти битилмаганми? Иймон илми инсон заковати йўлини тўсмайди. Инсон закоси, у туфайли юзага чиқкан илму тараққиёт Аллоҳ таоло яратган оламдаги мўъжизаларни кашф этади!

ҚОЗИКАЛОН: Камина адаб доирасидан ортиқ гапирган бўлсам, узр... Аммо айтмоқчиманким, ислом давлатида, динимизнинг истиноди бўлган сиздек подшоҳ, замонида мажусийлару бутпарастлар томонидан ёзилғон китоблар ўқитилаёттанига изн бермаслик керак!

УЛУҒБЕК: Ахир Пайғамбари ислом: «Гарчи Хитойда бўлса ҳам илм олишга интилинглар!» деганларини унутдингизму? Ё бу ҳадиси муборакни ҳам рад этасизуму? Жаҳолатнинг тимсоли бўлмиш айрим кимсалар ҳар қандай илмни мусфид дерлар...

Мен нокобил фарзандим исёнидан кўпроқ жаҳолат исёнидан кўрқамен. Жоҳиллар ўз заҳарларини оби ҳаёт деб кўрсатадилар, халқни чалғитадилар, миллатни чоҳга судрайдилар. Аммо илм ҳам, ҳақиқат каби лоямуттур.

ШАЙХУЛИСЛОМ: Замон, давлатпаноҳ, ҳамма иллат замонда!

УЛУҒБЕК: Йўқ, айб замонда эмас! Ҳамма иллат жаҳолатда! Инсоният пайдо бўлибтиким, инсон юраги учун иккى куч: маърифат билан жаҳолат жанг қиласи.

ШАЙХУЛИСЛОМ: Бу тұхматларни тарқататеётганлар шатранж тахтасидаги пиёдалардур. Орқада құдратли доналар бордирким, қазои-қадар сингари беомондулар!

УЛУҒБЕК: О, Иблис кўзлари!

ҚОЗИКАЛОН: Давлатпаноҳ, падарингиз хоқони сайид Шоҳруҳ Султон бағоят шариаттарвар, тақвodor подшоҳ эдилар. Салтанатдаги барча ишлар ҳаддан ошмаган эди. Сиз эса дарвозаларни катта очиб қўйдингиз.

УЛУҒБЕК: Очган бўлсан, адолат, илму урфон эшикларини очдик, жаҳолат тамбалини олиб ташладик.

Дини исломия илмни улуғлайди, олимнинг қадрими кўтаради, илмни Аллоҳни танимак йўли деб билади. «Мавтул олими – мавтул олами», – олимнинг ўлими оламнинг ўлимидур! Бу исломнинг буюк ҳикмати эмасму?! Илмни, олимни бундан ортиқ қадрлаш борму, рўйи очунда?! Мусулмон учун бундан олий, бундан шарафлироқ вазифа йўқтур. Инсон закоси енгилмасдур!

ҚОЗИКАЛОН: Аммо сиз енгилиб ўтирибсиз!

УЛУҒБЕК: Мен ҳали енгилганим йўқ!

ҚОЗИКАЛОН: Аммо бундай кайфият билан ғолиб бўлолмассиз!

УЛУҒБЕК: Агар ўғлим мени мағлуб этса, подшоҳни, отасини енгтан бўлади, минбаъд илмни эмас!

ҚОЗИКАЛОН: Аммо сизнинг мағлубиятингиз барибир илмнинг мағлубиятидур. Ахир, ул қандай илмки, соҳибига кўмак беролмаса, құдрат беролмаса. Сиз зиж тузиб, минг ўн саккис юлдуз ҳолатини мутаммаккин этдингиз. Аммо ҳозир сизга улар эмас, минг ўн саккис навкар фойдалари, ёлғиз улар кўмак бера олгай!

УЛУҒБЕК: Ҳақ гапни айтдингиз! Ҳозир менга на юлдузлар, на китоблар ёрдам бера олади. Аммо барибир оламда адолат, маърифат, ҳақиқат қарор топгусидур! Аллоҳ инсонни улуғ қилиб яратмиш, бунга мисол: малоикларнинг унга таъзим қылганлари. Аммо бугун ҳам жоҳиллар бамисли Иблис янглиғ инсон олдида, унинг тафаккури олдида бош эшиши истамаслар! Улар ёлғиз Иблис кўзларидан тарағлан союқ шуъланни тан опурлар!

ҚОЗИКАЛОН: Давлатпаноҳ, бу ерда туриб айтилган сўзлар давлатингиз мустаҳкам бўлсун деган ниятда айтилди. Ани қабул қилиш ҳам, рад этиш ҳам ҳумоюн ҳаддингизга ҳавола!

УЛУҒБЕК: Мавлоно Мұхаммад Мискин, агар бизнинг ҳаддимизда бўлса, билингиз: теримни шилиб олсалар розиман, аммо ҳақиқатни, илмни бадном этмоқча рози эмасман!

ҚОЗИКАЛОН: Бу гапларни айтишдан мурод салтанатни сизга олим деб эмас, подшоҳ деб бериб кўйилганини унумасликни эслатмоқдур, аълоҳазрат.

УЛУҒБЕК: О Ҳудойим, елкамдаги бу юқ қачон енгиллашаркин? Қачон?

Кўкалтошим... амир Вафодор менга хиёнат қилмиш... Ўтган тунда Абулхайрхон ҳузурига қочиб бораётганида сарҳадда турган навкарлар томонидан кўлга олинмиш... Хожа Низомиддин!..

ДЕВОНБЕГИ: Ҳозир Кўксарой зиндоридадур. Ўз айбини очиқ бўйнига олибдур.

ҚОЗИКАЛОН: Вафосизлиқ қадар қабиҳ бадномлик йўқтур!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Тангри бир – аҳду паймон бир! Аҳдга вафосизлиқ қилганни жаzosиз қолдирманг.

ҚОЗИКАЛОН: Туз ҳақини унугтанин Аллоҳнинг ўзи ҳам жазосиз қолдирмагай...

УЛУҒБЕК: Жазо ҳам, хукм ҳам сизлардан... Агар у баҳтиқарога нажот йўли бўлса, уша йўлуни; агар нажот чораси ёлғиз жазо бўлса, уша чорани ҳам айтингиз.

ШАЙХУЛИСЛОМ: Сиз ўзунгиз кўкалтошингиз билла сўзлашдингизму?

УЛУҒБЕК: Йўқ, мен унга юзма-юз бўлмоқни истамаймен. Кўз-кўзга тушганда уни аяйман деб кўрқамен. Шул сабабдан ҳукмни ҳам сиз айтингиз. Сизнинг ҳукмингиз адолатли бўлгай!

ҚОЗИКАЛОН: Исёнчининг ҳам, хиёнатчининг ҳам жазоси ҳамиша ўлим бўлган! Шариати Мустафонинг талаби шу!

УЛУҒБЕК: Демак ҳукмингиз: ўлим!

ҚОЗИКАЛОН: Ўлим!

УЛУҒБЕК: Хожа Низомиддин, сиз айтинг!

ДЕВОНБЕГИ: Соҳибқирон бобонгиз: «Ёлғиз хиёнатнигина кечирманг!» деганларини унгуман, давлатпаноҳ.

УЛУҒБЕК: Шайхулислом жаноблари, сиз нима дейсиз?

ШАЙХУЛИСЛОМ: Мен ҳам бобонгиз ҳикматини айтурмэн. Улуг соҳибқирон айтилганларки: «Бирор кишига нисбатан қанчалик қаҳрланма, юрагингда уни авф этмоқ истаги бўлмаса – сен подшоҳ эмас, оддий жаллодсан, холос. Ўлдириш ё жазолаш эмас, подшоҳларнинг қасби авф этмоқдур».

УЛУҒБЕК: Нақадар доно сўзлар!

ҚОЗИКАЛОН (Шайхулисломга): Бу ҳикматни қай мақсадда айтганингизни англадим, тақсир. Аммо Абдуллатиф мирзо исёни-ю, амир Вафодор кирган вафосизлиқ йўлдини олиш учун авф лозимму? Амир Вафодорни қатл этмак била шаҳзодани инсоға чақиришни ўйлайлик! Ҳамманинг кўз ўнгидаги осиб ўлдириш керак, токим ҳар бадният кўруб даҳшатга тушсун!

УЛУҒБЕК: Ўглимниму ёки амир Вафодорниму?

ҚОЗИКАЛОН: Давлатингиз қонун-қоидалари олдида шоҳу гадо баробардур, аълоҳазрат!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Маълумингизким, Иброҳим саллоппоҳу алайҳи Аллоҳ йўлида фарзанди бўлмиш Исмоил алайҳиссаломни қўрбон қилмоқчи бўлганларида Аллоҳ таоло унинг тигини қайтарган.

ҚОЗИКАЛОН: Тақсир, бу ишни Худо йўлида эмас, салтанатнинг барқарорлиги учун қилмоқ жоиздур. Агар шундай бўлмаса, салтанат ҳам, раият ҳам оғат чангалида қолгусидур.

ШАЙХУЛИСЛОМ: Ҳар нарса Аллоҳга маълум, ҳар нарса Аллоҳ таоло илкида!

ҚОЗИКАЛОН: Ҳал қилишни Аллоҳнинг ўзи сизу бизга топширган ишлар ҳам бор!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Ҳаққаст рост, тақсир. Аммо сиз айтганингиз бўлмайди. Ислом подшоҳига ўғил ўлдириган, кўкалтош ўлдириган деган доғ тушади.

ҚОЗИКАЛОН: Давлатпеноҳ, шундай йўриғ топмоқ керакким, салтанатнингиз парчаланмасун, фарзанднингиз исён йўлидан чекинсан! Аммо амир Вафодорни барибир жазосиз қолдириб бўлмайди.

УЛУҒБЕК: Нима қиласай?.. Айтинг!

ҚОЗИКАЛОН: Ўлимга топширинг!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Тафтиш қилмоқ керак!

ДЕВОНБЕГИ: Ўлим!

УЛУҒБЕК: Ўлим?!.. Ҳа, ўлим!.. Мен бу ҳукмни тасдиқ этаман ва минбаъд ўзгартирмасман! Агар ўзгартирсам, подшоҳлик оғочига ўзум болта урган бўламан, яна бир карра ўз охизлигимни тан олган бўламан!..

Менга бундай қарама, Али. Сен мени амир Вафодорни ўлимга буюрди, деб ўйладингму? Йўқ, Али, мен хиёнатни ўлумга буюрдим, хиёнат йўлига кирган нодон фарзандимни инсофга чақирмоқ учун шундай қилдим!

АЛИ ҚУШЧИ: Аммо сиз ҳамиша «Мен золим эмас, олим подшоҳ бўлмоқни тилаймен!» дер эдингиз-ку, устоз?!

УЛУҒБЕК: Аммо таҳт олимники эмас, золимники экан, Али! Мен енгилдим, Али, енгилдим. Золимлик олимликни маглуб этди. Ўлимни најот деб билганим учун маглуб бўлдим, Али!

Сен менга бундай қарама... Мунглиғ кўзларингни ердан уз, мендан-да уз, осмону фалакка тикил, Али... Юлдузларга тикил. Бўлмаса сенинг юрагинг ҳам худди мени-кидек тош қотади, шунда сен ҳам ўлимни најот деб ўйлайсан. Йўқ, кет бу ердан, кет, Али... Мунглиғ кўзларингни олиб кет...

(Али Қушчи чиқиб кета бошлайди.)

УЛУҒБЕК: Йўқ, тўхта... Тўхта, Али, мени ёлғиз қолдирма! Ҳазрат Саъдий «Ё подшоҳлик қил ёки одамлик» деганида ҳақ экан, жигарим! Ҳақ экан!

(Ташқарида шовқин кўтарилаади.)

УЛУҒБЕК: Нима гап? Нима шовқин?

(Девонбеги ташқарига чиқади.)

УЛУҒБЕК: Најот биздан мерос бўлиб авлодларга ёлғиз адованат қолгай?! Најот подшоҳлар ҳаётининг туб мағзи – току таҳт ҳирси, зиндан, кишан, фитна, қувгин, қатағон бўлса?! Најот соҳибқорон бобом яксарҳад этган мамлакат биздан кейин яна парча-парча бўлгай?!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Мамлакатни баҳодур ўғлонлар тўккан қонлар бирлаштиргай!

ҚОЗИКАЛОН: Мамлакатни аёвсиз тўқилган хиёнаткорлар, қўрқоқлар, фитначилар қони, шу туфайли юзага чиқсан даҳшату қўрқув бирлаштиргай, шунда уни на ўт, на сув бузга олади!

УЛУҒБЕК: Мамлакатни адолат, ёлғиз адолатгина бирлаштиргай!

(Девонбеги қайтиб киради.)

УЛУҒБЕК: Нима гап, Ҳожа Низомиддин?

ДЕВОНБЕГИ: Амирлар келдилар. Авзойилари бузук, кайфиятлари совуқ... Амир Вафодорнинг волидаси ҳам ҳузурингизга кирмоқ тилайди.

УЛУҒБЕК: Шүрлік энагам!
 ШАЙХУЛИСЛОМ: Энаганғыз хиёнаткор фарзандига имдод тилаб келган экан, ҳукм айттілди! Амирлар раынни билинг, уларнинг арзини тингланг.
 УЛУҒБЕК: Шүрпешонага нима дейман?
 ҚОЗИКАЛОН: Хиёнати учун ўлумга буюрулди, дейсиз, давлатпаноҳ, хиёнати учун!
 ДЕВОНБЕГИ: Амирлар келсунларму?
 УЛУҒБЕК: Йўқ, знагамни олиб кириңгиз... Мени ёлғиз қолдириңгиз...

(Ҳамма чиқиб кетади. Амир Вафодорнинг онаси киради.)

УЧИНЧИ КҮРИНИШ

МИРЗО УЛУҒБЕК ВА ОНА

УЛУҒБЕК: Пойқадамингиз бosh устига, она...
 ОНА: Аллоҳ сизни панохидა асрасун, подшоҳим!
 УЛУҒБЕК: Подшоҳим демангиз, болангизман. Омон бормусиз, она?
 ОНА: Юрт тинчму, шоҳ ўғлим?
 УЛУҒБЕК: Тинч, она, тинч... Фақат...
 ОНА: Юрт тинч – оналар тинч, шоҳ ўғлим... Ишончим сиздан, ёлғиз умидим сиздан... У дунёю бу дунё сиздан розиман...
 УЛУҒБЕК: Ахир, сиз ҳали... Нега бу яқин орада саройга келмадингиз?
 ОНА: Подшоҳ болам, мен энди саройга зинҳор қадам босмайман. Балки бу сұнгти келишимдур...

УЛУҒБЕК: Ё биздан күнглингиз қолдиму?
 ОНА: Сиздан эмас, ҳоқимият деб атрофингида туну күн заҳар сочтан илонлардан күнглимини олдириб күйдім. Сизни тез-тез күргим келади, аммо безовта қилишга ҳаддим симгайди.

УЛУҒБЕК: Қадамингиз ҳамиша бошимиз устига, она!
 ОНА: Подшоҳ ўғлим, бобонгиз хизматини қылган не-не баҳодурлар, бибингиз даргохини тұлдырыған не-не оқылалар оламдан ўтдилар. Улардан ёлғиз мен қолдим... Ышым саксонға етганда, умримнинг энг тахир даври бошланғай деб ўйламаган эдим...

УЛУҒБЕК: Нечун, она, нечун?

ОНА: Шүнча йил умр күрганим аввал худойимдан, сониян сизнинг фарзандлик мәхрингиздандыр.

Лекин энди бошинпизга түшгап фалокатни эшишиб қон үйглайман.

Ахир, болам, ота-бала хусуматидағолиб тараф бұлғаймы? Қайси томон енгилса, қайси томонғол келса ҳам бахтсизлик көлтиргемаймы?

УЛУҒБЕК: Ахир, бу ноқобил ўғил мұмалата күнмаса, нима қилай?

ОНА: Ноқобил ўғил... Ноқобил ўғил ҳақида гапириб бағримни күйдирманг, улар

ҳақида кейин айтамен... Ҳозир мен сиз ҳақингизда гаплашишга келдім, болам.

УЛУҒБЕК: Мен ҳақимда?.. Мен ҳақимда ҳамма гапни биласиз-ку, она!

ОНА: Биламан, подшоҳ болам, биламан. Чап елканғизда қаро хол борлигини биламан. Ўнг қошингизда билинар-билинмас چандық изи – қиличбозлиқдан нишона борлигини биламан... Ақп-идрокингиз эл-улусга нима берганини билишини истаймен!. Бибингиз билан сизни мудом золим подшоҳ эмас, олим подшоҳ бўлишингизни ният қиласа здик... Бибингиз ниятларини кўролмай, оламдан ўтиб кетдилар, шукур, мен кўрдим... Аммо, шоҳ ўғлим, кўнглимининг бир четида сизнинг камолингиздан фаҳрлашиш ҳисси бўлса, бир четида...

УЛУҒБЕК: Гапириң, она, гапириң... Бир четида нима?

ОНА: Бир четида мана шу камолот йўлида сиз берган, бераётган, беришга мажбур бўлган қурбонликлар ҳақлигига шубҳам бор!

УЛУҒБЕК: Шубҳа?! Нега, она?.. Сиз қандай қурбонликлар ҳақида гапирасиз?

ОНА: Осмонни кузатаман деб ерда бўлаётган кўп нарсалардан бехабар қолмадингизму, болам?.. Яна билмоқчиман, оналар юраги изтиробдан инграйди-ю,

нега ҳокимият ҳирсидан маст фарзандлар юрагида раҳму шафқатдан асар йўқ? Айтингиз, подшоҳ болам, нега сизга хиёнат қиласидилар – подшоҳ бўлганингиз туфайли-му ёхуд олим бўлганингиз учун?

УЛУҒБЕК: Улар менга эмас, инсонийликка хиёнат қиласидилар. Улар жаҳолат билан чиқишломаганим, ваҳшийликни рад қилганим учун, инсонга ато этилган илоҳий ақл тұхфалари илиа эл-улусни баҳраманд қилмоқчи бўлганим учун хиёнат қиласидилар.

ОНА: Бундай тубан ғаразга тоғу таҳт сабаб эмасми, болам?

УЛУҒБЕК: Ҳа, она, ҳаққаст рост!

ОНА: Шундай экан, тоғу таҳт деб ўзингизни қурбон қилишингиз равому?

УЛУҒБЕК: Оҳ, онажон, бу тоғу таҳт юки елкамни қанчалик эзәтганини билсангиз эди! Уни хоину жоҳилларга топширсам, балки ўзумни күтқарурман... Аммо эл-улус, бутун мамлакат жаҳолат домига тушишидан қўрқаман. Бостириб кирган ёгийни ҳайдаб чиқармоқ учун йиллар керақдур, аммо жаҳолатни енгмоқ учун неча замонлар лозим бўлади. Таҳтда ўтирибманким, тиним билмай ғараз билан, жаҳолат билан, зулму адват билан олишаман, жанг қиласаман! Аммо даҳшати бу эмас... Энг даҳшати зулмга қарши зулм қилмоқдур!

ОНА: Мен ҳам шундай қилдим, болам, мен ҳам...

УЛУҒБЕК: Сиз нима қилингизки, зулм бўлса... Сиз меҳрдан йўғрилгансиз...

ОНА: Оҳ, болам...

УЛУҒБЕК: Йилларким, мана шу меҳру оқибат, муҳаббат паноҳида ором олмоқ бўламану баҳраманд бўлолмайман... Муҳаббат ҳам, садоқат ҳам қон билан бўялган, отанинг ҳам, фарзанднинг ҳам юрагига ана шу шафқатсизлик чангали ботган...

ОНА: Онанинг ҳам...

УЛУҒБЕК: Йўқ, онажон, йўқ, она юраги ҳамиша беғубор, ҳамиша шафиқу меҳрибон... Мен нима қилишимни билмай қолдим, онажон... Бундай рўйисиёхликларни кўришдан жангу жадалда иззатона ўлим топсан яхши эмасмиди?

ОНА: Үндай деманг, болам, үндай деманг! Сиз аввал менинг ёшимга етинг... Кейин ўлимни ўйлайсиз...

УЛУҒБЕК: Бу ўтқунчи дунёга ҳеч ким устун бўлолмаган. Дорулбақо чорламоқда мени, она!

ОНА: Ниятни яхши қилинг, шоҳ ўғлим!.. Илоҳим, ота-бала икковингиз ҳам кетимда қолингиз, додгларингни кўргулик қилмасун... Менинг доғим ўзумга етарли... Менинг доғим юрагимнинг ич-ичида. Фарзанд доғи сизни эмас, мени ўлдурсин. Ҳаммасини ўзимга олдим, болам, ўзимга олдим...

УЛУҒБЕК: Сўзларингиз ғалати, она, англамоқ мушкул...

ОНА: Англамаганингиз, яхши, болам, англамаганингиз... Балки мендан нафратланарсиз, мендан юз ўғуарсиз...

УЛУҒБЕК: Нечун үндай дейсиз? Сиз менга қилган яхшиликлар учун нафратланайму? Сизга доим фарзанддек оқибат кўрсатиш ниятидаман...

ОНА: Менга қилган иноятларингиз бир фарзанд оқибатидан устун. Берган оқ сутимдан мингдан-минг розиман. Аммо ўғлим...

УЛУҒБЕК: Вафодор...

ОНА: Вафодор... мен ундан жудо бўлдим.

УЛУҒБЕК: Вафодор ҳали зинданда... Унинг жазоси ўлим деб топилди... Аммо мен... берган оқ сутингиз ҳурмати...

ОНА: Йўқ, болам, йўқ!.. Берган оқ сутимни хиёнатта алмашманг. У қаро этган сутимни ўртага солмани...

УЛУҒБЕК: Ҳали тафтиш қилурман... Айби бўлмаса, исбот келтирса, озод қилурман...

ОНА: У озод бўлди...

УЛУҒБЕК: Ким озод бўлди? Ким, она?

ОНА: У озод бўлди... Ўғлим озод бўлди...

(Она йиглаб ерга чўқади. Худди шу палла Девонбеки ҳовлиқиб киради.)

ДЕВОНБЕГИ: Давлатпанох, мұдхиш хабар! **УЛУФБЕК:** Тагин нима бўлди? **ДЕВОНБЕГИ:** Амир Вафодор... **ОНА:** Оҳ, болам!.. **УЛУФБЕК:** Амир Вафодорга нима бўлди? **ДЕВОНБЕГИ:** Худо раҳмат қиласин! **УЛУФБЕК:** Вафодор... **ДЕВОНБЕГИ:** Уни заҳарлабдилар... **УЛУФБЕК:** Ким? Қачон? Ким бу ишга журъат этди! Шошилинч тафтиш бошланг! Соқчиларни қийноққа солиб эрса-да, бу ишни ким қилғанини аниқланг!

(Девонбеки онага тикилади, нима дейишни билмай тараффудда қолади.)

УЛУФБЕК: Нега турибсиз? Амримни эшитмадингизму? Боринг, ер тагидан бўлса ҳам қотилини топиб бу ерга келтиринг!

ОНА: Шошманг, подшоҳим... шошманг, болам... Соқчиларни қийноққа солиша шошилманг! Вафодорни... боламни... мен ўзим... ўзим...

(Улуғбек унга ажабланиб қарайди...)

УЛУФБЕК: Нима?.. Нима дедингиз, онажон?!

ОНА: Вафодорни... мен ўзим ўлдирдим. Мана шу қўлларим билан унга овқат пиширдим, мана шу қўлларим билан заҳар солдим.

УЛУФБЕК: Ё Аллоҳи Карим, бу қандай ёзугинг бўлди?!.

ОНА: Ёлиз тилаб олган ўғлим... Бағримдан кўчган болам... Бу азобга даво борму, болам?.. Бибингизга қай юз билан рӯпара бўлгайман?! Наҳотки зулмнинг жазоси фақат зулм бўлса?!

УЛУФБЕК: Нечун?.. Нечун бундай қилдингиз, она?

ОНА: Нима қилай эдим, болам? Оғаси бўлмиш сизга, юртига, туз-намак берган хонадонга хиёнат қилган, ота-бобоси тупрогини ёйигига сотмоқчи бўлган фарзанд жонини тилаб ялиниай эдимиу?

УЛУФБЕК: Бу ишни қилманг эди, она?

ОНА: Биламан, болам, биламан, ҳатто илонлар ҳам болаларини ўлумдан кутқармоқ учун оёқлар остига сурдариб борадилар. Ҳатто йиртқич бўри ҳам ўз боласига ўлим тиламайди. Аммо мен... мен... мен...

УЛУФБЕК: Бу қандоқ ҳол, қандоқ ахвол бўлди, онажон?

ОНА: Набираларим салтанат сарҳадларида жонфидойилик қилиб турибдилар. Улар оталари қилмишини билмасинлар, бетлари қаро бўлиб турмасинлар деб шундай қилдим! Болам шарманда бўлмасун, жаллод кўлида ўлимдан кўрқиб талвасага тушмасун, ҳеч бўлмаса ўлумини кўрқмай кутиб олсун деб шундай қилдим, болам! Ахир, ҳаёт ёлғиз нафас олишдан иборатму, шармандалиқдан ўлум афзал эмасму?! Аммо мен қилган ишни сиз қилманг... Ўғлингизни авф этинг... авф этинг... Оҳ, бағримдан кўчтган болам!

ИККИНЧИ ПАРДА

ТҮРТИНЧИ КЎРИНИШ

Биринчи кўринишдаги манзара. Саҳнада шаҳзода Абдуллаизиз пайдо бўлади, кўзлари безовта чақнайди, руҳи паришон.

АБДУЛЛАЗИЗ: Қаерга бормайин, ҳамма: «Подшоҳ бўласанми? Подшоҳ бўласанми?» деб шивирлаётгандай... Ёлиз қолсан ҳам кимдир «Сен подшоҳ бўласанми?» деб айтгандай бўлади. Қулогимга тинмай шу сўзни айтади. Ҳадеб шу гапнинг ўзи такорр бўлгани бўлган:

Йўқ, мен валиаҳд бўлишни ҳам истамайман, подшоҳ ҳам... Кўрқаман... Абдуллатиф барibir теримга самон тиқади. Соғ кўймайди...

(Улуғбек киради, бир муддат ўғлининг ҳолатини кузатади.)

УЛУҒБЕК: Абдуллализ! Неларни пи chirлайсан? Нечун рангингда ранг йўқ?

АБДУЛЛАЗИЗ: Падари бузрук!

(Абдуллализ югурib келиб, тиз чўкиб отасининг этагини ўпади. Улуғбек уни кўтариб, кўзларига тикилади.)

УЛУҒБЕК: Нечун бунча титрайсан? Нечун юрагимга даҳшат соласан?

АБДУЛЛАЗИЗ: Падари бузрук, мен валиаҳдликни минбаъд истамайман! Абдуллатиф валиаҳд бўла қолсун! У барibir мени ўлдиради! У сизни ҳам соғ кўймайди...

(Улуғбек жаҳл билан Абдуллализни ўзидан итариради.)

УЛУҒБЕК: Не дединг, бадбахт?! Ақлинг маҳзунлигини билардим... Аммо бунчалик охизлигингни билмаган эканман!

АБДУЛЛАЗИЗ: Отажон, тавалло қиламан, Абдуллатиф валиаҳд бўлсун!.. Шундай қилмасангиз, у барibir пайт пойлаб...

УЛУҒБЕК: У сенга оға бўлади-ку, падарқусур!

АБДУЛЛАЗИЗ: Валиаҳд деб тан олинганини эшитса, балки йўлидан қайтар, падари бузрук?!

УЛУҒБЕК: Эвоҳ, пешонам шунчалар қарому?!

АБДУЛЛАЗИЗ: Ҳар сафар Ҳиротдан Самарқандга келганда, мендан кўз узмай, бигиз қилиб санчгани-санчган эди. Валиаҳд бўлганимдан кейин эса кўзларидаги бигиз ханжарга айланди. Бу ханжар туну кун қонимни тилайди.

УЛУҒБЕК: Ўзунти тут, шаҳзодан валиаҳд!

АБДУЛЛАЗИЗ: Мен ундан кўрқаман, падари бузрук!

УЛУҒБЕК: Беш ўғлонидан иккингиз қолдингиз. Аммо нетайким, бирингиз хиёнаткор, бирингиз кўрқоқ! Бир-бирингизга суюниб исх кўрасиз деган умидим бор эди!

АБДУЛЛАЗИЗ: Мени валиаҳдликдан халос этинг, отажон! Мендан раҳму шафқатингизни аяманг... У мени ўлдиради!..

УЛУҒБЕК: Адашган эканман! Заифлигин түфайли эркалай-эркалай сени шу ҳолга солган мен ўзум! Абдуллатиф мендан узоқда ўси... Мехру эътиборни ўзгалардан олди ва ўзи ҳам ўшаларники бўлиб қолди. Буни англадиму сени... қанчалик мурувват қилсан, шунчалик менини бўласан деб ёнимдан жилдирмадим. Аммо, нетайким, бу сафар ҳам адашибман!

АБДУЛЛАЗИЗ: Мен сизни жонимдан ортиқ яхши кўраман, отажон!

УЛУҒБЕК: Агар шундай бўлса, ўзингни тут! Менинг ёнимда тур, шикоатли бўл!

АБДУЛЛАЗИЗ: Аммо Абдуллатиф...

УЛУҒБЕК: Абдуллатиф ҳам инсоға келар, ўғлим.

(Девонбеги киради.)

ДЕВОНБЕГИ: Шайхулислом билан қозикалон сизга мунтазир. Келсинларму?

УЛУҒБЕК: Чорланг.

(Девонбеги чиқади.)

УЛУҒБЕК: (Абдуллализга) Фариблигинги кўрмасунлар. Бор, уларнинг кўзига кўринма...

(Абдуллализ шошиб чиқади. Девонбеги Шайхулислом, Қозикалон, Али Қушчини бошлаб киради.)

БЕШИНЧИ КҮРИНИШ

Улугбек, Шайхулислом, Қозикалон, Девонбеги, Али Қушчи

ШАЙХУЛИСЛОМ: Шундай қалтис вазиятта бир қары хотун билан бебақо вақтингиз ҳайф кетмадими, аълоҳазрат?

УЛУГБЕК: Сиз қары хотун деганингиз бибим Сароймұлхоним била мени тарбия қылған, оқ сут берган энагам бўлади. Мен унинг идроки, унинг жасорати қаршисида оқизлигимни сездим, сўзларидан ҳикмат ўқдим.

ҚОЗИКАЛОН: Аммо сизнинг бу тадбирингиз амирларни ранжитганга ўҳшайди. Аларни эмас, хиёнаткор амир Вафодорни түкқан хотинни тинглаганингиз амирларга оғир ботди, аълоҳазрат!

УЛУГБЕК: Дини исломия пайғамбари: «Аввал онангга жавоб қил» дегандар. Шу сабабдан мен даставалан онага жавоб қилдим, қозикалон жаноблари! Сиз айтмоқчи, бу қары хотин энг аввали Онадур. Ёлгиз хиёнаткор ўғлига эмас, менга ҳам онадур! Яна англадимиди, у жасоратга ҳам онадур! Сиз айтган ўша дийдиёлар, унинг кўзларидан оқкан аччиқ кўзёшлар шул Ватан дийдиёси, шул Ватан кўзёшлариру... Кўксидаги оғриқлар шул Ватан изтироблариру, унинг тилидан кўчган лаънатлар шул Ватан қарғишилариру, дуолари эса шу юрт дуолариру! Амир Вафодор менга хиёнат қилдими, йўқ, энг аввал мана шу онага хиёнат қилди! Шу сабабдан ҳам уни шу она жазолади!

ДЕВОНБЕГИ: Аммо... аммо амирлар бағоят ранжиридилар, биз керак бўлмай қолдикму, дедилар!

УЛУГБЕК: Яна нима дедилар?

ДЕВОНБЕГИ: Улар кенгашу машварат қилишнинг вақти ўтди, энди ишнинг натижаси ёлгиз қилич билан бўлгай, деб сиёсат қилмоқдалар.

УЛУГБЕК: Соҳибқирон бобомизнинг «Давлат ишларининг тўқкуз улуши кенгашу тадбир, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилгай» деган ҳикматларини унутдиларму?

ҚОЗИКАЛОН: Давлатпаноҳ, аммо ҳозир давлат ишининг тўқкуз улуши хавф остида, қолган бир улуши ҳам қилич ҳимоясига муҳтождур!

(Орага сукунатам чўқади. Ниҳоят Улугбек «чорланг» дегандек Девонбегига ишора қилади. Девонбеги чиқиб, амирлар: Бобо Ҳусайн Туркистоний, Султоншоҳ Барлос, Шоҳ Вали, Мироншоҳ қавчинларни бошлаб кираради.)

ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ

Улугбек, Девонбеги, Шайхулислом, Қозикалон, Али Қушчи, Амир Бобо Ҳусайн Туркистоний, Султоншоҳ Барлос, Амир Шоҳ Вали, Амир Мироншоҳ Қавчин

ШОҲ ВАЛИ: Яратган эгамдан Искандари замон бўлмиш султонимиз Улугбек Кўрагон ҳазратларига иноятлар, давлатларига омонлик тилаймиз!

УЛУГБЕК: Амир Шоҳ Вали, муддаога ўтингиз...

ШОҲ ВАЛИ: Биз, бизнинг ота-боболаримиз улуг жаддингиз соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳазратга, ул бекиёс зот авлодларига, шул қаторда сизга, энг аввали сизга садоқат била хизмат қилгандар, хизмат қиляпмиз. Салтанат истиноди ҳам...

УЛУГБЕК: Мақсад, амир шоҳ Вали, мақсад?!.

ШОҲ ВАЛИ: Бош устига, олампаноҳ!.. Эъзозу икромнинг, сийлашларнинг ҳам чеки бор. Мирзо Абдуллатиф ҳадидидан ошди, кўнгли тахт тусаб қолди, фикри бузуқликка юз тутди. Сиз эса унга панду насиҳат, мактуб йўллашдан бошқа чорани кўрмайсиз... Иккиланасиз!

СУЛТОНШОҲ: Иккиланиш бўлажак мағлубиятдур, подшоҳим!

МИРОНШОҲ: Туқон отага кўл кўтарган фарзанд фарзандми, аълоҳазрат? Андоқ фарзанд баҳридан ўтган яхши, боридан-йўғи дуруст!

ШОХ ВАЛИ: Фикри бузук шаҳзода шиддат била бостириб келмоктадур. Құлида қиличи яланғоч. Қилич күттарған одам эса баҳона қидирмайды. Ё үлдірсалар, ё банди этсалар тұхтайды, холос...

ҚОЗИКАЛОН: Мирзо Абдуллатиф әхтиёткорликнү билмайдиган, серзарда, дағал үйгит, ор-номуси ҳам үзіга яраша. Үйламай-нетмай иш тутади. Нече марта ани Балхдан ихрөк этмак лозимлигини гоҳ ишора, гоҳ очиқ, яширмай фаҳмингизга еткурған здик. Тингламадингиз! Ҳатто рақибларингиз била яширин тил бириктира бошлаганини билиб ҳам, күрмаганға олдингиз!

ШОХ ВАЛИ: Эмди шунча гапдан кейин ҳам бизнинг құл қовуштириб үлтирганимиз түгри келмас, подшохим!

МИРОНШОХ: Сизнинг тараффудингизни ожизлик аломати деб билган айрим амирлар Самарқандни хуфия тарқ этиб, шаҳзода ҳузырига кетмоқдалар.

ҰЛУҒБЕК: Нима қыл дейсиз?

ШОХ ВАЛИ: Гүмроҳ шаҳзоданы тұхтатмоқ, адабини бермоқ керак!

ҰЛУҒБЕК: Хожа Низомиддин, сиз айтинг...

ДЕВОНБЕГИ: Мактубни кечә жүннатмоқ зарур эди. Энди...

ҚОЗИКАЛОН: Яна мактуб! Панду насиҳатнинг вақты үтди, давлатпаноҳ!

СУЛТОНШОХ БАРЛОС: Құтурған шер каби босиб келаёттан шаҳзодага сүз кор қыларига инонумисиз!

ҰЛУҒБЕК: Агар адолат била иш тұтсак кор қылгай!

МИРОНШОХ: Құтурған дарёни банд билан, құтурған тұяни каманд билан, құтурған душманнан жаңг билан тұхтатарлар, адолат билан на дарёни, на душманни, ҳатто на тұяни тұхтатиб бўлади. Ўғлингизни ҳам ёлғиз қилич тұхтатиши мумкин!

ШОХ ВАЛИ: Ҳузырингизга давлатингиз омонолиги деб келдик, подшохим! Оқпадар шаҳзода...

ҰЛУҒБЕК: Мен ҳали ўғлимни оқ қылганимча йўқ...

ШОХ ВАЛИ: Абдуллатиф мирзо сизни току таҳтадан соқыт қылиб, ўзи подшох бўлмоқчи! Ота тирик экан, қачон ўғил подшоҳ бўлган? Биз бунга асло йўл қўймасмиз! Биз сизнинг садоқатли амирларингизмиз. Шундоқум?

МИРОНШОХ: Ҳа, тақсир, шундоқ! Биз бу ерга сизни деб келдик, подшохим!

ҰЛУҒБЕК: Мени деб келган бўлсангиз билиб қўйингиз: мен фарзандим қонини тўкишини истамасман! Яхшиси току таҳтадан воз кечаман!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Подшохим, аччиққа эрк берманг.

ҚОЗИКАЛОН: Асло бундоқ сўйламанг аълоҳазрат!

ҰЛУҒБЕК: Минбаъд менга бу ҳақда гапирманг! Агар сиз...

(Улуғбек амирларга яқынлашиб, уларга қаттиқ тикилади.)

Агар сиз ўғлим билан жаңг қишлишни истасангиз, борингиз, жаңг қилингиз! Аммо мени фарзандимга тиғ күтаришга мажбур қылманиз!..

Йўқ, яхшиси, борингиз, қочқын муноғиқлар ортидан шаҳзода олдига борингиз, биргалиқда бошимга келингиз! Ахир сизни билмаймани? Мана сиз, амир Шоҳ Вали, Султон Улуғбек подшохлиқка ярамайдур, ё подшоҳлик қылсун, ё юлдуз санасун, деб сухандонлик қылганингиз ёлғонму?! Ҷаҳон сиз, амир Султоншоҳ, ўз фарзандларини эзполмаган киши қандоқ подшоҳлик қылсун, деб айтгандарингиз-чи?!

СУЛТОНШОХ: Астагфуруллоҳ! Подшохимизга равшан бўлсунким, бундоқ мажзум сўзлар бизга тамоман ётдур. Сизнинг ҳам ҳукм-фармолиқда, ҳам илм бобида яктоли-гингиз ҳамиша бошимиз устида бўлган!

ШОХ ВАЛИ: Сизга бундай иғвони еткурған кимсаларнинг нияти содик қулингизга тұхмат қылмоқдан үзга нарса эмас!

ҰЛУҒБЕК: Сизга мен эмас, мулк талашадиган, қиличини қынига солмайдиган подшоҳ керак! Мақсадингиз жаңгу жадал баҳона давлат орттириш, ҳамәннингизни қапайтириш!

ШОХ ВАЛИ: Онҳазрат, ассоциз надоматлар қылманг!

СУЛТОНШОХ: Аллохга минг қатла шукурким, қиличимиз зўри билан давлатингизни сақладик, хазинангизни тўлдиридик!

ШОҲ ВАЛИ: Сиз, подшоҳим, хазинани расад харжига, мадрасаса-ю, толибларга сарфлайсиз. Салтанат асоси бўлмиш кўшинни унутасиз! Оқибатда мудом талофотдасиз!

СУЛТОНШОХ: Абулхайрхон яғоси туфайли мамлакатингиз вайрон, хазинангиз чўги паст. Бу ёқда номард фарзанд исёни... Шунга қарамай, расад таъмирини ўйлайсиз, Қоҳира-ю Бағдоддан, Ҳиндудан Хитойдан қимматбаҳо анжомлар, китоблар харид қилиш билан оворасиз!

(Улуғбек ялт этиб, Али Қушчига қарайди.)

УЛУҒБЕК: Али, уста Абдулғаффорни даъват этдингизми?

АЛИ ҚУШЧИ: Уста Абдулғаффор зарур нарсалар рўйхатини тузмақдалар. Сониян амрингизга биноан котиблар ҳам босқин пайтида ўт кетган китобларни жадал таъмир этмоқдалар...

СУЛТОНШОХ: Яна китоб?! Китоб битмак, китоб ўқимак кишини ожиз қиладур, кўнглини юштадур. Тожу тахт, салтанат эса абадул-абад куч кимда бўлса, ўшанга мусалламдур. Жаҳонгир бобонгиз «Куч адопатда!» деб айтганларининг ҳикмати ҳам шул эмасму?

УЛУҒБЕК: Шон-шавкатли бобомнинг айтганлари куч эмас, адолат ҳақидадур. Ҳар қандай куч адопатсидур, ҳар қандай адолат қурдатлидур – мана бобом ўғитининг асл ҳикмати!

Яна шуни билингким, амир Султоншоҳ, одамлар учун энг фаҳрли иш китоб битмак, китоб ўқимақдур. Илло, қалам ёдгорлиги ўлмасдур, абадийдур! Биз ҳам, сиз ҳам кун келиб бир ҳовч тупроққа айланамиз, лекин китоблар абадиян одамларга ҳаётни ўргатувчи мураббий бўлиб қолажаклар!

ҚОЗИКАЛОН: Мураббий дейсиз... аммо, сиз неча минг жилд китоб ўқиган подшоҳнинг устига энг доно ўҳкамолар сабоғини олган, китобхон шаҳзоданинг бостириб келаётганига нима дейсиз? Ё унинг мураббиси китоб эмасму? Китоб, албатта! Аммо, бошқа китоб – мана шу замон китоби! Мана шу замон аннинг мураббисидур!

ШОҲ ВАЛИ: Давлатпаноҳ, дунёнинг жилови кучнинг кўлидадур. Осмондаги юлдузларни ўрнидан кўзғатиб бўлмаганидек, бу низом ҳам ўзгармасдур! Жонингизни курбон қилган тақдирдаям, бу дунё, бу давр қонунларини ўзгартиролмайсиз!

УЛУҒБЕК: Мен буни англаб етганиман, амир Шоҳ Вали. Азал-абад куч кимда бўлса, ким инсон қонини дарё-дарё оқизса, бошқаларни қул қилса, хўрласа – ўшани мақтайдилар. Жангу жадалларни шижоат деб биладилар, ота ўғилни, бобо неварани ўлдиради, одам-одамни хўрлайди, тиз чўкиради, банди этади – мозийдан то ҳанузгача тирикликтин мазмуни, ҳаётнинг лаззати мана шунда деган ҳикматлар тўқилади.

ШОҲ ВАЛИ: Аслида ҳам шундоқ эмасму, давлатпаноҳ? Буларнинг барчасини қоралаб, лаънат тамгасини босишига уриниш, ҳамма жойда хайру барака, ҳамма исҳада адолат бўлишини истамоқдан манфаат борму? Ахир, бу инсон ваҳшӣ маҳлукот эканлигини, уруш эса унинг ҳаёт тарзи эканини унугтган кишиларнинг касби эмасму?

УЛУҒБЕК: Демак, сизнингча ҳақиқий куч-кудрат зўравонликдами? Лекин дунёда бошка куч ҳам бор: бу яхшилик, бу адолат куч-кудрат! Бунга эришиш қийинроқ, мураккаброқ! Эзгулик учун, адолат учун урушдан кўра кўпроқ матонат ҳамда саъиҳаракат лозим.

Мен куч-кудратни, адопатни илмда кўраман. Ҳа, амир жаноблари, илм ҳам адопатдур. У ўз адопати била сўқир кўзларга зиё бағишлайди, жоҳил диллардан зулматни қувади, хастага даво, адашганга нажот беради.

СУЛТОНШОХ: Сиз илму урфонда ягонасиз, шуҳратингиз етти иқлимини тутган. Аммо шу илмингиз, ўзингиз айтган куч-кудратли, адопатли илмингиз шаҳзода қўшуни ўйлени тўса оладиму?

УЛУҒБЕК: Менинг илмим, боболаримиз илми инсониятни фалокат йўлига бошлаган жаҳолат, қон ва истибоддод ўйлени тўсади!

СУЛТОНШОХ: Онҳазрат, бу гапларни англамоқ бизларга бағоят мушкул!

УЛУҒБЕК: Сизнинг ақплингиз фақат қилич күттармоққа етадими, амир Султоншоҳ!

СУЛТОНШОҲ: Етти отам ҳаққи, бу надоматни кутмаган эдим, давлатпаноҳ! Агар қилич күттарган бўлсан, давлатингиз шавкати учун қилдим. Ақпим шунга етибдими, Аллоҳга шукурлар бўлсун! Айтмоқи эмас эдим, аммо айтишга мажбурман: давлатингиз равнақи мана шу қилич зарбига боғлиқ!

ШОҲ ВАЛИ: Унутманг, подшоҳим, тарих ҳам аввал тиф билан, кейин эса қалам билан ёзилади. Қиличларимиз соясида китоблар битдингиз, зикр туздингиз, расад тикладингиз. Нафақат сиз, саф тортсалар, бир кўшун бўлғуси ҳукамоларингиз, толибларингиз, қолаверса салтанатда бир хас борким, барчаси мана шу қиличлар паноҳидадур!

(Улуғбек бутун сұхбат давомида сукут сақлаган Амир Бобо Ҳусайн Туркестонийга қарайди.)

УЛУҒБЕК: Сиз нечун сукутдасиз, нега келганингиздан буён оғиз очмайсиз, амир Бобо Ҳусайн? Нега сиз жимсиз, нега қиличингизни мадҳ этмайсиз?

БОБО ҲУСАЙН: Мен қиличим зарбасини яхши биламан, шаҳриёр!

УЛУҒБЕК: Сўйлангиз, сиздек марди майдон гапирмаса, ким гапирсун?!

БОБО ҲУСАЙН: Амирлар қилични айтурлар, аммо юракни, идрокни унутиб айтурлар.

УЛУҒБЕК: Қилич ва юрак... Қилич ва идрок! Қизиқ?!. Сўйланг, амир, сўйланг...

БОБО ҲУСАЙН: Ҳа, шаҳриёр, салтанатнинг хору хаси шу қиличлар паноҳида, ҳа, тарих аввал қилич билан, кейин қалам билан ёзилган, ҳа, мадрасалар ҳам, расад ҳам шу қиличлар кудрати туфайли бунёд бўлган. Аммо салтанат ёлғиз қиличлар зўрлиги била эмас, ақлу заковат била баракот топажак! Қилични ҳам яратган шу заковат, шу тафаккур. Аммо у қилични ўзини ҳимоя қилиш учун яратгандур!

Яна шу нарса маълум бўлсунким, қиличим юрагим амрига тобе бўлганидек, мен ҳам сизнинг идрокингизга бош этурман. Мен Султон Улуғбек Кўрагон давлатигина эмас, унинг тафаккури ҳам ҳимояга муҳтоҷлигини яхши биламан!

ШОҲ ВАЛИ: Мақсаддан чалгидик, подшоҳим. Иккى йўлдан бирини танламогингиз шарт! Ё кўл қовуштириб, қисматингизни ўғлингиз ихтиёрига топширмоқ. Ёнким қилич бирлан шаҳзода йўлуни тўстасиз. Шу йўлни тутсангиз, биз сизга садоқат билан хизмат қилгаймиз, амрингиздан зинҳор бош тортмагаймиз, нимаики буюрсангиз, «Бош устига!» дейишдан нарига ўтмагаймиз.

УЛУҒБЕК: Ё бош эгиб, чангуборга қоришиб ётмоқ, ё ғазабланган иблис кўзли илон янглиғ аёвсиз ниш урмоқ – тақдиримда кўрингани шуми? Иккисидан бирини танлашим керакми?

ШОҲ ВАЛИ: Ҳа, олампаноҳ!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Подшоҳимизнинг истаги қаергача етса, биз ҳам ўша ергача борумиз.

УЛУҒБЕК: Қулоқ солингиз. Барчамизга даҳшат солаётган бу хавфдан мен асло четда қолмоқи эмасман. Ҳа, мен подшоҳман. Аммо мен ўша бадбахта отаман...

ҚОЗИКАЛОН: Салтанат ишида кўнгли бўшлиқ ярамайди, олампаноҳ?!

УЛУҒБЕК: Наҳотки мактуб жўнатмак билан иш битмаса? Қаламнинг ишини қилич қилолмас, дейдилар.

ҚОЗИКАЛОН: Ҳа, давлатпаноҳ, қилич кесмаганини қалам кесади. Аммо энди кеч, шаҳзода дарёни кечиб ўтди.

(Улуғбек Девонбегоға қарайди. Девонбегоғи ҳам «энди кеч» дегандек бош чайқайди.)

УЛУҒБЕК: Наҳотки, кеч... Наҳотки?!

ШОҲ ВАЛИ: Лочиннинг учарга мадори қолмаса, чумчукка масхара бўлгай. Давлатпаноҳ, ҳаддидан ошган шаҳзодага куч-кудратингизни кўрсатиб қўйинг. Ҳали қиличингиз ўткир.

УЛУҒБЕК: Қиличим ўткир бўлса-да, ўз сопини кесолмагай, амир!

МИРОНШОҲ: Аммо бир қинга иккى қилич сиғмас, аълоҳазрат!

ШОҲ ВАЛИ: Ярани силаб-сийпамаслар. Тиф била кесиб ташлайдилар. Шундай қилмасалар, у бутун вужудни заҳарлаши мумкин. Шаҳзодага сўз кор қилмас, тиф кифоя!

СУЛТОНШОХ: Халқынинг «Шамол куни чақирма, зое кетар овозингиз» деган ҳикмати бордур. Эндиғи панду насиҳат зое кеттган овозингиз бўлгай!

УЛУГБЕК: Ахир, бутун умрим шамол ичидан кечди-ку, амир Султоншоҳ! Шамол тұхтайдиган кун борму ўзи бу замонда?! Сиз ҳам шу фикрдамисиз, амир Бобо Ҳусайн?!

БОБО ҲУСАЙН: Мен ҳам жаңг қылмоқ фикридаман, аммо ёлғиз Абдуллатиф мириз адабини бермоқ мақсадида эмас, бундоқ исенларга йўл қўймаслик, Ватанини қаро кунлардан асраш мақсадида!

УЛУГБЕК: Бутун тарих олдида, бутун эл-улус олдида, дўсту душманга масхара бўлуб, шармандалиги тавиғи лаънатни бўйинга олиб, ота-бала тожу тахтни деб майдонда ёка бўғишиамизму? Ҳусумат, адовару таъма деб бу муборак заминни қонга бўяймизму?

ШОҲ ВАЛИ: Хийла ноҳақ қон тўкилур, аммо илож йўқ!

БОБО ҲУСАЙН: Беҳуда қон тўкмақдин гуноҳи азим йўқ! Аммо жаңг қилиб исен йўлини тўсмасак, кўр остида милтираб турган бошқа бузгунликлари эртага ёнгинга айланур!

УЛУГБЕК: Хийла ноҳақ қон тўкилур дейсиз, амир Шоҳ Вали?! Сиз учун бу мардоналик, қаҳрамонлик, аммо мен учун юзисизлиқдур. Вақт ғанимат деб бутун ёмонликларни намоён этишига ошиқмангиз! Адолат учун ҳали муддат бор! Ўглимнинг қиличи бўйнимга урилгунча муҳлат бор!

ШОҲ ВАЛИ: Хийла қон тўкилур деганимни маломат қилманг, олампаноҳ! Ахир, дунёнинг ўзи қатли ом майдони-ку?! Ҳар бир дақиқада ўнлаб, юзлаб, минглаб одамзот абадиян кўз юмиб туришини наҳотки билмассангиз?! Бунинг учун ким айбор? Арсаи оғоқнинг ҳар бир сиқим тупроғи котиллик қонини шимган, салтанат, подшоҳлик борким, девори қон... инсон қони билан қорилган! Бу оқсоқ дунё қисмат дафтариға ўз ҳикояларини қон била узлуксиз ёзиб туради. Бутун олам бўйлаб юргурган қон дарёлари сиқилган анор сувлари янглиг томчи-томчи бўлиб ҳаёт косасига тўхтовсиз қуюлиб туради.

УЛУГБЕК: О, амир Шоҳ Вали, сўзларингиз бутун фикру хаёлларни, бутун атрофни қонга бўяйди! Инсон ўз қонига ботгани сайин, иблиснинг даҳшатли қаҳқаҳаси, истеҳзоли кулгуси шунчалик ортар, шунчалик авжига минар!..

Ўглимни қайтар менга, қайтар, иблис кўзи!

Нега дарёдан ўтдинг, Абдуллатиф, нега ўтдинг?

МИРОНШОХ: Йўлини ҳеч ким тўсолмайдигандай важоҳат ясаб келмоқда!

ШОҲ ВАЛИ: Довул ҳайдаган булутлар каби хирс, адоварат ҳайдаган одамни ҳам тўхтатиб бўлармикан?!

КОЗИКАЛОН: Ўглингизнинг қиличи яланғоч!..

УЛУГБЕК: Ўглим эмас, жаҳолат... Жаҳолат устимга бостириб келмоқда! Ўглимнинг эмас, жаҳолатнини қиличи яланғоч!..

Дарёнинг бу томонига ўтишига ҳаққинг йўқ эди, нега ўтдинг? Нега?!

Қаердасан, Абдуллатиф? Қулогингнинг бир чеккаси билан бўлса ҳам бу бепоён кечак қуҷогидаги илтижоларимни эшитаётган бўлсанг, менга садо бер, «Ота, мен шу ердаман!» деб айт!

(Улуғбекдан бошқа ҳаммани қоронғилик ютади ва саҳнада Абдуллатиф Мирзо пайдо бўлади.)

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Улуғбек, Абдуллатиф Мирзо

АБДУЛЛАТИФ: Мен шу ердаман, падари бузрук!

УЛУГБЕК: Нима қилиб қўйдинг, нодон фарзанд?

АБДУЛЛАТИФ: Мен дарёни кечиб ўтдим, қиблагоҳ!

УЛУГБЕК: Ортингда қолган кўхна дарё каби ўртамиизда адоварат тўфони! Ҳудди шу дарёдек кучга тўлгансен, беасовсан, ҳудди шу дарё каби йўлингни тўсишларини исстамассан.

АБДУЛЛАТИФ: Қайдан бу адсоват, ота? Нечун бу беомонлик? Нечун бу алам, бу укубат, ота?

УЛУГБЕК: Мен билмасмен, ўглим.

АБДУЛЛАТИФ: Билмаймен, демәнг, падари бузрук, биласиз, яхши биласиз! Сиз бу йўлга олдинроқ киргансиз, мен энди кўл урган ишларга сиз олдинроқ жазм этгансиз!

УЛУГБЕК: Мен падаримга тиг кўтартмаганмен, Абдуллатиф!

АБДУЛЛАТИФ: Сиз эмасми Мирзо Абубакри қатл эттирган, Бойқаро мирзога оғу ичирган, Амирек Аҳмад миранзи бадарга этган?

УЛУГБЕК: Мен бу ишларни қылган бўлсам, салтанат омонлиги, эл-улуснинг тинчлиги учун қўлдим. Шундай қылмаганимда, улар бошлаган гавғолар юртни хонавайрон, салтанатни пароканда қылган бўларди.

АБДУЛЛАТИФ: Сиз эмасму расаду мадраса панасида хаёл сурган, оқибатда бо-бомдан қолган мулкни яғмога ташлаб, ёйий олдига тушиб қочтан, аммо мағлубият сабабини ўзидан эмас, мудом ўзгалардан қидирган, бошқаларни хиёнатда айблаётган, айтинг, падари бузрук?!

УЛУГБЕК: Мен кимга хиёнат қўлдим, вафосизлик қўлдим, Абдуллатиф?! Сўзларинг аёвсиз, ғазабинг қазои-қадардай қатъий ва чексиз!.. Сен жуда гурурлисан, ўглим!

АБДУЛЛАТИФ: Ахир, мен сизнинг ўғлингизман, қиблигоҳ! Сиз менга илми фалак, риёзиётни, ғазал, куй битмакни ўргатдингиз. Фурурни ҳам сиздан ўрганганман, хиёнатда айблашни ҳам фақат сиздан ўргандим!

УЛУГБЕК: Мен сенга отан бошига қилич кўтариб бор, деб ўргатмагандим-ку! Бу одат қайси тузукда бор, ўглим?!

АБДУЛЛАТИФ: Лекин қайси тузукда бирорнинг ғалабасини бошқага бермоқ бор?! Тарноб жангига жонбозлик қылган ким? Мен эмасму, падари бузрук?! Аммо голиблик нишони кимга берилди? Суюкли ўғлингиз – қўрқоқ Абдулазизга!

УЛУГБЕК: Абдулазиз ўз жигаринг. Мен дунёдан кетар бўлсам, унга ота ўрнида ота бўларсан.

АБДУЛЛАТИФ: Сизнинг хоҳиш-иродангиз ота-боболар низомидан зўроқмики, шарманда Абдулазизни валиаҳд атаясиз?! Қайси тузукда ёзилган, aka тирик экан, уканинг валиаҳд бўлурни?!

УЛУГБЕК: Шунинг учун түққан отангни жарга итарасанми, ўглим?

АБДУЛЛАТИФ: Сизни жарга итарган мен эмас, ўша малъун ўғлингиз! Валиаҳд бўлдим деб ҳирсга берилди, амирларингиз ҳарамини булғади. Қўлида қилич эмас, жом тутмоқни одат қилди. Йигит ёлини ҳарб майдонида эмас, машшат тўшакларида сарф этди. Номингизни қаро этган, шаънингизни ерга урган ўшал муртад эмасму, падари бузрук?! Йўқ, мен Амир Темур хонадони шаънини булғашларига ҳеч кимга йўл бермасмен!

УЛУГБЕК: Жисми заиф, ақли маҳзун инининг раҳм-шафқатингни дариг тутма, ўглим!

АБДУЛЛАТИФ: Сиз ҳали унга шу сабабдан муруват қўлдингизми? Шу сабабдан уни валиаҳд этдингизми?

УЛУГБЕК: Ҳа, ўглим, ҳа! Бу қарорга келган чоғимда Абдулазиз оғир хаста эди. Ўйладимки, шундай қилсан, ҳаётта ишончи ортар, заифлашган вужуди мунсариф бўлгай. Табиблар муолажати билан эмас, менинг шу аҳдим била маҳзун юраги қувватли бўлгай...

АБДУЛЛАТИФ: Кимга хиёнат қўлдим, дейсиз! Ахир бу хиёнат эмасми?! Салтанатни заиф, маҳзун кишига бермоқ салтанатни ҳам заифу маҳзун қўлмоқ эмасми, падари бузрук?!

УЛУГБЕК: Сенинг соҳиби илм бўлганингта ишониб, фаросатинг бу нарсаларга етса керак деб ўйлаган эдим. Инчунин, сен машақатларни кўп чеккансан, зиндану қўғинлар азобини торгтансан... Ақлинги пишган деб ўйладим. Оға-ини эту тирноқ бўлиб кетасизлар деган умидим бор эди...

АБДУЛЛАТИФ: Ёлғиз шуларни ўйдингизму? Йўқ, асло... асло... Сиз валиаҳдликка мени эмас, Абдулазизни кўрмоқни хоҳлаган, бу мақсадда менинг ҳақимда турли бўйтонларни тинмай қулогингизга қўйган бадниятлар гапига учдингиз! Улар Абдуллатиф қизиқон, Абдуллатиф ўйламай иш тутади, Абдуллатиф ундей, Абдуллатиф бундай деб айтавериб, охир-оқибатда мени ёмонотлик қўлдилар. Орага ғарас солдилар. Мен

жангу жадал кечган пайтимда Абдуллазиз Боги биҳиштда канизаклар билан майшат қылғанини күриб, күрмaganга олдилар. Чунки, улар валиаҳд шаҳзоданинг заифлиги, майшатта ўчлиги – келажақда уларга кенг имкониятлар беражагини яхши англардилар.

УЛУҒБЕК: Иннинг қилимашларини күриб, күрмaganга олган ўша кимсалар ҳозир сенинг ёнингда-ку, ўглим!

АБДУЛЛАТИФ: Ҳа, улар менинг ёнимда. Эрта-индин амирларингизнинг ҳаммаси менинг ёнимда бўлади! Нима учун, биласизми, падари бузрук?.. (Улугбек жим) Сиз подшоҳсиз, аммо ўзингизни ҳимоя қилишга мажбурсиз – бу эса заифлигиниз белгисидур!

УЛУҒБЕК: Адолат мен томонда, ўглим, мен томонда!

АБДУЛЛАТИФ: Шунинг учун ҳам енгиласиз, падари бузрук! Сабаби, мен томонда куч-кудрат дағдагаси! Менинг қўлимда куч-кудрат қиличи, сизнинг илкингизда адолат қалқони! Амирлар ҳеч қачон адолатни ҳимоя қилимаганлар, улар куч-кудрат тимсоли – салтанатни ҳифз этганлар. Куч мен томонда, демак адолат ҳам мен томонда деб ўйлади, улар.

УЛУҒБЕК: Сен-чи, сен нима деб ўйлайсан?

АБДУЛЛАТИФ: Мен ўйламайман, мен ҳужум қиласман. Мен дарёдан кечиб ўтдим – мана шу менинг ўйлаганим, мана шу сўроғингизга жавобим!

УЛУҒБЕК: Шармандалиқдан кўркмайсанми, Абдуллатиф?

АБДУЛЛАТИФ: Бу замонда маглублар шармандадур, голиблар эмас.

УЛУҒБЕК: Шаҳзода, унутма: кимки бир нарсага ортиқча ҳирс қўйса, у ўша нарсадан ҳалок бўлажак! Яна ёдинга бўлсинким, ким голиб бўлади, ким йўқ – буни ёлгиз Холики олам билади!

АБДУЛЛАТИФ: Ҳа, Парвардигори олам барини билади.

УЛУҒБЕК: Ўлимдан шунчалик кўркмайсанми, шаҳзода?

АБДУЛЛАТИФ: Йўқ, падари бузрук, кўркмайман!

УЛУҒБЕК: Ҳаёт ўткинчи, ўлум эса муқаррар. Ўлимга тик боқмоқлик – ё нодонлик, ё донишмандикдур, аммо ёлгиз иззатли ўмргина соатдатур.

АБДУЛЛАТИФ: Сиз-чи, сиз, падари бузрук, ўлимдан кўркмайсизми? Кўркасиз! Одам ўлдиришдан ҳам кўркасиз. Йўқ, йўқ, сиз... сиз ўз ўлжасини камон билан овлашни сўйган сайдёга ўхшайсиз. Ўқ узасизу ўлжангизнинг ўлим талвасасини кўришни истамайсиз!

УЛУҒБЕК: Бас, Абдуллатиф, бас!.. Мен ҳамиша агар бирор инсон ҳаётни ноҳақ қурбон бўлишини билсан, жонимни тикиб бўлса ҳам уни қўтказиб қолар эдим!

Тақдирни ўзгартиришга уринма, ўглим. Ахир иккимиз ҳам қисматимиз интиҳосини биламиш-ку? Юлдузлар нималарни башорат қилганидан хабардорсан-ку?!. Али!

(Коронгиликда Али Қушчининг юзи ёришади.)

Эсингдаму, Али, Бухорода кекса дарвеш айтган сўзлар? Ўшанда мен қаёнодир шаҳид кетажагимдан хабардор эдим. Аммо бу чол бундан бехабар, унинг кўзлари сўқир – юлдузларни кўролмасди... Чол айтдики...

АЛИ ҚУШЧИ: Чол айтдики: «Сен шаҳид бўлажаксан!» Сиз сўрадингизки: «Мени ким ўлдирур?» Ул сўқир дарвеш айтдики: «Шеруя!»

УЛУҒБЕК: Ўшанда сен ҳали туғилмаган эдинг Абдуллатиф... Сендан олдин уч ўғил кўрдим. Иккиси эрта нобуд бўлди. Кейин Абдураҳмон...

АБДУЛЛАТИФ: Шўрлик Абдураҳмон ўн икки йил умр кўрди. Ўн икки йил шубҳа остида яшади. Кейин мен шубҳа остига қолдим...

УЛУҒБЕК: Йўқ, ўглим, йўқ, бундай эмас!

АБДУЛЛАТИФ: Бечора Абдураҳмон оламдан ўтганда, унинг бошида ўқириб-ўқириб йиғладингиз. Сиз юлдузлар башорат қилган жиноят Абдураҳмондан бўлмаслигига унинг ўлими туфайли ишонгач, жувонмарг болангиздан меҳру муҳаббатингизни аяганингиз учун йиғламадингизму, отажон?

УЛУҒБЕК: Йўқ, болам, йўқ, бундай эмас... Мен Абдураҳмонни беҳад сурдим!

АБДУЛЛАТИФ: Ўшанда мен мурғак гўдак эдим. Кўп нарсага фаҳмим етмасди. Аммо сиз шўрлик иним жасади устида йиғлар экансиз, менга боқсан кўзларингизда

ваҳима кўриб, мурғак юрагим даҳшат туйган эди... Кейин Абдуллазиз дунёга келди. Абдураҳмоннинг ўлими сабаб бўлдими, сиз ундан меҳр-муруватингизни аямадингиз.

УЛУҒБЕК: Йўқ, ўғлим, ундаи эмас... ундаи эмас...

АБДУЛЛАТИФ: Туғилган онимдан қаро башорат лаънати остида яшадим. Болалигимдаёт қисматимдан ўқиндим. Кейин мени онанизга топширдингиз, ҳузурингиздан узоқка – Ҳиротга жўнатдингиз. Тақдирнинг қаро ёзугини қарангки, сизни туқкан волидангиз, менинг бибим кечако кундуз мени сизга қайради.

УЛУҒБЕК: Ох, малика онамиз Сурайё юлдузидек беомон эдилар!

АБДУЛЛАТИФ: Аммо мен сизни беҳад сурядим, бор вужудим или сизга интилардим! Инимминг бошини силаган қўлингиз билан мудом мани кўксимдан итардингиз!

УЛУҒБЕК: Мен ҳам сени сурядим, о баҳтиқаро фарзандим!

АБДУЛЛАТИФ: Мунажимларингиз тинмай қулогингизга шипшиди: «Сизнинг кушандангиз шу ўғлингиз!» «Зинҳор яқин йўлатманг!» деб шипшиди фолчиларингиз! Кечир куфрини, эй Худойим, охир мен ўзим бу сўзларга ишона бошладим. Ўзимни ишонтира бошладим бу сўзларга, сиз мени ишонтирдингиз бу сўзларга!

УЛУҒБЕК: Ҳасратинг меникидан ҳам оғир экан-ку, болам!

АБДУЛЛАТИФ: Ихтиёриддин қальасидаги хазинамни тортиб олган чоғингизда ўртанимдим, Тарноб жангида нусрат түғини менга эмас, Абдуллазизга берганингизда ўртанимдим, мудом шубҳа остида яшаганимдан ўртандим. Нишопурда хасталаниб тўшақда ўртанимдим, сиз Абдуллатиф айёллик қиляпти, менга қарши фитна тайёrlапти, деб яна шубҳа қилдингиз. Зудлик билан ҳузурингизга келишимни талаф этдингиз. Мени хаста ҳолимда замбила кўтариб борганингида ўртандим. Шунда мен дунё шубҳадан иборат эканлигига имон келтирдим, ҳамма нарсани шубҳа остига олдим!

УЛУҒБЕК: Шубҳа бор жойда такаббурлик бор. Такаббур бўлма, ўғлим. Дунёда адодат, меҳру шафқат, эзгулик борлигига ишон.

АБДУЛЛАТИФ: Шу нарсаларга ишониб оқибатингиз нима бўлди? Мен сизга ачинаман, падари бузруквор. Сиз умр бўйи ишонган илму урфон, сиз садоқат қилган адодат, қоида ожиз бўлиб чиқдилар. Улар менинг қиличим, амирларингиз хиёнати олдида ожиз қолдилар.

УЛУҒБЕК: Ўғлим, оёғинг остига қара, мингларча қўзлар термилади. Сен уларни топтаб ўтма, қўзларинг тожу тахт шууридан кўр бўлиб, уларни хор этма! Билиб қўйким, иккимизнинг борадиган жойимиз бир, насибамиз бир ҳовуч қаро тупроқ! Кун келиб, иккимиз ёнма-ён ётурмиз, ўшандо кўзларимга қандоқ қарайсан? Ўшандо менга нималар дайсан?

АБДУЛЛАТИФ: Ҳа, падари бузрук, борар жойимиз ҳам, қисматимиз ҳам бир. Аммо мен энди йўлумдан қайтмайман. Худо бир – аҳду паймон бир! Энди пешонамизга не битилган бўлса, ўша бўлади. Мен сизга қарши бош кўтарган эканман, не қилайким, қисматим шу экан. Мен ила жанг қиласизму, қонимни оқизасизму, бу сизнинг ихтиёрингиз! Мен дарёдан кечиб ўтдим, мен йўлдамен, ота!

(Абдуллатиф ғойиб бўлади.)

УЛУҒБЕК: Абдуллатиф! Ўғлим...

(Саҳна ёришиб яна олтинчи кўринишдаги манзара пайдо бўлади.)

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Улуғбек, Шайхулислом, Қозикалон, Девонбеги, Али Қушчи, шаҳзода Абдуллазиз, Амир Бобо Ҳусайн Туркистоний, Амир Шоҳ Вали, Амир Султоншоҳ Барлос, Амир Мироншоҳ Қавчин.

ШОҲ ВАЛИ: Неча-неча авлодларнинг куч-ғайрати билан равнақ топиб, ўсиб келган салтанат буюклиги бир бебурд туфайли, бир ҳирс туфайли ҳалокатли қуюнлар гирдо-бида кулдай соврулажакму?! Танланг, подшоҳим, ё бизни жангта бошланг, ё бизнинг жавобимизни беринг!

УЛУФБЕК: Нима сиз ҳам ҳозиргина ўзингиз хунини тилаб турган шаҳзода ҳузурига борасизму?

ШОҲ ВАЛИ: Йўқ, асло! Биз бошқа бирон даргоҳга бош ургаймиз... Агар шаҳзода до-рассалтанани илгина киритса, ёлғиз бизни эмас, фарзанду аёлимизни ҳам соғ қўймас. Бул ҳам шаръий ҳуқмдорга садоқатимиз учундур! Шуни била туриб, кўл қовуштириб турмоқдан кўра, ўзгалар ҳузурига бориб бўлса-да, фарзандларимиз ҳаётини асраш бизнинг вазифамиз эмасму?!

УЛУФБЕК: Бу нима ёзуг?.. Ҳазрати Соҳибқирон тузига хиёнат қўлгайсизму?!

ШОҲ ВАЛИ: Ўзга чорамиз йўқ, давлатпаноҳ.

УЛУФБЕК: Хиёнатдан ўзга чорангиз йўқму?.. Ота-боболаримиз Соҳибқиронга, биз эса сизга садоқат била хизмат қўлганмиз, тоабад шундай бўлуб қолгай деганларингиз қайда қолди?! Мунофиқлик қиласизму?

СУЛТОНШОҲ: Мунофиқлар ўғлингиз олдига қочдилар. Биз эса ҳануз даргоҳингизда бош эгиб турибмиз. Аммо сиз хизматимизни, садоқатимизни рад этмоқдасиз!

УЛУФБЕК: Мен юзисизликни, адоватни рад этяпман, амир Султоншоҳ!.. Сиз ҳам кетасизму, амир Бобо Ҳусайн?

БОБО ҲУСАЙН: Асло, шаҳриёр, асло! Ўзгалар эгри бўлсалар, биз уларга эргашмайлик, амир Шоҳ Вали! Аразу адоватлардан баландроқ турайлик. Агар Абдуллатиф миরзога хусуматингиз бўлса, бунинг учун Ватан устига, эл-улус бошига бегоналарни бошлаб келмоқ керакму?

ШОҲ ВАЛИ: Агар шаҳзодага хусуматим бор бўлса, бу унинг ўз отасига, шаръий сultonimiziga қарши ёвбошлиқ қўлгани туфайлидур!

БОБО ҲУСАЙН: Бизнинг вазифамиз мамлакатни парчаламоқорзусида бўлганларни аямай йўқотмоқ, подшоҳимизга садоқат билан хизмат қўлмоқлик, аҳдимизни ҳалол, бир томчи қонимиз қолгунга қадар ўтамоқ!

ШОҲ ВАЛИ: Биз ҳали аҳдимиздан кечганимиз йўқ!

БОБО ҲУСАЙН: Алҳамдулуплоҳ! Зулм тигини ушатмоқча бел боғлайлик. Бугун кудрат, ё машишарат палласи эмас, бугун шижоат палласи. Бугун ким шижоатли бўлса, ўша подшоҳдур!

УЛУФБЕК: Фарзанд билан жанг қўлмоқ шижоат эмас!

БОБО ҲУСАЙН: Ватанини сақламак, уни парчаланишдан ҳифз этмоқ шижоатдур!

(Сукум.)

УЛУФБЕК: Нечун яна жим қолдингиз, Бобо Ҳусайн, гапиринг...

БОБО ҲУСАЙН: Мен омузгор эмас, содиқ бир қулингизман! Бироқ, шу нарса муҳаққаким, шаҳзодага юртни бермаслик керак! Жанг қўлмоқ керак!

УЛУФБЕК: Сиз ҳам фарзандим қонини оқизмоқни тилайсизму?

БОБО ҲУСАЙН: Ишончим комил, агар сиз тожу тахтни ўз ихтиёрингиз билан топшириб, эвзига марҳамат кутсангиз, адашасиз. Шаҳзода баковуллари охир-оқибат жонингизга қасд қилишга журъат этмас! Бундай шубҳага йўл қўймангиз!

БОБО ҲУСАЙН: Бу шубҳа эмас, шаҳриёр, шубҳа эмас!

УЛУФБЕК: Ўртадаги бу ғавғолар, тўс-тўполонлар боис бизнинг юракларимиз бирори учун тилсимотдек махфий қолгандур. Аммо биз бу гина-кудуратга хотима берурмиз. Керак бўлса, унга ўз аҳдимиз билан тахтни ҳам топширумиз! Ҳеч бўлмаса, қариган ҷоғимизда ҳаловатда бўлурмиз...

БОБО ҲУСАЙН: Сиздан жафо кўрдум деб юрганлар озми? Шаҳзода тахтга ўтириши билан улар сиздан хун талаб қўлмасмилар?! Улардан яхшилик кутмак, ердан туриб юлдузларга кўл узатмак каби имконсиздур.

УЛУФБЕК: Бу гапларингиз барчаси шубҳа андишадан ўзга нарса эмас. Яна айтамен: дунёда диёнат, виждон, шариат, оқибат деган нарсалар ҳам бор! Уларни ҳатлаб ўтиш осонмас!

БОБО ҲУСАЙН: Улар дарёдан ҳатлаб ўтгандек, сиз айтган нарсалар устидан ҳам ҳатлаб ўтурлар! Уларнинг ўз адолатлари, ўз диёнатлари бор! Уларнинг виждонлари

бұлғанида зди, шаръий подшохга тиғ күтариб келармидилар? Улар шариатни ҳам, дини исломияни ҳам ўзларича талқын эттириб, манфаатларига хизмат құлдирурлар... Мана бу ерда ўтирган шайхулислом била қозикалон жанобларини ҳам ўлимингизга фатво беришга мажбур этарлар.

ШАЙХУЛИСЛОМ: Бизга туҳмат құлманг, амир! Шаккокликнинг ҳам ҳадди бор!

ҚОЗИКАЛОН: Мен умрим бўйи адолатта хизмат құлдим. Бундан кейин ҳам, иншооплоҳ, шундай бўлгай! Мажбур құлсалар ҳам, бўйнимга қилич урсалар ҳам, ноҳақ қон тўкилишига хизмат қиласдиган ҳеч қандай қозогза муҳримни босмасман!

БОБО ҲУСАЙН: Улар болаларингизни ўтрага қўюллар! Кўз олдингизда уларга азоб берурлар ва (Қозикалонга қараб) сиз... (Шайхулисломга қараб) сиз ҳам муҳрингизни босишига мажбур бўлгайсизлар!

ҚОЗИКАЛОН: Минбаъд! Теримни шилсалар ҳам мен дўзах азобига элтувчи йўлга кирмасмен! Камохува ҳаққуҳу!

БОБО ҲУСАЙН: Шайтон Одам Атомизни ҳам алдаб ўз йўруғига солган зди. Орада шайтонлар йўқму?!.

УЛУФБЕК: Бас, етар, Бобо Ҳусайн, ғазабимни қўзгаманг! Ортиқ бундай гапларни айтишдан тийилинг!

БОБО ҲУСАЙН: Бош устига, шаҳриёр, бош устига! Аммо сўнгги бир гапим бор. Эшитсунлар, шаҳзоданинг бу ердаги қулоқлари ҳам эшитсунлар: агар у сизнинг жоннингизга қасд құлса, Парвардигор ҳақи айтамен, мен уни соғ қўймасмен! Ул нобакор Низомий ҳазратлари айтган ҳикматни унутмасун:

Шоҳ бўлмас отани ўлдирган одам,
Ошимас олти ойдан, агар бўлса ҳам...

Онт ичаманким, шаҳзода агар қонингизни оқиизса, анинг подшохлиги олти ойга ҳам етмас!.. Мен уни мана шу қўлларим билан ўлдируман! Ва калласини сиз тиклаган мадраса пештоқига илгайман!

УЛУФБЕК: Жонингиздан қилча умидингиз бўлса, энди тийилинг! Тилингизни кесинг, тамом гунг бўлинг!

(Орага сукунат чўқади.)

Бу машъум ҳодиса қаршисида яна машъум воқеаларни башорат қиласиз... Қонга-қон дейсиз, амир Туркистоний, қонга-қоннинг жавоби ҳалокатдур!

Бадният кимсаларнинг мақсади равшандур... Агар менинг ўлимим юртимга хайру барака берса, жонними беришига минг қатла розиман. Аммо кўрқаманки, менинг ўлимимни истаганлар салтанатга ўлим тиламоқдалар...

БОБО ҲУСАЙН: Давлатпаноҳ, биз бу ерга видолашмоқ учун келганимиз йўқ. Биз бу ерга сизга садоқат билан хизмат құлмоққа келдик. Агар ишонсангиз, агар садоқатимизни рад этмасангиз, дунёнинг қай нуқтасини орзу этсангиз, ўша ерга қадар итингиз бўлуб борурмиз...

УЛУФБЕК: Фикран асрларнинг узоқ қаърига назар ташласангиз, тарихнинг ўзгармас мантиқини кўрасиз. Буюк, шижаотли қаҳрамонлар бир машъумлик туфайли хароб бўлганлар, улар тиклаган олий салтанатлар oddий бир хатодан ҳалокатга учраганлар, хато ё алданув боис тўкилган бир томчи қонга фарқ бўлганлар.

БОБО ҲУСАЙН: Аммо, шу он, шу лаҳза бир ҳақиқат аёнки, она юртнинг қисмати қора қувват чангалида қолган экан, салтанатнинг, илму урфоннинг, эзгуликнинг қисмати сизнинг қўлингиздадир. Агар Ватан зулм, салтанат адсоват, илму урфон жаҳолат чангалида қолмасун десангиз, қора қувватни бўғовга солмоқ керак.

Агар сиз тарки амал құлсангиз, бу бўғовлар узилур, элу юрт, худо кўрсатмасун, не кунларга қолур!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Юртнинг фалокатли кунларида аламангиз хаёлларни ёддан чиқаринг, фалокат олдини олинг. Амир Бобо Ҳусайн ҳақ гапни айтганини фаҳмланг, аълоҳазрат!

БОБО ҲУСАЙН: Сиз бу ҳақда гапирмокни ман этдингиз. Аммо қандоқ чидай, шаҳриёр, қандоқ жим ўтирай? Шаҳзоданинг асл нияти тожу таҳтни олиши билан сизни ўлдиримоқ. Бунинг учун күп одамлар ишга солинган.

ҚОЗИКАЛОН: Амир жаноблари, сиз бу гапларни худди ўз қулоғингиз билан эшит-гандек сўйлайсиз. Агар бирор гапдан хабарингиз бўлса, айтинг...

УЛУҒБЕК: Мен бу бўхтонга минбаъд ишонмасман. Абдуллатиф нима ишга қодирлигини яхши биламан... Йўқ, амир Бобо Ҳусайн, сиз бундоқ сўзламанг, меҳру шафқатни лаънат билан таҳқирламанг!

БОБО ҲУСАЙН (кўйиндан қозог чиқараркан): Мана, сизга шаҳзода ниятининг далили!

УЛУҒБЕК: Нима бу?

БОБО ҲУСАЙН: Бугун тунда Кеш ўйлида қўлга олинган чопар этигининг қўнжидан топилди. Минг афсуским, қўлга олинган чопар Кўксаройга етмай ўлдирилган... Шу боис мактуб кимга аталгани сирлигича қолди.

УЛУҒБЕК: Чопарни ким ўлдириди?

БОБО ҲУСАЙН: Номаълум. Боғи Шимол ёнидан ўтаётганда панадан туриб отилган ўқдан нобуд бўлмиш...

(Улугбек Бобо Ҳусайн кўлидан мактубни олиб, дикъат билан ўқий бошлайди. Ўқигани сайин ҳаяжонланади.)

УЛУҒБЕК: Ҳайҳот! Мактубда мабодо Султон Улугбек шаҳардан ташқарига чиқса, қайтиб киришига йўл қўйилмасун, деб ёзилибди. Эвоҳ...

ДЕВОНБЕГИ: Мактуб қалбаки бўлмасун тагин?!.

УЛУҒБЕК: Йўқ, асло, ўғлимнинг муҳри босилган.

СУЛТОНШОҲ: Бу мактуб тасодифан қўлга тушмаса, эҳтимол сиз ҳамон гапларимизга ишонмас эдингиз.

УЛУҒБЕК: Мен ҳозир ҳам ишонмасман.

ШОҲ ВАЛИ: Астагфуруллоҳ!

УЛУҒБЕК: Яна бор кўз ташлай... Ҳа, бу Абдуллатиф дастхати, муҳр ҳам уники! Аммо... аммо ўғлимнинг бундай ёзиши мумкин эмас. Наҳотки, у салтанатни таназзулга бошлаган favgolara мени айборд санасан?!.. Бу ўғлимнинг гаплари эмас!.. Амир Бобо Ҳусайн, нечун бу мактубни биздан пинҳон тутдингиз?

БОБО ҲУСАЙН: Шубҳа гумон баттар ортмасун, дедим, давлатпаноҳ.

ДЕВОНБЕГИ: Мактуб доруссалтанадаги амирлардан бирига ёзилганига шакшубҳа йўқ. Сиз, амир Мироншоҳ, бу ҳолга нима дейсиз? Шаҳар доругасиз, ким шаҳарга киради, ким чиқади – барчасидан боҳабарсиз.

МИРОНШОҲ: Ўлумдан хабарим бор, аммо бу гапдан хабарим йўқ! Мен подшоҳимга сидиқидил хизмат қиласанман, бундан кейин ҳам аҳдимни бузмасман!

УЛУҒБЕК: Мен амир Мироншоҳга инонурман!.. Афсус, чопар ўлдирилгани чатоқ бўлибида, хиёнаткор кимлигини билмаймиз.

ҚОЗИКАЛОН: Эси бор одам ҳеч вақт илонга ўз қўксидан жой бермас! Аммо мактуб шундоқ мунофиқлар орамизда ҳам борлигига ишоратдур.

ШАЙХУЛИСЛОМ: Ишорат эмас, айни ҳақиқатдур! Андишани қўйуб айтурман: жиноятнинг бош илдизи шу ерда, доруссалтанада ҳам бўлмоғи мумкин.

УЛУҒБЕК: Агар ўғлимга бўлган сўнгти ишончимни ҳам йўқотсан, ўша заҳотиёқ ҳаётим иплари узилажак!

БОБО ҲУСАЙН: Ҳаётингиз ипларини шаҳзоданинг ўзи кесмоқча қасд қиласигана ҳалияни ишонмайсизум?!

УЛУҒБЕК: Йўқ, йўқ... Наҳотки, меҳру муҳаббатнинг жавоби риёкорлик бўлса? Оқибат, шафқат бўлмаган гапу ёлғизигина бераҳамлиғ дунёда ҳукмронму? Иссикдан ловиллаган ернинг бағрига оби раҳмат бўлуб қўйилган ёмғирдан сўнг нечун тошдек қотган заминдан чечаклар унади? Нечун күёш туфайли тиканли новдаларда атиргуллар очилади?

ШОҲ ВАЛИ: Олампаноҳ, энди барчаси аён: ё жанг қиласоқ, ё умр бўйи аттанг қиласоқ... Афсуским, аълоҳазратга сўз уқтириш имконсиз экан. Шунча шикоятларимиз елга учди.

БОБО ҲУСАЙН: Үндай деманг, амир Шоҳ Вали, аспо үндай деманг. Адолатпарвар подшохимиз гоятда тұғри тадбир топишларига ишонурман.

ШОҲ ВАЛИ: Шояд шундай бўлса!

ШАЙХУЛИСЛОМ: Шундай тұғри тадбир топишлари учун Аллоҳ таолодан муруват тилайлик. Инчунин, ас-салотин зиллаллоҳу фил арз, деганлар Мустафо алайҳи васал-лам ҳазратлари.

(Ҳамма дуога қўл очади. Шайхулислом дуо қиласди)

УЛУҒБЕК: (дуодан сўнг) Ҳаммага рухсат! Тонгта қадар жавобимни олурсиз!

ШОҲ ВАЛИ: Тонгта қадар отдан тушмай амрингизга мунтазир тургаймиз!

Ҳамма чиқади. Шаҳзода Абдуллаҳиз пайдо бўлади, отасига қараб туриб, бир зум кетиш-кетмаслигини билмай тараффудда қолади. Улуғбек ҳам бир дам ўғлига сўзсиз тикилади.

УЛУҒБЕК: Бор, Соҳибқирон бобонг мозорини зиёрат қил! Тириклар сўзи сенга кўмак беролмаса, зора марҳумлар билагингга қувват, юрагингта шижоат баҳш этса...Faқат йиглама, мардона бор!

(Шаҳзода Абдуллаҳиз чиқади. Девонбеги киради.)

ДЕВОНБЕГИ: Давлатпаноҳ, нечун шундок қалтис вазиятда амирларни ранжитасиз, бир умр сизни кўллаб келган қозикалон билан тортишасиз, аларга номақбул сўзларни айтасиз, маломат қиласиз? Қисматингиз, салтанат омонлиги шул умарою уламо илкидадур!

УЛУҒБЕК: Ҳожа Низомиддин, улар сўйладилиар, мен эрсам ўйладим. Жонимга ғалаён тушди! Қаршимда ниҳоясиз чоҳ пайдо бўлгандек туюлди. Чоҳнинг бир ёғида амирларим, бир томонида фарзандим турганини кўрдим. Ўзумни эса чоҳ ичида кўрдим, Ҳожа Низомиддин, чоҳ ичида!

ДЕВОНБЕГИ: Давлатпаноҳ, яна бир нохуш хабар етди.

УЛУҒБЕК: Айтинг, ҳожа, айтинг.

ДЕВОНБЕГИ: Кешдан чопар келди...

УЛУҒБЕК: Хўш?!

ДЕВОНБЕГИ: Кеш қалъаси шаҳзода илкига ўтибтур... Қалъа доругаси Кеш калитларини қаршиликсиз топширибди!

УЛУҒБЕК: Биз кўмакка жўнатган қўшинчи?

ДЕВОНБЕГИ: Жангирга кирмай довон томон чекинибтур...

УЛУҒБЕК: Ҳа, лаънати Иблис кўзлари!

(Ўртага сукунат чўқади. Улуғбек ўйга ботиб, безовата юради.)

ДЕВОНБЕГИ: Онҳазратлари фармонларига мунтазирман!

УЛУҒБЕК: Нима?.. Ҳа! Амирларга амримни етказинг: тонг отиши билан йўлга чиқурмиз... Жанг қилурмиз! Иблис била жанг қилурмиз!

ДЕВОНБЕГИ: Қарорингиз муборак бўлсун, сultonим. Иншооплоҳ, ғайратингиз са-марасиз қолмас. Шу пайтгача дилингиз зим-зимистон тун эди. Энди узоқда умид шами ёнди...

(Девонбеги шошиб чиқади.)

УЛУҒБЕК: Йўқ, энди узоқда қон, қилич, ўлум шамчироги ёнди... Ер ёрилиб, унинг қаъридан, Пири Туркестоний башорат қилган Қариш илон болалари чиққанга ўхшайди. Ер остидан судралиб чиққан ёвуз кучларнинг тантанаси бошлангандай – тўрт томоним да ёвузликнинг вишиллаши эштилади...

Наҳотки, амир Шоҳ Вали айтганидек, бу оқсоч дунё қисмат дафтариға ўз хикояларини қон билан узлуксиз ёзib турса?! Йўқ, йўқ, минг дафъа йўқ!

Менинг йўлум олис. Мен юлдузларни ҳамроҳ қилиб йўл босаман. Юлдузлар билан тонготат сарҳадигача – ҳаёт билан мамот туташган ергача йўл босаман. Аламларим, хаёлларим, шубҳаларим ўша ерда тарқалиб кетажаклар. Машаққатлардан изборат ҳаётимни қора тупроққа ҳада қиласман. Ўзлигимга қайтаман. Озми-кўпми кўрган шодликларимни, ниҳоясиз ҳасратларимни, қалбимнинг најотсиз умидларини, тирикликка бўлган меҳру муҳаббатимни поёnsиз замонларга, ўлчовсиз абадиятга қайтараман...

(Али Қушчи пайдо бўлади.)

ТҮҚҚИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Улуғбек, Али Қушчи, Тўйжон

УЛУҒБЕК: Шу ердамисан, Али? Мен сени ранжитдим, кўнглингга озор бердим. Сен бўлсанг, саҳрова адашган йўлчи қалбидаги нурсизгина најот орзусидай, мендан узоқ кетмай юрибсан...

Ҳақиқат билан ёлғон ўртасида қандай фарқ борлигини биласанми, Али? Ёлғонни биз юракларимизда меҳр била ардоқлаб юрамиз, уни сақлаб қолишдан ожизмиз, ҳақиқатни эса қанча нафрат била қувиб ҳайдамайлик, у яна қайтиб келаверади.

Кел, суюкли фарзандим, ёнимга ўтири. Кеча узоқ... Дараҳтлар орқасида шикаста ой кўтарилимоқда. Бутун борлиқ уйкуга чўмган. Балки Абдуллатиф ҳам ухламаёттандир, балки у ҳам мана шу ойга боқиб тургандир.

АЛИ ҚУШЧИ: Бу ёғи нима бўлади, устоз?

УЛУҒБЕК: Бу ёғи ёлғиз Аллоҳга аён... Юлдузларга қара, Али, қандай чақнаб порлайдилар!. Бадниятларнинг эзгулик йўлини тўсишга уринишлари юлдузларни ўчириши уринишдек бир гап. Улар ўчган юлдуздан ном-нишон қолмайди, ўчган юлдуз нурини фалак қаъридан қидиришини қанчалик ихтиёр этма, бефойда, деб ўйлайдилар. Юлдуз ўчса, нури-шуури ҳам ўчади деб хаёл қиласадилар.

Улар билмайдиларки, хатто юлдуз сўнган тақдирда ҳам, унинг шуури минг ийллар давомида то ерга сингиб кетмагунча, порлаб, чараклаб тураверади. Балки кафтимни ёритиб турган мана шу шуур Батлимус, ё Беруний ҳазратлари замонидан етиб келгандир...

АЛИ ҚУШЧИ: Неча кундан буён Алғул кўринмайдур. Бу ҳол нимадан дарак беради, билмайман.

УЛУҒБЕК: Алғул... Алғул ўғлимнинг кўзицадур. Гоҳ нафрат, гоҳ ғазаб ўтини сочиб порлайдур...

Али, сенга айтадиган бир тилагим бор...

АЛИ ҚУШЧИ: Не тилак бўлса, бош устига, устоз!

УЛУҒБЕК: Танги таоло шафоатидан умидим йўқ эмас, аммо... агар аччиқ гумонлар ҳақиқатга айланса, расаддаги китобларни асрраб қолиш йўлини туттилар.

АЛИ ҚУШЧИ: Худо хоҳласа, бу сафар ҳам сиздан ўз иноятини дариг туттас.

УЛУҒБЕК: Биз билмаймиз, фарзандим, Ҳақ таолонинг ихтиёрини билмоқдан бандаси бенасиб... Шундай экан, пешанамга шахидлик битилган бўлса, китобу кўлэзмаларни ишончли жойга яширишга ҳаракат қил.

АЛИ ҚУШЧИ: Мен аллакақонлар уларни энг ишончли жойга қўйганман, устоз. (Улуғбекнинг ҳайрон бўлиб қараб қолганини кўриб). Улар менинг хотираамга жо бўлгандилар...

УЛУҒБЕК: Балле, Али, балле! Аммо инсон хотираси жони узилгунча устувордур. Китоблар эса инсониятнинг абадий хотирасидур. Улар бор экан, бу хотира абадий... Али, жигарим, мен сенга юклаган вазифа нечоғли хатарли эканини фаҳмлайсанму? Алқисса, бу ишда ўта эҳтиёт бўлишингни маслаҳат бераман.

АЛИ ҚУШЧИ: Камина амрингизни қайтаришдан кундага бош қўйишни афзал билурман.

УЛУҒБЕК: Йўқ, Али, йўқ, бу амрим эмас, тилагим... балки васиятимдур. Кундага бош қўйиш осон. Мен сенга бундан қўйинроқ вазифани юклагайман. Агар биз шубҳа қилган воқеалар юзага чиқса, мендан воз кеч, номимни қоралашдан қайтма...

АЛИ ҚУШЧИ: Устоз... Устоз!

УЛУФБЕК: Ҳа, Али, ҳа! Мендан воз кеч, номимни қорала, аммо... аммо китобларимни құтқар!.. Үнүтма, айтилган, әзилған сүз ҳақиқатдур. Ҳатто бу сүзині айттын, уни қоғозға биттеган инсон үндан тонса ҳам, воз кечса ҳам, ҳақиқатни йүқотиб бўлмайды.

Мен ҳозир англадим, умр бўйи баттол замоннинг қонга бўялган қўлларини қон била эмас, маърифату авф суви ила ювимкка уринибман. Абадият йўлини ёритган юлдузлар сирини биламан деб, ўғлимнинг зулм йўлига кирганидан бехабар қолибман.. Ҳамма мени ўлим билан қўрқитмоқ бўлади. Аммо мен ўлимдан қўрқмайман.

АЛИ ҚУШЧИ: Ўлим ҳақида ўйламанг, устоз.

УЛУФБЕК: Али, ўлимни ўйламоқ үндан қўрқмоқ эмас, ҳаётни севмоқдур. Инсон «Сегоҳ»ни яраттан экан, ўлумни англаганидур...

Али, жанозам ўқиладиган пайт, мабодо бошимда бўлсанг, айт, «Сегоҳ»ни айтсин-лар...

АЛИ ҚУШЧИ: Қазоқ-қадар ҳақида бугун кўп гапирдингиз... «Сегоҳ»ни эса ҳозир ҳам тинглашимиз мумкин. Тўйжон амрингизга мунтазир.

УЛУФБЕК: Тўйжон шу ердами? Тезроқ ҳузуримизга даъват эт!

(Али Қушчи чиқиб, Тўйжонни бошлаб киради.)

ТЎЙЖОН: Подшохим, омон бўлсунлар!

УЛУФБЕК: Келдингму, қизим Тўйжон! Ҳиротдан қайтганингдан буён хонишининг эшитишга орзумандман. Ёлғиз қолсам, хаёлан қўшиқларингни тинглайман. Аммо сени ёнимга чорлашга имкон йўқ эди. Мана, ниҳоят, ҳамма ором олган бир пайтда, сени ўйқудан қолдириб, безовта қилдим. Мени авф эт, қизим.

ТЎЙЖОН: Уйқуни гапирманг, олампаноҳ, агар жоним чиқар пайт чорласангиз ҳам етиб келган бўлардим.

УЛУФБЕК: Тўйжон, сен Самарқандга аввал келганингда ҳиротлик бир ўғлон ҳақида сўзлаган эдинг. Ёдиндаму?

ТЎЙЖОН: Подшохим, ул ўғлоннинг исми Алишердур. Амир Фиёсиiddиннинг фарзанди...

УЛУФБЕК: Ҳа, эсладим, жуссаси кичкина бўлганидан уни Фиёсиiddин Кичкина дерлар. Юз-қўзидан нур ёғилиб турган киши. Бу ҳақида не сабабдин сураганим боисини билурмисан? Яқинда мадрасада ҳамсабоқ бўлган мавлоно Муҳаммад Олимдан келган мактубда ҳам бу ўғлон тилга олинмиш. Мавлоно бу ўғлон истеъоди, ақл-идроқи чарогонлигини таърифлаб, уни ўз паноҳимга олишимни сўрабди... Тўйжон, сен ул ўғлонни яхши танирмусен?

ТЎЙЖОН: Ҳа, подшохим, волидаси дугонамдур.

УЛУФБЕК: Тўйжон, мен эртага урушга кетяпман... Агар қисматимда бор бўлса, мен амир Фиёсиiddин оиласини албатта Самарқандга даъват қилурман. Агар қисматимда бўлмаса, агар бу ниятим имконсиз қолса, ёдингда тут, қизим. Ҳиротга қайтсанг, ул ўғлонга менинг сўзларимни, менинг омонатимни етказ. Айттилким, дунёда иккى ҳоким бор: бири қилич, бошқаси тафаккур. Улар ўзаро беомон, беаёв жанг қиладилар. Охир оқибатда ҳар доим тафаккур қилич устидан ғалаба қозонажак. Яна билсинким, ғалабага қадар тафаккур неча марталяб хўрланади, неча марталяб маҳв этилади. Аммо у ҳеч қачон чўчимасин, чекинмасун. Юрагини кўркувдан, ҳирсдан, хиёнатдан асрасин. Бу замона тошлари қаламини синдиришидан эҳтиёт бўлсун!

Энди «Сегоҳ»ни айт, Тўйжон! Шундай айтки, овозинг авжикада ўша ўғлон сиймосини кўрай! Шундай айтки, бу дунёда зулм, ҳирс йўлига киргандар даҳшатта тушсинлар!

Тўйжон «сегоҳ»ни куйлайди. Қўшиқ бошланиши билан кучли бўрон ўйғонгани сизлади. Қўшиқ авжига чиққани сайин бўрон ҳам кучайиб боради, бутун дунёни унинг ваҳимаси тутади.

ТАМОМ



Шеърият

Рӯҳимда Ҳалинӣан мусиқа

*Достон**

1. Ташлаб кетилган уй,
Ташлаб кетилган вақт,
Мени ташлаб кетинг у ерга.

Шовқин аралаш шамол,
Нафасимда тирбанд ҳаволар,
Эҳтимол, кетармиз биз бирга.

Ташлаб кетилган вақт,
Тирбанд ёлғиззик,
Сигинаман муқаддас сирга.

2. Муқаддас кўринар ёлғиз ҳарфлар,
Муқаддас кўринар Ҳавосиз Одам,
Муқаддас сўзидан ҳайдалганмиз биз.



Шахноза
НАЗАРХОН

1987 йилда тугилган. ЎзМУ ўзбек филологияси факультети бакалавр, магистратура босқичида таҳсил олган. Унинг "Мувозанат" номли шеърлар тўплами, "Оғаҳий исходига янгича бир назар" номли монографияси чоп этилган.

* Журнал варианти.

ЯНГИЛНАЁТГАН БАДИЙ ТАФАККУР МЕВАСИ

Бадиий тафаккурда оламшумул эврилишлар юз бергани ва ҳамон ушбу жараённинг давом этаётганини кейинги қатор йиллар мобайнинда яратилаётган турли жанрлардаги асарлардан ҳам билса бўлади. Натижада, санъату адабиётимиз майдонларида аввалгиларга ўхшагану ўхшамаган асарлар пайдо бўла бошлиди. Йўқ, мен уларнинг барчасини бирдек дурдона деб хисоблашдан тамомила йирокман. Улар ҳали вақтнинг, даврларнинг, шу даврлар тарбиялаб этишитирардиган ўқувчиларнинг синову эҳтиёжларига, янгиликка чанқоқ нигоҳларига бардош бериши керак. Дурдоналик мақоми шундагина насиб этиши мумкин. Ҳозир гап бунда эмас. Гап дунёни бади-

Бироз кулиши керак, бироз хавотир,
Синиқ табассумлар шундай туғилар,
Синиқ қобурғалар кирап тушимга.

Тушимга киради тушунксиз ійл,
Үнда қовурғалар экиб юраман,
Шу түшни негадир яхши күраман.

3. Шифтга урилади тасаввур,
Парвонага сиғинар олам,
Сиғмай кетар ҳаракатларга.

Күн ва тун туташған нұқтадан
Сизиб келар ранг ҳамда оҳанг,
Яралыш-чун мосини танла.

Мен Қобил бұламан, сен Ҳобил,
У иккиси бүлади қарға,
Парвона ва қарғага тақлид.

Ҳаво сүзи:

Тин олмадым мен Ҳаво,
Жисмімдә Қобил,
Оғир, Оллоҳим.
Әртага номағылум ёшда бұламан.

Тинди танимда гулоб,
Нұх ичар гулобни,

ий-эстетик кабул килиш мезонларимизнинг жуда тез ўзгарғанлиги ва худди шундай шитоб ила ўзгараётғанлигига. Мен мана шунга урғу бермоқчиман, холос.

Шахноза Назархоннинг мазкур достони ҳам ўзининг күпгина жиҳатларига күра янгиланаётган бадий тафаккур маҳсули, десам, муболаға бўйлас. У гўё ҳамма нарса ёки ҳеч нарса ҳакида. Чунки унда гўё ҳамма нарса бор, аммо аник ҳеч нима йўқ. Ҳа, янги санъат ўзини шундай тулади, шундай тутмоқда ҳам. Янги санъат бугунга келиб, моҳиятни шундай ифода қилмоққа киришдики, натижада, бир қарашда, бадий завқи анъанавий йўлларда шаклланган ўкувчи билан унинг сираям иши йўқдек туялади. Эҳтимол, ўкувчининг иши энди янги санъатга тушаётгандир... (Чиндан ҳам тушаётғанмикан?.. Бу ҳам бир жумбок...) Нима бўлғандаям, аён бўлиб бораётган ҳол шуки, энди Белинский таъбири билан айтганда, бадий асар чўққидан ўкувчи оёғи остига тушшиб келмайди, аксинча, янги санъат ўкувчини чўққига кўтарилишга чорлайди.

Ёмғыр, Оллоҳим.
Тұққыз ойки, құргоқ тошда бұламан.

Хеч тинмади бу шовқин,
Мұлоқот тұхтади.
Хайр, Оллоҳим.
Эртага тамоман бошқа бұламан.

Хавога хайрихолик

Илоҳининг күлларин қайырдым күкка,
Исәнлар ичидә ёнді күзларим.
Мен эркни севгандым, интилдим эркка,
Яралди Илоҳисиз, жинссиз сұзларим.

Күтириб кетди-ку, әйр түйгүларим,
“Сунбула” торида чирпанды бир рұх.
Озод қайыгүларим, күр қайыгүларим
Эркнинг шаробидан топмади шуқұх.

Күзингни очсанғ-чи, күзиккан осмон,
Күзингни очсанғ-чи, мажерүх күлларим.
Күзимга құлайды шаклсиз иймон,
Күкдан узилғанми бебурд ійлларим?

Турғунлик қайдаңыр, қайда муайян,
Түйгүлар қайдаңыр, қайда ҳаяжон?
Менинг юксаклигим шу қадар тубан,
Менинг тубанлыгым – ҳырқыроқ осмон.

Ха, янгиланаётган бадий тафаккур маҳсуллари мөхиятининг очилиши учун ўқувчи тайёргарлиги ва иштироки жудаим зарур бўлиб бораёттир. Энди ўқувчининг китобхонлик даражаси асарга айрича бир мазмун бағишлади. Ки, янги санъат намунаси ҳар бир ўқувчи билан юзлашганда ўзгача товланади. Яъни ўқувчининг бадий-эстетик дарајасига караб турланади у. Албатта, бу ўринда, муаллиф даражаси ҳам мухим. Ҳар бир мазмун шу дараражадан ибтидо олади, аслида. Муаллиф даражаси (асар оламида) парвозлар юксаклигини (пастлигини ҳам, демак, умуман, парвозлар ҳадисини) белгилайди. (Аслида, ҳамма даврларда, ҳамма санъатлар учун ҳол шундай эди, факат янги санъат асарлари мисолида ана шу жиҳатлар ғоят бўртиб кўрина бошлади. Мисол учун илгари сифат бўлган асар кирраси бугунга келиб ўзак-мөхиятта айланадешир ва хоказо).

“Рухимда чалинган мусика” – дунёни рамзий идрок қилиш ҳосиласи. Уни ишоралар асари деса ҳам бўлади. (Ўрни келганда кайд

*Бум-бум-бииш. Бум-бум-бииш,
Тандир тиши, күзда шиши,
Күзларда тишиган олма,
Илохдек шишиган олма.*

*Ёнсин кафт, ёнсин иймон,
Мен бир Худони дейман.
Күзикмайды осмон ҳам, тикилмайды олмалар,
Илохий олма ейман, Илохий олма ейман.*

Хаволаниб, эркаланиб

*Бошимни ёргувчи бир меҳрибон қўл,
Мени уйготгувчи зарра товуши йўқ.
Тошлиар юмшоқ, тосушилар шобқин.*

*Тасаввур чекланган, бир тирик сўз йўқ,
На қарғини, на дуо топасан,
Кўзларингни зичлаб ёпасан.*

*Тушунчалар олис, кўзлардан йироқ,
Йироқларга сўнгсиз чопасан,
Имконларни итдек қопасан.*

*О, бунчалар сипо жилмаяр сўроқ,
Хоҳла, яшириб қўй, хоҳла, кўмиб қўй.
Ковлаган чоҳингдан мени топасан.*

Одам сўзи:

*Бир оғриқ беради менга бу сўзлар,
Оғриқсиз менини бўлмайди тамом,
Сўзла, Оллоҳ ва менини бўл!*

этиш керакка ўхшайди: бир-бирига унчалик боғланмаган маъниларга ишора қилиб ўтиш санъати адабиётда бир мунча енгил йўлни пайдо қилиши мумкин. Чунки янги санъат – модернизм, постмодернизм никоби ортига беркинаётганларнинг талай бир кисми, аслида, мутлақо истеъдодсиз одамлар эканлигига ҳаёт ва адабиёт саҳналарида тез-тез дуч келинмоқда. Гап шундаки, улар ўз алжирашларини “янгича санъат намунаси” дея тақдим этишга ўрганиб боришмоқда!) У аник бир нарса айтмайди, буни мақсад ҳам қилмайди, аксинча, факат ишора қиласди. Ўқувчи ана шу ишора килинган томонга боради. Албатта, ўзи эмас, балки қалби ва тафаккури элчиларини юборади у ерга. Элчилар мулокотидан сўнг англашилган (кўпинча, пайкалган, сезилган, фахмланган...) нарса, агар у чиндан бор бўлса, ўқувчи ботинида аксланади. Мана шу акснинг салмоғи асар мазмун-киёфасини белгилайди.

Етим қовурғалар соясида жсім
Күкарап тасаввур хокидан болам.
Кечір Ҳаво, кечір ёлгизлик!

Яратғанга тақтиод – не кечса кечар,
Мен инсон яратдым ва инсон
Гуноҳ ҳисобланмас, дастлабки гуноҳ.

Одамни излаб

Сұнда Сулаймонни күрдім,
Төгәда талаймонни күрдім,
Мен ўзимни күрмадім.

Түзсіз пишган ошни күрдім,
Юмалаб ётған бошни күрдім,
Мен ўзимни күрмадім¹.

Ясалдім, ясадім ёсуман ғулни,
Бошимдан сочдім-а, хотира күлни,
Аришга ҳайдаб бордім ажнабий қүлни,
Мен на мен, на менмен, Оллоҳим!

Жұнуним күзгәди, жұнуним нетди,
Бир тании ифорни туїди лабларим.
Менинг савдоларим нұқтага етди,
Күзим косасида тинди обларим.

¹ Сұнда Сулаймонни күрдім,
Төгәда талаймонни күрдім.
Түзсіз пишган ошни күрдім,
Юмалаб ётған тошни күрдім, топшамогига пародия.

Муаллиф Шарку Ғарб чегарасида туриб, одамийзод босиб ўтган тафаккур йүлини – ибтидодан кунимизгача – хаёлан босиб ўтади. Йүлда у “илөх”ларга, инсонларга, ҳодисаларга, ривояту қүшик айтаётган халқларга, ашёга дуч келади. Нихоят, күрган-кечирғанларининг исмлари ботинида узун бир чизикни ташкил этади. Бу чизикнинг бошқача номи ҳам бор – достон. Шу маънода, ҳар қандай бадиий асар ўзига хос йўл ҳисобланади. Яъни йўл (вокелик)дан йўл (асар)га келинаяпти. Ҳаракатланувчи куч – муаллиф. (Сўнгра, тескари акт, яъни асар (йўл)дан вокелик (йўл)га юриш бошланади. Бунда ҳаракатланувчи персонал – ўкувчи). Достон ўкувчиси гўё шу йўлдан (муаллиф йўлидан) юришга таклиф этилади. Бу ўринда, гид – шоиранинг ўзи. У ўкувчига атрофни тамоша килдиради. Аммо вакт тифиз бўлгани боис (бутун инсоният боисиб ўтган йўл билан якка инсон босиб ўтган йўл ўртасида замоний ва мақоний тафовут бор. Гўё уммон ва томчи ўртасидаги ҳажм фарки янглиғ,

*Гулоб ичгим келди, түн бичгим келди,
Гулоб сувларида сув кечгим келди,
Жисм либосини тез ечгим келди,
Мен на мен, на менмен, Оллоҳум!*

*Дунё сўзга тўлди, дунё семирди,
Бошимда гувлади азалий шовқин.
Томирларим тирнааб бир олов турди,
Кўзим маъсумлигин ямлади ёлқин.*

*Қизгандим дунёни, ҳеч кимга дўндиим,
Маглуб кўйбоқарлар, маглуб бир кўзлар.
Олманинг шохига инграниб қўндим,
Менинг ҳаққимга, деб, йўлланар сўзлар:
Мен на мен, на менмен, Оллоҳум!*

*Қизиди кўзларим, кўзимда кўмир,
Мен олов ичида дунёни кўрдим.
Кўзим ёниб ўчди, узилди томир,
Кўзим тафти билан дил тоблаб турдим.*

*Қандай соз, қандай соз, қўлда қаламим,
Тавба, қайга кетди шунча аламим,
Парчинлаганларим, парчинланганим,
Мен на мен, на менмен, Оллоҳум!*

*Кўзимга қулади арабий само,
Туркий кўзларимда алифлар пайдо.
Синнинг тишларида синган ўйларим,
Алифнинг ялангоч жисмига шайдо.*

бас, томчи (муаллиф) яна бир томчига (ўкувчига) уммон (башар ахли) ҳақида, унинг узун йўли ҳақида нималарни дир уқтиаркан, ана шу тафовут такозосига кўра ҳам мажозий фикрлашга маҳкум. Унинг бошка иложи йўқ. Чунки рамз – қалаваланган муштдек ип. Уни ечиб чўзганингиз сари ер шарини кучоклаб оладиган имконлари очилади! Йўқса, у сирини ўз ичига қамаб, бир мушт, нари борса, битта коптоқдек бўлиб ётаверади...) ҳамма нарсани батафсил тушунтириб беришнинг имкони ҳам, бунга алоҳида истак ҳам йўқ. (Умуман олганда, кузатишлар шуни кўрсатаётирки, “энiga ва бўйига ўсиб” турланаётган, ахборотга кўмилиб кетган дунё мазмун-моҳиятини камраб олиш тобора кийинлашиб бораётганини хисобга олсак, бундан буён инсон бадиий тафаккур тарзида ишоравий, яъни рамзий санъат ўрнининг беҳад ортишига шубҳа йўқ. Чунки рамз ва ташбеҳда шундай бир ички кудрат борки, ана ўша беҳудуд оламнинг ҳадсиз-хисобсиз товланишларини ўз бағрига сиғдира олади. Бошқача

*Алифнинг ялангоч жисми йўқолди,
Оламимни тутди – ҳаё, нафосат.
Митра ортда қолди, Шамс ортда қолди,
Румий тушларимда менга ёзар хат.*

*Кезинмоқ он қадар кечарми, очун,
Кечинмоқ мумкинми вақт булогида,
Булоқ сувларига тўйинмоқ учун,
Булгамоқ шарт эмас, тоат чогида.*

*Оёқларингни торт, Посейдон, кўкдан,
Кўкка сатчийверма, йиртилган бошмоқ.
Кўлларингни бир тут, Оллоҳим, кўкдан –
Ҳавонинг кўллари бунчалар юшиоқ?*

*Ҳаволар ҳаволар, борми ҳаволар,
Ҳирқангиэни ечинг, сўқир гадолар.
Менинг сўзларимга борми даволар,
Сўзларим – гадолар, сўзлар¹ гадолар.*

*Сўзланг, сўзламоқлик касб эрур сизга,
Сўзланг, эй Шаҳноза, ўзга юмуш йўқ.
Фақат тингламоқлик азоби бизга,
Фақат тингламоқлик, бунда ўлиши йўқ.*

*Ўлимдан аввалдир тинглаш азоби,
Ўз куйингни сўнгигигача туясан,
Сўнг куясан!*

¹ Энди сўзламоқ маъносидা.

айтганда, рамзий санъат Аловиддиннинг сеҳрли чирогига ўхшайди, керакли калит-дуосини топиб ишлатиб-ўқисангиз, бас, қаршингизда кўлингизга дунёларни олиб беришга кодир Жин жаноблари пайдо бўлади!) Натижада, шоира йўлда учраган муҳим “обида”ларга, яъни ўзига таъсир килиб, руҳига инган сирларга ишора килади. Мана шу ерда эса ўқувчи, Гассет айтмокчи, нақ иккига бўлинади. Тушунганлар ва тушунмаганларга. Румий ҳазратлари айтадики, сирдан хабардор бўлган киши индаллосиданоқ гапнинг моҳиятини дарҳол англайди, ғоғиллар эса йўқ. Уларга минг тушунтиргин, сўзларинг сувларга окади-кетади. Худди шундай, башарият босиб ўтган йўлни ўз тафаккур кемасида қайтадан сузиб ўтган (яъни сирдан воказиф) ўқувчи Шаҳноза билан тезгина “тил топишади”. Қолганлар эса ҳаялламай достон деб аталган бу “бегона” йўлни тарк этади ва минбаъд унга қайтмасликни афзал кўради.

Менинг күйим

Мана бу хұракни, бу ё хұракми –
Тиғимни тортқылар балиқчи Худо.
Хұракка илінай деган юракни
Посейдон ўтимдан этади жуудо.

Менинг Каъбам қани, қисматим қани,
Озриқлар ичіда озриндім, толдім?
Синиқән эңг сүнгги нурларин олиб,
Күзимни Иброхим ошига солдім.

Солдім құлларимни шлохий сувга,
Жисимімден парланың жасамики намлиқ.
Жисимімда кашіф этған янғи оловга
Мазданы штқитіб, қараб турдім тик.

Зирқирап сүяклар, осталонлар¹ тор,
Рұхымни ўғиrlаб кетди Барчинлар.
Аза маршин айттар Моцарт тұзған хор,
Самодан Румийни тортғанлар, кимлар?

Үйна, үйна, үйна, үйна, “Суз хотин²”,
Самога тушмайды, барибір, само.
Үйна, үйна, үйна, хотин бу – ўтін
Тұтуңға яширди Одамни Худо.

Патирос тутайди, патирос ёнди,
Қадимий битиклар ўчды хотирдан...
Хайрият. Сукунат. Титроқлар ўлди.

¹ Зардұштышылған диннің мархұмнинг сүяклари сақланадыған маҳсус идии.

² “Суз хотин” ёмғыр чақириши маросимидә ясаладыған құғырчоқ.

Сир ҳакида гапиридик. Хүш, у нима?.. Гап шунда-да! Буни достон билан танишган үкүвчининг ҳар бири үзіча, үз имконлари ва нияти нисбатида тушунади, хис килади. Одам қобиғасидан бунеңд этилған Ҳаво, илохий олма, Қобил ва Ҳобил қисмати, Сулаймон, Посейдон ва Гермус, антик олам худолари билан боғлық мифлар, Иброхим, Ёкуб, Довудшох, Азозил хамда Каъба, Будда ва Зардұшт, ўзбек халқ құшиклари қатидағы маңындар, Румий, Шамс ва Моцарт.. буларнинг бары муаллиф эътибори-ни торттан мавзулар. Демак, асарға беркитилған сир(лар) ҳам ана шу мавзулар қатиға яширинган. Үмуман, кунимизнинг жиддий ижодкорлари тобора күпроқ сирли бўлиб “туриш”га уринаётғанligини қайд этиш жоиз. Айни дамда, эътибор бермок қеракки, бадиият оламида чинакам сирли дурдона асар билан “бошқотирма”, яъни “кроссворд” адабиёт ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Аммо улар худди муҳаббат ва нафрат (дахолик ва телбалик) каби бир-бирларига жуда-жуда яқин жойлашганидан (бор-

Тұхтанд. Тұхтамабди. Кимдір күлдіми?
 Дұнурлар туёқлар, Буров кетмоқда.
 Дұнурлар туёқлар, Гермус келдіми?

Ох, яна тавбани бошдан бошлаймыз,
 Туёқлар тұлови – сажедага бош қүй.
 Бошладык: ишелгаймыз, құзни ёшлаймыз,
 Іңубнинг күлида хирхирар бир қүй.

Күй, уни ўлдырма, унда гуноҳ ійік,
 Құрбон ҳам үзімман, құрбонлик ҳам мен.
 У, барибир, сезмас уннинг қорни түк,
 Ылым лаззатига аталған бош мен.

Ох, яна тавбани бошдан бошлаймыз.
 Ох, яна тавбани бошдан бошлаймыз.

Энди менинг қүйим

1.1. Адашған рұхимни самога отдим,
 Икки карра адаш, уч карра адаш.
 Абадий музиклар сингари қотдим,
 Шу ҳолимда музман, әртсанғыз ёши.

Одатий имолалар ботди рұхимга,
 Танни шүшунчалар ёқымсиз, сохта.
 Ҳазин асомырлар чүқар охимга,
 Жисмимга қоқарлар құш, айри тахта.

Кафтиңгиз бүнчалар иссиқ, Илохий,
 Мұздек мұзлигим-ла буни сезаман.

йүғи бир қадам), hatta мутахассислар ҳам уларни күпинча чалкаштириб юришади. Оқибатда, бор-йүғи ўртамиёна бир асарни бебаҳо дурдона, дея тақдим этишгача бориб етилади! Лекин вакт деб аталған ҳакам борки, ҳали ҳаммасини жой-жойига құяjak.

Гарчанд номлари тилга олинмас-да, достонда Гёте, Нитще, Жойс, Пруст каби даҳо санъаткорлар асарлари рухига эш ўринлар учрайди. Чунончи, “Йүкотилған вактни излаб” Прустда, “Ташлаб кетилған вакт” Назархонда. Еки Нитщенинг “Зардышт тавалlosи” асаридаги пафосни ёдға соладиган кайфият-рух... Йүк, гап бу ерда тақлид ҳақида эмас, ижодий таъсирланиш ҳақида кетаяпти. Хуллас, достон ўз мазмун-кайфиятига күра – курама. Шунинг учун ҳам уни ўқыған киши маңындар-нинг тариқдек сочиб юборилганини күради. Яхлитлик, бутунлик ійүқдек туюлади. Бу – табиий. Чунки аслида ҳам күз билан күрса, күл билан ушласа бўладиган бутунликка интилиномаган достонда. Бу дегани, асар

Садақадек юзин тутади дохий:
– Ўпақол, құлвачча! Ўзни әзаман!

Үнүтилар бир-бир асов ҳисларим,
Улар вазминликда күчар түйегуга.
Улоқиб, адашиб кетди изларим,
Илоҳ күмәр, тамом, сабий кулгуга.

Күлөгимни ётинг, битсин овозлар,
Юрагимдан ёриб келар бир садо.
Довудшоқ шаклида инграйди созлар,
Қай бирида сенсан, бир тин ол, Худо!

Тинган овозингдан топаман сени
Ва ииғлай бошлайман: гуноҳкорман, рост.
Кечирма, ҳайдаб сол, ійлаттма мени,
Ахир, юзинг күрдим мен гумроҳ, мен паст.

1.2. Адашған рұхимни самога отдим,
Қайтмоққа ійл излаб ійлин ійқотди.
Мен тупроқ ҳолида мангуға қотдим,
Жисмимга мусиқа сұzlари ботди.

У мени алдади – садо алдади,
Мен – нур әдим, ахир, тупроқ – гил эмас.
Пешонамга нұқтаб ля, соль, деди:
– Энди, ўлмай десанг, исән қылма, бас!

Исәнни бошладим. Кетаман юртга,
Фикр либосида бүгилдим, толдим.

бутунликдан йирок, дегани эмас. Шартли маңнодаги бутунлик бор. У – шоир шахсиятида. Яъни муаллифнинг тафаккур ва хаёлоти туташиб ҳосил қылган майдонда муайян бутунликни илғаш, хис килиш мүмкін. Бошқача айтганды, мозаиканинг ҳар бир парчасида фикрловчи үқувчини яна ва яна тафаккур қилишга, инсоният тарихига саёхатта чорлаш орқали уни ўз ботинига сафар қилишга ундаш бор. Асарни бирлаштирувчи кучи шу ерда бўлса, ажабмас.

Достонда мутолаа килганингиз ҳамон хотирангизга ханжардек санчилиб коладиган мисралар мавжуд. Чунончи, үқиганингма анча вакт бўлганига қарамай, ҳозир достонни варакламай ҳам айрим мисраларини ёддан ёза оламан: “Румий тушларимда менга ёзар хат”, “Одатий имлолар ботди рухимга, Таниш тушунчалар ёқимсиз, сохта”, “Синнинг тишлирида синди ўйларим” ва ҳоказо. “Синнинг тишлиари...” Бу ташбех мумтоз шарқ адабиётининг анъанавий санъатларига оид. Ўз ҳолича унда

*Фақат күзларимни тан олдым дардга
Йұламай, үйлатташ үсарды ҳолим.*

*Ранглар ёлғон экан, ранглар галати –
Мавхұм тасаввұру мавхұм акслар.
Мен рангсизман ва ё Үрүхим тоти,
Ранғдан сизиб чиқар авровчи саслар.*

*Ғимирлар гингіллаб айланар күлка,
Бор-йұғи ранглару бор-йұғи шовқин.
Аришгача туташып боради йұлқа.
Рұхым имлар, чорлар. Вұжудым ҳорғин.*

*Үзинг бирор сүз де, Ҳақ ёки ўл де,
Рұхимни қайттарма қайта бу ёққа...
Адашдым. Кім әдім?.. Хотирам ўлди...
Оқяпты. Оқяпты ажисиб мусиқа.*

**Сүнгигача үлмоқ керак,
Сүнгигига қадар,
“Үлім янгиланар”¹, эскирар бир дард...**

Хор (бирламчи ташқи мусиқа):

*...Изтиробга тұлди дунёлар,
Дунёларга тұлди изтироб.
Көвушини ечди худолар,
Оёқлари шудрадек хароб.*

1. Иброхим Гафуровнинг “Ҳае – ҳалоскор” китобидан иктибос.

бугунги нигохларимиз учун охорли ҳеч нима қолмагандек. Аммо “эски” ташбек мұмтоз адабиёт сархадидан янги адабиёт (тафаккур) ҳудудига олиб үтиляпти. Чегарада бугунги шоиранинг дардчил үйлари кечаги “алифбо”нинг кесгир тишларига тегиб, синиб тушаяпти. Жозиба шу ерда. Майдонга санъатта хос сехр түшдими, бас, үртада бегона қолмайди: ҳаммаси янгиланиб кетади – ташбеклар ҳам, назарлар ҳам...

Бетакроп адабиётшунос олим Талъят Солихов бадий асар күпинча битта мисра учун, шу мисрада акс этган фикр учун ёзилади, дегіч зди. Мен “Рұхимни силкитиб күяди, Худо” ёки “Түркій күзларимда алифлар пайдо” деган мисралар учун ҳам мазкур достонни қайта ўқиши мүмкін, деб хисоблайман. Ижодкор қалбни әнтиқтириб юборадиган даражадаги гүзәл ва баланд мисралар, ҳавасларинг келиб кетади, қаранг-а: “Румий түшларимда менга ёзар хат!..” Мен завқимни Шахнозаның үзига ҳам айтдым. Яна шуни айтдымки, бундай мисраларни ёзишини орзу қылғанлар

*Лой чапланган оёқлар билан,
Гермус мисол туёқлар билан,
Будда сепган бүёқлар билан,
Йинсон энди күринар сароб.*

Хор (иккиламчи ташқи мусиқа):

*О, ўлтим ҳолида нақадар чиркин,
Нақадар афтода күринар инсон.
Ўлдира олмайсан ўлиминг билан.*

Хорга раддия

*Алладим, яқинда ўлмайман,
Ҳали кўп яшайман тинглаб руҳ зорин.
Майли, бўғизгача тўлиб-тўлмайман,
Ичиламан ҳар не юракда бори.*

*Алладим, руҳимда хасталиклар йўқ,
Неки айтган бўлсам, билиб айтганман.
Соямда Илоҳдан қолиб кетган юқ,
Ҳақиқатдан қайтсам, ўзим қайтганман.*

*Алладим, бошимда гувламас шовқин,
Аксинча, мен кўкка шовқин солганман.
Дараҳтман, кўлларим бунчалар узун,
Самони пайтаслаб, бу кун ҳорганман!*

*Мен Уни кўрганман, дея, алладим,
У мендан аввалроқ мени топганди.
Шууримга жойлаб ягона кўзин,
Менинг кўзларимни мангу ётганди.*

кўп. Сўнгги икки мисрани эса тафаккури жунуни кадар кучли, аммо аёл қалбли ижодкоргина ёзиши мумкин эди. (Нима учун аёл қалбли? Буни энди сиз ўйланг, ўкувчи...) Сизга насиб этган экан, муборак бўлсин!

Достон “Руҳимда чалинган мусиқа” деб номланади. Ўйлайманки, уни мутолаа килган маънавияти бутун ўкувчи руҳида ҳам асрлар садоси янглиғ бир куй чалина бошлайди, бас, бадий асардан бундан ортиқ яна нимани талаб қилиш мумкин?

Улугбек ҲАМДАМ

Бекұда ёзғириш

1.1 Чорловлар синади руҳга урилиб,
Синиқлар оралаб юриб бораман.
Құлларингни түтиб, тутолмай, түтиб,
Нұхнинг кемасидек ҳориб бораман.

Хайр, лаънатланған күр түйгүларим,
Хайр, сув остига чүккан ўйларим!

Мусиқани олиб кетади ҳаво,
Сүзлар сузилади қошлари қора.
Рұхимни силкитиб құяди Худо –
Күзимдаги бармоқ изига қара.

Хайр, ҳақықатдек сохта күйларим,
Хайр, яқынларим – озод ўйларим!

Оз-оздан күпаяр менда галаён,
Күп-күтінде нурайди ибодатларим.
Мениң дардым аән, қысматим аән,
Мени ўлдиради штоатларим.

Хайр, ўлтим қадар тор уйқуларим,
Хайр, хайриятта күнгән ўйларим.

1.2 Күзимда қолмади заррача қора,
Әхтимол, дунёмиз оқарип кетди.
Сен күзларим қадар яхисан, Худо,
Күрмаятман.

Шунча гүз алмисан, шунча покмисан,
Аввағроқ айтмабсан буни күзимга?
Байтуллоҳ тошидек оқмисан,
Сезмаятман?!

Қызғанма, күзларим ўзимдан,
Чимиллаб кетади бүйрагим.
Сув иси келаңдир сүзимдан,
Билмаятман.

1.3 Менға мерос барча касаллик,
Яңги дард кашіф этмай кавшанар умрим.
Томиримдан юриб келаётган ким?

Даволарим – ўтмиши, осмон, юксаклик
Хүнүк босинқыраФ қаршимда ўлым.
Ўзимни ўзимдек билаётганим...

“Вақт улуг ҳакам. Руҳинг уйғонсан”,
Үйгөтмасин фақат менинг дардимни,
Күзларидан құвсип нурдек гардимни.

Тиниқ күзларини тикади осмон,
Соямга беркиниб ўйлаипман жисим,
Келиб, оёқтарим сиқади иўлім.

* * *

Ташқариды қолди барча ҳақиқат,
Ташқариды қолди җаво ва бүшүлиқ,
Хонамни әгаллаб ётади иўқлиқ.

Ажисб мусиқани туя бошлайман
Ва ажисб ҳолаттда күя бошлайман.
Езмоқ учун имкон, ёнмоқ учун вакт...





КАСАЛ ҚУШ

Хикоя

“Бугун ҳам кечгача сенинг қўнғироғингни кутдим.

Сиҳатгоҳга келганимга олти ой бўлди, шу вақт ичиде деярли ҳар куни хабар кутаман, лекин сен жимсан.

Бу аҳволда ақлдан озиш ҳеч гапмас. Бўлди, энди кутмайман, дейман-у, қўл телефонимни отиб юбориб, ҳамшира Ойдинойнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, ҳовлига чиқиб кетаман. “Ҳаво совуқ, ташқарига чиқишингиз мумкин эмас!” дейди Ойдиной ортимдан югуриб келиб. Мен ҳечкиси йўқ, дегандай кулиб қўйиб йўлимда давом этаман. “Дўхтир мени ўлдиради!” деб қолади у ваҳима ичиде. Ойдиной тўладан келган, очиқ юз, жонсарак жувон. Унга ачинаман. Оғир хаста эканликларига қарамай бурчак-бурчакка биқиниб олиб гоҳ чекаётган, гоҳ шаробхўрлик қилаётган ёки уйларига қочиб кетишга уринаётган “қулоқсиз” беморларнинг кетидан югуриб юриш ҳамшираларга ҳам осонмас. Ахир улар... маошига қўшимча ҳақ тўлангани сабаб бу сиҳатгоҳда ишлашга рози бўлишган. Лекин бизниклар жуда антиқа-да ўзи, касалхонага оҳ-воҳ қилиб келишади-да, аҳволлари сал ўнгланса бас, дўхтирларнинг кўзини шамғалат қилиб, уйларига жўнаб қолиши пайдида бўлишади. Оқибатини ўйлашмайди. Фақат қарир-қартанг bemорларгина ташқарига чиқишимайди, хоналарига қамалиб олишган, уларга барibir энди, баъзилари уззукун қув-қув йўтилишади, баъзилари иситмадан алаҳлаҳ ётишади, бундай ҳаётнинг бир лаҳзасига қараб, унинг давомини, эртасини тасаввур қилиш қийин эмас.

Қариялардан биргина Усмон чол дегани сал бардам. Ёки ўзини бардам кўрсатади. Юзи шунчалик озгинки, бир кўлнинг кафтига жо бўлгудек, вужуди гўё ўз гўштини еб жонини сақлаб тургандай юпқа, сарғимтири териси устихонига ёпишиб кетган рамақижон, нақтирик арвоҳ дейсиз, лекин у ҳам менга ўҳшаб ҳар куни сиҳатгоҳ ҳовлисига чиқмаса туролмайдиганлардан.

Чол унчалик кув эмас, аммо сергаплиги одамнинг тез жонига тегади.

– Биззи дардимиз дунёдаги дардлар ичиде энг беziёни аслида, – деб мақтанишни яхши кўради чол. – Мана, ўзингиз ўйланг, сарик касал ҳам, сахарнийлар ҳам бир умр диета қилиб ўтишга мажбур. Спиртни-ку бир

Наср



**Зулфия
ҚУРОЛБОЙ қизи**

1966 йилда туғилган.

Жиззах педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган.

“Турмуш”, “Евузлик фаршиштаси”, “Ўлим ҳеч нарса эмас” ҳикоялар тўпламлари ҳамда “Армон асираси”, “Машаққатлар гирдоби” романлари муаллифи.

Айни кунларда “Ўзбекфильм” киностудиясида ишлайди.

грамм ҳам оғизга олиш мүмкінмас! Бу әнг оғир жазо-да одам учун. Күнглинг тусаған нарса олдингда турсаю сен ея олмасанг, ича олмасан! – чол нұрсиз, сарғайған күзларини сұхбатдошига тикиб бир неча сония жим туриб қолади, кейин яна үзининг дардиди ардоқлай бошлайды: – Аммо бизни миравой касал! Истаган нарсанғи ейсан-ичасан, пархез-марҳез деган нарсани билмайсан!

Усмон чол сиҳатгоҳа мендан олдинроқ келган. Мана, ярим йилдан ошдики, бирорта қариндоши йүқлаганини күрмадим. Ҳамшираларнинг гапига қараганда, унинг үғил-қыздары бор эмиш, катта-катта жойларда ишлармиш. Ора-сира құнғироқ қилишиб, чолнинг ахволини сұраб туришармиш. Ҳатто азбаройи оталарининг ҳұрмати ва яна сиҳатгоҳ маъмурологияның илтимосига күра, гоҳ-гоҳида үзларининг муруваттың күлларини узатиб ҳам туришаркан. Шунинг учун ҳамшираю дүхтирлар олдида чолнинг ҳұрмати баланд. Әлғиз үзиге алоҳида хона берилған. Чол ўз үйіда яшаётгандай яшайды. Аммо үғиллари негадир уни күргани келишмайды. Чол бұлса буны сездирмайды. Худди ҳеч кимни күришга зор әмасдай тутади үзини. Янглишмасам, иккى ҳафта бўлиб қолди-ёв, бош дүхтир чолнинг үғилларига құнғироқ қилиб, уни уйларига олиб кетишлари мүмкнілігини айтабди. Үғиллардан эса дарак бўлмабди. Бош дүхтир қув одам, үйлаб кўриб, ҳийла ишлатибди: “Отангизни нари борса уч ҳафталик умри қолди, келиб олиб кетсангиз яхши бўларди, ҳар қалай сўнгги дамда одам яқинлари қуршовида оёғини узатгани маъқул.” Эртаси куни ёқ баҳайбат машиналарда чолнинг үғиллари етиб келишди. Миннатдорчилик ифодаси бўлса керак, улар сиҳатгоҳ маъмурияти ва беморларга каттагина зиёфат беришди. Концерт уюштиришди. Шу куни, айниқса, беморларнинг роса бити тўкилди. Ҳатто хоналарига қамалиб олган қари-қартанглар ҳам зиёфатда кўр тўкиб ўтиришди. Ўйин-кулгига иштиёқ одамзоднинг қонида борлиги рост. Үzlари ўлим остонасида туришибди-ю... Чолнинг олдида гапиришмаса-да, орқаворатдан унинг үғилларини бемехрлиқда айблаб юрганлар энди уларга ҳұрмат, айрича эҳтиром билан қарапдилар. Зиёфат ва концертдан кейин үғиллари олиб келган янги устбошларни чолга кийдиришиб, олиб кетишга тараффудланишди. Бироқ! Бироқ қайсар чол кетмайман, деб туриб олса де! Үғиллари бир нималар деб ялиниб-ёлворишли, қаттиқроқ гапиришди ҳам, аммо ўжар чол барибир кўнмади.

Шу куни кечаси юрагим сиқилиб, йўлакка чиқсам... дераза олдида Усмон чол ташқарига қараганча ўй суриб турибди. Мени пайқамадиям...

Эртаси куни чол анча ҳардамхаёл бўлиб юрди. Негадир мақтанмади ҳам. Аммо кечга яқин дўнглик устига чиқиб, ёнимга ўтиаркан чукур хўрсиниб қўйди-да:

– Бу дунё шунаقا экан-да, – деди.

Чолнинг ҳасратлашгиси келганини тушундим.

– Бир умр пахта зовутда, чанг-тўзон ичиди ишладим, – дея давом этди у бир пасдан кейин. – Яхши тўлашарди... Хотиним раҳматли неча марта айтди, ўпкангиз микробга тўлиб кетди-ку деб. Аммо парво қилмадим... – чол бир лаҳза жимиб қолди, кейин мақтангандай бўлиб яна давом этди: – Катта ўглимни банкка ишга жойлаш учун ўн минг сарфлаганман вақтида. Кичигини корхона директорлигига ўтказиш учун ҳам шу атрофда харажат қилдим. Мен бу пулларни ўпкамга ўтирган чанг зарраларидан мисқоллаб йиқсанман. Мана, ҳозир үғилларимнинг пичоги мой устида. Улар учун ўн минг ҳеч нарсамас! Аммо... мендан ирганишади уйда бўлсам. Болаларини яқинимга ўйлатишмайди. Келинларим уйда ниқоб тутиб юришади...

Бирдан чол хўнграб юборди. Худди ёш боладай қоқсүяк елкалари силкиниб, хўнг-хўнг йигларди.

Ўрнимдан туриб хонамга кириб кетдим. Чолга тассалли беролмадим. Шунча кўнгилсизликлар ва кўргуликлардан кейин ҳам унинг шу оламда яшаб юргани ўзи катта гап.

Тунов куни эса... сиҳатгоҳдан қочиб чиққан ёш жувонни ярим йўлда тутволишиб, қайтариб келишди. Жувон эри билан тўрт йил яшаган, фарзанд кўришмаган, бу

камлик қилғандай зри автоҳалокатта учраб оламдан ўтган, аёл күп ўтмай юқумли касалликка чалинган. Бу ерга келганидан кейин жувон үзини анча яхши хис қилған, аммо қариндошлари уни уйга олиб кетишша шошилмаётганимиш, яна бир оз даволансин, деб ташлаб кетишганмиш. Дарвоқе, яна бир гап, аёл ҳомиладор экан. Шу ерда даволанаётган бемор йигитлардан бири билан учрашиб органды ҳақида у-бу қулогимга чалинганди. Дүхтирларни билмадим-у, аммо ҳамшираларнинг ҳам бу сирдан хабари бўлған, лекин қатъий чора кўришмаган, фақат... жувонга ҳомиладор бўлиб қолищдан сақланиши лозимлигини тайинлашган, холос.

Кечанинг ўзидаёт жувонни аборт қилишди. Ҳомиладорлик аёлнинг касалини ривожлантириб юборармиш.

Албатта, аёлнинг бу қилиғи яхшимас. Ўзбекчиликка тўғри келмайди. Лекин аёлнинг икки йилдан бўён шу ерда яшаши, яқинлари хабар олмай қўйгани ва энг даҳшатлиси, ўлимга маҳкумлигини ўйлаб, унинг бу дунёдан ном-нишонсиз кетмаслиги учун қилган ҳаракатини тушунса бўлади.

Операциядан кейин жувонни кўрмагандим, аммо эрталаб йўлақдан ўтаётуб ёпиқ эшик ортидан унинг йиғисини ўшидим. Бу сўнгги илинжидан ҳам айрилиб қисматга бош эган аёлнинг таслимият йиғиси эди.

Ховлидаги ўринидек юзи қордай оқарган йигит ўтиради.

Мен ундан жувоннинг аҳволини сўрадим.

– Билмадим, хонасига ҳеч кимни киритмаяпти, – деди йигит ўйчан оҳангда. – Кейинги вақтда ундан баҳтиёр одам йўқ эди. Энди нима бўлади?..

– Дўхтирлар учун унинг ҳаёти муҳим, – дедим бошқа бирор бир таскин берувчи сўз тополмаганимдан қўйналиб.

– Ҳа, – деди йигит кимгadir жаҳл қилғандай бўлиб. – Кимдир яшаши учун кимдир ўз ўрнини бўшатиб бериши керак, шекилли. Ҳатто туғилмай тури...

Начора... ҳаёт ҳамиша бечораҳол кишилар устидан галаба қозониб келган. Лекин барибир одамга алам қиласди, қисматнинг нима ҳақи бор одамни бунчалик азобларга солиша?..

Айтганча, бу ерда жуда ажойиб ёш жуфтлик бор. Қараб одамнинг ҳаваси келади, айтишларича, жувон дарди бедавонинг оғир формаси билан оғригани маълум бўлгач, турган гапки, бу ёққа юборилган. Орадан икки ҳафта ўтиб... унинг зри келган ва ўша кундан бўён улар бирга эмишлар. Энг қизиги, йигит бу ерга келмасидан аввал мутглақо соғлом бўлган.

Йигитнинг қилиғи кўпчиликни ҳам ҳайрон қолдириди, ҳам ғашини келтириди. Айниқса Усмон чолнинг қаттиқ жаҳли чиқди.

– Ҳаётнинг қадрига етмаган тентак! – дерди у ҳар гал йигитни кўрганда.

Битта аёлни деб ўзидан кечиш... ҳақиқатан ҳам ажабланарли. Айниқса дўхтирларнинг жаҳллари чиққанини кўрсангиз эди! Улар бир неча марта йигитни ҳайдаб чиқаришди, ҳатто жувоннинг ўзи ҳам эрининг бу ерда бўлишини истамай, уни хонасига киритмасди; бечора йигит касалхона ташқарисида, Темир панжаралар атрофини айланиб юриш билан кунни ўтказар, лекин кечки обходдан кейин врачларнинг ҳам, қоровулнинг ҳам кўзини шамғалат қилиб, панжарарадан ошиб ўтиб ичкарига кириб келаверарди. Қизик, бу ерда соғлом одамнинг юқумли дардга чалиниб, яримжон бўлиб қолиши икки карра иккiday маълум-ку. Йигит кейинчалик афсусланмасмикин?

Тез орада кутилган ноҳушлик рўй берди: бебош йигит ҳам дардга чалинди.

– Иккаламиз ҳам етимхонада катта бўлғанмиз. Тарбиячимнинг гапига қараганда, иккаламизни бир кунда етимхонага ташлаб кетишган экан. Бирга катта бўлдик, муштдай бошимиздан ҳаётнинг аччиқ-чучугини бирга totдик. Лекин хасталик биринчи бўлиб уни танлади. Мен шундан хафа эдим. Мана, энди иккаламиз ҳам тенгмиз, – деди у бир куни кечки пайт ҳовлида дуч келиб қолганимизда менга. – Тўғрисини айтсан, шу вақтгача хотиним олдида хижолатда эдим...

Йигит самимий сүзлади. Шубхаларим тарқаб кетди. Ахир бундай одамлар ҳеч қачон афсусланмайдилар. Аммо Үсмон чолнинг йигиттга муносабати барибир ўзгармади:

– Олифта қуруқ!

Фақат ҳамшира Ойдиной йигиттага айрича ҳурмат билан қаради.

– Менимча улар ҳеч қачон ўзларини ёлғиз ҳис қилмасалар керак. Ҳатто сўнгги дақиқада ҳам, – дейди у эрталаблари боғда айланиб юрган эр-хотинга ҳавас билан боқиб. Кейин бирдан маҳзун тортиб қолади.

Ха, Ойдиной ҳақ. Тақдир тузалмас дард ҳамда ўлимни рӯкак қилиб, инсонни маҳв этишга шай турганда ҳам ёшлиқ ва муҳаббатнинг кўзига ҳар қандай хавф-хатар ажабтовур саргузаштдай туюлаверади... Афсуски менинг ҳаётим унчалик ҳавас қилгудай эмас. Бунинг устига ёш ҳам, кекса ҳам эмасман, ичмайман, чекмайман, қарта ҳам ўйнамайман. Касалликка таслим ҳам бўлмоқчимасман. Тўғри, дастлабки кунлар сиқилиб кетганимдан ҳаммасига кўл силтаб, узоқ-узоқларга кетворишни ўйлаганман, ахир бегона жойда биринчи кунни ўтказиш ҳаммага ҳам оғир бўлади, афсуски, журъатим етмади. Ахир қаергаям борардим? Энди мен шунчаки касалга чалинган одам эмас, нақ касалликнинг ўзи эдим. Тасаввур қил-а, шаҳар-қишлоқлар бўйлаб уйма уй бош сукиб юрган тирик вирусни!

Энди менга соғлом одамлар орасида яшаш мумкин эмас!

Шунинг учун ҳам сиқилиб кетган вақтларимда қадам ташлашга ҳолим келса бас, ҳаво соғлиғимга тўғри келадими-йўқми, ташқарига чиқиб кетавераман. "Сиз сиҳатгоҳдаги энг беозор беморсиз", дейишида ҳамширалар. Беозор эмиш. Қартабозлару қочоқларга нисбатан бўлса керак-да!

Дарвоқе, қартабозлар...

Биласанми, хоҳ ишон, хоҳ ишонма, бу ерда қартабозлик шунақангি авжига чиқкан! Уларни алоҳида бир гуруҳ деса ҳам бўлади. Бор-йўғи беш киши. Қолганлар шунчаки томошабин.

Кечки обходдан кейин дўхтиру ҳамширалар ўз катакларига даф бўлгач, Миркомил деганининг палатаси одамга тўлиб кетади.

Қартабозлар эса ўтрадаги стол атрофида ўтиришади.

Аввалига ўйин шунчаки эрмакдай бошланади. Мақсад бойлик тўплаш ва фойда кўриш эмас, асло. Шунчаки вақт ўтказиш. Ахир бу ерда беморлар учун ҳамма нарса текин. Бироқ аста-секин ўйин кескинлаша бошлайди. Буни ўйинчиларнинг қиёфасидан билса ҳам бўлади. Ўйинчиларнинг сарғайған юzlари аввалига бўғриқади, қизаради, кейин қараашлари ўзгаради. Ўйин ўртасига етганида бир-бирларига шундай важоҳат билан қараашадики, уларни совуқёнлик билан кузатиб турган ҳар қандай одамнинг ҳам жазаваси қўзиб кетади.

– Миркомил, бос! Туз сенда, билиб турибмиз, туз сенда!

– Саидғани, ўлиб қолдингми, нима бало!

– Э, лапашанг...

Томошабинларнинг ҳаяжонли хитоблари ўйинчиларни қутуртириб юборади. Улар энди шунчаки вақт ўтказиш учун эмас, кўпроқ пул ютиб олиш ҳаракатига тушиб қолишади. Ўзларининг хаста эканликларини ҳам унутиб юборишади.

Азалдан бир-биридан нималарнидир тортиб олиш истаги, одамзоднинг қонида бор деган гап тўғри-да, шекилли.

Билмадим, бу ўйиннинг ҳам ўзига яраша сир-асори борми, қанчалик дикқат билан тикилмайян тагига етолмадим, лекин ҳар гал Миркомил деганининг қўли баланд келиши рост.

– Бор, ҳамширадан спирт опке, – деб буюради Миркомил ўйин ниҳоясига етгач ёнидаги ҳамхоналаридан бирига. – Мени айтди дессанг, тозасидан беради.

Томоғи тақиилаб турганлар секингина қўйқириб юборишади.

Кейин майшат бошланади.

Миркомил ўзи жиккаккина, қуриб қолган тарашадай бир одам, аммо дами баланд. Айтишларича, ҳатто дўхтирлар ҳам унга қаттиқ гапиришга ботинишмас экан. Лекин тезда маст бўлиб қолади.

Ана шундан кейин унинг хўнг-хўнг йиғлашини кўрсанг.

– Туз ҳамиша менда бўлган... Мен ҳамиша ютиб келганман! Лекин бу пулларни нима қиласман? – дейди у йиғламсираганча стол устида сочилиб ётган пулларга қараб. – Нима қиласман? Бу пуллар аллақачон чириб бошлаган ўпкамни тузатиб юборармиди!.. Эҳ, онасини... бу дунёни. Қўй! – Миркомил шериклари тўлдирган қадаҳни бир кўтаришда бўшатгач, чукур уҳ тортиб қўяди-да, энди йиғламасдан, аммо ажабланган кўйи гапини давом эттиради: – Ўпкам узилиб тушадигандай қаттироқ йўталишгаям қўрқаман, лекин барибир ичавераман, шунча исчам ҳам ҳайронман, нима учун худо мени асраяпти! Энди менинг ҳеч кимга керагим йўқ-ку...

Эртасига унинг аҳволи оғирлашиб қолганини эшитаман, уч-тўрт кун кўринмай қолади, аммо ҳафта-үн кундан кейин қарасам, яна унинг палатасига одам тўплана бошлидай...

Одатда, эрталабки уколдан кейин икки-уч соат тўшакда ётишим керак, лекин қанчалик "беозор" бўлишимга қарамай, бунга риоя қилмайман. Тўғри, аҳволим унчалик яхши эмас, дарди бедаво билан топишиб, қадрдонлашиб қолганимдан бўён у мени сира ўз ҳолимга қўймайди. Печакдай ёпишиб олган. Ўтган илии аҳволим пича дуруст эди. Ҳар қалай ўзимизнинг туман касалхонасида бир-икки ой даволаниб чиқиб, яна ишлаб юргандим. Бироқ... ким ўйлабди, қадрдон "дўстим" мендан айрилишни истамай, бутун борлиғимни эгаллаб, болалаб-урчиб кетганини! Кейинги вақтларда вужудим гёй ўзини ўзи кемириб-еяётгандай этим устихонимга ёпишиб, озиб кетгандим, бунинг устига иситма, йўтал... Туман касалхонасида ётиб даволаниб бир оз ўзимга келгандай бўлдим, аммо дўхтирлардан соглом одамлар орасида яшашим сира мумкин эмаслигини, акс ҳолда уларни ҳам ҳароб қилиб қўйишим мумкинлигини, иложи бўлса, бирорта сиҳатгоҳда узоқ вақт даволанишим (аслида, умримнинг қолган қисмини ўша ерда ўтказишим) лозимлигини эшитиб дунё қўзимга қоронги бўлиб кетди. Мен ўзимни ташлаб юбормаслик учун базўр оёқда турадим. Рости, бу ёғи.. бунчалик тезлашиб кетади деб ўйламагандим. Аммо барибир дош беролмадим, совуқ хабар неча йиллардан бўён дард билан олиша-олиша толиқан вужудим ва азоб чеккан қалбимни тўсатдан, кутилмаганда поралаб юбордики, натижада қаерда эканлигимни ҳам унтиб, бор-йўгидан айрилган одамдайд ӯтириб қолдим. "Узоқка бормай, шу атрофдаги бирорта сиҳатгоҳда даволансам бўлмайдими?" деб сўрадим бир оздан кейин ўзимни тутиб, аммо дўхтир дарҳол рад этди бу фикримни. Хотиним ҳам шошапиша уни қувватлади: "Харажатини ўйламанг, ҳаммасини ўзим тўғрилайман, сиз фақат рози бўлсангиз, бас!" Ял этиб қарадим хотинимга. У лабини тишлигандан нари кетди. Майли, кетиш керак бўлса, кетамиз-да. Хотинимга ҳам осонмас, уни тушунишга ҳаракат қилдим, ахир қаҷонгача... кийимидан тортиб кўл артадиган сочиғигача бошка-бошка бўлган одам билан юрак ҳовчулаб яшайди. Ҳар куни идиш-товоргу хона полидан тортиб, эшик-деразаларгача ўн фоизлик хлорли сув билан артавериш унинг ҳам жонига теккандир. Мен хотинимнинг хлорли сувда обдон пишган, оқариб, пўст ташлай бошлаган қўллари шилиниб қонаб кетганидан ҳатто пиёлани ҳам ушлай олмаганини, шу ҳолида ҳам ўз бурчини сидқидилдан адо этганини, болаларидан ёрдам кутмаганини қадрлайман. Ахир юкумли дард болаларга ҳам ўтиб кетиши мумкин-ку. Хотиним болаларни ўйлаб мени тезроқ сиҳатгоҳга кетишимни истади чоги. Ўйлаб кўргач, бу фикр ўзимга ҳам маъқул тушиди. Ҳар қалай сиҳатгоҳда ўзингга ўҳшаган одамлар билан бирга бўласан, ҳатто ҳамшираю дўхтирлар ҳам касалинг юқиб қолишидан чўчимайди, улар жуда боадаб ва хушмуомала бўлганларидан юз-кўзларидаги ҳадик аломатлари унчалик сезилмайди, сезилганда нима, улар хизматлари эвазига мўмайгина ҳақ олишади,

шунинг учун ҳам хавотир, андиша юрагингни эзмайди. Ниқоб ҳам тутмайсан ўз уйингдаги каби... Ёлғиз қолганда йиғлагинг ҳам келмайди...

Хуллас, келганимга ҳам олти ой бўлибди.

Олти ой ичида хотиним билан олти марта телефонда гаплашдим. "Санаторийга кетиб яхши қилдингиз, биз ҳар куни буғдой совуряпмиз, ҳамма ёқ чанг!" Кулиб қўйдим. Менимча санаторийга кетиб эмас, уйдан кетиб тўғри қилдим. "Бирор нарса керак бўлса, айтинг..." "Овора бўлма... Шароит зўр. Алоҳида палатада ётибман, ҳамма нарса етарли!" Рост-да, энди менга нимаям керак бўларди? Хотиним мени кўргани (болаларни юбормаслигини ўзим қаттиқ тайинлаганман унга) бу ерга келади деб ўйлагандим. Ҳеч бўлмаса болаларим... Келишларини қанчалик таъкиқлаган бўлмайин, мен уларни кутардим. Лекин... Йўқ, хотинимдан гина қилмаслигим керак, болаларга бош-кош бўлиш, – гарчи ҳаммаси аллақачон уйлик-жойлик бўлса-да, энди унинг гарданига тушди ва бу "юқ"ни кўтариш унга осон бўлмайди.

Аммо сендан андак гинам бор. Наҳотки нотаниш манзилга бир умрлик бадарға қилинганимни эшитмаган бўлсанг? Кўнглинг ҳам ҳеч қандай нотинчликни сезмадими? Илгарилари ора-чора кўнғироқ қилиб турадинг. Уч-тўрт дақиқалик суҳбатдан кейин: "Сиз эсламасангиз ҳам ўзим қўнғироқ қилдим, кўнглим ғаш бўлаверди", дердинг. Мен бўлсам: "Шу одатнинг яхши кўраман", дердим. "Ҳа, сурбетлик билан ҳар қандай қалъани забт этса бўлади", дердинг жижолатли кулиб. Мен бу гал жавоб бермасдим, аммо жон қулогум билан кулгинг товушини эшитардим.

Кейин яна анча вақт жим бўлиб кетардинг.

Мен бўлсам хавотир олмасдим, узоқ вақт жим бўлиб кетишларингга ўрганиб қолгандим, бир кунмас бир кун яна кутилмаган вақтда қўнғироқ қилишингга ишонардим-да, аммо ҳозир ана шу ишонч мени тарқ этган. Назаримда ўзимни ўзим бошқаролмай қолаётгандайман. Куни кеча эса... тушимда нуроний бир қарияни кўрдим: қаттиқ йўтал тутиб, иҳраб ётган эканман, тепамга келиб оғзимга беш томчи сув томизди. Эрталаб ҳеч қафон касал бўлмаган одамдай тетик, бардам уйғондим. Ахир сув – ҳаёт рамзи, насибам узилмаган шекилли, яна согайиб кетаман, деган ишонч туғилди қалбимда, зеро дунёда мўъжиза деган нарса ҳам бор, бироқ кечга яқин барibir яна кайфиятим бузилди, ахир беш томчи сув – беш кунлик умр деган маънони бериши ҳам мумкин-ку!

Яна умидсизлик, яна дилгирлик...

Тунда чироқни ўчиришдан кўрқиб қолдим, назаримда зимистон қоронғиликка аста-секин сингиб, йўқ бўлиб кетадигандай бўлавераман. Аллақандай шарпа дераза ортида пусиб тургандай, кўзимни юмишим билан ташланиб қоладигандай... Бошвоқсиз оғир ўйлар бостириб келаверади, атрофимни қуршаган ҳамма нарсада, ҳатто кафтимда чуқур ботган чизикларда ҳам ўлим аксини кўргандай бўлавераман ва... отилиб ташқарига чиқиб кетаман.

Сиҳатгоҳ катта майдонни эгаллаган. Кўринишидан касалхонага ўхшамайди-ю, аммо тартиб-қоидалари, озодалиги ва яна зилдай оғир кайфият ҳукмронлиги билан касалхонадан ҳечам фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳам ҳаво қандай бўлишидан қатъий назар, кўп вақтимни сиҳатгоҳ ҳовлисидаги тепалик устида ўтказаман. Назаримда бу ерда мендан бошқа ҳамма тақдирга тан бериб, тинч, хотиржам яшаётгандай, гўё ҳамманинг ўлимга маҳкумлиги ҳаммага аллақандай ички таскин берәётгандай... Гўё ўлим ҳаётдаги бошқа воқеларга ўхшаш жўн ҳодиса, ўлимдан кейин яна бошқа воқеа ўз навбати билан рўй бераверадигандай... беморлар ўзларини шу қадар хотиржам тутишардики, ҳеч қафон адолатсизлик юз бермаган, дунёдаги ҳамма нарса ўз мароми ва меъёрида ташкил топган, шунинг учун ҳам қисмат ҳукмига бўйсуниш керакдай!

Мени фақат табиат қисмат билан муросага келтиргандай бўлади. Куз эмасми, бутун борлиқдан маҳзунлик ёғилиб тургандай, бир қарасант, осмонни зил-замбиль

булут қоллаб, ёмғир томчилайды, ачық изғиринли шамол эсади, дараҳт шохларыда дийдирағ турған япроқлар шамол ҳар дапқир ҳамла қылғанида ҳаётта видо айтиб, битта-битта узилиб тушади, ҳаво совиб кетади; бир қарасанг, қуёш чарақлады, ҳаво беназир бўлади.

Нима бўлганда ҳам ичкарида шифтга тикилиб, кун санаб ётгандан кўра, бу ер – дўнглик устида ўтириш анча яхши.

Сиҳатгоҳ шаҳардан анча олисда, овлоқ бир масканда жойлашган. Соғлом одамлар яшайдиган манзилдан йироқ бўлгани ҳам тузук. Одамнинг сал-пал иззатнафси азият чекади, лекин бу фикр кимдан чиққан бўлса ҳам жуда тўғри ўйлаган. Шарт-шароит зўр. Тирикликни ўйламайсан, ош-овқатни ўйламайсан, ҳамма нарса текин. Айниқса бу ернинг ошпазлари зўр, беморларни яхши боқишиади. Сира эринчоқлик қилишмайди, истаган вақтда беморларнинг кўнгли тусаган овқатни пишириб бераверишади. Бир китобда ўқиганим, ўлимга ҳукм қилинган маҳбусни қатл олдидан тансиқ таом билан сийлашгандай... Ваҳоланки... бу ерда осон ўлим топиш учун бизни тайёрлашади, ҳар куни неча мартараб ниналар баданимизга кириб чиқади, ҳандорилар ютамиз, аммо юборилган дорилар вуждимизга ин қуриб олган вирусларни қуритиб, йўқ қилиб юбормайди, энди кеч, фақат унинг "шижоати"ни секинлаштиради, холос. Шунинг учун ҳам ўзимизни соғаятгандай ҳис қиласиз, аслида руҳ қувват ийғишин учун вуждимизни кемириб, танадан чиқиб кетишига тайёрланеётганини, ҳаёт эса аста-секин чекиниб бораётганини пайқамаймиз... Айтганча, яна бир гап, сиҳатгоҳнинг атрофи баланд панжаралар билан ўраб қўйилгани ҳам одамга сал бошқача таъсир қиларкан: панжаранинг нариги томонида, бир неча чақирим нарида жўшқин ҳаёт қайнайди, одамлар ҳеч қачон касал бўлмайдигандай, ўлмайдигандек яшайдилар, ишлайдилар, севадилар; бу томонида эса... нафас олаётганинги ҳис қилишнинг ўзи улкан баҳт!

Бу ерга келганлар сиҳатгоҳ ҳовлисида истаганча сайр қилишлари мумкин, лекин панжаранинг нариги томонига ўтишлари таъқиқланган. Тушга яқин ҳаво бир оз илигач, юришга ҳоли етадиган беморлар ҳовлига чиқишиб, сув танқислиги боис ёздаёт қурӣ бошлаган дарахтлар орасида кезиб юришиади. Худди қамоқхона ҳовлисидағи маҳбуслар янглиг. Лекин бу ер қамоқхона, айланиб юрувчилар эса маҳбуслар эмас! Шунчаки... тирик арвоҳлар, холос. Панжаранинг нариги ёғи – теварак-атроф тақирип яланглик, гёй қаттол касаллик ўт-ўланлару дарахтларга ҳам ҳамла қилиб, еб-ютиб юборгандай, ҳатто саксовуллар ҳам қуриб ётипти. Сал нарида тўрт-бешта қабр дўлпайиб турған гаригина, хилват ва соқин қабристон ҳам бор... Кичик бўлса-да қабристон-да, ундан мудом мангаликнинг маъюс оҳанглари таралиб туради. Эгасиз мурдалар маҳтал бўлиб қолмайди, буям жуда тўғри ўланган. Ҳаёт ва ўлимни ажратиб турувчи чизик – қабристондан нарида кўк тоқига боштираган қорли тоғлар бошланади. Эрталабки қуёш нурида чўқилар ял-ял ёнади. Шу тоғларни қоқ иккига бўлиб, йўл-йўлакай учраган тепаликларни оралаб, кумуш тасмадай гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай темир йўл ўтган. Ҳар ой, ҳафта-ўн кунда шу темир излардан елиб кепладиган поезд сиҳатгоҳ рўпарасига келганда бир дам тўхтайди, ана шунда вагонлардан ранглари сарғайган, беҳол, рамакижон беморлар ҳансирағ тушадилар ва толхивичдай қўлларини пешонасига соябон қылғанча кўққайиб турған сиҳатгоҳ томонга қараб бир зум туриб қоладилар, афтидан: "Охир етиб келган манзилим шу ер бўлдими?" деган афсус-надоматли ўй ўтса керак ҳаёлларидан. Кейин ёнидаги меҳрибон шеригининг мададига суюнганча сиҳатгоҳ томон юрадилар. Ичкарига кириб, ташрифнинг барча расмий томонлари ҳал бўлгач, бемор истаб-истамай ўз кулбасини эгаллайди, меҳрибон шерик эса... бу ердан тезроқ даф бўлишга шошилади.

– Болаларга эҳтиёт бўл... – тайинлайди бемор. – Томорқани қаровсиз қолдирма... Томнинг шиферида дарз кетган ери бор, шуни бутлаб қўйиш эсингдан чиқмасин...

– Э, бўлди, ишни ўйламанг энди, – йўл-йўлакай жавоб беради меҳрибон шерик. – Сиз ўзингизни ўйланг. Соғлиғингизни, тезроқ тузалиб кетишини ўйланг. Мен тез-тез келиб тураман!

Кейин ёв қувандай шошиб темир йўл томон юради. "...тез-тез келиб туармиш!"

Поезд эса... ҳаёт аборг қилиб, яроқсиз ҳолга келтирган одамларни сўнгги манзилга ташлайди-ю, соғлом одамларни ёрқин келажак сари олиб кетади.

Назаримда аллақандай кўринмас зот масхаромуз қаҳқаҳа урганча одамларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажрататгандай туюлади. Ёки фўзани янана қиласётган уста дехқон каби ортиқча, кераксиз ўсимликни суғуриб олиб итқитиб ташлаётгандай...

Яхшиям худо битта, агар қадим замонлардагидай худолар кўп бўлганда шўрлик одамзоднинг ҳоли не кечарди, дейман ўзимга ўзим.

Бу ерга келувчиларнинг ҳаммаси ҳам бемор эмас албатта, баъзилари яқин қариндошини кўргани келаётган бўлади, ёки Ойдинойнинг эрига ўхшаб хотинининг маошини олиб кетиш учун йўлга чиқсан... Нима бўлганда ҳам шу куни сиҳатгоҳ ҳар кунгидан гавжум, сершовқин ва бесаранжом бўлиб қолади. Қаёққа қараманг, одам.

Аммо Ойдинойнинг эри ичкарига кирмайди. Хотини билан панжара ортида туриб гаплашади.

Бир оз гангур-гунгур қилишганидан кейин Ойдиной дарҳол:

– Бу сафар маошим сал камроқ, – деганча эрига қўшқўллаб топганини тутади.

– Йиғ-йиғ кўп бўлди. Болалар мени роса соғинишгандир? Транспорт қулайроқ бўлганида уйдан қатнаб ишласам ҳам бўларди.

Эрнинг икки кўзи пулда. Лекин:

– Майли, борига барака, – дейди ўзини хокисор тутиб. У тўладан келган, биққи, икки юзи ялтираб кетган киши.

– Ҳа, ҳа, албатта... – дейди Ойдиной шоша-пиша.

– Менам иш топгандайман, худо хоҳласа, рўзгорга барака кириб қолади.

– Иш топдингизми?

– Ҳа, сухбатдан ўтсам бас...

– Дадаси, – эрининг гапини кесади Ойдиной, – иложи бўлса тезроқ ишга киринг. Кейин мен бу ердан бўшайман!

– Ие, эсингни едингми? – эрнинг овози бирдан ўзгаради. – Даромадли ишдан бўшаволиб, кейин шаҳардаги ҳамкасларингга ўхшаб миркуруқ бўлиб юрмоқчимисан?

– Шаҳарда ҳар қалай бехавотир...

Эр уни гапириргани қўймайди:

– Шаҳарда иш топа олсанг ҳам катта гап! Биласанми, у ерда ҳозир ҳамширалар иш тополмай, кўча чангитиб юришганини! Эҳ, сен ишсизлик нималигини қаёқданам билардинг!. – деба чукур хўрсинади.

– Ҳар доим шу гап... Ҳар доим шу гап...

Ойдиной ҳиққиллайди.

Беихтиёр дилгир бўлиб қоламан. Одамзод тақдир қўлидан озгина маош олади-ю, аммо юз минглик иш қиласидиган ишчига ўхшайди. Тақдир эса ўз манфаатларига нисбатан маънан қашшоқ бўлиб қолган кимсаларни топиб, ишлата биладиган моҳир ишбилармон!

Дарвоқе, сиҳатгоҳ ходимларининг бир одати менга унча ёқинқирамади: улар эскириб қолган, яроқсиз дориларни узоқларга эмас, шундоқ сиҳатгоҳ ҳовлиси этагидаги чукурга ташлар эканлар. Тўғри, бу ерда бола-бақра йўқ, аммо күшлар бор-ку. Ишонасанми, бир гала күшлар ҳар куни эски дорилар ташланадиган чукурни титкилашгани-титкилашган. Мен уларни ҳар куни кўраман, ҳатто таниб ҳам қолганман. Ўтган куни шу қушларни кузатиб ўтиргандим, бир маҳал, улар "қушлар базми"ни бошлаб юборишиди: ғалати оҳангда кўйлашар, рақс тушишар,

ора-чора бир лаңза тек қотиб, түмшүқларини бир-бирларига тираганча туриб қолишар, кейин гүё қаттық уйкудан уйғонгандек, бирдан бутун оламни бошларига күттарганча чұғурлашарди. Фақат озғин, патлари туллаган бир құш шерікларига күшилмас, чуқурча ёнидаги дараҳт шохидә ўтирганча узоқ-узокларга тикиларди. Худди бирорнан кутаётгандай. Мен унға қараб ҳаёлан: "Оғайнин, күтма, учратишины истаганингни ҳеч қаңон учратолмайсан", дейман. Аммо құш парво құлмайды, у менинг қараб турғанимни ҳам, шерікларининг чуғур-чұғуруни ҳам пайқамагандай, қылт этмай тураверади. Ора-сира учыша ахд құлғандай бир-икки қанотларини силкитиб құяди-да, яна ҳұрпайыб олади. Бир маҳал түсатдан шовқын тиниб, құшлар гуриллаганча осмонға күтарилиши да зум үтмай... уч-тұрттаси "тап-тап" этиб пастта құлади. Осмондаги құшлар шу заҳоти қайта ерга құнишиб, чунонам фарәд құтаришдикі... Ичкарига киарканман, йўлақда турған дўхтиридан құшлар ўлимининг сабабини сұрагандым, у кулиб бамайлихотир жавоб берди: "Бу құшлар ўзимизники. Улар ёз-қиши шу ерда. Ҳеч қаёққа кетишмайды. Қиши күнләре очликка чидолмай, эски дориларни пок-покиша туширишган, мана энди жаззаларини тортишпти. Улар ҳам касал!"

Галати бўлиб кетдим. Наҳотки бу ернинг құшлари ҳам касал бўлса? Шунинг учун узоққа кетмай, шу атрофда айланиб юришаркан!

Қизиқ, құшларга ҳам ўзига хос ақп-идроқ берилган экан-да. Ва улар одамлардан фарқли ўлароқ, ўз ҳаётлари тартибларига событирдик, ўзларига ато этилган ақп-идроқни бу тартибни бузишга ишлатмайдилар.

Шу куни мен ҳам охирги дамға довур бу ердан кетмаслика қарор құлдим. Бемор одам учун қаңон, қаерда ўлишнинг нима аҳамияти бор? Қолаверса, аросатда үтган умрни яқунламоқ, қайта яшаш насиб құлмайдиган дүнә билан хайрлашмоқ учун бу ягона ва сүнгги имконият, тўғрими? Оиласам учун оталик, эрлик бурчими бажарғанман, ҳар қалай бу томондан ҳам кўнглим сал бўлса-да хотиржам, аммо... сен учун нима құлдим?

Сиҳатгоҳга келганимдан буён шу ҳақда кўп ўйлайман. Қўлимдан келгани... яроқсиз бир аҳволда қолганимдан кейингина сен ҳақингда тинимсиз ўйлай бошладим. Ўзимча қўнгирогингни кутаман яна. Бунга ҳақим бормикин? Бу саволга жавоб беролмайман!

Аммо мен барибир кутавераман. Эҳтимол, ўзимнинг бепарвонигим ва ношуудлигим туфайли шу тахлит жазо олаётгандирман, кейин изтироблардан - касалликдан эмас - фориг бўларман. Соғлом одамлар орасида яшаб оғир дардга чалиндим, аммо энди дардмандлар билан яшаб соғаярман, тозарарман... Жилла курса ўлим олдидан!

Бу ерга келганимдан буён фақат Сен ҳақингдаги одам оёғи етмаган чўққилар учига ёккан қордек топ-тоза ўйларгина мени чалғитади, илик хотиралар куруқшаган қалбимга дунёнинг шодлигини қайтадан жо құлғандай бўлади. Ер остидаги қимматбаҳо ҳазинадай қалбим қаърида пинҳон бўлган ҳиссиётларим юзага қалқыйди...

Эҳтимол, ким учундир шунчаки бир одам, шафқатта муҳтож, ташландик bemordirсан, аммо ким учундир бутун дунё эканлигингни ҳис қилиш...

Биламан, ич-ичингда мендан хафасан. Бир вақтлар, ҳали жуда ҳам ёш (үн олти ёшли қизалоқ - менинг назаримда гўдак!) чоғингда беғубор мұхаббатингианглай олмаганим учун ҳали-ҳамон кечиролмайсан. Лекин унутмайсан... Мениям худди кечагидай кўз олдимда қаршимда бош эгиб турғанинг: "Эртаю кеч фақат сиз ҳақингизда ўйлайман... Билмайман, менга нима бўлган..." "Бунақа гапларни гапиришга ҳали ёшлиқ қиласан!" "Энди бир умр тоқ ўтаман!" Кейин гүё ҳозиргина айтган гапларингдан хижолат бўлғандай, тескари қараганча йиглаб юборганинг... "Аёл йиғиси дунёдаги энг ишончли, самимий икрор". Ўшанда сенга, йиғлаётган аёлга боқиб шундай ўйлаганим рост, бироқ... бағритошлик құлғаним учун арши

аълода афу этилиш-этимаслик ҳақида ўйламаганман, ким билсин, эхтимол, ўша вақтларда сенинг бокира түйгүларинга беларво қарагандирман... Йўқ! Энди ўзни оқлашдан, нималарнидир тан олмаслиқдан фойда йўқ, шундай экан, ҳозир ҳақиқатни барапла айтишим шарт: ўшанда ўзимни шундай тутмасам ҳам бўлмасди-да, ахир мен муаллиминг эдим, яна оилали одам, унчалик ёш ҳам эмас, бунинг устига дардманд эдим, шунинг учун бир қарорга кела олмаганим рост. Бироқ аслида... Оҳ, у кунларнинг изтироблари! Неча мартараб ҳаёлан сенинг ортингдан боргандарим, сен билан учрашганларим, неча мартараб сенга ҳаётимнинг мазмуни деб билган нарсани ҳимоя қилишга сўз берганларим... бироқ негадир ҳар гал ўз уйимдан, оиласдан узоқлашишим кўпга чўзилмасди, мени ҳамиша вақт ва касаллик қўрқувга соларди-ю орзуларим туманли масофалар ичра ғойиб бўларди. Кейин бўккунимча ичволиб, одамзод вақтни бўлакларга бўлиб, парчалаб ташламаганида ва вақт ҳамон зулумотдан отилиб чиқиб, зулумотга қўйиладиган учкур оқимдай яхлит ҳолида қолганида эди, бизнинг ёшимизда ҳеч қачон фарқ бўлмасди, эхтимол шунда касаллик ҳам мени четлаб ўтарди, дея телбаларча ўйлаганларим, ёзгирганларим... Бурч, масъулият, тириклил ташвишлари сингари фақат инсонларгагина тегишли бўлган нарсалардан нафралланганларим... Номаълум хавотир, ҳадик ва иккиланишлар... Бироқ мана энди ўлим остонасида турганимда ҳаммаси ойдинлашди, вақт ҳам, касаллик ҳам ўз аҳамиятини йўқотди, фақат бошимда гужғон ўйнаётган ҳаёллар ва қалбимни ларзага соглан ҳиссиётларгина қолди. Мен энди сенга ўзимнинг муносабатимни барапла айта оламан: мен ёлғиз сени севаман, ҳатто ҳеч қачон кўришмасак ҳам, сен дунёнинг у бошида, мен бу бошида бўлсак-да, барибир умримнинг охиригача сени севаман!

(Ниҳоят, мен ўзимни ўзим фош қилдим. Ўзим бекинган қалъадан ташқарига чиқдим. Бироқ, ҳайронман, буни аввалроқ тан олиш шунчалик қийинми? Нега бунчалик қўрқиб яшадим?! Иссиқ ўрнимни, ўрганиб қолган тӯшагимни совутгим келмадими ёки ўзимга қўшиб сени ҳам хароб қилиб қўйишдан чўчишимми?)

Аммо сенинг муносабатинг жимлигинг мени ташвишга соляпти. Қўрқяпман. Нега жимсан?! Наҳотки мени унугтан бўлсанг? Ёки сен ҳам касал қушдан ҳазар қиласанми? Тўғрисини, кўнглингда борини очиқ айтиб, қўнгироқ қилсанг-чи! Ахир шусиз ҳам умримизнинг кўп вақтини сукут сақлаб ўтказдик. Вақт намланган совун каби қўлдан сирғалиб тушиб кетмоқда. Менда ютқазадиган ҳеч нарса қолмади! Шошиляпман. Аммо сен барибир жимсан...

Бу аҳволда хотиржам кўз юма олмайман, ахир!

Менгача нима бўлган эдио мендан кейин нима бўлади, деган ўй тинчлик бермайди сира.

Кимсасиз, қоронғи хонада бокира муҳаббатидан ягона мерос қолган мактубни бағрига босганча, ўз ўйларию армонларига фарқ бўлиб ўтирган ёлғиз ва мотамсаро аёлни кўз олдимга келтирганимда юрагим қанчалар ўртаниб кетади. “Иқрор ва тазарру учун энди кеч эмасми?” дея кимдир таъна қилаётгандай туюлади. Дунё торайиб, тўрт девор орасида қолгандай бўламан. Ўзимни қанчалар ёмон кўриб кетаман. Агар мен бўлмаганимда, бу дунёда яшамаганимда ва бизлар учрашмаганимизда. Сен албатта баҳтили бўлардин! Ҳозиргидай қоронғи хонада ёлғиздан ёлғиз, умрингни кимнидир кутиш билан эмас, бир гала болаларинг қуршовида аёллик, оналик баҳтидан маст бўлиб ўтказган бўлардинг.

Худбинлик ҳам шунчалик бўладими? Умр елдай ўтиб кетаётганини ўйлаб ўзимга ачинибман-у, сенга бирор марта: “Мени бундай жазолама, қаҷондир, кимнидир севган бўлсанг севандирсан, энди ҳаммасини унут, ахир Сен ҳам баҳтили бўлишга ҳақлисан, мени кутма, мени ўйлама энди”, демабман. Вақт учкур от, шошилмасанг, ҳеч нарсага улгуролмайсан, десам бўларди-ку. Ана шунда... келажаги йўқ муҳаббат қурбони мен бўлардим. Азоблардан пора-пора бўлиш менга насиб айларди. Асло сенга эмас!

Аммо ҳозир фақат сени кўришни, олисдан бўлса ҳам кўришни истайман, жилла курса, мактуб ёз, кўнгироқ қил, гаплаш, мени деб дунёдан тоқ ўтаётганинг учун таънаю маломатларга кўмиб ташпа; шунда мен гўшақдан келаётган овозинг (қанчалар аламли бўлса-да) сеҳрига берилиб, ҳаяжон ичида ундаги ҳар бир сўзингга, кулгингга (ана, сен куляпсан, кулгинг товушини эшитдим, чунки... табассуминг шарпаси лабларимга кўнди) асир бўламан, сўзларинг ва кулгингни тинглайман, илиқ нафасингни, чиндан-да мавжудлигингни, ҳароратингни ҳис қиласман; ийллар тез ўтгани, кўп нарсани бой бериб кўйганимни, ажал эшик ортида пойлаб тургани, ҳаётнинг боқий эмаслиги ҳақидаги ваҳимали ўйлар ҳам нари кетади, охир-оқибат кўркувдан халос бўламан.

Мана, қоронғи ҳам түшди, – мен аллақачон хонамга қамалғанман, чунки шудринг түшгач, дүңглик устида ўтириб бўлмай қолди, – ичкарига кирдим-у, қўлтелефонимни кўздан кечирдим, йўқ, қўнгироқ қилмабсан. Энди орзиқиб эртани кутаман, кутавераман. Фурсат оз бўлса-да, энди кутиш менинг галим. Аммо ишон, ҳеч қачон сенинг бокира туйғуларингдан шубҳаланмайман, гарчи баъзан шундай таассурот пайдо бўлса-да – дарвоҷе, у тез-тез пайдо бўлиб туради – бу хасталиқдан, лекин шундай бўлса-да, юрак ниманинг илинжида уриб турганини яхши билади. Шунинг учун ҳам барча-барчасига: айрилиққа-да, тушкунликка-да, хасталикка-да, Сенинг жимлигингда чидай оламан. Охир-оқибат, энг нурафшон, энг порлоқ, бошқа кунларга ўҳшамайдиган, соглом кушлар осмонда парвоз қилиб юрган ажойиб бир кунда сени ҳаётни кучгандай кучиб, кўзларингга термилиш насиб этишига ишонаман! Ана шунда, бор-йўғи бир неча кун ёки дақиқа ичидаги бутун бир умрни яшаб ўтамиш ва баҳтиёр бўламиш. Ахир айтишади-ку, сўнгги лаҳза абадиятга дахлдор, деб. Сен албатта мени кўргани келасан, тўғрими? Сен энг даҳшатли вирусдан ҳам кўрқмайсан. Сен бокира муҳаббатига содиқ қолган ягона жасур аёлсан! Аммо бу мўъжиза қачон – эртага эрталабми ёки кечкурун, балки бутунлай бошқа куни – рўй беришини билмайман. Шунинг учун олдиндан айтиб қўймоқчиман, кечга яқин йўлга тушсанг, биз кўришолмай қолишсимиз мумкин. Чунки бу ерда оқшом тушганидан кейин беморлар билан учрашув таъкиланган. Мабодо... сен келган кунинг қўёш ботиб, атрофни қоронгилик чулғаган бўлса, учрашувдан умидингни узиб, қайтиб кетиб колма, илтимос. Ҳафа ҳам бўлма

Күёш ботса, нима бўлти? Ахир у эртага яна оламни мунааввар этиш учун уфқдан бош кўтаради!..

Сенинг муаллиминг”.

Диллардан дилларга



**Рамиз
РАВШАН**

1946 йылда туғилған.
Озарбайжон Давлат
дорылфунуининг
филология
факультетида таҳсил
олған.
Рамиз Равшан “Бир
еңиши күшик”, “Кўк
юзи тош сақламас”,
“Капалак қанотлари”,
“Кетсак биз бўлмаган
ерга”, “Нафас” номли
бир қатор шеърий
китобларнинг муаллифи.

23 ёшимда мени севланлаф...

Дунё ногоҳ ёруғланса

Бир офтоб чиқса бир кеча,
Дунё ногоҳ ёруғланса,
Шаҳар-шаҳар, кўча-кўча,
Ётмоқ-ётмоқ ёруғланса.
Кўрардик, кимларнинг қўли
кимларнинг қўйнидан чиқар.
Кимлар эгила-эгила
кимларнинг уйидан чиқар.

Ойдин кун бўлса бир кеча,
Минг-минг турли гуноҳ кўрсак.
Устини ёта олмаса,
Дунёни ялангоч кўрсак.

Бошимизга нима келар,
ақтимиз шошар, эҳтимол.
Ҳамма бирдан боши кўтариб,
дунёдан қочар, эҳтимол.

ШОИР ҲАҚИДА СЎЗ

Рамиз Равшаннинг ilk китobi 1970 йилда босилиб чиққанди. Илк китобга сўзбоши ёзган Акрам Айлисли шундай таъкидлаганди: “Рамиз Равшаннинг йигирма уч ёши бор. Буни айтмасак ҳам бўларди. Аммо масала шундаки, Рамизнинг шеърлари ва унинг ёши орасида ажаб бир уйғунлик бор...”

Рамизнинг иккинчи китobi орадан ўн етти йил ўтгач, 1987 йилда дунё юзини кўрди. Унга сўзбоши ёзган Комил Вали шундай таъкидлади: “Энди Рамизнинг кирқ ёши бор... Аммо “Кўк юзи тош сақламас”даги шеърлар энди Рамизнинг ёшига айни эмас. Улар ё жуда ёшdir, ё жуда каридir... Мен Рамизнинг шеърини ўз сўзим каби bemalol онамга ўқиб бера оламан. Ўғлимга васият қиласман. Умримни бу шеърларда яшайман”.

*Бас, ким қолар бу дунёда,
Гүдаклар қандоқ уйғонар?!
...Яхшиямки, бу дунёмыз
Секин-секин ёргулана...*

Кора кийган аәл

*Кишилар бир бўлмас, одам боласи,
кўрқоги бор,
марди бор.*

*Аммо ҳар кимнинг ўлганидан сўнг,
қабри узра йиғлагувчи
Бир қора кийинган гўзал аёлдан
умиди бор.*

*Сен ўлганда
ким бўлади кўзларингни боғлаган?
Дўстингми бўлади?
Ётми бўлади?
Бу дунёда, балким, сен деб, энг кўп йиғлаган,
Сен энг кўп йиғлатган хотин бўлади.*

*Кўз ёшлари ювар қабртошингни,
Қабрингда тўлганиб,
дейсан, Худойим,
Йиллар бўйи мен йиғлатган бу аёл
қайда яна асрагандир
бу қадар кўз ёшини?!*

Рамизнинг метафораси шеърнинг бўй-бастичадир, илҳомининг жонида, рухида, мажозидадир, ҳар шеъри мукаммал бир мажозий тамсилга айланиш даражасидадир.

Кўзимизнинг қабогинда Рамизнинг ёзганлари унинг яратгандарига айланади, биз бу дунёни бир бора ва абадий севиб қоламиз, бу дунёга қайтиб келмаслигимизни унутамиз, абадийликни юракдан хис қилиб нафас оламиз. Бу нафас ҳам бизнинг шеъримиздир. Шеърга айланмаган дил сўзларимиздир.

Рамизнинг шеърияти ўзликни англаш сари йўлда туғилган шеърлардир. У дунёдан фожиавий тарзда зериккандир: “Ахир, бундок ким зерикар – Оғзимда тилим зерикар, Чўнтакда кўлим зерикар. Йўлимга кизлар чиксалар, Ёкамга бир гул таксалар, Ёкамда гулим зерикар... Бу қайгуниң борми чеки, Бу на ғамдир дунёдаки?! Биламан, менга кўз тикиб, Қайдадир ўлим зерикар”. У дунёга чизик тортади-да, кўз очиб

*Бирор марта
на сочини силадим,
на-да күз ёшин артдим,
Корачигимга ботар энди
сочининг ҳар толаси,
Йиллар бўйи
бу аёлга мен, ахир, дард етказдим.
Нега энди чекар дардимни?!*

*Бу аёл қабр тошимни
ўтиб силагунча,
Мушти билан урса, урса яхши эди,
Қабримнинг устида қон йиглагунча,
Каргаб, қақшаб турса, яхши эди.*

*Кет, кетақол,
қора кийган аёл,
Йигингни тўхтата қол, қора кийган аёл.
Бу қабр ҳам минг қабрнинг биридир,
етар, қабртошни босма багрингга,
Барча, мен деб, йиглаганлар тинчиди,
бас, гўр ичига томаётир, йиглама...*

Демаки, шоирнинг бор-йўғи тилдир

*Демаки, шоирнинг бор-йўғи тилдир,
Шапалоқ уришига қўлимиз ҳам бор.
Бироз бошимизда ақлимиз бордир,
Бироз киссамизда пулнимиз ҳам бор.*

кўрганларидан торика-торика онасига: “Мени қайтариб ичингга ол”, демоккача боради.

У “Кўзгу”га тикиларкан, кўзгу чатнаб парча-парча синади. У ўзини бундок кўргиси келмайди. Бир томондан, дунё уни қаритди, иккинчи томондан, дили ёшдир. Орзулари кўкка тортади, оёги эса ерга ботган: “На қадар сўзлар бор сўзимдан ёшроқ, Энди чакирмокка нафасим келмас. Энди бу дунёда ўзимдан ёшроқ Шеъларни ёзмоққа ҳавасим келмас”. Аммо тириклик ва ўлим ёнма-ёндир, унинг чегараси ёлғиз Оллохга аёндир. Бироқ шоир шуни биладики, ўлимдан инсонни юлиб оладиган нарса илҳом тўлғоғида туғилган сўзлардир.

Рамизнинг шеърини шарҳлашга, тушунтиришга уриниш кулгиги-лидир. Уларни мутолаа килиш керак. Улар ўзини-ўзи тушунтиради.

Абдулкарим БАХРИДДИН

Күп ботирлар йүккә чиқди ўртада,
Кимнинг баҳти кимни йиқди ўртада,
На бўлсинки, бир иш йўқдир ўртада,
Ҳали согимиз ҳам, сўлимиз ҳам бор.

Минг йилдир тугилиб, ўлармиз, эй дўст,
Йигласак, бас қилиб билармиз, эй дўст.
Токи, қадам ташлай олармиз, эй дўст,
Қабристон томонга йўлимиш ҳам бор.

Қарилик

Ёлғизлик бошлинар бундан буёги,
қочиб қутулмассан, одам боласи.
Ойларни, йилларни тутсанг бўйингга,
Сойларни, чўлларни тутсанг бўйингга,
йўчаб етолмассан, одам боласи.

Энди кўплар билан орам совуган,
кўплар омадимга севинмас энди.

23 ёшимда мени севганлар
33 ёшимда севолмас энди.

Мен, ахир, на Чўлман,
на Йўл,
на Кўча,
Ахир, ҳамманики бўла олмайман.
Мени севганлар деб ўла-ўлгунча
23 ёшимда қола олмайман.

Қанчалик сўзлар бор сўзимдан жасур,
энди чақирмоққа нафасим йўқдир.
Энди бу дунёда ўзимдан жасур
сўзларни ёзмоққа ҳавасим йўқдир.

Йигини бас қилди, тинди шеърим ҳам,
қариоди мисралар, сўзлар мен билан.
Дўстлар ёшилигича қолар шеъримда,
қаримоқ истамас дўстлар мен билан.

Илоҳум, қарилик шундай экан-да,
дўстлардан жисмгина узилар одам.
Умр лойқалангган сувдай экан-да,
озайгани сари тозарар одам.

Ичиму ташимнинг занги ювилар,
сатрлар кўкарап бу оқ вароқда.

Узоқдир юрак-ла құлнинг ораси,
хайрият, ўлмадим шу оралиқда.

Сұзлар юрагимдан құлымга етди,
бироз саргайды ва сұлди, на иложе?!

Бироз жасурлыги, шұхтеги йитди,
гина қылмасынлар, түл-да, на иложе?!

Энди болта кесмас ақтим кесганинні,
тириклик тотини биламан энди.

Бу күхна дүнёда ҳар нағасимни
дараҳтдан мевадай тераман энди.

Сұнг нағас дүнёда ҳар недан шириң,
шоир ҳам қарийди, үлар, биламан.

Сүзидан қон ҳиди келган шоирнинг
огздидан сут ҳиди келар, биламан.

Бу дүнё бир қайнар қозондир, илло,
сүндирмас ўтими на қор, на ёмегир.

Бу дүнёдан кетши осондир, аммо
дүнё-ла чиқишиб яшамоқ оғир...

Кетсак биз бўлмаган ерга

Кел, қўл-қўлни тутиб кетсак,
Кетсак биз бўлмаган ерга.

Бор дардни унугиб кетсак,
Дардимиз бўлмаган ерга.

Бунда қўйсак ўзимизни,
Бу тиришган юзимизни,
Бу эскирган сўзимизни,
Кетсак биз бўлмаган ерга.

Бир кимса олмасин хабар,
Кел, чиқиби кетсак бир саҳар,
Бу уй, бу кўча, бу шаҳар,
Бу денгиз бўлмаган ерга.

Одам ўғли оз топилар,
Сен деган дўстинг сомилар,
Бу Рамизни ким оборар
Бу Рамиз бўлмаган ерга?!

*Озар тилидан
Абдулкарим БАХРИДДИН таржимаси*



Жараён

ЯНГИ АВЛОД ОВОЗИ

Сұхбат *

Хозирги шиіддат билан тез ўзгараётган замоннинг ўзи ўртага қояётган кескин ва долзарб муаммоларни англаш, таъбир жоиз бўлса, давримизнинг бадиий солнномасини яратишга ёзуечиларимиз қодирми?

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Саволлар:

1. Сир эмас, кейинги қарийб йигирма-йигирма беш йил мобайнода давр тубдан ўзгарди. Бу дегани шуки, янги даврга хос бўлган кайфият ҳам пайдо бўлди. Демак, истаймизми-йўқми, янгилangan кайфиятни ўз асарларида акс эттируви авлод ҳам вояга етган бўлиши керак. Агар шундай бўлса, қани улар? Нега "манаман" дея қўзга ташланмаяпти? Бу гапни яна шунинг учун айтаяпманки, давраларда, кўпинча, 70-йиллар авлодидан кейин бизда бошқа адабий авлод шаклланмади, деган иддаоларни тез-тез эшлиб қоламиз. Чиндан ҳам шундайми? Акси бўлса, бунинг исботи борми? Чунки ҳар бир янги авлоднинг ўз ижодий кредитси бўлади, дунёни бадиий-эстетик қабул қилишида ўзига хослик бўлади, хўш, шу хусусиятлар нималарда кўзга ташланади? XX аср ўзбек адабиёти тарихига назар ташласак, адабий авлодлар бир-бирларидан жуда кўп жиҳатларга кўра яққол ажрапиб турганинг тувоҳи бўламиз. Чунончи, маърифат, ислоҳот ва озодлик гоялари билан сугорилган ижтимоий кайфият жадидлар авлодининг; инқилоб ва шўронинг илк йилларидағи галабали (бунинг замиридаги курбонлару ўйқотишлардан катъи назар) юришлари билан боғлиқ ижтимоий кайфият 60-йиллар авлодининг; социализм гоясига ишончнинг тирилтирилиши билан боғлиқ ижтимоий кайфият 60-йиллар авлодининг; гояга ишончнинг барбод бўлиши ва туб ижтимоий ўзгаришлар (жумладан, истиклон) заруратининг ҳис этилиши билан боғлиқ ижтимоий кайфият 70-йиллар авлодининг гоявий-эстетик мавқенини белгилаган. Хўш, бугун-чи? Бугунги адабий авлоднинг (магар у бор бўлса) гоявий-бадиий-эстетик қарашлари нималардан иборат?

2. Назаримда, бугунги кунда адабиётимизнинг энг катта хусусияти унинг ранг-баранглигидир. Ҳа, замонавий ўзбек адабиёти мавзу жиҳатидан ҳам, жанрий ўзгаришлар нуқтаи назаридан ҳам, услуб томонидан ҳам фоят хилма-хил кўринишга эга бўлиб бораётир. Фикримча, шу хилма-хиллик ва унга доимо эга бўлиш имкони

* Саволлар Улугбек Ҳамдам томонидан тузилди. Сұхбатга адабиётимизнинг барча жонкуярлари-ни таклиф этиб қоламиз. (Таҳририят).

бизнинг асл, бебаҳо бойлигимиз бўлса, ажаб эмас. Демак, аввало, шу бойлик-нинг қадрига етмоқ, уни асрраб-авайламоқ керак бўлади. Чунки ижод учун эркинлик дегани кўчат учун мўътадил тупроқ, сув ва ҳаводек гап. Модомики, шундай экан, ижод эркинлиги учун бизнинг ҳаммамиз, бутун жамият, унинг зиёли қатлами ва, айнича, ижод ахли масъулдир, тўгрими?

Бошқа томондан, ранг-баранглик деганимиз авлод деган тушунчани инкор этмайдими? Ахир, авлод бўлиш учун муҳитнинг бир хиллигию шунга яраша дунё-қарашдаги якранглик ҳам керак бўлади-да. Ҳозир истеъмолда ҳамма "изм"лар мавжуд. Ким анъанада, ким мумтозда, ким модерн ва яна ким "супермодерн", яъни ҳамма йўналишларнинг кесишувида ижод қилаяпти. (Буни оптимистлар "синтез", пессимиистлар бўлса "бўтқа" дейди.) Шундай бир вазиятда, дунёни бадиий-эстетик қабул қилишдаги яқинликка таянадиган адабий авлод ҳақида гапириш қанчалик ўринли экан?

3. Адабиёт биз кўнинкан тушунчадангина иборат эмас, албатта, унинг миссијаси хийла теран, шунчаларки, инсоннинг аслий ва энг асосий ичкин эҳтиёжларига ажабтовор тарзда жавоб берга оладигандек туюлади менга. Чунончи, қадимдан: "Биз қайдан келдигу кетурмиз қаён?" (Ўмар Хайём) деган савол фикрловчи инсон учун **саволларнинг саволи** бўлиб келган. Бунга муқаддас китобларда жавоб айтилган. Одатда, ўлмас битикларнинг жавоби foят умумий тарзда бўлади. Фикр одами эса шу умумийликни ўзининг ва ўзгаларнинг ҳаёти мисолида конкретлаштиргиси, унга индивидуал либос кийдиргиси, яқиндан тушунгиси, ҳис қилгиси келади. Шу ерда адабиёт ўзининг образлар олами ва рамзий табиити билан унга ёрдамга бел боғлайди, назаримда. Румий ҳасратлари "Ичиндаги ичиндадир" асарида у дунёни, руҳлар оламини бу дунё орқалигина, бу дунёдан олинган мисоллар воситасидагина тушунтириш мумкин, дейди. Бу борада Карл Густав Юнгда ҳам ажойиб фикр бор экан. Унинг "Хотиралар, тушлар, мушоҳадалар" номли асарида ўлимдан кейинги ҳаётга ишора бор, булар туш, онг ости ҳаётимиз, деган фикр илгари суриласди. Аслида, адабиёт ўз табииатига кўра, худди шундай жиҳатларни ҳам қамраб олади ва қамраб олмоги керак эмасми?Faқат уч ўлчовли оламга, бу дунёning ақидаларигагина суюниб, унинг талабларигагина мўлжаллаб битилган адабиёт инсон кўнглининг яримигагина малҳам кўйиши мумкин, ҳа, шаксиз, у мавжуд ҳақиқатнинг бир палласигина бўла олади. **Ҳақиқий адабиётда ҳар икки оламга ишора бўлмоги ва, энг муҳими, бундай адабиёт ҳар икки оламдан маънавий турткни олиб яратилмоги керак**, деб ўйлайман. Чунки бу адабиёт бизнинг ўзимиз, кўнгил ҳолимиз, онг устию онг остидаги борлиқ "мен"имиз экан, унинг бирон-бир мафкурага хизмат қилибгина "кун кўриши" ҳар қандай жиддий адабиётнинг кечирилмас нуқсонидек туюлади менга. Бу борада, мисол излаб узоққа боришнинг ҳожати йўқ, масалан, совет адабиётининг аччиқ қисматини олиб кўринг... Шу хусусда ҳам фикрлашиб олсан.

4. Дунё дунё бўлибдики, эзгулик ва ёвузлик курашиб келади. Кеча адабиёт эзгулик, яхшилик, ёргулкнинг ёнида туриб "жанг" қиласётган эди. Бугун-чи?.. Бугун адабиёт эзгулик учун курашишдан "уялмаяптими", "ор-номус" қиммаяптими? Айримларнинг назарида гўё кулгили ахволга тушиб қолган эзгуликнинг ёнида, эзгулик учун "жон олиб, жон бериш" адабиётга ғалати, соғлом мантиқдан узоқ тутим, "романтика" бўлиб кўринмаяптими? Хуллас, адабиёт бугун кимнинг, ниманинг ёнида ва нима учун?..

5. Истаймизми-йўқми, бугун постмодернизм ҳақида тўхталмай ўтолмаймиз. У нима, бугун дунё олаётган ҳаво-нафасми? Унинг хусусиятлари XX аср ўзбек адабиёти мисолида қандай ва нималарда кўринаиди? У бизни қаерга бошлаб кетаяпти? Аслида, модомики, постмодернистик кайфият кўнглимизга ташриф буюрган экан, яхшиси, унинг қўлидан бизнинг етаклаганимиз беҳроқ эмасми? Ахир, унинг "манифести"да мутглақ эркинлик деган, бир қарашда хуш, моҳиятнан эса инсониятни нималарга гирифтор қилиши номаълум бўлган (аслида, тахмин қилиш қишин эмас) бosh "модда" бор. Бу "модда" маддалаб кетмайдими?.. Чунки Ҳаёт (Реализм) деб аталган "Шоҳқўча"га нисбатан у (ва ҳар қандай бошқа "изм" ҳам) бор-йўғи бир "ёндош кўча" бўлса-ю (ва у ўша "Шоҳқўча" туфайлигина қадриятга эга эса),

бу күчага ихтиёрини, сұнг үзини бутунлай топшириб, ичкарига оёқ боссан инсон алап-оқибатда адашиб кетмайдими?.. (Бу борада, фикр билдираётганды, у ёки бу "изм" га бўлган муҳаббатимиз ва ёки нафротимиз қобиғидан чиқиб олсак, ҳақиқатга яқинроқ келармикамиз, дейман.)

6. Адабиёттің табиатида үйинлик хусусиятининг тобора тош босаётганилиги-ни кўриб-сезиб турибмиз. Бу, албатта, янги гап эмас. Қадимдан адабиётда "фойда" (мехнат) (utile) ва "үйин" (ducle) деган иккى қанот мавжуд бўлиб келган (негадир учинчи хусусият – сиғиниш, илтижо ҳисси ҳақида айтилмаган. Чунки бадий асарнинг яратилиш асносида, меҳнат ва үйин завқидан ташқари илтижо, сиғиниш ҳиссиёти ҳам иштирок этади.) Фақат кейинги вақтларда үйиннинг ҳиссаси кучайиб кетди. Бу дегани шуки, **нимани айтишдан кўра, қандай айтиш, дард айтишдан кўра, "ниманидир"** бўлсаям гўзал шакллар ёрдамида ўқувчига етказиш биринчи үринга чиқиб бораёттир. Аслини олсангиз, модерн, постмодерн суюнадиган асосий устунлардан бири ҳам шу: ҳамма нарсани үйинга, санъатта айлантириш. Нима деб ўйлайсизлар, "**ўйин**"га берилиб, **инсоннинг катта ҳарфлар билан ёзиладиган ДАРДидан узоқлашиб кетмаймизми?** Бу кетища адабиёт чиндан ҳам бошқотирма – кроссворднинг бошқачароқ хилига айланни қолмайдими?..

7. Юқорида айтилган шунча мулоҳазалардан келиб чиқиб, битта гапни алоҳида ургу билан айтиш лозимга ўхшайди: **бугун жиддий, оқни-оқ, қорани- қора деб айтишга билим, тафаккур кучи ва жасорати етадиган адабий танқид ҳар қачонгидан-да зарурроқ экан.** Унинг тушунтирувчи, қарашларимизни тиниқлаштирувчи, адабий-маънавий ўзагимизга озуқа бергувчи, унга янги рух ҳадя этгувчи кучига жамиятда катта эҳтиёж пайдо бўлганига ортиқ шубҳа йўқ. Шу маънода, кунимизда бадий асар қайси мезонлардан туриб баҳоланаяпти: унинг сифати, янгилиги, илмийлигидан ташқари танқидчининг **ХОЛИСЛИК** даражаси қай аҳволда? деган ҳақли саволлар туғилади. Чунки, кўпинча, бадий асарлар баҳоланган танқидий мақола, илмий тадқиқот ва ёки тақризни ўқиб, ўзинга ўзинг савол бериб қоласан киши: қайси бири паст, қайси бири ўртаю қайсиси баланд асар ва нима учун?.. Аксарият ҳолларда ҳаммаси бирдек дурдона ўлароқ тақдим этилади. (Ва ёки кўр-кўронга "уриб" ташланади.) Назаримда, бу ўринда, танқидчиларимиз ўқувчилик муҳаббати (ёки нафрати) изҳоридан олим-мутахассис муносабатини билдириш даражасига ўсиб боролмаяпти. Яъни, у ўзининг у ёки бу асарга ёки унинг муаллифига бўлган симпатия (ёки антипатия)сини олимнинг қарashi деб ўйлаётчи. Шулардан битта ҳақли савол туғилади: **бугунги ўзбек адабий танқиди мавжуд ҳақиқатни қай даражада ўзида акс эттироқда?**

8. Қанчалик гапни силлиқламайлик ва ёки индамайгина айланиб ўтишга ҳаракат қўлмайлик, барибир, бугун ҳам ўша кўхна муаммо ижодкор олдида кўндаланг бўлиб турибди: эски билан янги ўртасидаги кураш!.. Бу кураш кўчада эмас, аввало, ижод ахлигининг ботинида кечаяпти. Хўш, бугун қандай ёзиш керак? Кечагидек ёзишни, ўзидан битта кўйлак кўп кийтан авлоднинг бадий тилию ёзиш манерасининг ўзига хослигини тан олган, уни "яхши" деб билгани ҳолда, **ҳозирги ўзбек адабиётини бугун яратайтган ижодкор нега, барибир, янгича ёзиш керак деб ўйлаётчи, шундай ёзишга уринайти ҳам?** Ахир, тап-тайёр, ас-фальтланган, текис, ҳатто айтиш жоиз, чорраҳаларига светафорлар ўрнатилган йўллардан юриш оппа-осон эди-ку! Нима учун бугунги ижодкор янги йўллар очиш тараффудида яшамоқда? Бу икки йўлдан қай бирини танламоқ керак? Саволдан савол туғилар экан: хўш, нима дегани ўзи иккитасидан бирини танлаш? Эскига суюнган кўйи, унинг негизида янгисини яратиш мумкин эмасми? Эски билан янги ўртасида кўпприк куриш узоқни кўзлаб иш тутиш бўлмайдими ва ёки, барибир, давр руҳи, замон нафаси айтиб турғандек ёзиш лозимми? Қайси бири тўғри йўл? "Янги-яхши" ёзаман деб "эски-яхши"дан маҳрум бўлиб қолмаямизми? Унда орадаги фарқ нима? Чунки ҳар қандай янгиликнинг пойдеворида эскиликнинг тоши мустаҳкам туради. Биргина шу фактнинг ўзиёқ давомийлик, ворисийлик ҳақида бонг урмаяптими? Замоннинг бу шиддатида бугун бўлмаса, эртага бонгни эшиштадиган қулоқларимизга "кўз" тегиб, том битиб қолмаслигига ким кафолат беради?..

9. Ижодкорнинг ижодкорлик ва фуқаролик бурчларини қандай изоҳлаган бўлардингиз? Ёки улар бир нарсами? Агар бир нарса бўлмаса, ижодкорнинг ижод-



**Ҳамидулла
БОЛТАБОЕВ**

1954 йилда туғилған. Тошкент Давлат университетининг филология факультетида таҳсил олған. Ҳозирда ЎзМГУ профессори, Ўзбек мұмтоз адабиеттиң кафедрасы мудири. “Истебод ва услуг”, “Ўз сүйини излаб...”, “Наср ва услуг”, “Қатагон қылнган илм”, “Абдурауф Фитрат – адабиётшунос”, “Фитратнинг илмий мероси”, “Мұмтоз сўз қадри”, “Ислом тасаввуфи манбалари”, “Шарқ мұмтоз поэтикаси”, “Фитрат ва жа-диҷчилик” каби бир қатор китоблар мұаллифи. Олим Ҳалқаро Эстетика ва әркин санъат ижтимоий академиясы (Россия ФА) аъзоси.

корлик бурчига садоқати унинг фуқаролик бурчини адо этишига монелик құлмайдими? Ва ёки фуқаролик бурчими тұла-тұқис бажо келтираман, деган ижодкор күнглиға хиёнат қилиб қўймайдими? Масалан, жадид адабиёти вакилларини эсга олайлик. Улар давр тақозосига кўра яшаб ижод этдилар. Кўнгилларида бўлса ҳам анъанавий “гул ва булбул” ҳақида куйлай олмадилар. Ҳудди шундай тақдирни 70-йиллар авлодида кўриш мумкин. Шоирларимиздан Шавкат Раҳмон “рубобий шеър”лар ёзиши орзулади-ю, “жангчи”ю “зобит” бўлиб қолганини алам билан шеърга солди... Битта ишни амалга ошира туриб, ҳар иккى – ижодкорлик ва фуқаролик бурчларини адо этиши мумкини ўзи? Агар мумкин эса, нега, унда, кўпинча, кўнгилнинг истаги бошқа бўлади-ю, қаламнинг юриши бошқа чиқади? Агар саволни шундай қўйиш мумкин бўлса, ижодкор учун қайси бурч муҳимроқиди?

10. Бугун, назаримда, “жиддий адабиёт” деган алоҳида бир терминни бот-бот ишлатишга тұғри келади. Чунки “омма” ва ёки “кўча адабиёти” деган нашрдан уни ҳимоя қилиш әхтиёжи пайдо бўлди. “Жиддий” ва “омма адабиёти” ўртасидаги чегарани аниқлаштириб олмаганимиз туфайли ҳам эрта бир кун кейингиси аввалгисининг ҳуқуқларига даъвогарлик қилиб қолиши ҳеч гапмас. Натижада, “адабиёт” деганда, ўқувчи кўз олдига енгил-елли, ур-сур, фаҳш ва олди-қочидидан иборат негатив матнлар йигиндинсининг келишини тасаввур қилиш қишин эмас. Мана шулардан келиб чиқиб, буғунги ўқувчи “жиддий адабиёт нима омма адабиёти нима?” деган саволнинг жавобини юзакироқ бўлса ҳам билиши керак, деб ўйлайман. Чунки мен назарда тутаётган “жиддий адабиёт” инсонни инсон, миллатни миллат сифатида тикланишига маънавий далда бўлса, “омма адабиёти” кўринишидан беозор бир зермакдек туялса-да, алалоқибатда инсон ва миллатни бухронга етакловчи кучга ўхшайди. Шунинг учун ҳам мўри-малаҳдек учриб кетаётган “омма адабиёти” қаршисида маънавий таассуз олдини олиши қартилган “жиддий адабиёт”нинг бўлиши, бўлгандаям, бақувват устундек туриши жудаям зарур! Бунинг учун эса жамият миқёсида шундай адабиёт ҳақида қайғурмоғимиз шарт бўлади. Сиз-чи, сиз қандай ўйлайсиз?..

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ жавоблари:

1. Ижодкор ҳалқи адабиётга авлод-авлод бўлиб киради, деган тушунча онгимизга сингиб қолган. Қолаверса, ўтган аср таомилига кўра, ҳар ўн йиллікларни маълум бир ижодкорлар авлоди билан боғлаб қабул қилиш русум бўлди. Масалан, сиз айтганчалик, 20-йилларда Фитрат, Чўлпон ва Қодирий; 30-йилларда Faфур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қахҳор, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир; 40-йилларда Шайхзода, Миртемир; 50-йилларда Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Одил Ёкубов, Пиримкул Қодиров; 60-йилларда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев ва 70-йилларда бу рўйхат бироз кенгайтан (ўтган асрда адабиётга кириб келган энг кучли тўлқинлардан бири), энди бир-икки ном билан эмас,

үнлаб истеъдодларни санаш мүмкін. Бироқ гап рўйхатбозлиқда эмас, бу арифметик саноқлар истеъдодлар авлоди ҳақида тугал тасаввур бермайди. Замонлар ўтиб, авлодлар оша, "ким яшаб қолар экан, кимнинг иши аталар экан савоб" (Абдулла Орипов) дейилгандан, мен кўпроқ ўша ўн ийлликлар авлодлари қолдирган дурдона асарларни кўзда тутаман.

Сўнгги 20-25 йил ичида миллий адабиётимиз энг сара асарлар ҳисобига бойиди, мазмунан теранлашди, шакллар ва услублар хилма-хиллиги ҳар қайси даврга нисбатан аниқроқ кўзга ташланди, лекин авлодлар масаласида мен бир гурух истеъдодларни кўрсатиб, уларни 90-ийллар ёки янги аср авлоди деб атасим қишин. Албатта, ёшига ёки адабий жараёндаги иштирокига кўра, номларни санаш мүмкін, бироқ у схематик чизгилардан иборат бўлиб қолади. Америка адабиёти тажрибасида "йўқотилган авлод" тушунчалик бор, бу тушунча Биринчи жаҳон уруши билан боғлиқ. Бизда ўтган қатагонлар, урушлар, йўқотишлар адабиётта ўз таъсирини ўтказган, бироқ авлодлар йўқотилмаган деган тасаввур ва тасалли бор.

Кейинги даврларда ижод қилган алоҳида истеъдодлар номини тилга олиш мүмкін, бироқ улар адабий авлод сифатида шаклланмаганга ўхшайди. Айни ҳодисага нисбатан рус адабиётшунослигига "время коллективных талантов" деган тушунча қўлланиммоқда. Эҳтимол, авлодлар тушунчасини биз адилларга нисбатан эмас, уларнинг асарларига, тўғрироғи, адабий қаҳрамонларга нисбатан қўлласак тўғрироқ бўлар. Чунки адабий қаҳрамон табиитида нафақат муаллифнинг гоя ва идеаллари, балки замон нафаси ҳам ўз аксини топган бўлади.

2. Мен "янги авлод овози"ни бир мұхитда яшаб, бир истиқтол ғояларидан озиқланиб, борингки, асосан, бир хил нашрлар орқали чоп этилиб турган асарларнинг хилма-хил бўлиши кераклигини адабиётнинг асл талаби, деб биламан. Агар ҳар бир авлод миллий адабиётни бойитиш манбаларини излаб топар ва яратар экан, албатта, бу яратиқлар, кўпинча, шакл ва услуб янгиланиши ҳисобига эришилади. Биз кимнинг ижодини қайси "...изм"га олиб-бориб тақамайлик, у адабиётта янгилик олиб кириши керак, ҳеч бўлмаса, Абдулла Қаҳдор айтганидай, адабиёт "домовой"ига ўз қаҳрамонларини ёздириб қўйиши керак. Биласизми, рецептив эстетика (асарни идрок этиш маданияти)да бир ҳодиса бор: ийллар, замонлар ўтиб, адиллар ёки асарлар номлари унутилиши мүмкін экан, бироқ қаҳрамонлар унутилмайди. Асар муаллифи эса ўша янги қаҳрамони билан бирга адабиёт тарихига кириб қолади. Мен ўз даврида (ўша даврдаги мавжуд адабий тамойиллар асосида, албатта) XX асрнинг 70-ийларида ўзбек насиридаги услубий тенденцияларни кузатиб, изчил реалистик, лиро-романтик ва шартли услубий йўналишида ижод қилувчи; айрим ижодкорларда эса икки, ҳатто уч услубий кўринишларнинг унсурларини кузатиш мумкинлиги ҳақида илмий тадқиқот ёзганман. Бироқ бу гун, икки аср бўсағасида яратилган асарларни кузатиб, бундай юзаки хулосалар қилишдан тийиламан. Чунки қайси адабий қаҳрамонни тилга олмай, у сиз айтган даврнинг эмас, балки ўзидан аввалроқ яшаган адабий даврнинг ҳосиласи бўлиб кўринади. Адабий қаҳрамон ҳақидаги айттилган мuloҳазалар кўпроқ насрга тегишли, шеъриятда эса шоир "мен"ининг ўзи бош қаҳрамон. Унинг табиити, руҳияти, борингки, адабий маданияти ҳам бизга сабоқ бўлиши, шоир биз аввал туймаган туйгуларни туйдириши, биз кўриб англамаган бадиий ҳақиқатни англашга ёрдам бериши керак. Бу билан ижодкор ўзи истеъдодини тарбиялайди, балки миллатнинг бадиий диди ва салоҳиятининг ўсишига ёрдам бериши мүмкін.

3. Бир пайтлар – XIX асрнинг ўрталарида яшаган рус мунаққиди Белинский: "Биз Гоголнинг "Шинел"идан чиқсанмиз" мазмунидаги англамини бутун юз ийллик давомида такрорланиб келишига сабабчи бўлган. Ҳақиқатан ҳам бадиий илдизлари нари борса, XVIII асрга бориб тақаладиган адабиёт учун бу тан олинган ҳақиқат эди. Шукурки, бизнинг туркий адабиёт манбалари бир ёки икки асарнинг дунёга келиши билан боғланниб қолмаган. Агар биз мумтоз туркий адабиётнинг тамал тоши

масаласини Навоийдан изласак, Ҳазратнинг ўзи бизга Насими ванда Путфийга ишора қилади, миллый ёзма адабиёт ибтиносини (нима сабабандир) Навоийнинг нигоҳига тушмаган Юсуф Боласогунийдан изласак, унинг замондоши улуғ Маҳмуд Кошғарий муаллифины кўрсатмаса ҳам юзлаб назм ва наср дурдоналарини беради, уларни маънан ўзлаштиргаган ижодкорлар ўзини миллый деб атаси гумон деб ўйлайман. Ундан-да нарироқда муҳташам Ўрхун-Энасой обидалари бор. Дунё олимлари бирлашиб, мушаккал илк адабий манба сифатида ҳам, илк адабий қаҳрамон сифатида ҳам "Билгамиш"ни тан олаётгандарни миллый адабиётимиз илдизлари нақадар чуқур ва бақувват эканини исботгайди. Хўш, биз бугун Истиқлол аэлоди дея тилга олаётган адабиларнинг асарларидан эртага қай бири яшаб қолиши ҳақида ким башорат қила олади? Даврни баҳона қилиб, бор адабий бисотимизни бозорга солаётган бир даврда, ўша яратиласетган "янги" асар ёки қаҳрамонда яшаб қолиш илинжи (курсоқ ғанини айтмаганимда ҳам) йўқлигига ким кафолат беради? Айтилганидек, адабиёт кунлик юмушнинг хизматига кирса, ғоянинг юргурдагига айланиб қолса, қандай оқибат келишини тажрибада кўрган бўлсан ҳам ҳали-ҳануз адабиётнинг атомдай қудратини ўтиң ёришга сарф қилишдай енгил заҳматдан кутула олганимиз йўқ. Буюк адабиёт ваъда қилаётган ижодкор авлод бундай ўткинчи ташвишлар билан ўралашиб қолса, миллат адабиёти бора-бора парокандалашиб кетиши мумкин. Адабиётимизда, энгаввало, ўша хавфнинг олдини олиш лозим. Бизда йилига ўнлаб танловлар уюштирилади, юзлаб асарлар тақдирланади, шу муносабат билан минглаб асарлар ёзилади. Албатта, танловлар керак, тақдиранишлар лозим, бу адабиётга эътибор ҳар доимидан ҳам яхши эканининг амалий тасдиғи ҳамдир. Бироқ ўша танловга тақдим этган асаримиз (боринг, тақдирланди ҳам дейлик) ўша танловдан кейин бу ўзгараётган дунёда неча ой яшаши мумкинлигини ўйлаб кўрдикми? Публицистик асарлар ўз йўлига, бироқ бадиият намуналари мангулика хизмат қилишини ўз эътиқодига айлантира билмас экан, у тарихда миллий адабиёт хазинасида қолиши тугул, устоз айтмоқчи, Тўйтепадан нарига ўтолмайди.

4. Бугун адабиёт кимнинг ёнида, нима учун? Бу бугуннинг саволигина эмас, буюк ўтмишдошларимизни ўйлантириб келган масала, келажакка дахлдор муаммо. Наинки, адабиётнинг келажагига, балки миллатнинг келажагига ҳам дохил. Буюк донишманд Конфуций, кимни сўқмоқчи бўлса: "Сен ҳам эврилишлар даврида яшагин!" дер экан. Бу фикрни келтиришдан боис, яқин ўтмишимиизга айланган ўзгаришлар ошкоралик давридан бошланганини қайд этиш лозим. (Бу даврнинг барча баланд-пастликлари Президентимиз Ислом Каримовнинг сўнги асарида чуқур таҳлил этилган. Ўша ошкоралик йилларида давр тазиқидан яшириб, келажак учун асрар қўйилган асарларни излаб, адабий жомадонимизни титкилаб қолдик (жадид адабиёти ва тасаввуфий асарларни англаш бошқа ҳодиса). Қўлга урунгани Абдулла Қаҳҳорнинг "Зилзила"си бўлди. Мана, энди, ошкоралик, эркинлик насими эсяпти. Ҳеч бўлмаса, мана шу ниятда ёзиб, ташлаб қўйилган асарлар ҳам кам эканки, бу – адабиёт ўша пайтда кимнинг ёнида бўлгани ва нимага хизмат қилганига жавоб. Ёки Истиқлол шарофати билан мақсадлар, эътиқодлар ўзгарди. Озод сўзга ташна қалблар адабилардан улуғ асарлар кута бошлади. Табиийки, энг яхши асарлар яратилиши учун мухит юзага келди, давр-шароит етилди, энди айрим адабилар, аввалиги, кун кўриш учун ёзилган асарларини қайта таҳrir қилиб, айрим жойларини ўчириб, исм ва ғояларни алмаштириб қайта нашрга шошилгандарни сир эмас. Мана шу ҳол ҳам адабиёт ўша пайтда, кимнинг ёнида ва нима учун яшаб турганини кўрсатадиган факт. Албатта, бизда бу мангу саволга одатий жавоб бор: адабиёт ҳалқининг ёнида бўлиши керак, деган. Меҳнаткаш чарчаганда "хорма" дейишга, ҳаётда янгилик саналган воқеага ҳозиржавоб бўлишга яраса, биз уни ҳалқ адабиёти деб атаймиз. Бироқ бадиий адабиётнинг ўз мақсади, ифода йўли, санъат асарининг ўз эстетик функциялари бор. Тўғри, чарчаган заҳматкашга ҳордиқ бериш ҳам адабиётнинг маълум бир

жанрлари доирасида амалга оширилиши мүмкін бўлар. Бироқ миллий адабиёт катта адабиёттинг бир бўлаги сифатида жаҳон ҳамжамиятида яшаб қолиши мухим экан, унинг инсоният олдидағи вазифаси миллий вазифаси "ҳорма – бор бўл"дан иборат бўлиб қолмаслиги керак!

5. Инсоният сўнгига юз йилликда модернистик дунёда яшади. "Постмодернизм" дегани луғавий маънода янгиланган адабий жараёндан кейинги ҳодисадир. XX аср бошларида ўзбек адабиётида насрнинг ифода йўсуни ўзгарди, шеърият янги вазн ва ғоялар билан иш кўра бошлади, драматургия адабий тур сифатида шаклланди. Хўш, бу янгиланиш даври модернизм бўлса, ундан кейинги ҳодиса ("пост" – кейин) нима ўзи? Дунё адабиёти постмодернизмга кириб келганда, биз соцреализм тамойилларини ишлаб чиқиш ва бадиий бисотимизни унга мослаштириш билан банд эдик, энди мустақиллик даврида дунёни таржима ва талқинларсиз кўра бошлаганимизда, биз ўрганмаган ҳодисанинг тамойилларини излай бошладик. Чунки бизнинг тасаввуримизга кўра, ҳар қандай "...изм"нинг маълум концепцияси бўлади, постмодернизм эса бизга муайян ғояни илгари сурмайди, қатъий адабий манифестлар билан иш кўрмайди. Мана шундан ҳайрон қолган айрим "назариётчилар" билиб-бильмай кўзига янги бўлиб кўринган ифодани, қўлига уринган образни постмодернизмга қараб тортқилаш пайда (бу ҳақдаги Раҳимжон Раҳмат билан Улуғбек Ҳамдам сұхбатида асосли безовталик бор). Бироқ модернизмнинг кўринишлари ва моҳияти билан постмодернизмнинг хусусияти (табиийки, кўринишлари) ўртасида катта фарқ бор. Модернизмнинг сўнгиги кўринишларидан бири **неомодернизм** ҳам ҳали постмодернизм эмас. Улуғбек Ҳамдам қўйган савол туфайли, бунга аниқлик киритишга эҳтиёж бордай.

Неомодернизм даврида инсон оламнинг босимини кўтара олмай янги одамга айланади. Бу даврда кўпроқ қувончсиз ва тушкун руҳни берувчи санъат йўналишлари ривожланади. Чунки бу ҳодиса XX аср биринчи ўн йиллигидаги тушкун руҳ билан боғлиқ. Биринчи жаҳон уруши ўйламасдан "ўт"га (Анри Барбюс) қадам босгани учун инсонни баҳтли ва тинч яшаш имкониятидан маҳрум қилиб, уни умидсизлантириди. Санъатда *homo sapiens* ҳодисаси юз берди, яъни ақлга нисбатан шубҳа ўйғотиб, ундан кўнгли қолган янги даврга ўтилди. Орадан 21 йил ўтиб, яна ҳам даҳшатлироқ Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Бу уруш умуминсонийликка талофат олиб келди. Энди фашизм туфайли дунё гўзалликларидан севиниш, эмин-эркин ўсуви оптимиристик ижодий руҳ ўрнини инсоният тақдирни учун қайгурувчи ва хавотир оловчи бадиий онг вужудга келди, инсонлар орасида ижтимоий тушкунлик пайдо бўлди. Ҳатто файласуф Т.Адорно айтган эканки, "Освенциумдан кейин нафис адабиёттинг бўлиши мүмкін эмас". Ана шу вазиятда вужудга келган неомодернизм турли кўринишларга эга. Мен уларни қайта изоҳлашдан кўра, Ю.Борев "Эстетика" сидаги талқинларни келтириш билан чекланаман: "дадаизм: олам – маъносиз ақлсизликдир; экспрессионизм: адоваратли оламда инсоннинг бегоналиги; конструктивизм: инсоннинг саноатлашган кучларга бой бегоналашган оламда қолиши; сюрреализм: англаб бўлмайдиган ва сирли оламда инсоннинг саросимада яшashi; экзистенциализм: беъмани дунёда одамнинг ёлғизлиги; адабий "онг оқими": шахс руҳий оламининг реаллик билан боғланмаганилиги; неоабстракционизм: "рангда муҳрланган онг оқими" кабилар. Неомодернизмнинг энг таъсирчан кўринишлари булар.

Постмодернизм эса аввалинисидан фарқли ўлароқ, жамиятнинг ижтимоийлигини сезган, у билан муросага киришган санъатdir. УXX асрнинг 80-йиллари бошларида (баъзи жойларда 90-йилларда) – санъатда ўзгармас мувофиқлик ҳукмрон бўлган бир вақтда, шиддат билан ривожлана бошлади, бу мувофиқликнинг йўқолиши ва унинг инқирозига сабабчи бўлган ҳодиса ҳам постмодернизмдир.

Постмодернизм адабиёти XX аср охирларига келиб нореалистик бадиий йўналишларини ўз ичига олган адабий таълимотга айланди. Маълумки, модернизм

академик ва классик анъанавий санъатни инкор этганди, бироқ аср охирига келиб модернизмнинг ўзи анъанавийлашди. Модернизм анъаналарини инкор этиши бадиий мазмун касб этди. Бу эса янги адабий даврнинг ривожланишига, яъни постмодернизмга олиб келди. Постмодернизм жамиятни инкор этгани йўқ, у мавжуд ижтимоий, иктисодий, маданий тартибга бўйсунди. Бироқ постмодернизм даврида деструкция (мавжуд тузум тартибларидан бошқача фикрловчи кодлашган тизим) жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олди. Ю.Боревнинг "Эстетика" асарида таъкидланишича: "Постмодернизм даврида ҳам инсон дунё боссимиға дош бера олмай, постинсонга айланниб қолаётганлик тушунчасини мустаҳкамловчи адабий парадигмани юзага келтирди. Бу даврнинг барча йўналишлари шу парадигма асосига қурилган бўлиб, бу парадигма дунё ҳамда шахс борасидаги қарашларнинг инвариантларини ўзича парчалади ва намоён қилди". Постмодернизмнинг бальзи бир муҳим ва долзарб йўналишларини кўриб чиқиш зарурати туғилганда, яна Ю.Боревнинг "Эстетика" асарига мурожаат қилиб, ундаги мазкур таснифи эслатгим келади: "Поп-арт: оммавий истеъмолчилик жамиятида "демократ-истеъмолчи"; сонористика: муаллифнинг "мен"ини берувчи тембрлар ўйини; алеаторика: инсон – тасодифий ҳолатлар дунёсида ўйинчи; мусиқий пуантилизм: "баҳор ёмғири шивирламоқда: дунё синилардан иборат"; гиперреализм: шафқатсиз ва қаҳрли дунёда жонли тизимнинг ўз қиёфасини йўқотиши; хеленинг: бебош, анархик "эркин", бошқарилувчи шахс тасодифий ҳодисаларнинг тартибсиз дунёсида; ўз-ўзини вайрон қилувчи санъат: "ҳеч нима" дунёсида қиёфасиз шахс; соц-арт: посткоммунистик қадрияларни янги ўзанга буриб юборувчи дунёда ижтимоий проблематика; концептуализм: интеллектуал фаолиятда, экзистенцияланган маҳсулотлар орасида маданий тафаккурдан бегоналашган шахс". Кўряпсизми, бир сұхбат доирасида ёки бир-икки мақолада постмодернизмни англаш ва англатиш мумкин эмас.

Бироқ дунё адабиёти постмодернизм шароитида яшаётган ва ривожланаётган экан, бизнинг дунёга чиқишини ваъда қилаётган адабиётимиз глобализм доирасига кириши, постмодернизмнинг юқорида эслатилган йўналишларидан, ҳеч бўлмаса, маълум қисмининг кечишини табиий жараён сифатида қабул қилиши лозим.

6. Санъат назариясида "игравое начало" деган тушунча бор. Санъат асари, аввало, завқ ва дилбозлик асосига қурилади. Санъат табиатидаги бу "ўйинлик" хусусияти катта ижтимоий дардни ифода қилишга тўсқинлик қilmайди, агар у ҳақиқий санъат асари бўлса. Чунки дардни дардманларга етказиш ҳам санъаткорона бўлиши керакки, у дард китобхонга бориб юқсин, унда дардкашлик туйгусини уйғотсин. Санъат асарида мана шу юқтириш хусусияти, эзгу-ниятларни юқтириш орқали эфектлар (руҳий нуқсонлар)дан покланиш – катарсис назариясининг кашф этилишига сабаб бўлган. (Арасту фикрича, бадиий асар қаҳрамонларининг бошига тушган қайғу, кулфатларга ҳамдардлик билдириш орқали томошабин ва ўкувчилар руҳан покланадилар). Абдулла Қаҳҳор ўз ҳикоясида бир бемор дардига шифо беролмайди, лекин унинг дардини шундай тасвирилайдики, ёзувчи учун (китобхон учун ҳам) унинг дардига шифо топишдан кўра, дарднинг ўзини санъаткорона тасвирилаш мухимроқdir. Шунинг учун ҳам менинг назаримда, "Бемор"даги ечим "Минг бир жон"га нисбатан ишончлироқ. Чунки "Бемор"дан мурод иложсизлик, "Минг бир жон"даги тугун эса ўз қаҳрамонига ачинган адабнинг унга ҳаёт инъом этиши билан ечилади. Энди бу – адабий қаҳрамон дарди. Миллатнинг, Ватаннинг дарди ҳам шундай. Фақат моҳир санъаткор ўша дарднинг ифодасига муносиб шакл топа олади, унга жозиба баҳш этади. Натижада, бу образли тасвири ачиниш уйғотиш учун эмас, балки санъаткорона завқ ва руҳ учун хизмат қиласи.

7. Мунаққиднинг вазифаси оқни-оқ, қорани-қора дейишидан иборат эмас. Қозилик, ҳамамлик қилиш танқидчига ярашмайди, боринг, у ижодий жараёнда бўлсин. Айримлар танқидчилик вазифасини яхши асар ёзса, "маладес" деб елкасига қошиб қўйиш, асари бундайроқ бўлса, унинг қулогидан чўзиб қўйиш ёки

танқид қилиб, тартибга чақириш деб тушунишади ва шундай деб тушунтирадилар. Биз бир ҳодисаны чуқурроқ англаб етмай, дарров унинг "антин..."си (зидди) билан қизиқамиз. Бизнинг анъанавий тафаккур тарзимиз оқ рангни ўз гўзаллиги ва мукаммаллиги (барча рангларнинг мужассами)да кўришдан кўра, уни қоранинг зидди (антинопи) сифатида тушунишга мойилроқ. Маҳкам Маҳмудовнинг "Мангук кўй излаб..." фантастик асарлар тўплами шундай сюжетли ҳикоя билан очилади. Жаҳоннинг энг сара файласуф ва ҳакимлари учун дарс берилади, биринчи дарс оқни-оқ дейиш дарси. Натижани қарангки, улуғ Арасту ҳакимдан тортиб, замонамиз олимларигача шундай дарс олишга эҳтиёжданд эканлар. Бу бир хаёлий фараз, холос. Лекин шундай улуғ мутафаккирлар еча олмаган муаммони бандай охиз мунаққид қандай ечсин. Үнда адабий танқиднинг вазифаси нима бўлади? ХОЛИСЛИК деб атаганингиз нима у, ижодий эътиқодми? Иш усулими ёки меҳнатининг натижасими? У адабий асарни холис баҳолаши керак деймиз. Бироқ унинг атрофини нохолисликка тортувчи омиллар эгаллаб турибди: биринчидан, журнал ёки газета буюртмаси (мунаққид таҳлилга тортмоқчи бўлган асарни ўз истеъдоди табиатига кўра танлаб олгани йўқ); иккинчидан, муаллифни ранжитиб қўймаслик (ахир, пировард мақсад ёзувчидан янада яхшироқ асар кутиш); учинчидан, муаллифнинг адабий жараёндаги мавқенини ҳисобга олиш (ардоқли адаб ҳақидаги танқид матбуотга чиқмаслиги мумкин) ва ҳоказо. Эҳтимол, буларни субъектив омил дерсиз. Үнда асар муаллифининг қўнгироғи, янги асар билан табриклиш тамойили, асарни эълон қилган нашр билан м uomала сақлаш ва бошқа субъектив омиллар ҳам бор. Ана энди, мунаққид шундай омиллар исканжасида мана шу асар ҳақида янги гап айтиши, аввало, уни тушуниши, китобхонларга тушунтира билиши, ёзув малакаси, танқид маданияти каби салоҳият даражасидаги жиҳатлар билан иш кўриши керакки, бу юкоридаги "омил"ларни енгигб ўтсин. Қолаверса, мунаққиднинг бу тақризини (аввало, буюртмачи нашр) китобхонлар, муаллиф, ҳамкаслари – адабий жамоатчилик, бир сўз билан айтганда, реципиент – қандай қабул қиласи деган масала бор. Буларнинг ҳаммаси мунаққид зиммасига истеъдод, жасорат билан бирга масъулият туйғусини юклайди. Бу адабий жамоатчилик олдидағи масъулият эмас, балки катта адабиёт олдидағи масъулият, санъат асарининг азалий талаблари олдидағи масъулият, гўзалликни англаш илми – эстетика олдидағи масъулият. Шундай хулоса қилиш керакки, бугунги ўзбек адабий танқиди маевуж ҳақиқатни қай даражада ўзида акс эттироқда?

8. Бу ҳодисани адабиётшуносликда анъана ва янгилик (тўғрироғи, ўзига хослик) деб аталиши мутахассисларга аён. Ҳамма манбаларда бир аксиома тақорланади: ижодкор анъанани ўзлаштириши ва янгилик яратиши керак. Лекин қандай қилиб? Бу мангук саволга ҳар бир ижодкор ўз асарлари билан жавоб бериши керак. Маълумки, ҳар қандай янгилик ургу ҳолида бўлсин, эскилик бағрида туғилади. Унинг ривожланиб, камол топиши учун мұхит, тарбия ва бошқа омиллар зарур. Бироқ, менимча, буни "эскилик ва янгилик ўртасидаги кураш" даражасида қабул қилмаслик керак. Чунки бизнинг руҳимизга ўтириб қолган қаршилантириш усулисиз ҳам мерос ва ворислик муносабатида янгилик шаклланиши мумкин. Мен, бу ўринда, жадид адабиётни тажрибасини маъқул деб биламан. Улар маънавий меросга жуда эҳтиётлик билан ёндашганлар ва ўз асарларида қанчалик янгиликка интилмасинлар, оёғини мұмтоз манбалардан узмаганлар. Масалан, Беҳбудий ва Фитратнинг драматургияси, Қодирий насли ва Чўлпон шеърияти адабиётимиз учун қанчалик янгилик бўлмасин, улар эскиликтек кураш йўлидан эмас, балки унинг энг яхши анъаналарини ривожлантириш йўлидан борганлар. Ҳатто Чўлпоннинг: "Кўнгил янгилик ахтарадур" дастури ҳам маълум маънода, мұмтоз адабий бойликларга янгича ёндашиб руҳида эди. Менимча, жадид адабиётининг янгиликка эришуви шу билан изохланадики, улар мұмтоз адабиётнинг янги самарали анъаналарини ўзлаштириб улгурган эдилар. "Хозирги ўзбек адабиётини бугун яратаетган

ижодкор барибир янгила ёзиш керак деб ўйлаётгани ва унга уринаётгани" яхши, бироқ асрлар, йиллар давомида ўзлашган, тажрибада синалган усулларни билмай туриб, ўзича янгилик қиласынан дегендеги уринишиларининг натижаси қайтадан "велосипед ихтиро қилиш" даражасида бўлади. Мен эскича усулда аввал қойиллатиб ёссиш, кейин янгилик қиссин демайман, бироқ Чўлпоннинг: "Ҳақ йўли бир ўтулгуси" сўзлари бадиий ижодда ҳам дастур бўлиши керак. Реалистик наср имкониятларини ўзлаштирмаган адидан, модерн услубидаги минироманлар ёки "онг оқими"ни ўзида сингдирган қиссалар кутиш маҳол. Худди шу каби ҳозирги ўзбек модерн шеърияти намояндлари пайдо бўлди, уларнинг сара асарлари тўплам ҳолида чоп этилди, улар ҳақида тадқиқот ва мақолалар ёзилди ва ёзиляпти. Бироқ айрим шу йўлдаги "ижодкорлар" модерн шеърият деганде, тиниш белгиларисиз шеър ёзишни тушунишар экан, ҳатто бу ҳақда ҳеч тортинмай мақолалар ёзишяпти ҳам. Ахир, тиниш белгиларисиз шеърият, мумтоз шеъриятда ҳам, ундан аввал ҳам мавжуд эди-ку! Ҳар қандай ёзувларимиз хоҳ у руний бўлсин, хоҳ арабий ва ҳоказо тиниш белгиларидан холи эди. Фақат XX аср бошларидагина ёзувларни ислоҳ қилиш натижасида, тиниш белгиларини кўллаш имло қоидаларига киритилди. Демак, мен янгилик яратаман деган яхши мақсадда қўлига қалам олганларни ҳам ўзигача мавжуд тафаккур тарзи, ифода усулларидан боҳабар бўлишлари керак, деб ўйлайман.

9. Мен бу савонни шундай тушунаман. Агар фуқаролик бурчи ижтимоийлик касб этиб, санъаткорлик бурчи касбий моҳият касб этиши мумкинми? Ҳа, албатта. Энди бир мисол қилайлик: бир шифокор қарши – душман томондаги шахсни даволаши мумкинми? Агар даволаса, ўз маслакдошларига хиёнат қилган бўлади, агар даволамаса, ўз касбига. (Букрот-Гиппократ қасамига.) Бу ўринда, касбий бурч умуминсоний моҳиятга эга, ижтимоий бурч эса маълум бир қараш, гурух, борингки, бир давлат манфаати доирасида. Ижодкор шундай бир дуализмни бериши лозим бўлса, менимча, улуғ санъаткор иккинчи йўлни танлаган бўлар эди. Моҳиятан фуқаролик бурчи касб бурчига нисбатан кичикроқ саналиши мумкин. Бироқ, бу ўринда, муайян масалага ёндашувда касбий бурч инсониятга аскотарлироқдир. Биз мафкуравий жамиятнинг ҳосиласи сифатида ижтимоий бурчни бирламчи деб қўйишимиз мумкин, бироқ ўша санъаткор ўз касбига садоқатли бўлса, унинг асаридан нафақат санъат аҳли, балки умуминсоният ҳам баҳра олиши мумкин-ку! Постмодернизм санъаткори ана шу иккинчи йўлни танласа-да, буни ўз фуқаролик бурчига зид деб билмайди. Унинг учун санъат равнақига хизмат қилиш муҳим ва муқаддасdir.

10. Адабиёт ҳар доим жиддийликни талаб қиласи. Ҳар қандай замонларда ҳам мангулика доҳил асарлар билан бир қаторда, бўш, ночор, китобхон дидини ўтмаслаштирадиган, олди-қочди гаплар, фаҳшдан иборат асарлар ҳам бўлиб келган. Лекин бундан кейин ҳам бўлаверади, дейиш нотўгри. Миллий адабиётнинг бадиийлик тажрибаси ривожланган сари, бу каби касалликлардан қутулиб бориш мумкин. Бироқ, ҳозирги кунда, турмушда жуда кўп жиҳоз ва ускуналар бир марта ишлатишга мўлжаллаб ишлаб чиқарилётгани маълум. Сиз айтган енгил адабиёт ҳам ўша бир марта ўқишига зўрга ярайдиган адабиёт бўлади. Улар адабиёт саҳнасида узоқ қолиб кетмайди. Бироқ, ўша юмшоқ қилиб айтганда, ножидий "адабиёт"ни учритувчиларга қарши жиддий ҳаракат қилимоқ керак бўлади. Бу ноширларнинг иши, танқидчилар шуғуллансин, деган қарашлар самара бермайди. Ҳамма баравар енгил адабиёт қаршилиги, сиз айтмоқчи, жиддий сақланиб қоладиган асарларни қўйиш йўли билан курашмоғи керак бўлади.

Шұхрат РИЗАЕВ жағоблари:

1. Дархақиқат, сүнгі йигирма беш йиллар оралығыда ижтимоий ҳәётимизда ҳам, майший турмушимизда ҳам тубдан үзгаришлар юз берди. Буғун барчамиз глобал дүнө ва жамияттинг бир бўлаги сифатида ниҳоятда катта информацион ҳудудда яшаётган одамлармиз. Бинобарин, бизга янги даврнинг ўзигина эмас, шу даврдаги бутун инсоният ҳәёти билан боғлиқ ўзгариш ва янгиланишлар, рўй берәётган турли ҳодисалар таъсир ўтказяпти, кайфиятимизни белгилаяпти. Ҳозирги пайтда, ана шу кайфиятни ўз асарларида акс эттирувчи авлод вояга етди, деб дабдурустдан айтиш жуда мушкул. Лекин ёши, қарашлари, ҳәётий тажрибаси, интилиш ва истакларида нисбатан бир-бирига яқин бўлган кишилар гуруҳлари мавжудки, уларни таъбир жоиз бўлса, авлод ёки авлоддошлар дейиш ҳам мумкинdir. Агар ўтган асрнинг 70-йилларида шаклланган авлод биздан кейин бошқа адабий авлод шаклланмади, деяётган бўлса, бу қай бир маънода тўғри ҳамдир. Чунки, нафақат, янги адабий авлод шаклланмади, айни чоғда, ўша мавжуд авлоднинг ўзи ҳам муайян маънода, деградацияяга учради. Факт сифатида уларнинг ўтган аср 70-80-йиллар оралығидаги умумий интилишларини айтмаганда, кейинги йигирма йилда у авлод вакиллари том маънодаги адабий-бадиий парокандаликни бошдан кечирдилар. Буғун на шеъриятда, на насрда ва на бошқа жанрларда авлод сифатида умумий ижодий йўл, услугуб, ғоявий-бадиий бирлик кузатилмаяпти. Ҳозирда ёш жиҳатидан маълум маънода тенгқурлик тамойилини айтмаганда, адабий қараш, услугуб ҳамда ёндашувларнинг бир-биридан мутлақ фарқлилиги кўзга ташланади. Масалан, шеъриятда Сирожиддин Сайидни Абдували Кутбиддин билан ёки Эшқобил Шукурни Баҳром Рўзимуҳаммад билан бир қаторга кўйиб тасаввур этиш мумкин эмас. Ёки насрда Исажон Султонни Қўчкор Норқобил билан, Зулфия Қуролбой қизини Тўхтамурод Рустамов билан умумиятини топиш – акъ бовар қилмайдиган иш. Аммо, улар ёш жиҳатидан бир-биirlари билан деярли тенгқурлар. Қолаверса, уларни бир-биirlари билан яқинлаштирадиган ижтимоий дарднинг ўзи ҳам сезилмайди. Дейлик, ўз вақтида шеъриятда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи ёки насрда Ўлмас Умарбеков, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Омон Мухторларнинг изланишлари турлича бўлгани ҳолда, уларни бирлаштирадиган ягона ижтимоий дард бор эди. Ана шу дард уларни авлод сифатида тасаввур этишга ҳам имкон берар эди. Ҳозирда эса услублар, қарашлар рангнлиги яққол билингани ҳолда, инсоний ва ижодий дарднинг турфалиги, муштарак эмаслиги ва ҳатто гоҳи бор, гоҳи йўқ эканлиги ҳам сезилиб туради. Ижодий кредо деганда, ана шу дард билан йўғрилган бадиий-эстетик ижодни назарда тутиладиган бўлса, ҳозирда бу нарса бор дейишдан ўзимизни бироз тийган бўлар эдик. Албатта, ҳозирги ўрта ва улардан ёшроқ ёшдаги ижодкорларнинг бир-биirlаридан тамо-



Шұхрат РИЗАЕВ

1958 йилда туғилган. Тошкент Давлат университети филология факультетини тамомлаган. Олимнинг ўзбек адабиёти, театр ва кино санъати масалаларига доир ўнга яқин монография, рисола ва илмий, адабий-танқидий мақолалар тўпламлари, шунингдек, иккى юздан ортик мақолалари чоп этилган. “Искандар”, “Дискотека”, “Она”, “Ётакчи” (иккинчи номи “Эзгулик йўли”), Н.Аббосхон билан ҳаммузалифликда), пъесаларининг муаллифи.

мила фарқли жиҳатлари мавжуд ва бу кучайиб ҳам боряпти. Бадийи ижоддаги услубий ранг-баранглик нүқтai назаридан бу ижобий ҳол, албатта. Лекин ана шу ранг-барангликдан адабиёт ва ўкувчи ютаяптими, йўқми, мана бу энди, бошқа масала. Мана шу фикр билан камина, назаримда, иккинчи саволнинг ҳам жавобини бериб кетаётгандекман.

2. Ижод эркинлиги адабиёт, санъат аҳлига сув билан ҳаводек зарур, албатта. Лекин эркинлик бу истаган номаъқулчиликни қилиш, ёзиш, суратга олиш, намо-йиш этиш дегани эмас эканлиги ҳам кундек равшан. Афсуски, ўша оптимистлар “синтез”, пессимистлар “бўтқа” деб атаган ҳодисалар, аксарият, беъхшов ҳолатда, ҳозирги адабий манзарамизда мавжуд. Назаримда, ҳар қандай “изм” ва изла-нишларда адабий-бадий ижод аҳли ибтидодан то ҳозирга қадар сифиниб келган гўзаллик туйгуси бош мезон бўлиб қолавериши керак. Чунки адабиёт ва санъат, аввало, инсон ҳиссиётларини тарбиялайди. Ундан тафаккурга, фикрий теранликка, руҳият инкишофига ва яна аллақанча инсоний ҳолат ва ҳодисаларга ўтиб боради.

3. Ҳазрат Алишер Навоий улуғ “Хамса”сининг сўнгги достонида бा�ён этган бир фикр адабиётнинг, яъни бадийи ижоднинг асл моҳиятини англашдаги буюк бир кашфиётдек бўлиб туюлади менга. Яъники, буюк Навоий Искандар достони-ни ёзишга киришар экан, ўзигача бўлган салафларининг бу образга ёндашганда, гоҳо саргузашт, гоҳо панднома, гоҳо интеллектуал мубоҳасалар, нутқлар фонида қаҳрамонни акс эттириш усулларини қайд этади. Жумладан, устод Абдураҳмон Жомийнинг Искандар нутқларига асосий ёътибор қаратганини айтади, яъни:

Эшиштим, қилиб зеб дафттар сўзин,
Қипур назм гўё Скандар сўзин.

Вале қилмайин майл ҳолатига,
Шуруй айламиштур мақолотига.

Кўринадики, Навоий учун асосий ижодий мақсад Искандарнинг ҳолатлариdir. Агар Ҳазратнинг “ҳолатлар” тарзидаги бошқа бир қатор асарлари борлигини ҳам назарда тутадиган бўлсак, Навоий учун инсон ботиний дунёсидаги турфа ва фавқулодда рангин кўринишлар энг асосий ижодий кredo бўлганини англашимиз мумкин. Демак, Навоий учун адабиётдаги бош масала инсон ва унинг ҳолатлариdir. Инсон эса вазият, давр, воқелик тақозоси билан турфа ҳолатда на-моён бўлиши мумкин. У нафснинг малайига айланиси, муваққат мафкуралар кули бўлиб қолиши ҳам ва ёки, аксинча, руҳан коинот қадар юксалиши ҳам мумкин. Уни макону замондан ташқарида ажратиб олиб бўлмайди. Бинобарин, барча даврларда “жиддий” деб атаганимиз ҳақиқий адабиёт даврнинг ойнаси, бадийи инъикоси бўлишга маҳкум ёки йўналтирилгандир.

Биз муайян даврда ва жамиятда яшар эканмиз, дунёқарашибиз ва, умуман қарашларимиз ҳар қанча теран ёки саёзлигидан қатъи назар, ўша давр ва жамиятнинг маҳсулни, самарасидир. Шундай экан, демак, биз ҳам ҳис-туйгуларимиз, маърифатимиз, билимларимиз даражасида ниманидир тасдиқ этиб, ниманидир инкор этамиз. Муайян даврнинг ҳосиласи ўлароқ, айнан шу даврнинг хусусиятлари ҳар биримизда акс этади. Демак, адабиёт ҳам ёзувчи ижодкорлар қарашлари, ижти-мойи майллари орқали маълум бир мафкурага хизмат қилади. Уни “Беш кунлик дунё” илинжидаги таъма деб қараш ҳам мумкин ва, айни чоғда, ишонч, ёътиқод сифатида ҳам талқин этиш мумкин. Масалан, шўро даври мафкурасидан недир илинжда, вазиятдан фойдаланиб асарлар ёзганлар бор ва, шу билан бирга, унинг акси ўлароқ, шўро ғояларига, унинг доҳийлари фикрларига ёътиқод қилган ўнлаб талантли ижодкорлар бор. Масалан, Алексей Толстойнинг “Сарсон-саргардонликда”, Садриддин Айнининг “Дохунда” асарлари тамомила ўзгача қарашлардаги истеъоддодли ижодкорларнинг муайян ниятда яратилган битиклари бўлса, Михаил Шолоховнинг “Очилган кўриқ”, Александр Фадеевнинг “Ёш гвардия” романларини

кatta талант соҳибларининг мавжуд тузум ва мафкурага юксак ишончи сифатида баҳолаш мүмкин.

4. Ҳақиқатдан ҳам, адабий-бадиий мезонлар тубдан ўзгариб кетди. Фоя, мафкуралар хилма-хиллашиб, гоҳо бир-бирини тамомила инкор етадиган қутблардаги бадиий асарлар яратилияпти. Аммо унұтmasлик керакки, таъкидлаганимиздек, бадиий ижоднинг ўзи эзгулик ва ёргу түйгулар истагидаги қалб ва тафаккур маҳсули ўлароқ юзага келган. Шунинг учун ҳам у пайдо бўлган даврдан бери гўзаликни улуғлаб, инсонлар қалбига эзгулик ургуларини сепиб келади. Бу рутба адабиётда ҳануз устувор, инчунун, ўзбек адабиётда ҳам. Гоҳида адабиёт ҳар бир қалбнинг ўз иши, шунинг учун ундаги индивидуалистик қарашлар ифодасини мақсад, мезон, меъёр, деб билиш керак қабилидаги фикрлар ҳам айтилиб турилибди. Агар бундай фикрларга амал қилинадиган бўлса, адабиёт ва санъатдан ижтимоий юкни бутунлай соқит қилиб, уни том маънода хонакилаштириш лозим бўлиб қолади. Инсоннинг ўзикни маҳлуқот теграсидан чиқиб, ижтимоий муносабатлар ҳосиласи ўлароқ шаклланар экан, қандай қилиб уни фақат кўнгил ошуфтасига айлантириб қўйиш мүмкин. Қолаверса, кўнгил ҳам воқелик, муносабатлар маҳсули, садоси-ку!

Романтика – бу орзу, интилиш, ишонч, умид. Ана шу хислатлардан маҳрум одамни тўлақонли соғлом одам, деб бўлмайди. Моддий дунёни реалистлар яратгани, тутиб тургани билан, уни романтиклар ўзгартиради, юксалтиради, бойитади, турфалаштиради. Бадиий ижодни ҳам олға силжитган мафкуравий омиллардан энг салмоқлиси “романтика” бўлган. Шундай бўлиб қолмоги керак.

5. Постмодернизм жаҳон адабиёти ва санъатида ўзининг анча жиҳдий изла-ниш ва тажрибаларини намоён қила олган сўнгги, янги оқимлардан бири. Аммо унұтmasлигимиз керакки, у қарийб юз эллик йилдан бери давом этаётган “авангард” ёки “модерн” адабиётнинг такомиллашган кўриниши ўлароқ, асл илдизларига кўра, реализм бағридан туғилган. Реализмнинг энг улкан ҳаётбахш қудрати шундаки, у “очик система”, “бехудудлик” жиҳатларини намоён этган. Шунга кўра, унинг шажара дараҳтида ҳар томон тарвақайлаган катта-кичик бачки шоҳлари бўлади. Айrim ис-тиносно ҳолатлар борки, баъзан ўша бачки шоҳларда ҳосил бошқаларига нисбатан мўлроқ бўлади. Аммо у муваққат ва нимжон бўлиши ҳам табиий ҳол. Шунга кўра, маълум вақти келиб, бу бачки шоҳлар қирқиб ташланади. Тана бақувват, келгуси-даги мевалар йирик бўлиши учун каллакланиш деган жараён амалга оширилади. Яъни, бачки шоҳларга исроф бўладиган қувват тана ва унинг асосий шоҳларида сақланади. Агар бу ташбехни адабиётдаги ҳодисаларга нисбат берилб, “реализм”, “модернизм”, “постмодернизм” истилоҳлари доирасида оладиган бўлсак, тарихий тажриба шундан далолат берадики, ҳар қандай ижодий услуб ва йўналишлар реа-лизм бағрида туғилиб, сўнг яна унга қайтиш бўлгани каби ҳозирги эстетик жараён-ларни ҳам ўша чархпалакнинг табиий айланishi тарзида қабул қилиш лозим.

6. Адабиёт ўзининг ўйинлик мөҳиятига қаёнки, ундан ниҳоятда зерикиш кай-фиияти пайдо бўлганида қайтади. Ўйин асносида турли шаклбозликлар, ҳар хил эффектларга суюнвчи эксперементлар бўлиши мүмкин. Лекин фақат инсоний дард, ўз қалби ва атрофида юз бераётган турли ҳолат ҳамда ҳодисаларга бефарқ бўла билмаслик туйғуси адабиётнинг том маънодаги юксак миссиясини ҳамиша юзага чиқараверади. Ана шунда бот-бот ўзига хос тарзда реализмга мурожаат бўлаверади. Бобораҳим Машрабнинг “Дилда дардинг бўлмаса, сардафтаримни кавлама” каби шоҳ сатрлари ҳамма замонларда ҳам юксак адабиётнинг инсоний дард туфайли туйғиганига далолат. Инсонни бевосита қўлига қалам тутқазиб, унинг руҳий мувозанатини издан чиқарадиган ҳодиса дард бўлар экан, демак, ўзгалар қалбига акс-садо берадиган адабиёт ҳам, айнан шунинг ўзирид.

7. Адабий танқид масаласи алоҳида дардли масалалардан бири. Дарҳақиқат, бугун адабий танқид ҳар қачонгидан зарурроқ. Унинг Беҳбудий бобомиз ўтган аср тонгигида ёк кўрсатиб берган асос вазифаси “Танқид – сараламоқдир” ҳануз аҳамиятини йўқотмай, долзарблигини сақлаб туриби. Бугун чексиз миқдордаги адабиёт ва санъат ҳодисалари дея тақдим этилаётган “намуналар” орасидан

асини саралаб олиш осон иш эмас. Мана шу вазифани яқин-яқингача адабий танқид, жумладан, ўзбек адабий танқидчилиги имкон қадар бажариб келаётган эди. Адабий танқидни тақдир деб қабул қилган ўнлаб мутахассислар бор эди. Уларнинг аксарияти ҳозир ҳам бор. Аммо нега адабий танқиднинг ижтимоий-адабий, бадиий-эстетик ҳаётимиздаги ўрни сезилиларни эмас? Бунинг сабаби, менимча, бефарқликнинг эпидемия даражасига кўтарилаётгандигидир. Наҳотки, китоб жавонларидан нурсиз, сарлавҳасиданоқ ўта саёз бир нарса эканлиги англашилиб турадиган, дидсиз битиклар жой олиб, кино экранлари, театр саҳналари, ойнаи жаҳондан профессионал ночор, ҳаётий туссиз, мантиқан бир-бирига боғланмаган лавҳа, ўйин, томошалар тинимсиз бериб борилади-ю, ҳеч ким унга малакали таҳлилий, танқидий муносабат билдиrolмайди?! Буни ўзига хос маънавий бир жиноят дейишидан киши ўзини тиёлмайди. Ҳозир, асосан, мақтov, алқаш, ақлли ёлғон гапириш, тилёгламалик, хушомад ва ҳоказо иллатлар адабий танқидимизнинг хос хусусиятлари бўлиб бормоқда. Гоҳо асоссиз бўлса ҳам, танқидий фикр айтилган бирон нарсани учратиб қолсангиз, худди фавқулодда бир ҳодисага дуч келгандек ҳайратга тушасиз. Бу вазиятда адабий эстетик дид, бадиий тафаккурнинг тараққиёти ҳақида қанчалик сўз айтиш мумкин?! Тўғри фикр, “танқидчиларимиз ўқувчилик мұхаббати изҳоридан олим-мутахассис муносабатини билдириш дараҷасига ўсиб боролмаяпти”. Бу ҳам, аслида, профессионал тайёргарлик масаласига бориб тақалади. Танқидчиликка ким ўқитяпти, кимларни ўқитяпти? Афсуски, бу саволга ҳам сукут сақлаб жавоб берилади. Чунки яна андиша, сермулоҳазалилик, юзиссиклиги деган тушунчалар қалқиб келаверади.

Озод Шарафиддинов домла етмишдан ошганларидан кейин ҳам мунаққид эҳтироси ва муносабатини сақлаб қола билдилар. Демоқчимизки, танқидчига эҳтирос жуда зарур, чунки ана шу туйғу унинг қалби ва тафаккури уйғоқлигини англатади. Ўз навбатида, эҳтирос қалб орқали идрокка ўтиб, билим ва маърифат билан уйғунлиқда юзага чиқади. Бугунги кунда ана шундай эҳтироснинг сўнгани, лоқайдликнинг учриётгани адабий танқид борасидаги ташвиш ва хавотирларимиздандир.

8. Эски билан янги нисбати азал-абаддан бўлган гап. Инсоният ақл билан яшаш босқичига ўтганидан бошлаб, у тараққий этар экан, “эски” ва “янги” деган тушунчалар пайдо бўлган ва у дунёни тутиб келган. Эски ва янги ўртасида кураш борлиги учун ҳам ҳаёт адабий давом этиб келмоқда. Тасаввур этайлик, “қадим”чилар бўлмаганида, “жадид”лар бўлармили?! Ёки эскини инкор этувчи янги бўлмаса, ҳаёт, турмуш-кечмиш накадар зерикарли бўлар эди?! Лекин, бу дегани тамомимила қуруқ ерда ҳар сафар янгитдан бошлаш дегани эмас. Эскининг яшашга қодир жиҳати ҳамиша янгига қўшилиб, табиий ўзлашиб кетаверган. Бу, айниқса, адабиётда яқол кўринади. Масалан, ҳар қанча маҳлиё бўлмайлик, Абдулла Қодирий каби ёзиш бугун нурсиз машғулот бўлади. Лекин ундан миллий бўёқларга бой ниҳоятда фараҳли ташбех, ибора ва аборотларни, руҳий ҳолат илғамларини олиб, ўрни билан ишлатиш янги асарнинг жонлилигига хизмат қиласа, ажабмас. Нега, масалан, “Куттуғ қон”даги ғоявий-мафкуравий қарашларни четта суриб, Ойбекона ифода лафзини ўзлашириш мумкин эмас?! Ҳа, адабиёт кроссворд ечиш эмас, тилдаги модернистик, ҳатто футуристик майллар гўзаллик, руҳият, фикр тарбиясидек адабиётнинг мұхим миссиясини тез ва соз адо этишда тўсиқ бўлиши мумкин. Масалан, энг сўнгги пайтларда эълон қилинган асар – миллий ҳикоячилигимизнинг жаҳон миёсида бўйлаша оладиган тажрибаси ўлароқ қабул қилиниши мумкин бўлган Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Пуанкарे” ҳикоясини олайлик. Ниҳоятда жиддий ҳаётий кузатиш, руҳий ҳолат, фалсафий умумлашмалар теранлиги билан ўқувчини ларзага соладиган асар – соф анъанавий реалистик ифода йўсунинг қурилган. Ҳамонки, шундай экан, эскидан ниманинг эски эканлигини, янгининг эса нимаси янгилик эканлигини, аввало, аниқ тасаввур эта олишимиз керак.

9. Ижодкор ҳамиша фуқаролик бурчани бошқалардан кўра теранроқ тушуниб ва тушунтириб яшайдиган шахс бўлади. Унинг фуқаролик бурчи, аввало, албатта, ижодкорлигидир. Биз фуқаролик бурчи деганда, кўпинча, ижтимоий фаоллик, од-

дий майшій истагу хоҳишлардан анчагина юқори бўлган ҳодисани тушунамиз. Бу инсондаги масъулият туйғуси, юрти, халқи, миллати, оиласи, яқинлари ва ўз виж-дони олдидағи жавобгарлик туйғуси. Ана шу туйғуси нечоғлиқ ривожланганлигига қараб, унинг фуқаро сифатидаги ижтимоий-маънавий қиёфаси тасаввур этилади. Бу хусусиятлар, албатта, унинг амалга оширадиган ишлари, касбу кори, фаолиятида намоён бўлади. Касбу корини ҳалол, фидойилик билан бажариб, ҳунарини мукаммал эгаллаган шахснинг меҳнатидан жамият ва яқинларига наф етар экан, демак, шунинг ўзи биланоқ, у фуқаролик бурчини адо этаётган бўлади. Инчунун, ижодкор шахс. Ижодкорнинг бурч туйғуси бошқаларницидан кўра юксакроқ, ўткирроқ ва миқёслироқ бўлади, албатта. У ўзини одамлар учун қай бир даражада манфаат етказадиган улкан ишларга сафарбар этади. Унинг сафарбарлиги, дейлик, ўкувчиси ёки томошабинидаги пайдо этадиган туйғулари, кайфияти, таассуротлари билан белгиланади. Ана шу нарсанинг ўзи ҳам ижодкорда масъулиятнинг қанчалик жиддий эканлигини англатади. Фуқаролик бурчини ижодкорнинг кўнгли билан қарама-қарши қўйиш мутлақо нотўғри. Улуғ шоирнинг "Кўнгил орзулари фидо ўшанга" дея Ватанига адоқсиз муҳаббат билан айтилган сўзларини эслайлик. Демак, кўнгил фуқаролик туйғусини тарбиялаб, юксалтирувчи маънавий манба. Туйғулар сарчашмаси бўлган кўнгил ҳаракатта келгандагина, бурч деган туйғу ҳам туғилади. Шунинг учун уларни бир-бирига зид ҳодисалар сифатида кўрсатиб бўлмайди. Жадидларнинг бурч туйғуси, айнан кўнгил, ижтимоий озодлик, эрк, ҳуррият насимларига мойил бўлгани учун ҳам бор залвори билан юзага чиқди. Улар инсон маънан ва жисман тўлиқ эркин бўлмас экан, унинг на кўнгли, на бошқа орзу-умидлари гул очмаслигини жуда яхши билар эдилар. Менимча, Шавкат Раҳмоннинг ҳам "рубобий шеър"лар ўрнига ижтимоий ёниқ сатрлар битгани, бу уни ўраб турган муҳит, жамиятни ўзгартирмай туриб, кўнгил эркига эришиб бўлмаслигини англагани туфайлидан эди.

10. "Омма" ёки "кўча адабиёти" ёки "бозор адабиёти" деган тушунчаларнинг ҳозирда авжланиши табиий ҳол. Аслида, бу азал-абаддан ҳам бўлган. Эслайлик, Шарқда ҳам, Farbda ҳам адабиёт хос табақа вакиллари учун алоҳида, авом учун эса алоҳида бўлган даврлар тарихан маълум. Худди шундай, Ҳазрат Алишер Навоий "Маҳбуб ул-кулуб"да айтганларидек: "Ишиқи хос, ишиқи авом" тарзида муҳаббат ҳам диференсация қилинган. Афсуски, шўро замони ва мағкураси барча ижтимоий-иқтисодий асосларни бир қилиб юборганидек, адабиёт ва санъатни ҳам тенглаштириш сиёсатига бўйсундирмоқчи бўлди. Пировардида эса, XX аср рус адабиётининг ўзида бир пайтда, табиий ҳолда, икки йўналиш пайдо бўлди. Соф шўро мағкурасини ташувчи адабиёт (Маяковский, Серафимович, Гладков, Шагинян, Фадеев, Тихонов, Сафронов каби) ҳамда "йўловчи", "майда буржуза" ёки яна "кибор – аристократ" дея (Булгаков, Ахматова, Пастернак, Цветаева каби) ёрликлар ёпиширилган адабиёт яшади. Бизда бундай ҳолатга йўл қўйилмаган эса-да, аслида, Қодирийда икки Қодирий, Чўлпонда икки Чўлпон, Ойбекда икки Ойбек, Қаҳҳорда икки Қаҳҳор яшашига мажбур бўлди. Булар, гарчи, "кўча адабиёти" даражасига ҳеч қачон тушмаган бўлсалар-да, давр талаби билан ўта оммавий ва балки "жўнроқ" асарлар яратишга ҳам мажбур бўлишиди. ("Обид кетмон", "Ўртоқ Қаршибоев", "Олтин водийдан шабадалар", "Кўшчинор чироқлари" ва ҳоказо). Назаримда, асли ўша ножиддий адабиётнинг урчишига ўшандай мағкура тазиқида ҳаётнинг нотабиий, ҳатто карикатуранамо иллюзиясига мослашиб ясалган асарлар сабаб бўлгандек туолади. Биз, аввалбошданоқ, фақат жиддий адабиёт билан озиқланган бўлганимизда, шунинг ўзи бизда маънавий иммунитетни пайдо қилган бўлар эди. Афсуски, асл ҳақиқат, манзара бошқачароқ. Эндилиқда, "оммавий адабиёт", "оммавий маданият", аниқроғи, "оломон маданияти" дейдиган ҳодисалардан иҳоталаниш учун жиддий адабиёт ва жиддий санъат китоб жавонларидан, телевидение, кино экранларидан ва саҳнадан оммавий равишда жой олиши керак. Биз бутун жамиятни жиддий маънавий муҳитга, маданий аурага олиб кира олсак, шундагина, жиддий адабиёт ва санъат ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланади.



Назар ЭШОНҚУЛ

1962 йилда туғылған. ТошҖұнинг журналистика факультетини тамомлаған. "Үрүш одамлари", "Момо күшік", "Маймұн етаклаган одам", "Шамолни түтиб бўлмаиди", "Гўрўёли" каби асарлари нашр этилган. Ф. К. Анитининг "Хикоялар ва қиссалар" ини, А. Камюнинг "Эсселар" ини, Чеховнинг "Болохонали уй" ҳикоясини ўзбек тилига таржима қилган.

Назар ЭШОНҚУЛ жавоблари:

1. Сиз айтган авлодлар бўлиниши кўпроқ поэзияга хос. Назм – дунёвий анъаналар, усуллар, синовлар ва шаклларни ўзида синаб кўрди, тараққиёт босқичига чиқиб олди. Наср ҳақида мен бундай деб айттолмайман. Назаримда, насрға нисбатан жарабён бир мунча бошқачароқ кечгандай. Қодирий ва Чўлпон бошлаб берган насррий изланишлар, хусусан, миллий наср, уни дунё адабиёти билан бўйлаштириш ҳақидаги орзулар ўзини тўлақонли маънода сиз айтган "70-йиллар авлоди"га келибгина амалга ошиди. Шу сабабли, Қодирийдан бошланган бу жарабённи ёш нуқтаи назаридан бир авлодга мансуб деб ҳисобламаган бўлардим. Бу даврда, гарчи наср бизнинг адабиётда азалдан бўлган деган қараш тарафдори бўлсам ҳам, аммо профессионал наср, айнан ана шу 50 йилда шаклланди, профессионал миллий наср, миллий жанр тусини олди. Мавзулар, одамга муносабат, воқеликни акс эттириш, айтадиган гапи, танлаган шакллари, услубий ранг-баранглигига кўра, ўтган 50 йиллик насрни бир авлод насири деб баҳолаган бўлардим. Гарчи бу насрда сиз санаған авлодларга хос тамойиллар бўлса ҳам. Аммо фундаментал наср жанрини ана шу 50 йиллик авлод биргаликда яратди, бу давр насрининг услублари, айтар гаплари, мақсадлари, концепциялари бир-бирига яқин. Чўлпоннинг насрдаги шаклий изланишлари, ҳатто миллий менталитетга хос бўлмаган (Мирёқуб характеристи, унинг аёлларга муносабати) воқеликни қамраб олишга, услубий кенглигика чиқишига уринишлари, ҳаммаси 70-йиллар насрига келиб, ўзини тўла оқрай бошлади. Аслида, авлодлар, менимчам, адабий концепцияларига қараб фарқланиши муҳимроқа ўхшайди. Биз ана шу 50 йил ичida насрни елкасида кўтарган авлоддан (Қодирий, Чўлпон, Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Ойбек, Миркарим Осим, Аскад Мухтор, Шукур Холмирзаев, Мурод Муҳаммад Дўст, Аҳмад Аъзам, Эркин Аъзам, Хайридин Султонов) миннатдор ҳолда, бугун "ӯзбек насрни" ҳақида бемалол фикр юритаямиз. Насримиз 50 йиллик изланишдан сўнг, 80-йиллар ва бугунги авлод олдига уни энди янги босқичга, янги погонага кўтариш вазифасини кўйди. Бу – шаклда, ифодада, метафораларда, образларда, тилда, услубда кўриниши керак. Тўғри айтдингиз, янги авлоднинг юзи кўринаяптими? Кўринаяпти. Мен "Фано ва бақо", "Тўп ўйин", "Озодлик", "Хайкал", "Дашту далаларда", "Ўзим билан ўзим", "Қоғоз гуллар", "Жажман", "Адашвой" ҳикоялари, "Бозор", "Рӯё", "Озод", "Боқий дарбадар" романлари каби асарларда (рўйхатни кенг қилиш мумкин) ана шу янги авлоднинг қиёфасини, услубини кўраман. Албатта, бу асарларнинг муаллифлари турли ёшда. Лекин улар асарларини услубига ва концепциясига кўра, янги авлод насрига тегишли деб баҳолаш мумкин. Шунинг учун ёшига қараб эмас, адабий авлодни асарларнинг мазмуни, услуби, концепциясига қараб белгилаш тарафдориман. Эҳтимол, шунда биз адабий жараёндаги авлод ўзгаришини маълум бир 10-20 йилга эмас,

авлод ўз миссиясини қай тариқа бажараолганига қараб баҳо беришимиз осонлашар! Шу маңында янги наср авлоди рўйхати Асқад Мұхтор номи билан бирга, бугун Аҳмад Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Исажон Султон, Улугбек Ҳамдамдан кейин ёши ҳали ўттизга кирмаган ёшларимизга бориб тақалаётгани кишини хурсанд қилади. Яқында Мурод Човушнинг "Хеч" деган қисссасини ўқиб қолдим. Мени хурсанд қилган нарса, Мурод Човуш айтадиган гапига ўзига хос янги шакл топа олган. Шу билан бирга, олмошлар ўртасидаги тўсиқни, бошқача айтганда, анъанавий баён усулини осонгина енгиги ўтади. Мен ҳам бир воқеликни "Мен", "Сен", "У" тилидан ва нұқтаи назаридан ҳикоя қилишга уринганман. Аммо, барибир, мени меъёрлар ушлаб турган. Мурод Човуш эса ҳеч иккиланмай, дадиллик билан бу меъёрни бузади. Бузганда ҳам осон, табиий бузиб ўтади, бунга изоҳ ҳам бермайди. "Мен" қолади, аммо қаҳрамонлар ўзгариб туради. Бу адабий приёмни табиийликка анча яқинлаштирган. "Поток сознания" – онг оқими усули бу қиссада яққол ўз ифодасини топган. Аммо қисса тили анча ҳафсаласиз, ишлов берилмаган, пала-партишилкка мойил, поэтик үнсурлардан кўра, шаклга берилиб кетилган. Лекин, барибир, адабий жараённинг бир намунаси сифатида таҳлил қилишга арзиди. Оз бўлса-да, ёшлар янги наср авлодга мансубликларини исботглашга уринишяяпти. Янги насринга хос ифода усувлари Баҳодир Абдураззоқ, Умид Ёқуб изланишларида ҳам батафсилоқ кўринашти.

2. Ижод эркинлиги мавзуси йигирма йил муқаддам долзарб эди. Бугун, назаримда, у кам эсланаяпти. Сабаби шундаки, бугун ким нимани хоҳласа ёзиб ётиби, ҳеч ким, ҳеч нарса тўсиқ бўлаётгани йўқ. Ҳатто шу даражада эркинлашиб кетдикки, адабиётга, эстетик нормаларга, этик тамоийларга зид бўлган, ота-боболаримиз бизни миллат, ҳалқ қилиш учун мисқоллаб йиглан ва бизга шу йўллардан бошқасида юриш инсоният таназзули эканини қатъий қилиб белгилаб кетган қоидалардан воз кечилган, инсоннинг ҳайвоний қиёфасини акс эттирадиган, ҳирс, эҳтирос жараёнлари батафсил тасвирланаётган, демак, тарғиб қилинаётган олди-қочди, тижорат, фисқ-фасод чўпчакларни ҳам газеталаримиз, ҳам нашриётларимиз янги адабий воқелик сифатида этироф этишяяпти, бунақа асар ёзаётгандардан янги давр Де Садини яратишяяпти. Ҳатто шу даражага боришяяпти, яқында бир хусусий ношири бир машваратда уялмай-нетмай: "Фалончи ҳирсни бадиий воқелик даражасига кўтариб, адабий қашфиёт қилди" деган гап билан мақтанибди ҳам. Ношири назарда тутган "асарлар" ёзаётган "қашфиётчи" адабининг китоблари бугун китоб савдосида бозори чақон. Мен ўйлаб қоламан, шундай "ҳирслли қашфиёт" қилаётган ҳам, шундай китобни нашр этаётган ҳам шу асарларни ўз фарзандлари, ўз набиралари ўқишини, ана шу "батафсил тасвирланган", "адабий воқеликка айлантирилган" "ҳирс" тасвирлари фарзандларининг одоб ва ахлоқига таъсир қилиши, ўзгартириши мумкинлигини ўйлармикин?! Ё фарзандлари билан ҳам бу мавзуда худди асарларидаги тасвирлар каби бемалол гаплашаверармикин?! Агар шундай бўлса, унда бу ҳолатни адабий танқидчилик эмас, тиббиёт ходимлари мұхокама қилиши керак. Менимча, қўлига қалам олувчи ҳар бир одам олдин ёзғанларини фарзандларига ўқиб бераоладиган ва келажак олдида ахлоқий нұқтаи назардан уялмайдиган қилиб ёзиши керак. Мабодо, ўз асарларини фарзандларига ўқиб беришга уялса, унда нега уни бутун миллатга тақдим қилиши керак? Мақсад нима? Миллат ахлоқига путур етказишиmı? Биз ҳар ёзғанимиз учун болаларимиз олдида жавоб берамиз. Уларнинг ахлоқи, инсонгарчилиги, дунёқараши олдида ёзган ҳар бир сўзимиз билан жавобгармиз. Адабиёт, қалам бизга ана шундай масъулият юклайди.

Қайсиидир газетада ўқиб қолдим. Бир "ёзувчи" укамиз ҳар куни бир босма тобоқдан иккى босма тобоқкача "асар" ёзар экан. Шунинг учун унинг ёзғанлари газеталарда тинимсиз босилади, уни ҳатто "давримизнинг таникли ва истеъододи ёзувчиси" деб таништиришади. Лекин бу укамиз оддиги адабий жумла тузишини билмайди. Эга-кесим ва уюшиқ бўлакларидан бошқа поэтия оҳордан дарак йўқ. Шундай пайтда, "истеъод" деган сўздан ҳам, ёзувчиликдан ҳам одамнинг кўнгли қолиб кетади. Бошқа бир тоифа, бугунги эркинликдан фойдаланиб, адабиётимизга Де

Сад анъаналарини олиб кирайатки, бундай эркинлик ота-боболаримиз қарши курашиб келган иллатларнинг кенг илдиз отишига замин яратаяти. Умуман, масала-га қайтадиган бўлсак, эркинлик ижодкорга сув билан ҳаводай зарур. Мустақиллик бу эркинликни берди. Худога шукур. Балиқ сувсиз яшай олмагани каби, ижодкор эркинликсиз яшай олмайди. Бу исботланган. Аммо эркинликни ота-боболаримиз биз учун мисқоллаб йигиб қолдирган гуманизм ва ахлоқдан воз кечиш, анъана ва қадриятларни менсимаслик, уни вайрон қилиш, фаҳш ва тубан манзарапарни тав-сифлаш деб тушуниш вулгаризм ва варваризмдан бошқа нарса эмас. Бундай эр-кинлик охир-оқибат миллатни ҳам, инсониятни ҳам таназзул ёқасига олиб боради. Инсоният жуда кўплаб цивилизацияларни бошидан кечирган. Ана шулардан энг бу-юги, ҳатто оловнинг кашф этилишидан ҳам аҳамиятлироғи – бу уятли жойини ёпиб юришини ўрганган, ўргатган цивилизациядир. Иккинчи буюк ютуқ гуманизм, ана шу гу-манализма боғлиқ равишда шаклланган, инсонни улуғлашга, уни ахлоқий ва маънан гўзлалаштиришга хизмат қўйувчи ахлоқдир. Бу икки ютуқсиз инсоннинг ҳайвондан ҳеч қандай фарқи қолмайди. Бугун Де Сад каби жинсий ва ахлоқий эркинликни адабиётга олиб кириш билан, бу буюк ютуқларга зарап келтираётгандар ўзлари билиб-бильмай инсониятнинг, миллатнинг таназзулига хизмат қилишаётганини анг-лашаётганий йўқ. Фарб адабиёти ахлоқсиз Де Сад ва унинг издошлари туфайли эмас, адабий истеъодлар ва улуғ гуманизм ғояларини тараннум этгани ҳисобига тараққий этган. Адабиёт ҳамиша ҳур фикр, ҳур тараққиёт, ҳур иймон, виждан учун курашиб келган. У истибоднинг, зулмнинг, зўравонликнинг, ёвузиликнинг ҳар қандай кўриниши билан келиша олмайди, уларга қарши курашади, уларга қарши кура-шиб туриб, эркинлик тарафида туради, аммо инсоният мисқоллаб йиган ахлоқ ва гуманистик фазилатлардан ҳеч қачон воз кечмайди, гарчи бу гуманизм ва ахлоқ кимларгадир ва қайсиидир хатти-харакатларга таъкиқ, эркинликни бўғиш бўлса ҳам, у булардан воз кечолмайди. Чунки айни шу нарсалар инсонни ҳайвондан ажра-тиб, уни санъат ва маданият сари бошлаб келган. Инсон авратини ётган кунидан бошлаб санъатни ҳис қилиб, нафосат сари юксала бошлаган. Энди бу авратни очиб кўрсатиш одамни ҳайвон каби яланоч юришга ундовдан бошқа нарса эмас. Ахлоқсиз ва инсонпарварликсиз санъат бўлмайди. Ҳирс ва жунбиши шавқ билан батафсил тасвирилаш – уни тарғиб қилишдан бошқа нарса эмас. Мабодо, тарғиб қилинаётган экан, унга соглом ақл кўзи ва қонун кўзи билан қараш зарур бўлади. (Бу менинг шахсий фикрим: кимки ҳирс ва жунбиши ӯкувчидаги рағбат ва ҳавас ўйғотадиган, унинг онг ости туйғуларига таъсир қиласидаги даражадаги тафсилот билан ёзаётган экан, бу ерда нимадир, хусусан, қандайдир миссионерлик ғояси бордай туюлади. Бугунги ғаразли дунёда оммавий маданиятнинг тазиёнкига сабот билан дош бериб келётган Шарқни моддий ва маънавий синдириш учун, аввал, унинг ахлоқ, қадриятлари, оила ва жамият ҳақидаги тушунчаларига птурт етказишига, йўққа чиқаришга уриниб ётган кучлар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди).

Иккинчи томондан, ижодкорнинг эркинлиги унинг матонати билан, иродаси билан, иймони билан чамбарчас боғлиқ. Ижодкорнинг балиғи сувсиз ҳам яшай-олади. Агар у қуруқликда сурдрабиб юришини ўрганса... Бу истеҳзо эмас. Балки ижодкорнинг тақдиди эканини эслатиш учун келтирдим. Чунки ижодкор эркинлик бўлса ҳам, бўлмаса ҳам ёзишга маҳкум. У Худонинг одамлар орасидаги, бизнинг кўнглинимиздаги, адашган манзилимиздаги нигоҳи. У ҳамиша ва ҳар қандай вази-ятда ёзиши шарт. Дўзахий шароитда ҳам у ижод қилишга, инсонни матонатга ундашга, унинг кўнглидан дўзах куллари ичидаги ҳам бир чимдим чўғ топишга, ана шу чўғ орқали уни холос қилишга, етаклашга мажбур. У шуниси билан ижодкор. Шарт бўлса, зарур бўлса, сувдан чиқиб, сурдрабиб, ўрмалаб, тирмалаб юриб ёзиши шарт. Чинакам истеъодлар, чинакам ижодкорлар ана шундай қилишади. Ана шуни қисмат деб билганлар ҳақиқий ижодкорлардир.

“Ранг-баранглик”, “авлод”, “изм”лар бир-бираини инкор этадиган тушунчалар эмас. Авлод ранг-баранг, шунингдек, қайсиидир “изм”га дахлдор бўлиши мумкин. Гап “изм”да эмас. Гап истеъоддода. Истеъоддисиз “измлар” сувсиз кўлга ўхшайди. “Изм”га дахлдорлик истеъодларга ярашади. “Изм”лар истеъоддисизликни яшириб турадиган кўргон эмас. Афсуски, бугун баъзилар ўзларининг нўноқлигини, истеъ-оддисизлигини ана шу “изм”лар остига яшириб олишга уринишяяти. Ҳатто биттаси

үзини "мен символизмда ижод қиласман" деб даъво қилди. Гаплашиб күрсант, үзи символизмнинг "с" ҳарфини ҳам билмайди. "Символизмда ижод қиласман" деса, ёзган тутуриқсиз нарсаларига маъно киради, гўё. Бунақа ўзларига "изм"лардан уя, ин ясад олаётгандарнинг на авлодга, на ранг-баранглика, на "изм"ларга алоқаси йўқ. Улар шунчаки адабий олифталар. Бунақаларни вақт, барибир, бир кун адабий жараёндан сурibi-чиқарип ташлайди. Авлод ҳам, адабий жараён ҳам истеъдодларга қараб баҳоланади, эътироф этилади.

3. Адабиёт инсон моҳиятини ўрганар экан, у бевосита фалсафа ва илоҳиёт билан бирлашиб кетади. Адабиётнинг дарди, изтироби, оғриги фалсафий оғриқ, илоҳий оғриқ. Чунки инсоннинг моҳиятини унинг кўнгли ва руҳиятини моддий тараққиётлар тўла қондира олмайди. Мана, XXI асрда инсоният ақл бовар қиласмас тараққиётга эришди, унинг қулайликпаридан, тараққиётнинг барча маҳсулларидан фойдаланаяпмиз, космосга учаяпмиз, олис юлдузларнинг тити-питисини чиқарип, текшириб ётибмиз, нигоҳларимиз телескоплар орқали галактикаларнинг узоқ нуқталарига бориб етаяпти, аммо инсон муаммоси Қошгарий, Юсуф Ҳожиб, Навоий, Машраб давридагидан нари силжигани йўқ. Бу муаммо ҳали ҳам шундай турибди. Хусусан, сиз келтирган Румий ҳазратларий инсоншунослик масаласида нима деган бўлса, бугун ҳам ўша ҳикмат, ўша таҳлиллар долзарблигича турибди. Демак, инсон моҳиятини моддий жиҳат, моддий равнақ тўла очиб беролмайди. Инсон ҳали-ҳануз жумбоқлигича қолмоқда, ҳалигача у үзи излаганини тополгани йўқ. Излагани четда эмас, унинг ўз ичида бўлса, не тонг?! Эҳтимол, одамзод бу дунёга ўз ичидагини ўзгалардан излаб, ўзи билан ўзи курашиб, ўзи тузаб, ўзи вайрон қилиб, ўзи таназзулга бориб, ўзи тиклаб умр кечиришга маҳкум этилгандир?! Эҳтимол, тириклик моҳияти мана шу қутблар орасидаги изланишда ва ўзини топишдадир. Эҳтимол, инсон қачонлардир ўз ичидагини топиб, ўзини-ўзи маҳкумликдан халос қилар. Лекин ҳозирча халос қилгани йўқ. Инсон ҳалигача ўзига-ўзи жумбоқ. Бу жумбоқнинг илдизини илоҳиётдан, руҳиятдан, коинотдан, ана шу оламни бирлашиб-тирадиган ўзидан излаш керак, чамамда. Ана шу нарсаларнинг ҳаммаси, Румий ҳазратлари айтгандай, инсоннинг ичиладир. Инсон ичи коинот каби кенг, илоҳият каби қувватли, руҳият каби сирлидир. Барча саволга жавоб унинг ичида, унинг ўзида, унинг моҳиятида. "Хар икки олам" таҳлили – бу инсоннинг ўзини таҳлил қилишдир.

4. Сиз биз гаплашаётган адабиёт Навоий даврида кимнинг ёнида турган бўлса, бугун ҳам ўшанинг ёнида турибди. Шакллар, манзаралар, чегаралар, мезонлар, жанрлар, ифода усуллари ўзгарди, аммо адабиётнинг азалий ва адабий мавзуси эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш тўхтагани йўқ. Инсоният ибтидоидаги Шайтон ва Раҳмон кураши ҳали ҳам давом этаяпти. Тўғри, бугунги воқеликда бирданига ёвузлик ва эзгуликни англаш жуда мушкул. Худди эртаклардаги каби уларни бирдан оқ-қорага ажаратиб олиш жуда қийин. Аммо кураш кетаяпти. Икки кутб ўзларининг шакллари ва усулларини ўзгартирди, қиёфаларини ҳам таниб бўлмаяпти. Чунки кураш энди ботиний тус олди. Бу кураш инсоннинг кўнглига кўчди. Бугун ҳар қачонги даврдан ҳам кўра, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги фарқни аниқлаш ўта мушкуллашган давр. Чунки Шайтон ва Раҳмон инсон ботинига яширинди. Бугун Шайтон ҳам, Раҳмон унинг ичида, Шайтон ва Раҳмон маркази инсоннинг ўзи бўлиб қолди. Жамики ёвуз кучлар худди эзгу кучлар каби инсон қалбини забт этишга киришдилар, уни ўзига бўйсундиришга ўтдилар. Шу сабабли Шайтон ҳам ўзининг қиёфасини эзгулик ниқоблари остига яшириб олмоқда. Инсон учун кураш бугун барча мағкураларнинг, шунингдек, санъатнинг бош вазифаси бўлиб қолди. Инсон бўлмаса, бу курашнинг моҳияти қолмайди. Шу сабабли, инсон қанчалик чуқур таҳлил қилинса, у ерда бу кураш шунча кўп юзага чиқиб, эзгулик ва ёвузликнинг қиёфаси аниқлаша боради. Инсон мураккаблашгани сабабли, эзгулик ва ёвузлик кураши ҳам мураккаблашди, адабиётнинг ифода этиш усули ҳам мураккаблашиб бормоқда. Бу мураккаблиқдан келиб чиқиб, санъат гуманизмдан чениколмайди. Адабиёт инсоннинг ёнида, инсонпарварликнинг ёнида турмоги шарт.

5. Аслида, "измлар" инсонни таҳлил қилишнинг турли усулларини таклиф қилаётган ҳаракатлар, уринишлардир. Постмодернизм ҳам ана шундай уринишлардан бири. Менга адабиётнинг бош вазифасини, унинг асл миссиясини унутиб

күйиб, шакл ва фикр изидан қувган оқимлар, унинг қандай номланишидан қатый назар ёкмайди. Харуки Муракамини ўқий олмайман. Менга сунъий туюлади. Аммо Кавабата ёки модернистлар отаси Кафкани ёхуд Беккетни ҳамиша қайта-қайта ўқийман. Мураками адабиётдаги замонавий фокусга, жимжимага ўхшайди. Адабиётнинг пойдевори бўлган инсон ҳақидаги қайғудан кўра, ўзининг кийим-бошини, машинасини, компьютерини, мобилини, жargonини муҳокама қиласетгандай туюлади. Мен бугун шов-шув бўлаётган постмодернистлар ҳақида фикр айтишдан тийиламан. Кафка, Камю, Жойсда ва бошқа модернист даб аталган ёзувчиларда инсон изтироби ва поэзия, нафосат бор эди. Ҳозирги давр оқимлари ҳақида бундай дея олмайман. "Ҳаёт маънисиз, маънисизликка онгли муносабатда бўлиш керак" деган фикрни оҳорсиз шаклларга солиб берадетгандай. Бундай жимжимадор оқимларга чағиши керак эмас.

6. Бу савол олдинги саволнинг бошқачароқ шакли. Аслида, санъат инсоннинг хис-туйгуларини қитиқлайди, тасаввурини ўйнайди, фикр қилишга, ўйланишга мажбур қиласди. Бугун ўқувчининг тасаввур қила олиш даражасини синашга қаратилган асарлар анчагина... Шаклий, услубий изланишлар, бошқотирмалар, гарчи у адабиётнинг асосий талаби ва мезонига мос бўлса, ҳеч қандай хавфли жойи ўйқ. Гессенинг "Игра в бисер", Кортасарнинг "Игра в классики", "62. Модель курилмаси" ("62. Модель для сборки") романлари ҳам сиз айтгандай ўйинга, бошқотирмага курилган. Аммо улар адабиётнинг барча талабларига мослаштирилган, бўйсундирилган. Нафосат ва эстетика мезонларидан четга чиқкан ҳар қандай шакл ва мазмуннинг санъатга алоқаси ўйқ. Санъат ана шу мезонларда ўйин қилиш учун яратилган. Бу мезонларда туриб ўйин қилган Бодлер, Пикasso, Жойс, Кафка, Пруст, Беккет, Вульф, Музил, Камю, Сартр, Салвадор Дали, Кортасар ва бошқалар бугунги оқимларнинг отаси эди. Улар санъатнинг ифода чегараларини қанчалик кенгайтиришмасин, ана шу мезонлар доирасидан чиққанлари ўйқ, улар тасаввурни кенгайтиридилар, хис-туйгуларни қитиқлашди, фикрни кучайтиришди, аммо эстетикага зид ишлар қилишгани ўйқ. Мен адабиётнинг, унинг тасвири, акс эттиришининг чегараси ўйқ деган гапга қўшилмайман. "Изм"ларнинг ва изланишнинг ҳам чегараси бор, у тасаввур, эстетика, ахлоқ ва гуманизм чегаралариидир. Ана шуларга ёт нарсаларни мен асар сифатида, санъат сифатида қабул қилолмайман.

7. Адабий танқид масаласи бугун ўта долзарб муаммога айлангани рост. Адабий танқид китобхондан бир қадам олдинда юриши керак. Илгор хориж мамлакатларида ўқувчилар дидини тарбиялайдиган маҳсус тўгараклар бор, газеталар бор, маҳсус адабий дид билан шугулланадиган гурухлар бор. Бизда бу иш адабий танқиднинг ихтиёрига ташлаб кўйилган. Адабий танқид эса бугунги ўртача ўқувчи даражасидан ўсиб чиқолгани ўйқ. Адабиётшуносларимиз хафа бўлишмасин. Адабий танқид дегани фақат адабиётшунослик эмас, ёзувчи, шоир, файласуф, социолог, умуман, зиёли қатламнинг ҳаммаси шу доирага киради. Бу дард ҳаммамизники. Масала шундаки, адабий дид кундан-кунга майдалашиб, хирадашиб бораояти. Унинг хирадашибида оммавий маданият билан бирга, ёзувчиларнинг, танқидчиларнинг ўзлари ҳам хизмат қилишмоқда. Кўча чўпчакбозлигининг танқидчилари пайдо бўлди. Улар ана шу чўпчакбозликин бевосита адабиётга дахлдор қилишга тер тўкиб меҳнат қилишшайти. Туппа-тузук ёзувчилар кўча чўпчакбозлигига ўтиб кетиши. Ҳа, майли, тирикчилик-да (косибиличик кўлидан келмаганларнинг бунақа тирикчилик қилиши гуноҳ ҳам, айб ҳам эмас, аксинча, сўз оҳорини билмайдиган кўча ёзувчиларидан афзалроқ), деб юрган эдик, аммо улар энди бу чўпчакбозликин адабий асар сифатида даво қилишшайти, бу адабий жараёнимизда хавотирли ҳолат пайдо бўлганини билдиради. Йўлдош Солижоновнинг айнан шу масалада куйиниб ёзган мақоласига бошқа бир адабиётшунос эътиroz билдири, гўё бу билан адабиётшуносликда фикрлар хилма-хиллигини намойиш қилди. Аслида, бу эътиroz моҳиятн олганда, чўпчакбозликин адабиётта тиқиширишдан, адабиётда пайдо бўлаётган майда манфаатларнинг намойишидан бошқа нарса эмас эди. Яқинда бир туппа-тузук адабиётшуноснинг эстетика талабларига жавоб бермайдиган бир ҳикояни оғиздан бол томиб мақтаганини эшигтгач, адабий дидимиз анча хатарли вазиятга

тушиб қолганини ҳис қилдим. Танқидчи ёзувчи, шоирлар билан бирга адабий дид учун масъуллардан бири. Унинг бу дидни туширишга, соя солишга ҳақиқи йўқ. Бугунги адабий танқид ўзининг фаолиятсизлик даврини бошдан кечираяпти. Уларнинг айримлари назарияпарастлик билан, айримлари чўпчакбозлигини адабиётбозлитика айлантириш билан машғул бўлишагатки, бундан хавотирланмай бўлмайди. Илгари ҳам ёзгандим. Миллый дид, жумладан, адабий дид ҳам худди давлат чегаралари каби қўриклиниши шарт. Фақат бу ерда "чегарачилар" ёзувчилар, танқидчилар, олимлар, зиёлилар бўлиши керак. Агар биз шу пайтгача шаклланган адабий дидни бой берсак, адабиёт яшаб қолиш имкониятини бой берган бўлади, ўрнини оммавий маданият намуналари бўлган тижорат асарларига бўшатиб беради. Тижорат адабиёти эса ҳеч қачон миллатни тарбия қилмайди, уни глобаллашув даврида пайт пойлаб турган бошқа мафкураларга ем бўлишга, ютиб юборишига замин тайёрлайди. Ана шунинг учун ҳам бу хавотирли ҳолат.

8. Санъат ижодкорнинг ўзини намоён этиш усулидир. "Ўзини" деганда, кўп нарса назарда тутилади. Бу ерда ўзлик, давр, замон, жамият, қарашлар, тушунчалар жамулжам бўлади. Ҳар бир ижодкор ўзини ўзига хос ифода этгиси, шунга мос услугуб, шакл танлагиси келади. Худди бармоқларимиз каби ижодкорнинг дунёни қабул қилиш тарзи ҳам бир-бирига ўхшамайди. Тўғри, услугубий яқинликлар бўлиши мумкин, лекин айнан тақори бўлмайди. Қодирий билан Чўлпоннинг мъянавий қарашлари бир-бирларига яқин бўлса ҳам услублари бир-бирларига ўхшамайди. Бу воқеликни қўриш, ёндашиш ва акс эттиришнинг ўзига хослигидан дарак беради. Ҳа, бармоқ излари каби, агар ижодкор шахс бўлса, улар бир-бирларига ҳеч қачон ўхшамайди. Бир-бирига ўхшамагани учун ҳам биз адабиётнинг майдони, чегараси, усули кўп ва кенг деймиз. Адабий хилма-хиллик – шахслар хилма-хиллигидир. Шахс бўлмаган ижодкорнинг асарлари худди инкубаторнинг тухумлари каби бир-бирининг ё у жиҳати, ё бу жиҳатининг тақори бўлади, холос. Шахс бўлиб шаклланган ижодкорнинг асарларигина ранг-баранг бўлади, бундай ижодкорлар адабиёт учун воқеа бўлаолади. Қогоғ қоралаш, ёзув устида тер тўкиш, жилд-жилд китоблар чиқариш, тил қонуниятларига амал қилиб жумлалар тузиш, эга-кесимни жойига қўйиш, "ижодкор" деган номга сазовор бўлиш, кўпчиликнинг кўлидан келади, аммо камдан-кам ижодкорлар шахс бўлиб шаклланади. Шахс бўлиб шаклланмаган ижодкор эса адабиёт учун шунчаки ўткинчи ҳодиса. Бугун бор, эртага йўқ. Адабиётнинг шафқатсизлиги ҳам шу ерда. Минглаб одам асар ёзади, адабиёт эса фақат битта-иккитасини эртанги кунга етказади. Қолганлари шу замоннинг йилномалари каби ўз даврида қолиб кетаверади. Шунинг учун шахслар яратган услубларигина адабий жараёнга ҳам, адабиётга ҳам "кувват", янгиланиш, тоза ҳаво беради. Ранг-баранглик – шахслар ранг-баранглигидир.

9. Ёзувчини миллат виждони дейишади. "Миллатга виждон" бўлиш масъулиятли ва шарафли мақом. Ижодкорнинг бурчи ана шу мақомга содик қолиш ва ҳалол бўлишdir. Тўғри, барча замонларда ёзувчилар ўткинчи масалаларга, давр билан боғлиқ муаммоларга муносабат масаласида ҳар хил қарашларда бўлгандар. Ўткинчи қуашларга боғланиб қолиб, адабиётнинг бош вазифаси унуптиган ҳолатлар ҳам бўлган. Масалан, мен Солжиницинга ҳурмат билдириган ҳолда, унинг рус адабиёти учун жуда кам асари эртанги кунга қолади, деб ўйлайман. Асосий асарлари шўро тузумини фош қилишга қаратилди. Бугун эса бу асарларнинг унчалик ҳам аҳамияти йўқ. Давр билан бирга Солжиницининг довруғи ҳам сўнди. Лекин мен, барибир, фаол фуқаролик тарафдориман. Ёзувчи учун ўткинчи муаммо йўқ. Агар у муаммо миллат, Ватан, инсон тақдирига дахл қилаётган бўлса, бу масалага ёзувчи аралашishi ва ҳам бўлишида ўз ҳиссасини кўшиши керак, деб биламан. Рус тафаккури XIX асрда Белинский, Герцен, Добролюбов, Чернешевский, кейинчалик Толстойнинг фаол фуқаролик позицияси маҳсул бўлган фикрлар билан равнақ топганини ҳеч ким инкор қилолмайди. Абадий мавзулар билан бирга инсонга, унинг келажагига, гуманизм ва эркинликка дахл қилаётган масалаларга ўз муносабатини билдириш ижодкорнинг бурчи ва вазифасидир. "Санъат санъ-

ат учун" қараш тарафдори бўлган Томас Манн, Стефан Цвейглар фашизм билан келишмай, юртни ташлаб кетищди ва умрларининг охиригача антифашист (коммунист эмас) бўлиб қолишиди. "Санъат санъат учун" деган қараш ижодкорни майда-чўйда масалаларга ўралашиб қолувчи публицист бўлиб қолищдан асрash учун айтилган... Ҳамма гап шундаки, ёзувчи Худо берган истеъдодини ўткинчи курашларга бағишламаслиги, "атомни ўтин ёриш учун" ишлатмаслиги керак. Унинг буюк миссияси инсон қалбини поклантириш, инсонни бани олам уйғунлиги йўлида руҳлантириш, унга матонат бағишлиш, инсонни олий ҳидоят сари ундаш, инсоннинг хаёли ва тафаккурига қурдат, куч ато этишдан иборат. Ана шу йўлда у ҳар сония, ҳар куни ва ҳар доим ёниб яшаши шарт бўлади.

10. Бу масала ҳақида кейинги йилларда кўп гапирилаяпти. Албатта, хавотир ўринли. Кўча чўпчаги билан, адабиёт бошқа-бошқа нарса. Адабиёт ва маданиятни теран тушунадиганлар ҳатто АҚШда ҳам Фолькнер, Хемингуэй, Вульф, Торnton Уайлдер қаторига ҳеч қачон Артур Хейли ёки бошқа бестселлер ёзувчиларнинг номини кўшиб санашмайди. "Бестселлер" инглизча "best seller" сўзларидан олинган бўлиб, "энг кўп сотилидиган" деган маънени билдиради. Бу ерда китобнинг сифати, адабий қиммати эмас, унинг тижорат қиймати биринчи ўринда туради. Шу сабабли, кўча чўпчакларини "адабиёт" деб эмас, оддий "тижорий асарлар" ёки "бестселлер" деб аташ керак. Ана шунда адабиёт билан кўчанинг енгил олди-қочдилари ўқувчиларни чалғитмайди. Бироқ бу ерда ҳам, энг аввало, танқидчилар ва ёзувчиларнинг муросасиз нигоҳи, кузатуви ҳамда муносабати керак бўлади. Адабий дид миллий бойлик ҳисобланади. У асрлар оша сайқалланиб, ривожланиб келади. Уни туширишга ҳеч кимнинг ҳақиқи йўқ. Бу дидни саёзлаштиришга қилинган ҳар қандай ҳаракатга қарши аёвсиз курашиб керак. Асарлар билан, муносабат билан, танқидшунослик ва адабиётшунослик билан. Бу – бизнинг адабиётшунослигимизнинг бурчи. Агар жиловни кўча асарларига бериб қўйган эканмиз, бу ерда адабиёт учун масъуллардан бошқа ҳеч кимни айблаб бўлмайди. Тасаввур қиласайлик, уйимизга болаларимизнинг соғлигига, ахлоқ ва ўлчамларга зарап берадиган одатми, вирусми, ҳашаротми кирса, дарров бу нарсалардан қутилишга ҳаракат қиласиз, уйни тозалаймиз, тарбия билан жиддий шуғулланамиз, ташвишга тушамиз, тики ана шу хатар йўқолмагунча тинчимаймиз, ҳаловат билмаймиз. Адабий дид бора-сида ҳам худди шундай бўлишимиз керак. Адабиёт ёзувчиларнинг "уйи", меҳроби, унга гард юқтирмаслик ҳаммамизнинг бурчимиз. Адабиёт "энг кўп сотилишга" эмас, энг юксак дидни, нафосатни ва инсонпарварликни тарбиялашга, уни ўстиришга хизмат қилади. Диди баланд миллат эса улуғ эврилишлар қилишга қодир миллатdir. Чунки дид – бу маданият, тафаккур тарзидир, ҳам иқтисодда, ҳам руҳониятда, ҳам фикрда, ҳам маданиятда эртанги кунга ёқилган маёқдир. Бугун биз қандай маёқ ёқсак, эртанги авлод ўша маёқ нури билан ҳаётга назар солади, ўша маёқ нури билан аждодларимиз ва бани башар қолдирган меросга, қадриятларга муносабат билдиради, ўша маёқ нури билан баҳо беради, яшайди. Бугунги адабий жараён ана шу масъулиятни унумаслиги керак, деб ҳисоблайман.



Бир дараҳт новдалари

Ўзлик ~ қалбларда нұрдір

Ўзлигимиз

Дунёда миллат күп, дунёда халқ күп,
Бары – одам ўғлы, лекин фарқи күп.
Ўзлик амали ёр, феълли, зағорлы,
Ўзлик келбати бор, номусли, орли.

Хар бир хонадоннинг тутими ўзга,
Либоси, безаги, ер, қуми ўзга.
Ён қўшининг – жон кўшининг, дейшишар бизга,
Хар бирининг меҳмон кутуми ўзга.

Баримиз – илдизи бир туркiiй авлод,
Хар биримиз туздик бир макон обод.
Ота мерос ғурур, шаънимиз бирдир,
Тўлиб-тошган ўзлик – қалбларда нұрдір.

Қорақалпоқ қалпогидан бўйлашиб,
Кўхна тўйлар кечәётib сўйлашиб,
Минг тилликлар ўтаётир сийлашиб,
Қадим-қадим томирларни ийлашиб.

Оролбўйин ота макон айлаган,
Иссиқ қони юракларда қайнаган.
Ўз уйини қушлар ташлаб кетмади,
Боболарим кўзим ёшлиб кетмади.

Бироқ, кетган қайтди тупроққа яна,
Ажододлар чорлаган қучоққа яна.
Ўзга юртда тополмади чин макон,
Тополмади бундай ҳаво, бу осмон.

Бу маконга тинчлик уругин сочиб,
Элбошилар элим, дея йўл очиб,
Шу йўл тортиб, етиб келдик ҳурликка,
Нима етсин бу жаҳонда бирликка?!



**Набийра
ТОРЕШОВА**

1953 йилда туғилган. Қорақалпогистон халқ шоюри. Нукус Давлат педагогика институтининг филология факультетидаги ўқиган. Шоиранинг “Ёшлигим менинг”, “Уч овоз кўшиги”, “Паризод”, “Азизим” сингари шеърий тўпламлари ҳамда пъеса ва қиссалардан иборат катор китоблари чоп этилган. Набийра Торешова айни пайтда, “Амударё” журнали Боши мұхаррири ўринбосари лавозимида ишламоқда.

Халқым, ёргөт, түкис, түллин ойларинг,
Сенинг билан эзгу ишга бойландим.
Тенглигимиз дунё турғуничы, бил,
Корақалпоқ отли олтын заркоки!

Устоз Зулфияга

Одамзод макони шу она ердан,
Гуллоласи каби яралдинг нурдан,
Күнгилларга ёргөт ҳис солиб сирдан,
Юлдузлы осмонда жавлон урган қиз.

Күп экан дунёning галаёнлари,
Гоҳ огули, гоҳо шириң онлари,
Битаверса, қани, дил армонлари,
Бариси қалбыда йиглаб турған қиз.

Баҳор гуллаганды ишкә ёлқинида,
Ердан айро тушиб, қора тошиңида,
Юраги ўртаниб, күн ила тунда
Олимжонни ёдлаб, құшиқ өзған қиз.

Икки құлда, икки фарзанд етаклаб,
Яна халққа күйлар түкдинг этаклаб,
Ёр ихлосин юрагинға мададлаб,
Садоқатниң сувратини чизган қиз.

Неки оғир юклар ортингда энди,
Бахт – иқбол юлдузи ярқыраб ёнди,
Ватанини суюб, ҳар дам суюнди,
Эл меҳрини ич-ичидан сезған қиз.

Барча оналарнинг онаси каби,
Мұхаббат гултожи, донаси каби,
Күшиқ дунёсининг лоласи каби
Зулфия исмли давру даврон қиз.

* * *

Меҳрда ҳам ноз қалқыр
Күзингнинг қийисида.
Юзларингда ёз қалқыр
Нур ўйнаб мийигингда.

Созга бердинг күч ва ҳис
Сүйілаттырмоқ ишқида.

*Юзға бердинг тоза тус
Сир олмоқлык машқида.*

*Сабрларинг сиғарман
Кимлигимни билдириб.
Қармогингга кетарман
Нақ тилингдан илдириб.*

Яхши сүз

*“Яхши сүз – жон озиғи”, –
Күнгилларнинг ёзиги.
Хеч кимсани күздан қочирмай
Банд этарлик қозиги.*

*“Яхши”, деса қизингни,
Юзинг яшнайди гул-гул.
Ардоқласа қүшинингни
Дилдан дард арир буткул.*

*“Яхши”, деса ўғлингни,
Бұлқыллайди бовуринг.
Елканғдаги юкларнинг
Билинмайди оғири.*

*“Яхши”, деса ёрингни,
Бутун олам гуллайди.
Аямайсан борингни,
Севинчларинг селлайди.*

*“Яхши”, деса ишиңгни,
Яна тошиб кетасан.
Чарchoқ нима сезмасдан
Манзилингга етасан.*

*Яхши сүз – жон қуввати,
Юрагингни тошириар.
Яхшилик – қүш қанотти,
Дунёга гул очдириар.*

**Қорақалпоқ тилидан
Ойгул СҮЮНДИҚОВА таржимаси.**

Йиллар, воқеалар, тақдирлар



**Умарали
НОРМАТОВ**

1931 йылда туғылған. Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби. Тошкент Давлат университетининг (ЎзМУ) филология факультетида таълим олган. 1962 йылдан буён шу даргоҳда фаолият юритиб келмоқда. Олимнине беш юздан ортиқ мақолалари, элликдан ортиқ адабий-танқидий асарлари, дарслик, ўқув қўлланмалари чоп этилган. Жўмладан, "Насримиз уфқлари", "Етуклик", "Калб инқиlobи", "Қодирий bogi", "Ўткан кунлар" ҳайрати китоблари замонавий ўзбек адабиётчиносигининг ютуғидир.

ҚОДИРИЙНИНГ СҮНГТИ ИЛТИЖОСИ

Адид ҳаётининг ўқилмаган саҳифалари

Улкан сўз санъаткори Қодирий 1937 йил 31 декабрда ҳибса олинганидан сўнг, то 1956 йилга қадар, салкам йигирма йил давомида, унинг табаррук номини тилга олиш имкони бўлмади, фақат адабининг ўзи эмас, асарлари ҳам қатағон қаҳрига учраб, бу буюк зот ижодий мероси, қисмати ҳақидаги бор ҳақиқат сир сақланди. Мустабид ҳукмдор ва-фотидан сўнг, айниқса, эллик олтинчى йили, унинг мудҳиш кирдикорлари ошкоғ этилгач, кўплаб қатағон қурбонлари қатори Қодирий шаънини қайта тиклаш, ижодий меросини халқа қайтариш, адид фожиавий қисматига оид бор ҳақиқатни юзага чиқариш ҳаракати бошланди. Бу күтлуг юнда ҳақиқатпарвар, қалби пок, фидойи давлат арбоблари, адаблар, журналист, адабиётшунос олимлар қатори ёзувчининг садоқатли фарзандлари – Ҳабибулла Қодирий билан Масъуд Абдуллаевнинг хизматлари бекиёсdir. Ҳар иккалори ҳам сўнгги нағасига қадар, ота шаънини ўрнига кўйиш фикри-ёди билан яшаб ўтдилар. Ҳабибулла Қодирийнинг ҳаётлигига икки бор чол этилган "Отам ҳақида" деб номланган хотиралар китоби, умри сўнггида ёзилиб, вафотидан сўнг "Ёшпик" журналида эълон этилган "Қодирийнинг сўнгги кунлари" ҳужжатли хотира қиссаси, Масъуд Абдуллаевнинг бир қатор хотиралари қодирийшуносликнинг бебаҳо ҳужжатлари бўлиб қолди. Улар ёнига адабиётшунос олимлар, фидойи публицистлар, ёзувчиларимизнинг улуғ адид қисматига оид мақола, эссе, тадқиқот, риссолаларини ҳам қўшадиган бўлсак, бу борада, кўп хайрли ишлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз. Истиқлол йилларига келиб, қодирийшунослик кўлами янада кенгайди, теранлашди, адид ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш учун кенг йўл очилди.

Шунга қарамай, афсус, ҳанузга қадар Қодирий ҳаёти, фаолияти, унинг фожиавий қисмати, хусусан, Москвада Валерий Брюсов номли Адабиёт институтида ўқиган даври, шоҳ асарлари – "Ўткан кунлар" ва "Мехробдан чаён" романларининг дунёга келиш тарихи, адабининг уларга материал йигиш учун Кўжон ва Маргилонга қилган сафарлари, шунингдек, 1936 йилги Қозон сафари тафсилотлари етарлича ёритилган эмас. Айниқса, адид умрининг поёни – унинг қаерда, қай тарзда қатл этилгани, табаррук жис-

МИ – хоки-поки қаерда экани ҳанузгача аниқлангани йўқ. Тўғри, Давлат Хавфсизлик қўмитаси архивида сақланаётган “Абдулла Қодирий иши”да ўлимга маҳкум қилинганилиги тўғрисидаги суд ҳукми 1938 йил 4 октябрда ижро этилгани ҳақида аниқ ҳужжат-маълумот мавжуд. Аммо у қаерда, қай тарзда амалга оширилгани ҳусусида ишончли ҳужжат йўқ. Куюнчак адабиётшунос олимлар, жумладан, Собир Мирвалиев бу жумбоқни аниқлаш йўлида кўп саъни ҳаракатлар қилди, олимнинг 2004 йили “Фан” нашриётида чоп этилган “Абдулла Қодирий” китобининг “Қатағон фоҳиялари” бобида ана шу саъни ҳаракатлар жараёни батафсил ёритилган. Аммо уларни узил-кесил ҳақиқат деб қабул қилиш қийин. Камина ҳам бу борада, баъзи уриниш-суршиштиришлар қилганман, Ҳабибулла aka, Масъуд акалар йикқан маълумотлар билан танишганман. Қайта-қайта ўйлаб, сарҳисоб қилиб қарасам, айни шу жумбоққа оид Масъуд aka сўзлаб берган воқеа, гарчи узил-кесил ҳукм дейиш учун асос бўла олмаса-да, мавжуд маълумотларга, муҳими, Собир Мирвалиев суршиштирувлари натижаларига яқинлиги, уларни бир қатор янги тафсилотлар билан тўлдириши жиҳатидан қимматлидир. Хотирамда сақланиб келаётган бу но-дир тафсилотларни Масъуд aka Абдулла Қодирий таваллудининг 95 йиллигига бағишлиланган анжумандаги чиқишида, жамоатчилик олдида мухтасар тарзда баён қилиб, шу соҳага дахлор масъул ҳодимлардан ҳануз мавхумлигича қолаётган жумбоқни ҳал этиб беришларини илтимос қилган эди... Эртаси куни Масъуд aka билан учрашувда, мазкур масалага оид ўзига маълум тафсилотларни қозогза тушириб, матбуот орқали эълон этишни маслаҳат берган эдим. У бунга рози бўлган эди. Аммо натижасини кўрмадим. Улар қозогза тушганни-йўқми номаълум. Эҳтимол, бу машъум ҳодисани қозогза тушириш учун юраги дов бермагандир. Бу орада, Масъуд aka ҳам оламдан ўтди, ўша анжумандаги Масъуд aka нутқини тинглаганлар сафи ҳам тобора камайиб боряпти. Айни ўша нутқ, аникроғи, Масъуд aka суршиштириб билган 1938 йил 4 октябрь тунидаги воқеа шоҳид бўлган Миролим Миркомилов хотира-ҳикоясини сиз, азиз ўкувчиларга ҳавола қилишини лозим кўрдим.

Ўша ҳодиса шоҳиди Миролим Миркомилов – бешинчи уста ҳамда миришкор боғбон Қодирийнинг ашаддий муҳлисларидан саналган, бир неча бор адабининг Самарқанд дарвозада жойлашган боф ҳовлисидаги гурунгларда иштирок этиб, унинг суҳбатларини тинглаган. Ўз навбатида, Қодирий ҳам бу одамнинг Бўзсув бўйидаги боғида меҳмон бўлган. Ёзувчи бошига тушган кўргиликларни эшитиб, ичичидан ўртаниб юрган кезлари, қарангки, бу садоқатли зот адабининг умри поёни воқеаларининг шоҳиди бўлган.

Миролим Миркомилов, одатдагидек, ёз ойларини оиласи билан Бўзсув бўйидаги боғида, қиш кунларини эса шаҳар ҳовлисида ўтказарди. 1938 йилнинг эрта кузидаги оила аъзолари шаҳар ҳовлисига кўчиб ўтган, ҳали мева-чевалар охиригача йигиб олинмаганлиги учун боф ҳовлида танҳо ўзи қолган эди. Тунлар аёз. Бунинг устига бир ҳафтадирки, боф ортидаги жарликда содир бўлаётган тунги но-тинчликлар унга уйқу бермайди. Яirim тундан бошлаб, дам-бадам янграган ўқ овозлари, ўлимга маҳкум этилган шўрликларнинг оҳ-фигонлари, ингроклари, гоҳо калимаи шаҳодат садолари кулоғига чалинади, боғбонни безовта қилади. Энг сўнгги тун даҳшати ҳаммасидан ошиб тушади. Бора-бора боф деворига яқинлашиб, ўн беш – йигирма одим нарида қоронги тунда содир бўлаётган қотиллик жазаваси поёнида кутилмаган ҳодиса рўй беради. Бирин-кетин қисқа танаффуслар оша янграган ўқ овозлари, инграшлардан сўнг, девор ортидан боғбон кулоғига таниш овоз эшитида: “Татармисан? Мусулмонмисан?” Боғбон бирдан ҳушёр тортади. “Бу ўзимизнинг Қодирий-ку!” дея, ичдан овозсиз ҳайқиради. (Эҳтимол, Қодирий командирнинг рус тилидаги татарчага хос оҳангдаги буйруқларидан унинг татар миллатига мансублигини сезиб, шундай савол бергандир?) Шу заҳоти, боғбон орани тўсиб турган пахса деворга яқинлашиб, девор тирқишидан мўралайди. Тунги гира-ширада, бир-бирига рўпара турган командир билан маҳбусга кўзи тушади. Бояги саволга жавоб бўлмайди. “Сукут аломати ризо” нақлига амал қилиб маҳбус сўзида давом этади: “Командир ўғлон! Флягант борми?” Яна жимлик. Маҳбус энди ундан илтижо қилади:

“Худо ҳақи, умрим сүнгиди, сендан биргина илтимосим – фляғанғи беріб тур. Таҳорат олиб, иккі ракат намоз үкій. Бор-йұғи беш минут мұддат бер...” Сүнгі илтико ҳар қандай тош юракни ҳам әрітиб юборадың оханғда айттылғаннан боғбон үзини құярга жой тополмай қолады. Қолаверса, маҳбуснинг татарча лафзи, айттан сүзләри командирнинг тош юрагини юмшатди, шекилли, маҳбус үтінчини индамайгина бажо келтиради. Асраға тенг ўша фифону изтиробларга тұла дақиқалар қандай үтганини боғбон умрингин охирига қадар әслаб, эзилиб юради. Сүнг яна ўша таниши, аммо бу гал мардона овоз әшитилади: “Отанғга раҳмат, командир үғлон! Мен тайёрман! Буйруғингни беравер!” У ёғи нима бўлганини боғбон билмайди. Бирдан янграган ўқ овози қулогини кар қиласы, ўша сүнгі ўқ ўзига теккандай, эсидан оғиб, девор ёніга қулаб тушади. Бир пайт ўзига келиб, кўз очиб қараса, тонг ёришиб қолибди. Ҳам тонгги аёздан, ҳам бояғи кўргиликлар изтиробидан вужуди титраб, аранг ўрнидан туради. Таҳорат олиб, бомдод намози поёнида Қуръон тиловат қилиб, одатдагидек, бу кечак шахид кетганлар ҳақига бахшида этади.

Шундан сүнг Миролим Миркомилов девор ошиб, тунги ўзи шоҳид бўлган ҳодиса жойига боради. Боягина тупроқ тортилган соҳа чеккасида шахидлардан бирининг оёғи учи очиқ қолганига кўзи тушади. Бу эса, сүнгига шахид – Қодирийнинг оёғи экани аён. Қотиллар тонг ёришиб қолгани учун, охирги буйруқ ижросидан сүнг, ажал соҳига апил-тапил тупроқ тортиб жуфтакни ростлаганлар. Уста – боғбон дарҳол ортга қайтиб, бօғ ҳовлисидан кетмөн олиб чиқади, ялпи мозор – соҳига тупроқ тортиб, уни шиббалайди. Сүнг якка ўзи жаноза үқиб, шахид кетганлар, жумладан, қадрдони – буюк адид Қодирий руҳи поки олдидағи бурчини адо этади.

Кейинчалик, архив ҳужкатларидан маълум бўлди, ўша машъум 4 октябрь туни Қодирий қатори Чўлпон, Фитрат каби жами ўн саккизта зиёлилар қатл этилган. Эҳтимол, уларнинг барчаси, айни шу Қодирий жисми поки қулаган соҳига дағн қилингандир. Ўша машъум туннинг сүнгига қурбони балки Қодирий бўлгандир, Қодирийга ўқилган жаноза уларга ҳам бахшидадир...

Масъуд ака буларни ўша мудҳиш воқеа шоҳиди саксон ёшни қоралаб турган Миролим Миркомиловнинг оғиздан үтган асрнинг олтмишинчи йиллари охирида әшиттан, камина эса, Масъуд акадан әшиттаниларимни орадан йигирма уч йил үтиб, айни шу ҳодиса содир бўлган 4 октябрь куни изтироблар оловида ёниб қоғозга туширдим. Ҳодиса тағсилотлари оғиздан-оғизга ўтиш асносида, муайян таҳрир – ўзғаришларга учраши, табиий. Масъуд аканинг оламдан үтганига ҳам ўн беш йилдан ошашапти. Каминани ҳам bogлаб қўйгани йўқ. Кўзимнинг тиригига қадрдоним – Масъуд аканинг армон тұла арзи-ҳолини қоғозга тушириб, Қодирий муҳлислини ҳұмкига ҳавола қилишини бурчим, деб билдим. Мабодо, Масъуд ака Миролим Миркомиловдан әшиттан ўша машъум кечак шахидаги хотираларини вақтида ёзib қолдирган бўлса-ю, у топилиб, эълон этилса, менинг ёзғанларим, эҳтимол, ўз кучини йўқотар. Менинг битикларимда муайян сакталикларга йўл қўйилган бўлса, олдиндан узримни ҳам айтиб қўйишни лозим кўрдим.

Пировардиди, ўқувчи әзтиборини яна бир мұхим жиҳатта тортыб ўтсам: Миролим Миркомилов гувоҳлигига содир бўлган – ҳам унин қалбини ўртаган, ҳам уни пол қолдирган Қодирийнинг бақо бўсагасида ўзини тутиши, имон-әзтиқод бобидаги қатиъияти, лўнда, мардона сўзлаш тарзи, 1926 йилги унинг уюштирилган жинойи иш жараёни, хусусан, “Суддаги нутқ” номи билан аталган машхур ҳужжат руҳига тұла мос келади. Ўша нутқда шундай жумлалар бор: “Мен тўғрилик орқасида бош кетса “иҳ” дейдиган йигит эмасман... Кўнглида шамси губороти, тескаричилек мақсади бўлмоғон содда, гўл, вижданлик йигитта бу қадар хўрлиқдан ўлим танқисроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди, жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир”.

Бу бекиёс жасур сиймонинг орадан ўн иккі йил үтиб, рақиблари қаршисида: “Мен – тайёрман. Буйруғингни беравер!” дея қўксини ўққа тутиб бериши, кишида заррача шубҳа тұғдирмайды, аксинча, адид табиатига хос айни ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлайди.



Булоқ күз очди

Нигоҳимда үтпілар тұмындар изсіз

Күнгил манзили

Тоғларни согиниб бузилди чиллам,
Тонгимдан адаидим, вакт – учар гилам,
Лаңзам ибодатдир, манзилим – қыблам,
Йұлым жойнамоз, деб, чиқдим сафарга.

Емгерда маст қилди бүйләри гилнинг,
Энди камлик қылар түрт фасли йилнинг,
Сүзләри беркиниб олади дилнинг,
Топмайман неларни ёзай дафтарга.

Ватан, тоғларингда гулхан ёқаман,
Сойларингда жылға бўлиб оқаман,
Карвонлар қолдирган изга боқаман,
Шу йўлдан етгум бор бир кун зафарга.



**Наргиза
ОДИНАЕВА**

1988 йилда туғилган.
“Келажак овозы” тан-
лови вилоят босқичи
голиби. “Дўрмон”
ижодкор ёшлар се-
минари қатнашчиси.
“Йўлдаги мактублар”
китоби муаллифи.

ҚУВОНЧХАТ

Ёш ижодкорлар йигинининг очилиш маросими тугаб, катта-қичик аралаш ташқарига чиқаёттанимизда, бир киз ийманибина салом берди. Сўрашиб ўтиб кетавердим. Ҳамроҳим, камгапгина Шодмонқул Салом: “Шу киз – зўр шоира!” деб қолди. Бир пасдан сўнг. “Ростданми?” дедим, жиддий тортиб. “Ҳа, энди!.. – Ўша шеърлар мазасини ҳали ҳам туйиб, бошини сарак-сарак қилди Шодмонқул Салом. – Шеърларини ўқиб, сесканиб кетдим!”. Унинг галидан менинг эту суюгим жимиirlади! Тамом! Мен шу синглинизнинг шеърларига ошику бесарор бўлдим-қолдим! Шунака одатим бор! Бир жойда яхши китобнинг, шеърнинг дарагини эшигсам, бесабрлик билан излашга тушаман.

Синглиминг шеърларини топиб беришни сўрадим.

Кейин ўша анжуман қатнашувчиларидан бирини кўриб қолдим. “Наргиза деган бир қызниң шеърлари

Савол

*Кўк ва замин аро ҳадсиз макон бор,
Багрингда ардоқда гул бор, тикон бор,
Ҳаммага аталган йўл бор, аркон бор,
Багрингда ким бўлиб яшайин дунё?*

*Ҳаққа талтингувчи юлдуз – япроқман,
Гоҳида тўламан, гоҳи озроқман,
Қисмат қозонида куйған бодроқман,
Багрингда ким бўлиб яшайин дунё?*

*Билмайман, шомлардан ҳикмат олмоқни,
Мўминнинг кафтидаи нурга тўлмоқни,
Мен эглай олмадим одам бўлмоқни,
Багрингда ким бўлиб яшайин дунё?*

*Кўкда овози бор ҳатто қушнинг ҳам,
Тоғларда изи бор соvuқ қишининг ҳам,
Кулдай жавоби бор бул ёнишининг ҳам,
Багрингда ким бўлиб яшайин дунё?*

жуда яхши экан”, деди у. Мен эса, Шодмонқул Салом мактаган эгачимизнинг шеърларини суриштирган бўлдим. Аммо, на ўзини, на отасининг исмини биламан.

У ёқ-бу ёққа қўнғироқ килиб, хушхабар олдим. Синглизимизнинг шеърлари жуда юкори баҳоланибди. Илк китобини чикариб беришадиган бўлишибди... Исми – Наргиза!.. Наргиза Одинаева!

Мана, бир неча кунки, унинг шеърларини мен ҳам лаззатини туйиб юрибман. Назаримда, бу кизимиз барча истеъоддли устозлари каби адабиётга катта шоира бўлиб кириб келаяпти. Шеърлари ҳис-ҳаяжонга тўла, юракни ҳапқирирадиган даражада таъсири – оғрикли дардлар, аллакандай согинч, ўзига сиғмай тўлғанишлар, дашту дала янглиғ табиийлик...

Наргизанинг шеърларида олифтацилик йўқ. Шеърлари аллакачон ўзлаштирган йўлларда ёзилган. Аммо, улар ажиб бир кутилмаган чиройда балқииди. Демак, юрилавериб уваðаси чиққан йўлларни истеъод янгилар экан-да?!

Наргизанинг шеърларини уйдагиларга ўқиб бердим, шеърни қадрлайдиган дўстларга ҳам телефонда ўқидим.

Неча кунки, шундай кувониб юрибман.

Чунки, истеъод билан учрашув баҳт янглиғ юракни қанотлантиради.

Яна нима дей!

Наргизага шоирлик муборак бўлсин!

*Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири*

Барига

Йўллар мени кутиб, из тахтайверар,
Шамол юрагимни варақтайверар,
Кўнглим эшиклари тарақтайверар,
Кўнишиб қолганман бари-барига.

Күш бўлсанг – бургут бўл, бўлмагин гажир,
Йўқса, бошинг томон илонлар сатчир,
Нега тўрт фаслда гулламас анжир?
Кўнишиб қолганман бари-барига.

Тўхтамай югуриб ўтавер, анҳор,
Куздан кейинга бош қоронги баҳор,
Кўнглим нима экан, дунё – ўзи тор,
Кўнишиб қолганман бари-барига.

...Борманми, йўқманми, хоксор итингча,
Мени ранжитавер истаганингча,
Борар ерим, холос, қалдиргоч инча...
Кўнишиб қолганман бари-барига.

Ёмғир

Йўлларимда тақдирнинг кузлаб кетган боги бор,
Елкамда бир қуёшининг музлаб ётган тоги бор,
Кушларга ин кўнглимда мингта ойнинг додги бор,
Мени ёмон демагин, мени ёмон демагин.

Багримдаги қушларим ёнган қўшиқ истайди,
Сенинг меҳрингиз дилда бир бешик ҳувиллайди,
Жонингга озор берган янтоқлар ҳам гуллайди,
Мени ёмон демагин, мени ёмон демагин.

Фаслларга кўнмайди дилда унган чечаклар,
Дунёга тўйлар тилаб менинг сўзим куртаклар,
Ўзимга олиб қайтмас, ўзим айтган эртаклар,
Мени ёмон демагин, мени ёмон демагин.

Бунда бошим ҳазону кетган баҳор билмаса,
Қаҳратондек қисматим қошу кўзлик қымаса,
Йиглаятман, йигимдан айтсам кўнглинг тўлмаса,
Мени ёмон демагин, мени ёмон демагин.

Йүлларимда тақдирнинг кузлаб кетган боғи бор,
Елкамда бир қүёшнинг музлаб ётган тоги бор,
Мен-ку ерда юрибман, ҳатто ойнинг доди бор,
Мени ёмон демагин, мени ёмон демагин.

Бир куним

Юзимни онамдек силаса сабо,
Райхон таралади кокилларимдан.
Тошларига қўшиб оқизди дарё,
Мени чақириб ол, соҳилларидан.

Байроги бўлдим мен қизил шафакнинг,
Шом лангар ташлади лаҳзаларимга.
Пойларини ўтиб, қучдим тупроқнинг,
Энди не ёзилгай саҳфаларимга?

Нигоҳимда гуллар туйгулар изсиз,
Томиримга сизмай йиглайди қоним.
Ўрмак югураман ёзсиз ва кузсиз,
Сен мени кечиргин, қил бўлган жоним.

Кузойнагин тақиб улгурмай қуёш
Нималарни кўрар уфқдан-уфққача?
Қўксимга бош қўйиб, йиглаётган тош
Нени жойлаяпсан ичдан-ичгача?

Қизил шамларини ёкқандада само,
Қора ташвишлари ортди ҳавонинг.
Тунни елкалаган эй, бедил дунё,
Менинг юрагимга ботди товонинг.



Болалар дүнёси

ХАЛОСКОР

Эртак

Пешин пайты.

Саратон күёши қоқ тепада туриб қолган. Бутун борлық уннинг ҳукмига бош эгандай беҳол сукутга чўмган.

Қишлоқ чеккасидаги ҳовлида ҳам жимлик. Довдараҳтлар япроқлари қилт этмайди. Тонг азонда бошланган қушлар чуғури аллақачон тинган, тиқ этган сас эши-тилмайди. Кимсасиз ҳовлидаги бу оғир жимлик тагида аллақандай кўркув, хавотир яширингандай эди гўё.

Бир маҳал... Пешайвонда чумчуклар ваҳимали чирқиллаб ҳовли суқунатини бузишиди. Бўғотларда мурраба ўтириган бир жуфт мусиҷа сесканиб кетиб, ҳовлига учеб тушишиди ва яна ҳавога кўтарилиб, том бошига кўнишиди.

Пешайвон остида бир неча чумчук чирқираганча шифт кунжагидаги уялари атрофида чарх уриб учишар, тўсинлар оралаб эса қоп-кора илон уларнинг уяси томон сирғалиб борар, онда-сонда бошини кўтариб узун тилини кўрсатиб ғалати сас чиқарар, бўғзини шиширганча вишилларди. Илон яқинлашгани сари чумчукларнинг ҳам важоҳати ортди. Ини бузилган арилардай уялари атрофида парвона бўлиб, ҳовлини бошларига кўтарганча шовқин сола бошлашиди. Шунда, нима бўлдию, чумчуклардан бири айвон остидан учеб чиқиб, кўздан йўқолди. Қолганлари эса бир уя олдига кўниб, бир учеб яқинлашиб келаётган юҳони даф этишга, полапонларини ҳимоя қилишга уринишарди. Фалокат сония сари яқинлашиб келар, вазият таҳликали эди.

Шу пайт тўдадан айрилиб қаёққадир учеб кетган ҳалиги чумчук айвонга ўқдай отилиб кирди-да, тўғри бориб уяси олдига кўнди. Бошка чумчуклар ҳам негадир тинчиди, шифтнинг у ер, бу ерига кўниб олишиди. Жимлик чўқди. Сабаби, илон қаршисида митти паҳлавон – бузоқбоши пайдо бўлганди. Саккиз оёкли, боши гавдасига нисбатан каттароқ бу жонивор илонга юзма-юз қад ростлади. Олд оёқларига тиравланганча гавдасини у ёқ-бу ёқса тебратди. Илон жиҳдий рақибга дуч келганини ҳис этиб, ҳушёр тортиди. Хотиржамлигини йўқотди. Совуқ тусга кириб, тилини чиқарди. Чумчукчалар юрак ютганча бошланажак ҳаёт-мамот жангини кутиб туришарди. Шу пайт бузоқбоши мағрур керишди-да, бир сакраб илоннинг бошига кўнди



Жаббор ХАЛИЛ

1937 йилда туғилган.
Йижирмадан ортиқ,
насрий асарлар,
жумладан,
“Довул”, “Тақдир
бекатлари” номли
романлар, болаларга
багишланган
“Сирли сўқмоқлар”,
“Қисмат” каби
кўплаб қиссалар
муаллифи.

ва арасимон панжаларини ботирди. Илон ноилож қолиб, жон талвасасида бошини тебратга бошлади. Аммо митти жангчининг панжаларидан қутилишнинг иложини қила олмас, бузоқбоши эса ўзини хотиржам тутганча гўё рақибини эрмак қилаётгандай миқ этмай ўтираверарди. Илоннинг ҳаракати сусая бошлаши билан бузоқбоши ваҳимали бир чинқири-да, олдинги узун оёғи билан илоннинг ўнг кўзини ситиб юборди. Ва шу лаҳзанинг ўзида чўяндек бақувват қийшиқ тумшуғини омбурдай катта очиб-ёпиб кўрсатди-да, бир чўкишда илоннинг чап кўзини ҳам ўйиб ташлади. Кейин бир сакраб, ёғоч тўсинга ўтиб олди. Икки кўзидан ахраган илон калтакесак каби совуқ тупроқ туисига кирди ва ҳолсизигина буқчайганча пастга қулади. Уя олдида ёнма-ён турган икки чумчук қанотларини хушжол ўйнатишиб, бир-бирига теккизиб олишиди. Айни ҷоғда яна бир ҳодиса рўй берди. Ҳовли чеккасидаги якка терак учиди атрофни зийрак кузатиб турган қора қарға пастга шўнғиди ва ерда тўлғаниб ётган мағлуб илонни чангалига олиб ҳавога кўтарилди.

Бузоқбоши мәгрүр чириллади. Чумчұқтар уннинг ёнига келип құништи. Митти паҳлавон "Хүш, қалай", дегандай уларға қараş қылди. Чумчұқтар "Рахмат сенға, раҳмат сенға", дегандай бараварига чуғуралашты. "Ха, буни ҳамкорлик дейдилар, ҳамкорлиқда ғап күн" деган каби бузоқбоши файласуфона баш иргеди. Шундан сүнг миннатдор чумчұкларнинг бири бузоқбошини панжаларыда авайлаб тутганча қанот қоқди ва ҳовли оша кенглиklар бағрига сингиб кетди.





Ёшлар дафтаридан

Йүтимиз ёритар күкдәм ҳилол

* * *

*Юр, бизни боғларга чорлар муҳаббат,
Биз юрган йўлларга райҳонлар экиб.
Ҳижрон азобида қийнама фақат,
Чинордай қадимини қўймагин букиб.*

*Юр, бизни тоғларга чорлар муҳаббат,
Дасталаб тутади қизгалдоқларин.
Келмасанг, дилимда дардим қатма-қат,
Армонлар ҷалмасин қўнгироқларин.*

*Юр, ўтли чоғларга чорлар муҳаббат,
Йўтимиз ёритар кўкдаги ҳилол.
Юрак ҳисларимиз боғлар муҳаббат,
Омаду баҳтишимиз кулар, эҳтимол?!*


*Юр, бизни соҳилга чорлар муҳаббат,
Анҳорнинг бўйида хаёл сурайлик.
Юракда яшиасин севги тоабад,
Ерда ҳам, кўкда ҳам бирга бўлайлик.*

* * *

*Бу тун кирмоқчиман тушингизга, мен,
Йўқ деманг, ўтинчим қўлманг эътиroz.
Ҳеч йўқса, бўлайин бўйнингизда менг,
Илтимос ҳайдаманг,
Үйгонманг бироз.*

*Бу кун юрмоқчиман ҳушингизда мен,
Олиб ақлингизни, девона айлаб.
Наҳом, хаёлингиз бўлса шунча кенг,
Келинг, хаёлингиз қиргоги бўйлаб?!*

*Мудом қолмоқчиман қўнглингизда мен,
Муҳаббат қасри ҳам нурга тўлади.
Қабул қолсангиз дунёдаги энг
Баҳтиёр бўлардим,
Баҳтили бўлардим!*



Раҳматоқон
ҚЎРҒОН

1990 йилда туғилган.
Сирдарё вилоятида-
ги Гулистан санъат
колледжини туғатган.
Шеърлари матбуотда
эълон қилинган. "Ким-
гадир яхшиман" кито-
би муаллифи.

Сирдарё

Сохир тун

Кеч тушибди...

*Қайдаадир құрбақа саіраб,
Атрофға таратар ажисб овозин.
Қайсиидир бурчакда чигиртка яйраб,
Чертиб-чертисб қүяр қадимий созин.*

*Қайдаадир сарин ел күзи илинган
Дараҳтлар барғини шовиллатади.
Тұлин ой – дирижёр, юраги тұлған
Итларни қайдаадир увиллатади.*

*Қайдаадир мушуклар оёқ учиды
Томининг қөвурғасин қыттыглаб үтар.
Қайсиидир жұмракдан оққан томчилар
Чинни ёстиқларга сингишиб кетар.*

*Бу жозиб, бу турфа, фусункор саслар –
Сохир тун қызининг тақынчогидир.
Е күкка син солиб ётған йигиттининг
Субхи содиққача овунчогидир.*

*Ажаб! Тун – шовқинли суқунатмикин
Ва ё суқунатли шовқин, билолмам?..*

Сен

*Хар бүёқда сенинг рангинг бор,
Хар товушдан келади сасинг.
Хар укқунда ялтирайдурсан,
Хар томчыда, ох, сенинг аксинг.*

*Мұхринг бордир ҳар бир заррада,
Хар қаричда намоёндирсан.
Сен – ҳар недан күхнасан бутқул
Ва ҳар недан нақириондирсан.*

*Қаён бокмай, дүч келдим сенга,
Борлық сендан иборатми ё?
Бу дүнә ҳам сенинг гиштингдан
Бино бўлган иморатми ё?*

*Сендан қочиб, қайга кетаман,
Қочган сари – сенга етаман.*

Тошкент

* * *

Менинг күзларымда жүші урап севинч,
Бошимга баҳт қуши құнди, биродар.
Яшамоқ, гулламоқ келди имкони,
Бизнинг давронимиз осмонга қадар.

Шу улуг заминда эң буюк неъмат,
Эркинлик демакидір, осуда яшаши.
Орам тонар бунда боболар рұхы,
Ватан меҳринг худоди қүёшга ўхшаш.

* * *

Ким бўлибман, сизни севишга,
Сизни севсин: Фарҳод, Мажнунлар.
Ҳаққим йўқдир, ёрим дейтишга,
Сочингизни эркалар тунлар.

Мен – бир оддий, содда боламан,
Сиз – самода порлаган юлдуз.
Сиз – бутун борлиқнинг маликасисиз,
Мен эса яшадим, тунларда ёлгиз.

Охири йўқ соғинчман балки,
Тўфондайин учади дардолар.
Сизга бориб – етмай, қайтади,
Ой нуридан битилган хатлар...

Жиззах



Хусан РАВШАН

1987 йилда туғилган.
“Келажак овози”
қўрик-тапловининг
вилоят босқичи голиби
бўлган. Шеърлари ва
ҳикоялари даврий мат-
буотда мунтазам чоп
этилмоқда.

Меросимизни ўрганамиз



**Хафиза
АСЛАНОВА**

1985 йилда туғилған. Самарқанд Қазақстан Университетінде филология факультетини тамомлаган. Ҳозирда СамДЧТИ ақадемик лицеейда катта ўқытувчи. “Қайдасан, меҳр?”, “Менинг Урганчим – менинг Урганжым” ва “Сизга айттар сүзим бор...” номлы шеърий, настрий тұпламалари чөп этилған.

Айни кунда, XV аср шеърияты поэтикасы, хусусан, Гадоийнинг лирик мағорати устида илмий изланишлар олиб бормоқда.

ГАДОИЙНИНГ ФОРСИЙ ҒАЗАЛИ

Ўзбек мұмтоз адабиетіда зуллісонайынлик аңынасы XV аср бадиият майдонида ўзига хос ўринга эга. Ўша даврда яшаган ўзбек мұмтоз адабиётининг ёрқин намояндаларидан бири Гадоийнинг ғазал жанри тараққиетига құшган ҳиссаси ҳам салмоқлидир. Маълумки, Гадоий ҳақидағи маълумоттар фақат Навоийнинг “Мажолис үн-нафойис” тазкирасындағина учрайды: “Мавлоно Гадоий – түркігүйдір, балки машоҳириндур. Бобур Мирзо замонида шеъри шұхрат тутти. Бир навын айттур ва аник машиұр матлаларидан бири будурким:

Оқим, девона күнглум мубтало бўлди яна,
Бу күнгүлнинг шлқидин жонга бало бўлди яна.

Мавлононинг ёши тўқсондин ўтубдур. Бу матлаъ аниңдурким:

Дилрабо, сенсиз тириклиқ балойи жон эмиш,
Ким аник дарди қошида кюз ўлум ҳайрон эмиш”.

Навоийнинг “Мажолис үн-нафойис” тазкираси түркій адабиётимизнинг гавҳарларидандыр. Ушбу асарнинг таржималари Навоий вафотидан “20-22 йилдан сүнг амалға ошди. “Мажолис үн-нафойис”ни форс-тожик тилига ўғириш масъулиятини бир вақтнинг ўзида иккى маданий марказда иккى таржимон ўз зиммасига олади. Ҳиротда 1521-1522 йиллар орасыда шоир ва фозил Султон Мұхаммад Фахрий Ҳиротий ва 1522-1523 йилларда Қазвина Мұхаммад Ҳакимшоҳ Қазвиний бу ишни амалга оширилділар”, деб таъқидлайды навоийшунос олим Раҳимжон Воҳидов. Мутаржимлар ишини фақат таржима деб эмас, балки асарнинг форс-тожик тилидаги янги тўлдирилган варианти дейиш мүмкін. Чунки Навоий қайд этган ижодкорлар сони таржима асарларда бойитилған ҳолатда эканлиғи яқзол кўзга ташланади. Фахрий Ҳиротийнинг “Латойифнома” ва “Радойиф үл-ашъор” асарларига мурожаат қылғанимизда, шу нарса маълум бўлдики, “Фахрий қаламига мансуб “Латойифнома”нинг Британия музейида сақланаётган 7669 рақамили нусхаси”нинг 83 саҳифасида Гадоий ҳақида маълумотлар мавжуд. Үнга кўра, 239 тартиб рақамида Гадоий тўғрисида шундай фикрни учратдик: “Мавлоно Гадоий аз шуъаройи машоҳир түркігүй аст, дар замоне Бобур Мирзо шеъри ў шұхрат гирифт. Ин матлаъ турки аз ў аст:

Ожким, девона күнглум мубтало бўлди яна,
Бу күнгулнинг илкидин жонга бало бўлди яна.

Ин матла аз ўаст:

Дилрабо, сенсиз тириклик балойи жон эмиш,
Ким анинг дарди қошида юз ўлум ҳайрон эмиш”.

Кўриниб турибдики, ушбу фикр “Мажолис ун-нафойис”нинг форсий тўлиқ таржимасидир. Лекин, Фахрий Ҳиротий “Радойиф ул-ашъор” (“Радифдош шеърлар”) баёзида XV аср форс-тожик тилида ҳам шеърлар ёзиб, маълум эътиборга эга бўлган ижодкорлар рўйхатини тузиб, ғазалларидан намуналар келтирган. Ушбу асар ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўллэзмалар фондида 7695 инвентарь билан сақланмоқда. Асарнинг 4-б саҳифасидаги мундарижа қисмida “Мавлоно Гадоий қуддисия сирруху” тарзида номи келтирилган ва 46-б саҳифада эса, Гадоийнинг беш байтли ушбу ғазали ёзилган:

Чашмони ман з ашк дамодам чу лолаҳо,
Доранд аз фироқ ту пурхун пиёлаҳо.

Набвад гизоларо чу ба ҷашми ту нисбате,
Айни ҳатост нисбати ўроғазолаҳо.

Килки қазо ба сафҳайи он руий дилкушо,
Аз мушки тар навишта ба ҳӯби рисолаҳо

Эй най агар з дарду жудоий з ман нафас,
Як дам биёки бо ту барорем нолаҳо.

Бо лаъли ёр ҳамчу Гадоий бабазми хеш,
Дорам з хуни дийда лаболаб пиёлаҳо.

Мазмуни: Кўз ёши билан тўлган менинг кўзларим дам-бадам полага ўхшаб кетади, улар худди ҳажр қони билан тўлдирилган пиёлага ўхшайди. Кийикнинг кўзлари ҳам ҳатто сенинг кўзларингга тенг кеполмайди, қиёслаб бўлмайди. Айни шундай ўхшатиш Гадоийнинг туркий ғазалиётидаги ҳам учрайди:

Сайрон қилан ҳиромлаб ушўл лолазор аро,
Сайд-и Хўтман ва ёхуд Эрамнинг ғазолидур.

Мазмуни:

Лолазорларда сайр этиб ноз юришлар,
Эрам кийик кўзли ёки Хўтман охуси кўзли ёр.

Қазо килки (тақдир қалами) оқ саҳифага мушкдан нақш туширганки, сенинг юзингдаги қошу кўзлар нақшлар каби жилога эга. Бундай байт янга Гадоийнинг туркий шеъриятида ҳам бор:

Ул зулфи ҳалқаки, пурпечу тоб эрур,
Сунбулдор аргувон уза ё мушк-и ноб эрур.

Мазмуни:

Сенинг сочинг бетакрор гўзалликка эга,
Асли тақдир қалами шундай чиройли яратган.

Эй най менинг жудолик дарди билан чиқарған нафасларимга сенинг ёрдамнинг да нолалар чиқарайлик. Ёр лаъли (лаби) хаёлида Гадоий қизнинг қон ёшларига тұла пиёлалағ айланди.

Фазал ҳақида Эркін Ахмадхұјаев ҳам үз монографиясида шундай ёзади: "Фахрий Ҳиротийнинг "Радойиф ул-ашъор" номлы тазкирасининг кейинги асрларда күчирилган мұкаммалпроқ нұсқасы(да)... XV асрнинг иккінчи ярми XVI асрнинг бошларыда яшаган ўзбек шоирларидан Мавлоно Лутфий, Амирий, Яқиний, Убайдий, Ҳусайнний, Заҳиридинн Мұхаммад Бобур, Мұхаммад Солих кабиларнинг форсий ғазаллари билан бир қаторда, Гадоийнинг ҳам форсий ғазали кириллгандығы маълум бўлди. Тўпламнинг 140-141 варагида Мавлоно Гадоийнинг форсий ғазали мавжуд.

*Чашмони ман з ашк дамодам чу лолаҳо,
Доранд аз фироқ ту пурхун пиёлаҳо.*

*Набвад гизоларо чу ба ҷашми ту нисбате,
Айни ҳатост нисбати ўро газолаҳо.*

*Килки қазо ба сафҳаи он руий дилқушо,
Аз мушки тар һавишта ба хўби рисолаҳо...*

Мазмуни:

Кўзёши билан тўлган менинг кўзларим дам-бадам лолага ўхшаб кетади,
Сенинг фироқинѓа бу лолаларнинг пиёлалари қон билан тўлатилган.

Кийик кўзларининг сенинг кўзларинѓа нима алоқаси бор?
Кимки сенинг кўзларининг унукига ўхшайди деса, жуда катта ҳатто қиласди.

У гўзалнинг юзи саҳифасига тақдир қалами
Унинг гўзлалиги рисоласини ҳўл мушк билан ёзиб кўйган".

Фазал Шарқ адабиётiga хос анъанавий ошиқона руҳда ёзилган. Унда ошиқнинг маъшуқасига таърифи турли истиора ва ташbih санъатлари асосида ифодаланади. Маълумки, ташbih тўртта жузв асосида ташкил топади. Гадоийнинг мазкур ғазали ҳар бир байти қўйидаги ташхиснинг таркибий қисмига эга:

1. Мушаббиҳ – нима ўхшатилган бўлса, ўша нарса ё тушунча – ҷашмон (кўз);
2. Мушаббиҳун биҳ – нимага ўхшатилган бўлса, ўша нарса ё тушунча- ашк (ёш);
3. Важҳи шабиҳ – мушаббиҳ билан мушаббиҳун биҳ орасидаги муносабат – пурхун пиёлаҳо (қон тўлдирилган пиёла);
4. Воситай ташbih – ўхшатилиш белгиси – дамодам чу лолаҳо (лолага худди қўйиладио).

Биринчи байт таҳлилига кўра, "ҳақиқий ташхис" санъати қўлланилган. Чунки, ташbih үнсурларининг барчаси иштирок этган ва шунинг ҳам у "ташибиҳи мұфассал" деб юритилади. Гадоийнинг поэтик маҳорати шунда қўринадики, байтда бекиёс ўхшатиш санъатидан фойдаланган. Яъни, кўз ёшларнинг лолага қўйилиб тўлиши, қон тўлдирилган пиёлалағ менгзалган.

Иккинчи байт таҳлили эса қўйидаги:

1. Мушаббиҳ – нима ўхшатилган бўлса, ўша нарса ё тушунча – газолеро (кийик кўз);
2. Мушаббиҳун биҳ – нимага ўхшатилган бўлса, ўша нарса ё тушунча – бачашми (кўзларинѓа);
3. Важҳи шабиҳ – мушаббиҳ билан мушаббиҳун биҳ орасидаги муносабат;
4. Воситай ташbih – ўхшатилиш белгиси – нисбати (ўхшашлиги.)

Ушбу байтда ташbihнинг учинчи жузви йўқ. Шунинг учун ҳам у "ташибиҳи мужмал" типида ёритилган. Шуни таъкидлаш лозимки, шоир анъанавий ўхшатиш санъ-

ати бўлган – кўзнинг охуникига қиёсини келтирмасдан, маъшуқасининг кўзлари кийикнидан-да гўзал ва унга тенглаша олмаслигини моҳирлик билан яратади.

Учинчи байтда эса, Гадоий “ташбихи измор” (яширин) ўхшатишдан фойдаланган. Чунки, “килки қазо” (тақдир) ва унинг фаолияти натижасини –оқ саҳифадаги қора чизгилар, инсон юзининг қошу кўз каби нақшлари яширин тарзда нозик ҳислар билан ифодаланган. Кейинги байтнинг мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, икроқ санъати қўлланганлигини англашимиз мумкин. Бунда ақлан ишониш мумкин бўлган “най агар з дарду жудойи з ман нафас” (най билан ҳижрон навосининг дардли нафасини чиқариштик) келтирилади. Аммо, мазмунан ҳаёт ҳақиқатига тўғри келмайдиган “як дам биёки бо ту барорем нолаҳо” (бир бора келки (найга ишора) сен билан нола қўллайлик) каби фикр юзага чиқади. Мақтаъ байтда шоир анъанавий услугубда тахаллусини қўллаган. Байт “ташбихи киноя”да ифодаланган. Айни “лаъли” (мушаббих) туширилиб қолдирилган бўлса-да, ўхшатилган нарса (мушаббихун биҳ) номигина, яъни “лаб”га ишора сақлаганди. Аммо мушаббихни осонгина англаш мумкин. Чунки мумтоз шеъриятда лаб – қизил ёкutta қиёслаш санъати анъанавий тус олган шарқона поэтикага асосланилган. Гадоий ҳам, айнан шу услубдан фойдаланган, қолаверса, “лаб” сўзининг тушириб қолдирилиши байт маъносига халал бермаган, аксинча, уни янада кучайтирган.

Фазал арузнинг ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи аштар вазнида ёзилган ва у қўйидаги тақтий кўринишига эга:

Чашмони /ман зи ашк/ дамодам чу/ лопаҳо,
 - - V - V - V V - - V - V -
 Доранд/ аз фироқ/ ту пур хун пи/ёлаҳо.
 - - V - V - V V - - V - V -
 (Мағъувлу мафоъийлу мафоъийлу фоилун.)

Қолаверса, Гадоийнинг туркий шериятида ҳам 46 та ғазали арузнинг ҳазаж баҳрида ёзилган.

Кўриниб турибдики, қофияланища “о” унлиси чўзиқ ҳижони ташкил қилиб, аруз баҳри ритмининг аштар – шартли рукнида ёзилган. Айни ўринда, қофия лопаҳо-пиёлаҳо, ғазолаҳо, дилкушо-рисолаҳо, нолаҳо, пиёлаҳо сўзларида ифодаланиб, равий ҳам “о” унлиси дидир. Қофия а-а, б-а, а-а, в-а, г-а тизимига эга. Фазал тузилишига кўра энг кичик шакл бирлигига эга. Аммо, Гадоийнинг туркий ғазаллари сингари ташбиҳ санъати бетакрор сўз қўлланилишида акс этади.



Еазал бўстони



**Икромжон
АСЛИЙ**

1984 йилда туғилган. Андиксон Давлат университети филология факультетини тамомлаган. “Андиксон ёшлари” газетасида мұхаррир ўринбосари лавозимда хизмат қылади. Шоурнинг “Тонгги сабо”, “Андиксон чаимаси” шеърий түпнамалари нашар этилган. У Зомин семинари, “Келәжек овози” Республика күрик-тандлови вилоят босқичи голиби.

Мұхаббаттим мұқаддас

* * *

Сизни кутган тонгларим ойдин, мусаффо бўлдишлар,
Учрашиб кундузларим ҳам нурга ошино бўлдишлар.

Кўкда ой, офтоб, саноқсиз юлдузу сайдерлар,
Бошингизда чарх уриб, бир сизга шайдо бўлдишлар.

Лайлининг шайдоси танҳо Қайс эди олам аро,
Сизга-чи, мингларча ошиқ йўлда пайдо бўлдишлар.

Кўнглингиз топмоқ муаммосин қаламга олмишам,
Тахмису фарду рубоий ҳам муаммо бўлдишлар.

Бу замин зеболари пардозу одоб ўрганиб,
Олдию андозани гулчехра зебо бўлдишлар.

Сиз араз қылдингизу ўзга нигор топмоқ бўлиб,
Манзилим Фарғонаю Шошу Бухоро бўлдишлар.

Топмадим, қайтдим қошингизга мен Икромжонингиз,
Ҳисларим, дилрозларим бир турфа ишио бўлдишлар.

Йўллардаман

Чорламишидирсиз шитоб, йўллардаман,
Сиз кутинг, эй моҳитоб, йўллардаман.

Йўлларим унгай, бу марқаблар қатор,
Чусту, Тошкенту Китоб – йўллардаман.

Йўл азоби гўр азоби бўлмагай,
Менда тоқат, менда тоб, йўллардаман.

Бу ҳаёт йўлдири баҳога бошлаган,
Дўсту душманлар сероб йўллардаман.

Ким юрар – манзилга етгай, дейди эл,
Орзулар бўлмас сароб, йўллардаман.

Ошиқ Икромжонни гулмоҳи, кутинг,
Чорламишдирсиз, шитоб йўллардаман.

* * *

Эй дилим, дунё гамин қўй, дилрабони эслагил,
Хуш қалому хуши салом, хуш муддаони эслагил.

Кетдилар олисга сендан баъзи бир ошиноларинг,
Жон ила жисмингга дўст – чин ошинони эслагил.

Ишиқ эли маъшуқасин доно дея фаҳр айлагай,
Шул замоннинг зийнати – ақли расони эслагил.

Не сабаб, ҳолинг паришион, боқишинг беморга хос,
Бир нигоҳи беадад дардга давони эслагил.

Қўй букун Лайлою Шириннинг ширин афсонасин,
Барининг устози бўлмии маҳлиқони эслагил.

Соқиё, қўйғил тиниқ маёким, кўнгил тинсин яна,
Базми жамишид ичра ёр чалган навони эслагил.

Бас қил, Икромжон, у гулруҳ мадҳи мадҳингдан баланд,
Не қилиб қўйдинг, ўзинг қилган хатони эслагил?!

Атоийга тазмин

“Жамолинг васфини қилдим чамандা,
Қизорди гул уяттин анжуманда”.

Сенинг васлинг ҳамиша дилда матлаб,
Ёқарсан не учун минглаб гумонда?

Бирор борми чиройда сенга монанд,
Балиқчи ё Наманганд, Маргилонда?

Очарман сирларимни бирма-бир мен,
Ажабким, дилда асроринг ниҳон-да.

Сўрок-согинчларим саф-саф, санамжон,
Фақат нозу фироқ бор сен томонда.

*Синааб, қийнаб, санаб сонсиз сабабни,
Зерикмассан, сенга ишқим аён-да.*

*Севилган шоху севган құл әрүр, өөх,
Күлиң ташлаб кетиши шоҳга осон-да.*

*Чин ошиқлар чидар, дер аұлы мұмін,
Мениң бахтимға, майли, бүл омонда.*

*Бұлибдир элга афсона бу севгім,
Дегай қызлар: ишнжи – Зұхрахонда.*

*Бу Икромжонни қадрин англамай, сен,
Хамиша ноз-фироқ қылсанғ ёмон-да.*

Гап құлманғ

*Мұхаббатим мұқаддас, майдыңда гап құлманғ,
Мии-мишларга зұр беріб, үңгларимни чап құлманғ.*

*Лайло әмас у, ахир, мустақил юрт дилбари,
Мендан ұам сиз Мажнуннинг феълини талағ құлманғ.*

*Ошиқларнинг охлары юрагида тиңхона,
Ҳижрон билан висолни тарафма-тараф құлманғ.*

*Бир алдаңыз, гүзаллар иккінчи бор ишонмас,
Ёлғон-яшиқ ваъданы бүйніга садағ құлманғ.*

*Йүлга чиқсам висол деб, усиз омад завол деб,
Севгисизлар дағ бүлинг, мени ҳарғыз дағ құлманғ.*

*Икромжоннинг қалбида дона холли бир қыз бор,
Мұхаббатим мұқаддас, майдыңда гап құлманғ.*





Адабиётшунослик

ЎЗБЕК ПОЭМАЧИЛИГИДА МОДЕРНИСТИК ИЗЛАНИШЛАР

Жаҳон модерн адабиётининг бадиий-эстетик тажрибалари асосида ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларидан бошлаб, ўзбек модерн поэмаларининг ўзига хос тизими вужудга келди. Уларда жаҳон модерн адабиётининг кўпгина белгилари мавжудлиги кўзга ташланади. Зоро, XX аср бошларида Европада юзага келган модерн адабиёт ўзбек поэмалари табиатига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Унинг таъсирида ўзбек поэмалари мазмунан ва шаклан янгилана бошлади. Ўзбек поэмачилигидаги модернистик янгиланишлар кўпроқ шоирларнинг янгича, ноанъянавий изланишлари мисолида намоён бўлаётir. Буни, асосан, қўйидагиларда ўз аксини топган дейиш мумкин:

- 1) Қаҳрамон талқинида ва асарнинг гоявий-услубий йўналишида;
- 2) Асар композициясида;
- 3) Асарнинг поэтик синтаксисида.

Кўринадики, жаҳон поэмачилиги бадиий-эстетик тажрибалари икки йўналишда: жаҳон поэмачилиги намуналарининг ўзбек тилига ўғирилиши ва жаҳон модерн адабиёти ютуқларидан ўрганиш натижасида намоён бўлганлиги кузатилади.

Давр поэмачилигига модерн поэмаларнинг ўзига хос намуналари яратилди. Уларда шоирлар жамият, турмуш воқеиликлиридан кўра кўпроқ инсон ички оламининг руҳий тўлғамларини, кўнгил сирларини ифодалашга берила бошлидилар. (Масалан, Икром Отамуроднинг “Ичкари, ташқари” поэмасида шоир ўз нигоҳини ташқаридаги муаммолардан олиб, ичкарига – ботинга қаратади). Айниқса, XX асрнинг иккинчи ярми ҳамда XXI аср бошларида яратилган поэмаларда аста-секин субъективизм – кўнгил рози ошиб бораётгандиги кўзга ташланади. Таниқли адабиётшунос Умарали Норматов бунинг сабабини: “Бизда модерн адабиётнинг оқим тусини олиш жараёни милллий ўзликни англаш, милллий-диний қадриятларни тиклаш, жумладан, тасаввуф фалсафаси, адабиётига қизиқиш фоят кучайган бир даврга тўғри келди”, дея изоҳлайди. Бундай поэмаларда, кўпинча, “адашган, алданган, бехуда, самарасиз меҳнат-фаолиятга, маънисиз қисматга мубтало этилган шахснинг фожиасини очиб бериш, кутилмаган томонлардан ўзига хос тарзда бадиий таҳлил этишга интилиш кузатилади. Натижада, поэмаларда ҳам абсурд фояси ва абсурд қаҳрамонни



**Дилрабо
ҚУВВАТОВА**

1968 йилда туғилган.

Бухоро Давлат педагогика институти ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган. XX аср ўзбек адабиётшунослиги йўналишида “Сирли олам мусаввири”, “XX аср иккинчи ярми ўзбек поэмачилигига жсанр ва услуг ранг-барангизиги” монографиялари чон этилган.

Филология фанлари номзоди, доцент.

эслатадиган персонажлар" пайдо бўла бошлади. Жумладан, Икром Отамуроднинг "Ёбондаги ёлғиз дарахт" поэмасида дарахтга эрмак учун бесабаб ўт қўйиб ўтган Йўловчи, Наби Жалолиддиннинг "Чиптасиз одамлар" асарида кун бўйи оғир меҳнат қилиб топган чойчаасига фақат гул сотиб оладиган Фаррош образлари бунга мисол бўла олади. Қолаверса, бу асарларда ёлғизликка, жамиятдан, одамлардан қочиша интилиш foғида этилиши янгича бир тарзда давом эттирилган.

Модерн поэмаларда адабиётнинг оғзаки, мумтоз, жаҳон тажрибаларидан янги-ча услубий шаклларда фойдаланила бошланди. Масалан, Салим Ашурнинг "Атиргул" поэмасида анъанавий, халқона руҳ – оҳангга йўғрилган сатрларда қад ростлаб турган лирик қаҳрамон гавдаланади. Бироқ унинг табият ҳодисаларини кўриш, кузатиши ва идрок этиши тарзи ўзига хос янгича эканлиги кузатилади. Жумладан:

Хазон-яфроқлардан ўчоқ ясадим,
Шеърларим ёзилган дафтардан ўтин...

"Сунбула" халқ қўшиғидаги мажозга кўра, лирик қаҳрамон "қоғоздан ўчоқ ясаб, гулдан ўтин қилишга" чоғланган бўлса, Салим Ашурнинг "Атиргул" поэмаси қаҳрамони "хазон-яфроқлардан ўчоқ ясаб, унга шеър ёзилган дафтарини ўтин қилишга" чоғланади. Ҳар иккала шеърий асарни бирлаштириб турган жиҳат эса, улардаги мазмуний яқинлиқdir. Чунки иккала шеърий асарда ҳам ўз ёрига етолмаган ошиқ дарди куйланмоқда.

Салим Ашурнинг "Атиргул" поэмасида, айниқса, ноанъанавий ташбеҳлар кўп учрайди:

Тишларингдан ўқ яса,
Холларингдан тош-тош.

Маълумки, мумтоз шеъриятда киприкни ўққа, холни эса "қора қуш" ёки "қора ҳиндуда бачча"га менгзаш муайян анъана сифатида кўзга ташланиб кепган. Салим Ашур шу анъана руҳини сақлаган ҳолда, уни янгича (модерн) идрок билан ифода этишига уринган. У асарида киприкни эмас, балки тишни ўққа, холни тошга ўҳшатади. Бу билан унинг янада чуқурроқ ва кенгроқ фикр юритаётганданлигини англаш мумкин. Чунки у бу орқали ёрнинг ўзига ярашиб турган қадрли қора холини муқаддас қора тош каби суюкли ва ардоқли дейишга чоғланганлигига шубҳа йўқ.

Мумтоз шеъриятда ёрнинг лаби, асосан, ёқут ва инжуга ўҳшатилган бўлса, Салим Ашурнинг "Атиргул" достонида унинг тўлқинга ўҳшатилганлиги кузатилади:

Кўзлари охуники,
Лаблари – икки тўлқун.
Шу қиз насиб бўлмаса,
Жон нимта-нимта бўлсин.

Салим Ашур ушбу поэмасида анъанавий образларни баъзан ана шундай ўзгаришлар билан, баъзан эса айнан сақлашга ҳаракат қиласди:

Симлар қоқишимни тақиқлаб қўйдинг,
Хатлар ёзишишни ман этдинг мутлоқ.
Мен эса им каби атрофингдаман,
Яқин боролмайман, кетолмай узоқ.

Ошиқ ўз ҳолатини итга менгзаш мумтоз шеърият учун анъанавий эди. Кўриняптики, бу анъана ҳозиргача сақланиб келаётди.

Хуллас, шоирнинг анъана доирасида, анъана заминида туриб, модернистик ташбеҳларга интилаётганданлигини кузатиш мумкин.

Модерн поэмаларда лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати тасвирига кенг ўрин ажратилиши сабаб, уларнинг бадиий қурилмасида ички монолог, ички руҳий таҳлил, руҳ билан ёки сурат билан сұхбат каби усуллардан күпроқ фойдаланилади. Уларда муаллифнинг ўз-ўзи, бошқа киши ёки ташқи олам, табиат ҳодисалари билан сұхбатида фикрнинг иккинчи шахсга қаратилған бўлиши, мурожаат, ишонтириш, дъяват, савол-жавоб мазмуни етакчилек қиласди. Бунда ўз-ўзига мурожаатнинг баъзан иккинчи шахсга ёки, аксинча, иккинчи шахсдан бирданига учинчи шахсга ё учинчи шахсдан иккинчи шахсга кўчирилиши мумкин. Бунга "Сопол синиқлари" поэмасидаги мисралар мисол бўла олади:

Мен – муайян шакл...
Сен – кутуөчи...
Мен – кутуөчи...
Сен – кутипуөчи...

ЗМазкур поэманинг кейинги мисраларида бирданига "у" ҳақда фикр юритиля бошланади, яъни нутқ қаратилған шахс ўзгаради. Энди бу нутқ ўзга(лар)га қаратилаётганилиги сезилади:

Сен унга интиш, йўлида илҳақ,
у – фурсат,
у – лаҳза,
у – бир он.

Сўзловчининг ҳис-ҳаяжони, хоҳиш-истаги, воқеликка баҳоси, ижобий ёки салбий муносабати талқин этилади. Шунга кўра, бу ҳолатни ифода этувчи синтаксик қурилмалар таркибида бош ва иккинчи даражали гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан boglana олмаса-да, гапнинг мазмунини кучайтиришга хизмат қилувчи ҳис-ҳаяжон ундовлари, ижобий ёки салбий оттенкага эга услубий бирликлар учраши табиий ҳол саналади.

Модерн поэмаларда кўпинча кўрсатиш олмоши ва ўрин ёки пайт ҳолларининг анафора қилиб келтирилиши кузатилади. Албатта, бу ҳам тасодифий эмас. Бу билан, аслида, талқин қилинаётган ёки тасвиrlанаётган воқеликнинг ҳақиқат эканлигига ўқувчини ишонтириш, уни таъкидлаш мақсадига эришиш кўзда тутилади:

шунчаки ўткинчи ҳодислар,
шунчаки югурик гаплар,
шунчаки кун ўтиши,
шунчаки машшат, хушлик...

"Сопол синиқлари" поэмасидан олинган бу мисраларда "шунчаки" кўрсатиш олмоши анафора вазифасида майдонга чиқиб, матннинг тугал поэтик нутқ сифатида бирлашиб туришини таъминловчи мухим воситага айланган. Шу билан бирга, у шоирнинг кузатувчаник позициясини, воқеликка эмоционал муносабатини билиб олишда ҳам восита вазифасини ўтаетир.

Наби Жалолиддиннинг "Чиптасиз одамлар" поэмасидан келтирилған кўйидаги парчани тез тушуниш учун ўқувчи, аввало, адабиётда асрлардан буён рамзий моҳият касб этиб келаётган "ой", "шоҳ", "ҳой", "оҳ", "ошиқ", "ўқлов", "ишқ", "ов" рамзларини билиши зарур. Акс ҳолда, у мисралар моҳиятини тўлиқ англай олмайди. Натижада, поэма мазмуни ҳам унга тўла-тўқис тушунарли бўлмайди.

Шарқнинг пешонасида ойи бор,
Фарбнинг бошида шохи.
Фарбнинг бир буюк ҳойи бор,
Шарқнинг бўғизида оҳи.
Ҳойи ойига ошиқ,
Шохи оҳига ўқлов.
Бу буюк ишқ,
Ёвуз ишқ,
Мудом тугамаган ов.

Агар ўқувчи шоир күллөгөн рамзарнинг моҳиятини түлиқ англаб етса, ҳатто у шоир айтмоқчи бўлган фикрдан кўра ҳам кўпроқ фикрни идрок этади. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу асарда аллитерациянинг янгича кўринишидан фойдаланилган:

Яна ким билади?..
Биладир...
Бир чимдим умрга ишонган.

Ёки яна:

Кўзларинг йўқ,
Йўқ эди сенинг,
Йигирманчи аср.

Кўриняптики, бу шеърий парчаларда аллитерацияни ҳосил қилаётган "б" ҳамда "й" ҳарфлари биринчи мисрани якунловчи ва иккинчию учинчи мисрани бошловчи сўзларнинг илк ҳарфи сифатида келяпти.

Модерн поэмаларда нафақат қофия ва вазндан, балки тиниш белгиларидан ҳам воз кечишига уриниш пайдо бўлди. Тиниш белгиларидан воз кечилган шеърий сатрларда асов рух ҳукмронлиги сезилади. Масалан, Аскар Маҳкамнинг "Ишқ" поэмасида учрайдиган қўйидаги сатрлар бу жиҳатдан эътиборни тортади:

(Эй дил менга оғир қилдинг диллик қилдинг
Эй дил мени сағир қиб бедиллик қилдинг
Эй дил нима сўрдинг бердим бердим тамом
Эй дил оҳир кимга бандачилик қилдинг
Эй дил мен "тан таҳтаси"дан кечай девдим
Эй дил танни таҳта бирла тилик қилдинг)

Бунда "Эй дил" такрори бир пайтнинг ўзида ҳам риторик мурожаат, ҳам анафора вазифасини адо этмоқда. Бироқ шоир деярли зарур тиниш белгиларини қўлламаган. Шунга қарамай, ундан мурожаат мазмунини англаш мумкин. Қолаверса, юқоридаги сатрлар қавс ичидаги берилган. Демак, шоир асосий поэтик фикрга изоҳ сифатида киритмадан, аниқроғи, кириш гапдан фойдаланган.

Модерн поэмаларда бир сўзни такрор келтириш (кўпинча уч марта) кўп кўзга ташланади. Маълумки, сўзлар такрори ўзига хос ритми, оҳангни пайдо қиласди. Улар кўмагида эса шеърни вужудга келтирган кечинмани чуқурроқ ҳис қилиш, унинг мазмунини етарлича тушуниш имкони туғилади. Бу ҳолат, айниқса, Икром Отамуроднинг "Сопол синиқлари" поэмасида ёрқин акс этган:

...макондан-маконга кўчиши...
ондан-онга кўчиши...
руҳдан-руҳга кўчиши...
кўчиши...
кўчиши...
кўчиши...

Шоир ўз танасига сигмаган кучли рух соҳиби. Шунинг учун унинг поэмаларида руҳий исён, руҳий хўрсаний ички чизги ва ранг ўзаро мужассамлашиб, туйғулар драматизмини вужудга келтирган.

Хуллас, модернизм воқеликни бадиий акс эттиришнинг ўзига хос усули бўлиб, унга мувофиқ муҳим жиҳатлар XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларидаги яратилган поэмаларда қаҳрамонларни, фикрни маълум бир белгилар орқали ифода этишда ёрқин кузатилади. Айни жараён миллий поэмаларимизнинг мазмунан ва шаклан ҳамда услубий жиҳатдан янгиланишига хизмат қиласди.



**Илҳом
ҒАНИЕВ**

1964 йилда туғилган. Филология фанлари доктори. Бухоро Давлат университети ўзбек филологияси факультетини тамомлашган. «Халқаро Яссавий» мукофоти соғиби. Йигирмадан ортиқ китоб, юздан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Ҳозирда Бухоро Давлат университети ўзбек филологияси кафедраси мудири.

ИҚРОР ВА ИСЁН

Ўзбек романчилиги йигирманчи аср бошларидаги Шарқ мумтоз ва Farb адабиёти анъаналарининг муваффақиятли синтезлашуви заминида юзага келди.

Улуғ адид Абдулла Қодирий буни жуда нозик илғаб, «Ўткан кунлар»га ёзган сўзбошисида: «Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдиқ, бас, биз ҳар йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгилклари кетидан эргашамиз ва шунга ўхаш достончилиқ, рўмончилиқ ва ҳикоячиликларда ҳам янгаришга, халқимизни шу замоннинг «Тоҳир-Зуҳра»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод-Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан танишидиришша ўзимизда мажбурият ҳис этамиз», деган эди. Бундай синтезлашув ўзбек насрининг типик хусусияти бўлиб, кейинги йилларда яратилган миллий романларда эса Farb адабиётининг таъсирни кучли бўлиб қолди. Омон Мухтор, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонкул, Олим Отакон, Шодиқул Ҳамроев, Исажон Султон, Тўхтамурод Рустамов асарлари ҳақида шундай дейиш мумкин.

Истеъодли ёзувчи Эркин Аъзам услубида Шарқу Farb синтези ўзига хос тарзда, бадиий матннинг ички қаватларида туради. Бу хусусият ижодкорнинг «Шовқин» романида янаям яққол намоён бўлган.

«Шовқин» романни воқеалари Тошкентдан Москвага учиш муддатига тенг вақт ичидан бўлиб ўтади. Бош қаҳрамон – кинодраматург Фарҳод Рамазон кутилмаган мактуб туфайли Москвага йўл оладио шу хат сабаб, учтўрт соатда бутун ҳаётини сарҳисоб қилиб чиқади. Бундай сюжет – ҳаёт ва характер мантиғига мос топилма. Сарҳисобнинг самолётда – осмонда рўй бериши рамзий маънода қаҳрамоннинг заминий ташвишлардан юксакроқ кўтарилиганини, ўтган умрини руҳий иқлиmlарда туриб баҳолаганлигини англатади. Сюжет ва композицияни ретроспекция асосида шакллантиришдан иборат бундай усул жаҳон адабиётида муваффақиятли қўлланган бўлиб, Габриэль Гарсия Маркеснинг «Ошкора қотиллик қиссаси»га, Чингиз Айтматовнинг «Асрға татигулик кун» ҳамда «Алвидо, Гулсари»сига, Пауло Коэльюнинг «Портобелло жодугари»сига хосдир.

Маълумки, роман жанридаги асарларда катта ижтимоий воқеалик қаламга олинади, тарихий даврнинг бадиий манзаралари яратилади; романник тафаккур ижтимоий воқеаликни баҳолаш ва уни қизиқарли сюжетда, юксак бадиий образларда гавдалантиришни талаб қиласди. «Шовқин»да ёзувчи Фарҳод Рамазон ҳаёти мисолида яқин кечмиш – шўро даври воқелигини истиқрол даври нуқтаи назаридан бадиий талқин қиласди. Албатта, турли ёзувчи-

ларни воқеаликнинг турли жиҳатлари қизиқтиради. Эркин Аъзам эса роман марказига маънавият масаласини – шўро даврининг қаҳрамон болалиги кечган зафарли йилларидан тортиб, қайта қуриш деб номланган жонҳалак босқичигача бўлган даврда аста-секин емирила бориб, чалажон этилган маънавият, оёқ ости қилинган миллый қадриятлар, сиёсий дидиёлар гирдобига фарқ этилган шахс эрки, инсон ҳуқуқи масаласини қўйган. Шунинг учун ҳам асарга маънавият таргигботчилари бўлмиши зиёлилар – киночилар ҳаёти воқеалари асос қилиб олинган. Асрлардан олиб ўтилган шарқона менталитетнинг, исломий-миллый муносабатларнинг «экспорт» қилинган маданият билан чатишувидан пайдо бўлган маънавиятсизлик, қиёфасизлик, модиончилик излари кўнгли кетган аёл билан кўнгилхушлик қилиб кетаверадиган бош қаҳрамон – Фарҳод Рамазондан тортиб, қизи тенги жувонга отаси учун совчилик қилишдан ийманнисаса-да, ўзини ўзбек санайдиган Гулла Лагутинагача; гулғунчадек ёш номаҳрам «Сабо»лар олдида уялмай-нетмай қип-яланғоч чўмиладиган Устоздан тортиб, шон-шуҳрат учун хоҳлаган қўйинга кириб кетаверадиган Мунира-Иркагача; оғзидан боди кириб, шоди чиқадиган олиймақом Акобировдан тортиб, худонинг ягоналигини Худояков деган хотини ўлган ўрисин эр қилиш билан тан олган коммунист Барфина Акобировагача, тикка туриб бир стакан ароқни отадиган қаримсоқ рус аёлнинг зри Тоша-Тошпўлатдан тортиб, ўйнашини келиним деб таништирган табиб Абушароф акагача – барча-барча қаҳрамонлар ички ва ташқи сиймосида қайсиидир даражаларда акс этади. Бу маънавиятсизликларнинг бари ягона совет ҳалқи ташкил топиши, миллатларнинг кўшилиб кетишидан иборат мудҳиш сиёсий назариянинг натижалари ўлароқ идрок қилинади. Миллый руҳнинг, қоннинг айниши Тамара Салмонованинг ўғли Самир, Люба, Наташа, Гугушидзе, Валерка каби эпизодик қаҳрамонлар сийратида ҳам намоён бўлади.

Асарни ўқир экансиз, воқеалар кечәётган мұхитнинг ҳар бир нүктасини манфаатпарастлик, сохтакорлик, фаҳзино, юзсизлик, наҳс босиб кетгандай туюлади. Таасирда устуворлик қилган Михаил Булгаков, Чўлпон услубига хос ўткир ирония бу тасаввурни кучайтиради. Ёзувчи ўз қаҳрамонини худди Толстойнинг Нехлюдови каби қулоқдаги шовқин баҳона жамиятнинг турли соҳаларига олиб киради. Нехлюдов ўзи бош сукқан нүкталарда адолатсизлик ва инсон ҳуқуқи поймoliniнг гувоҳи бўлса, Фарҳод Рамазон маънавиятсизлик ва асрий қадриятларнинг пугтурдан кетганигини кўради. У ўзи мансуб бўлган киночилек оламида ҳам, тиббиёт соҳасида ҳам, ҳалқ табобати даъвоси билан чиққан Абушароф акаю Зузилар мұхитида ҳам, хитойликлар очган даволаш марказида ҳам, ҳатто оиласиий мұхитларда ҳам фақат ва фақат маънавий қадриятларнинг манфаат ҳамда нафс қўлларида бўғилиб-битаёзганига гувоҳ бўлади. Мана шу ирганч туман ичиди Фарҳод Рамазон ва Виканинг бир тутам шуъладай порлаган мұхаббати ҳам, инсо-



Нодира

АФОКОВА

1966 йилда туғилган.

Филология фанлари
доктори. Бухоро
Давлат университети
ўзбек филологияси
факультетини
тамомлаган. Ўн
бешдан ортиқ адабий,
илмий китоблар
муаллифи.

нийликнинг қадрини баланд кўтарган «қишлоқдош – қулоқдош» сиймоси ҳам ўша туман билан кирлангандай нигоҳингизни ёрита олмайди. Бу ҳам бадиий ижоддаги бир усул. Эркин Аъзам ҳам, худди Гоголнинг «Ревизори»да бўлгани каби, китобхон дикқатини ижтимоий ҳаёт қўргонининг нураётган жойларига, жамият аъзоларининг ноинсоний хатти-харакатларига қаратади. Инкор орқали шуларнинг зидди бўлган ҳолат-ҳодисаларни тасдиқлайди, маънавият ва инсонийликни улуғлайди. Замон ҳаволарида қисмати оиласидан айри тушган Барфина Акобирова, шуҳрат қозониши учун шарму ҳаёни унугтган Мунира-Ирка, невараси тенги Зебога «ошиқ» бўлиб қолган Илҳом Собирович, ошкораликни шаллақилик деб биладиган Платон Сократович, умри беҳаловатликка маҳкум ўлароқ, бир зумда кичрайиб қолган Равшан Акобиров – буларнинг бари ўқувчини ўзидан итаради ва, айни вақтда, ачиниш туйгуларини уйғотади. Кўз олдимида худди Саидий сингари мұхит туфайли асл инсоний сифатларини бир-бир бой берәтганлар тимсоли жонланади.

Романин бир ўқишида тушуниши қийин. Бунинг сабаби шуки, Ўзбекистоннинг овлоқ қишлоқларидан бирида кечган болалигини, «белоён юрт»нинг муассзам пойтахтида ўтган йигитлик чоғларини хотиридан ўтказаётган Фарҳод Рамазон бир воқеани хаёлидан кечира туриб, шу воқеа ичидаги бирор шахс ёки ҳолат билан боғлиқ иккинчи воқеага ўтиб кетаверади. Бундай усулни, бизнингча, «бадиий гиперҳавола» деган тушунча аниқ ифода эта олади. Шунга боғлиқ равищда макон ҳам, замон ҳам тез-тез ўзгариб, орқага қайтиб-олдинга кетиб, кенгайиб-торайиб туради. Ўқувчи воқеани яхлит ҳолда, ҳаётий кетма-кетлиқда идрок этиш учун олдинги саҳифаларга қайтишга эҳтиёж сезади. «Бадиий гиперҳавола» инсон хаёлотининг йўналишини жуда-жуда табиий ифода этган. Чунки инсон хаёллари ҳамиша тарқоқ, ҳаракатчан, тартибсиз бўлади; унга орқа-олдинга сакраш, ичма-ичлик хосдир. Ёзувчи таҳлаган «бадиий гиперҳавола» инсон хаёлотининг ана шу йўсунинга мос. Бошқа тарафдан эса, ёзувчи шўро даври мұхитидаги хаосни, ошкоралик йилларидаги алғов-далғовларни роман воқеаларидағи тартибсизлик орқали ҳам ифода этгандай. Асарни ўқир экан, китобхон ўзини йўлдан адашгандиги туфайли саросима бошланган манзилсиз кемада сузиб кетаётгандай ҳис қиласди. Бу кемадаги одамлар жон ҳөврида сиполигини унугтиб, қандайдир самарасиз югур-югурларга гарәп бўлгандай. Китобхон эса романда тасвирланган воқеликни – бу югур-югурларни замон нуқтаи назаридан анча илгаридан туриб қайта идрок этаётган Фарҳод Рамазон нигоҳи билан баҳолаш имконига эга.

«Шовқин»да китобхонни яна баён услуги ҳам шошириб қўяди. Воқеалар кимнинг тилидан ҳикоя қилингапти? Романин ўқий бошлаганингизда, бу ҳикоячи воқеаларни четдан туриб баён қилаётган одатдаги ровий деб тушунасиз. Бир ўринда келган: «Кунинг курсин, Асрорқул!» деган жумла бу қарашни кувватлайди: демак, воқеаларни киночилик соҳасининг асар воқеаларида иштирок этмаётган бир вакили ҳикоя қиласяди. Аммо зум ўтмай бу ровий ҳеч қандай изоҳсиз Фарҳод Рамазонга айланиб қолади. Асарнинг биргина фасли эса исми айтилмаган ёзувчи тилидан берилади. Шу тариқа романда турли-туман овозларни уйғунлаштириш ҳаракати сезилса-да, шоён дикқат қилинганда, бутун воқеалар Фарҳод Рамазон нуқтаи назаридан баҳолангани, ҳикоя унинг тилидан олиб борилганини англаш мумкин. Асарда бошдан-оёқ устуворлик қилган кинояли тасвир, деярли барча воқеаларнинг Фарҳод Рамазон иштирокида кечиши, атрофидагиларга муносабат ана шундан далолат беради. Роман воқепигининг қиссага хос тарзда якка қаҳрамон нуқтаи назарича тасвирланиши ҳам романнавислик тажрибасида кўп учрамайди.

Романинг номланиши рамзий характерга эга. Ёзувчи, умуман, инсонлик жамиятидаги ҳаёт шовқиндан иборат, демоқчи. Бу хасталикнинг иккита қаҳрамон – Фарҳод Рамазон ва унинг қишлоқдоши бўлмиш ёзувчида пайдо бўлгани ҳам маълум маънога эга. Чунки, руҳияти айниб, миллый-маънавий қиёфасини йўқотиб бораётган оломон ичидаги фақат мана шу икки қаҳрамонгина инсоний сифатларни сақлаб

қолишига уринадилар. Баъзан йўлдан адашсалар-да, уларнинг ичидаги тўғри чизиқ тўғрилигича қолаверади. Айнан байроқ кўтариб, шовқин турғизиб, ҳавойи шиорлардан оғиз кўпиртириб юрганлар маънавий қадриятларни оёқ ости қиласидилар. Айнан шулар дунёни шовқинга кўмид, шу шовқин ичida асл қиёфаларини яширишга ҳаракат қиласидилар. Бундай ҳаёт эса қаҳрамонимиз қулоғига нотабиий ҳолат – шовқин бўлиб киради.

Асар бошида Фарҳод Рамазон собиқ севгилиси Вика ва уни тортиб олган Равшан Акобировдан кинодраматург сифатида унга истиқбол ваъда қилиб турган иккита хат олади. Аммо бутун роман сюжети, юзаки қараганда, бу воқеанинг иккинчи йўсунда қолиб, Фарҳод Рамазоннинг ўз ўтмишини сарҳисоб қилишидан иборатдай, роман охирида Фарҳод Рамазоннинг самолётдан тушиб, Вика билан учрашиши шунчаки – воқеани яқунлаш эҳтиёжидан келиб чиққандай туюлади. Аммо, айнан мана шу иккита хат, мана шу сюжет қолипи Фарҳод Рамазоннинг ижодий кучини жиловлаб турган муҳит-манасб кишанларини дангал узиб, бошқача ҳаёт сари, бошқа мақсадлар сари юз буришига, ўзини ички имкониятлар асосида янгилашига, тўғрироғи, ўзлигига қайтишига сабаб бўлади.

Асар бутун бошлича Фарҳод Рамазон ҳаётномаси бўлганидан, айрим қаҳрамонлар билан боғлиқ воқеалар марказий сюжетта боғланмай муаллақ қолиб кетган. Дейлик, Абушароф ака, Мунира-Ирка, Платон Сократович, Зузи, Адҳам Делон каби образлар ва улар билан боғлиқ воқеалар бош foяни кучайтириш учунгина асарга киритилгандай. Баъзи ўринларда эса эпик асар воқеаларида тириклини таъмин этишига хизмат қиласидиган аниқлик етишмайди. Жумладан, «Четдан келган раис. Хотинларнинг азроили» деб номланган ўн олтинчи фаслда киночиларнинг анжумани тасвирланган. Бунда баҳслашаётган икки тараф, муҳолифлар, қалтис масала ҳақида сўз борадио лекин: Бу муҳолифлик нимада? Қалтис масаланинг моҳияти нимадан иборат? Баҳс ниманинг устида? Булар ўкувчига мубҳам бўлиб қолаверади. Зеро, эпик асар бадиий асар сифатида баённи эмас, тасвирни талаб қиласиди.

Роман тилида бошдан-оёқ устуворлик қилган ўткир ирония баъзан китобхонни толиқтириб ҳам қўяди.

Романни Фарҳод Рамазоннинг ўзига хос иқрорномаси дейиш мумкин. Ҳаётнинг кутилмаган бурилиш нуқтаси унга ўз кечмиш ҳаётини бурчақдан туриб яққол кўриш имконини беради. Кутилмаган икки мактуб туфайли: янгилangan хотиралар, болаликнинг зиддиятли тасаввурлари, ёшликтининг беқарор ҳамда ёлқинли туйгулари, йигитлик кўчаларидағи адашиш ва йўқотишлар, юракда аламли из қолдириган кечмишлар Фарҳод Рамазоннинг ичидаги асл Фарҳод Рамазонни ўйғотиб юборади. Умр чорбоғининг уюм-уюм ҳазонларини титкиларкан, у ўз хато ва гуноҳларини ичидаги иқрор қиласиди. Мана шу иқрорнома ҳаётга бошқача кўз билан қарашга, манфаат ва таъма кишанларини узиб, руҳий янгиланиш сари юз буришига даъват этади. Мана шу иқрор дафъатан «ишиқ исёни» муаллифи кўксидаги исёни туғдиради. Рұксатсиз юролмайдиган арбоб – Фарҳод Рамазон дафъатан фақат ўз-ўзига ҳисоб берарак – расмий равища ҳеч кимга ҳисоб бермай олис кечмишлар шаҳрига қараб учади. Ёзувчи ўз қаҳрамонини тўхтосиз ҳаракат давом этаётган мана шу чорраҳада ёлғиз қолдиради. Бу чорраҳада у қайси йўлни танлайди? Гуноҳларга ботган шаҳарда у яна гуноҳларга ботадими ёки оиласини, бола-чақасини ташлаб келишига мажбур қилган хотиралар, исёнкор ишиқ ҳақи ғаша бошқа йўл танлайдими? Ёзувчи буни айтмайди. Аммо бир нарса аниқ: «Энди орқага қайтиб бўлмайди».



**Зокиржон
МАМАЖОНОВ**

1972 йылда туғылған. Андижон Дағлат університетининг филология факультетини тамомлаған. Ҳозирда шу университетде катта юқитүвчи сифатида фаолият жүртімдөң. Олим "Үхшатиши асосидаги шеърий санъатлар" мавзуда илмий тақырып олиб борномақта. Үнінг "Адабиетшүнослик лугаты" (хаммуаллифлік) китоби нашр этилған.

ИФОДА УСУЛЛАРИДА ҮХШАТИШ САНЪАТИ

Поэтик ижоднинг, хусусан, бадий мазмуннинг оригиналилікка интилиш тамойили янгича айтиш, янгича ифода туфайлигина амалга ошади. Айни шу ижодий-рухий әхтиёж туфайли турфа ифода усуллари кашф этилади ва шеъриятнинг ифода имкониятлари ривожланиб боради. Шу боис ҳам "ифода усуллари асосидаги санъатлар" анча салмоқлидир.

Аввало, шуны айтиш керакки, "ифода усули" ("ифода тарзи", "ифода йўсими") тушунчаси кўпроқ поэтик ифоданинг шаклий томони билан боғлиқ. Шунга кўра, ифода усули асосидаги санъатлар ҳамиша маънавий санъатлар билан уйғунлиқда воқеланди ва шу уйғунлик туфайли, бадий-эстетик қиммат касб этади. Ифода усулларининг айнан санъат ҳодисасига айланishiда, үхшатишинг ўрни ва аҳамияти муҳим. Мумтоз шеърий санъатларни ўрганиш ва ўргатища қийинчилек туғдирадиган асосий жиҳатлардан бири – уларнинг бир-бирига ўхшашлиги ҳамда, асосан, қориши ҳолда нағоян бўлишидир. Бу нарса шеър санъатларига бағишланган асарлардаги турлича қарашлар, айрим чалкашликларнинг юзага кепишига сабаб бўлади. Жумладан, профессор Анвар Ҳожиқамедов "Хусни таълил санъати" номли китобида: "Алишер Навоийнинг хусни таълил санъати ривожига кўшган яна муҳим ҳиссаси жамият ҳаёти, ижтимоий адолатсизликларни акс эттирища ушбу тасвир усулидан моҳирона фойдаланишда ўз ифодасини топди. Масалан, шоир қаламига мансуб:

Бевафолик тонг эмас элдинки, дөхқони азал,

Экмади асло вафо нахли жаҳон бўстонида, – байтига дикқат қиласак, одамларнинг бевафолигини таъкидлаётган шоир ўз фикрини бу олам бўстонига вафо кўчатлари экилмагани билан ғайритабии тарзда ифодалаётганини кўрамиз", деб ёзади. Дарҳақиқат, бу байтда одамлардаги бевафоликнинг сабаби изоҳланмоқда, лекин буни хусни таълил санъати, деб бўлмайди. Чунки, бу ерда ғайритабии сабаб кўрсатилаётгани йўқ, аксинча, Навоий учун бу айни ҳақиқий сабабдир. Шоир одамзоднинг яралаш ҳамрида, унинг фитратида бевафолик илдизлари бор, деб билади, шуны ўзгачароқ тарзда ифодалайди, холос. Иккинчи томондан, ифоданинг структураси бу байтда тафсир санъати сифатида кўлланган, дейишга тўла асос беради. Негаки, шоир аввалига, "элдин бевафолик кўриш ҳеч ажабланарли эмас", деган ҳукмни изҳор этмоқда, сўнг шу фикрин изоҳлаш заруратини сезиз, уни тафсир қилмоқ (тушунтириб бермоқ)да. Шунга ўхшаш, олим Навоийнинг:

Хатинг ичинда лабингнинг икки холи не ажаб?

Икидур нуқта, ёзилур эса хат ичинда жон, – байтида "китобат санъати асосидаги хусни таълил" санъати

күлланган, деб ҳисоблайди. Ҳолбуки, бу ерда ёрнинг “хати ичиди икки хол” борлигига чиройли далил келтирилаётгани йўқ, балки шоирнинг “не ажаб” ибораси билан изоҳталаб бўлиб қолган фикр тушунтириб берилмоқда, яъни тафсир санъати күлланган. Анвар Ҳожиаҳмедов байтни шарҳлаб: “Юзакироқ ёндашсак, ушбу мисраларда: “Хатинг ичидан иккита холинг жой олганига ажабланмоқ зарурияти йўқ. Ахир, хат ёзилганда, жоннинг иккита нуқтаси бўлади-ку!” деган маъно англашилади”, деб ёзади. Бизнингча, байтга юзакироқ қараганда эмас, балки ҳақиқатда ҳам шу маъно англашиладики, куйида буни бошқа жиҳатдан асослашга ҳаракат қиласиз.

Модомики, тафсир ифода усууларидан бири экан, у кўпроқ фикрни ифодалаш тарзи, синтаксик конструкцияси билан боғлиқдир. Араб ёзувида битилган мумтоз шеъриятимиз намуналари ҳозирги ёзувга ўғирилганда, сир эмаски, айни шу конструкциялар ҳар доим ҳам адекват ифодаланмайди. Бунинг сабабларидан бири, араб ёзувида кўлланмаган тиниш белгиларининг ҳозирги ёзувда муҳим аҳамиятга эгалигидир. Зоро, бугунги кун ўқувчиси жумла мазмуни, оҳангани идрок этишда тиниш белгиларининг ёрдамига ўрганиб қолган. Юқорида келтирилган байт Навоий асарлари йигирма жилдлигининг учинчи жилдидаги шаклда берилган:

Хатинг ичинда лабингнинг икки холи не ажаб
Икидур нуқта, ёзилур эса хат ичинда жон.

жон

Кўриб турганимиздек, бу ерда байтни ҳозирги ёзувга мослаштириш сираси охирига етказилган эмас. Эҳтимол, шу сабабли, Анвар Ҳожиаҳмедов китобига байтни, биринчи мисра охирига савол аломати қўйган ҳолда киритгандир. Бизнингча, байдаги жумла қурилиши эътиборга олинса, унинг ҳозирги ёзувга мослаштирилган шакли кўйидаги кўринишида бўлиши поизим:

Хатинг ичинда лабингнинг икки холи – не ажаб:

Икидур нуқта, ёзилур эса хат ичинда жон.

Бу ҳолда, биринчи мисрада иккита предикат, иккичи мисрада битта, байтжами учта жумладан таркиб топган бўлади. Буни қўйидагича жумлаларга ёйиб кўриш мумкин:

- 1) хатинг ичинда лабингнинг икки холи (бор);
- 2) не ажаб (бу ажабланарли эмас);
- 3) чунки жон сўзи ёзилганда иккита (жим ва нун ҳарфларида) нуқта бўлади.

Байтдаги жумлалар ўзаро боғловчисиз қўшма гап қолипида боғланган бўлиб, тири биринчи иккита гап орасидаги мазмунан зидликни кўрсатса, икки нуқта учинчи гапни изоҳлашга хизмат қилаётганини билдиради. Бундан аён бўляяптики, мумтоз шеърият намуналарини ҳозирги ёзувда нашр этишда жумла мазмунига мос тиниш белгиларининг кўлланиши, нафақат, уларнинг мазмуни, балки бадиий жозибасини тўғри ва тўла етказишда ҳам муҳим аҳамиятга эга экан. Иккичи томондан, агар тиниш белгилари шу тарзда қўйилса, бизнингча, байтда айнан тафсир санъати етакчилик қилаётгани, бошқа санъатлар шу санъатни юзага чиқариш воситаси эканига шубҳа қолмайди.

Эътибор берилса, “ифода усули асосидаги санъатлар”га хос бир хусусиятни, у ҳам бўлса, ифода усули деганимиз, шунчаки бир қолип – скелет, унга жон ва қон баҳш этаётган нарса ўзга эканини англаш қийин эмас. Яъни, масалан, шунчаки бил-билмасликка олиш, риторик сўроқлар бериш ё ажабланишнинг ўзи ҳали санъат эмас, буларга эстетик қиммат берёётган нарса ўхшатиш экан. Бошқача айтсан, мазкур гурухга мансуб санъатлар кўлланган байтларда ифоданинг образлилиги ўхшатиш туфайли таъмин этилади, ўхшатиш асосида яратилаётган образ ифода конструкциясига эстетик жозиба багишлайди.

Худди шундай ҳолни, масалан, тафири санъати мисолида ҳам кўриш мумкин. Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадойиъ ус санойиъ” китобида ушбу санъатта берилган турли таърифлар зикридан сўнг, Қайс Розийдан “тафири улдурким, шоир нафий сийғаси била бошлаб, эрмас фалонким, андогу мундогдур, фалондин яхшироқ ёки фалондин оптикроқ дер”, деган таъриф келтирилади. Яъни, бунда бирон нарса

ҳақида аввал “бу – бу эмас” дейилади, сүңг эса, ўша нарса ҳақида, “бу – аслида мана бу” тарзидаги фикр ифодаланади. Демак, тафриъ санъати шеърда жумланинг муайян синтактик схема асосида курилишини тақозо этади. Масалан, Навоийнинг қўйидаги байтини олайлик:

Лола эрмас, урди ўт гулшанга бир гул ҳажридин
Ўртаниб ҳар дам Навоий нола қилмоги била.

Яъни, шоир қўриб турганинг лола (полазор) эмас, балки гул ҳажрида Навоий чеккан нопалардан гулшанга ўт кетди, дейди. Ифода усулига қаралса, бу байтда тафриъ санъати борлиги кўриниб турибди. Лекин уни санъат ҳодисасига айлантириб, ўқувчини завқлантиришига сабаб бўлаётган нарса, “бу эмас – мана бу” тарзидаги қолипнинг ўзи эмас, балки ўҳшатиш асосида юзага чиқаётган муболагадир. Биринчидан, “лола эмас – ўт кетган гулшан”, деганда, инкор асосидаги ўҳшатиш бор, яъни қип-қизил лолазор аланг-оташга ўҳшатилмоқда. Иккинчидан, матнда мавжуд бўлмаган, лекин мумтоз шеърият контекстидан англанувчи “ишқ – олов” ўҳшатиши, шунингдек, қалbdаги ишқ оловининг “оҳ-фифон” билан чиқиши ҳам ўҳшатиш асосида идрок этилади. Шу ўҳшатишларнинг мавжудлиги байтда, “бу эмас – мана бу” қолипи орқали муболагали фикрни образли ифодалашга имкон беради.

Қайд этиш жоизки, юқорида зикр этилган китобида Анвар Ҳожиаҳмедов биз таҳлил қилган байтни ҳусни таълил намунаси сифатида талқин этади. Китоб билан танишганда, олим ҳусни таълил санъати қўлланган деб таҳлил қилган бир қатор байтларда, аслида, тафриъ санъати қўлланганини кўриш мумкин. Масалан:

Анжум дема, гўёки малойикка туташти
Оҳим ўқи учқунларикум, кўкка етурдим.

Ёки:

Анжум эрмаским, фалак миръоти ичра тушти акс,
Баски, дур сочилид ер узра кўзим уммонидан.

Агар биринчи байтда шоир юлдузлар гужумини ошиқ оҳларининг учқунларига ўҳшатса, иккинчи байтда кўзидан сочилган дур (кўзёш)ларнинг фалак миръоти (кўзгуси)даги аксига ўҳшатилмоқда. Бироқ ҳар икки байтда ҳам ўҳшатиш сираси “бу эмас – мана бу” қолипида амалга ошмоқда. Иккала ҳолда ҳам ўҳшатиш объекти муболагали бўлгани учун байтларда ўҳшатиш ва муболага санъатлари қўлланган, дейиш мумкин. Айни пайтда, бу санъатлар тафриъ қолипида яхлитлик, тугаллик касб этади, яъни байтдаги етакчи санъат тафриъдир.

Шу ўринда қайд этиш керакки, замондош муаллифларнинг шеърий санъатларга бағишиланган асарларида тафсир ва тафриъ санъатлари эътибордан четда қолдирилган бўлиб, фақат Ваҳоб Раҳмонов китобида тафриға таъриф берилган. Ҳусусан, Анвар Ҳожиаҳмедов китобларида бу санъатларга ўрин ажратилмагани, юқоридагича ҳоллар келиб чиқишининг сабабларидан, деб, қўрсатилиши мумкин. Иккинчи томондан, ушбу санъатларнинг Атоуплоҳ Ҳусайнининг “Бадойъ ус санойиъ” китобидаги каби маънавий санъатлар қаторида санаш ҳам, бизнингча, ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки, юқорида кўрганимиздек, ифода усуслари, аслида, бир қолип бўлиб, улар ҳар вақт ўҳшатиш (ва шу асосдаги муболага, ҳусни таълил каби санъатлар) билан қўшилигина мазмун касб этади. Демак, мумтоз адабиёт-шунослар қайд этган санъатларни қайтадан назарий тавсифлаш бу жиҳатдан ҳам муҳимлик касб этади. Зоро, юқоридаги мулоҳазаларимизнинг ўзиёқ анъанавий таснифлашдаги лафзий ва маънавий санъатлар ичидан ифода усусларини алоҳида ажратиб гурухлаш кераклигини кўрсатиб турибди.



Гулқайчи

ЯНГИ БОЙ

Хажвий ҳикоя

— Янги бойлардан бири тиш қўйиш мутахассисига учрабди. Тепа жағ тишиларига жавоҳир қоплатиби, пастки жағларига платина қўйдириби.

— Энди нима қиласай? — сўрабди шифокор.

— Сигнализация қўяссан-да, — дебди янги бой.

Метинбекнинг бу латифасига дўстлари ичаклари узилгудай бўлиб кулишди.

Кечагина мана шунаقا янги бойлар устидан кулиб, латифа айтиб юрган Метинбек бугун ўзи ҳам ўшаларнинг кепатасига тушиб ўтириби. Чакана савдо-сотиқ билан шуғулланиб юрган Метинбек Брата билан танишдию ҳаловатини ўйкотди. Унинг кўнглини олиш, ишончига кириш ўйларини қидира бошлади. Уйига чақириб зиёфат бермоқчи бўлди. Аммо Брата нинг данғиллама ҳовлисини кўрган Метинбек ўзининг ғарибигина ҳовлисига бунақа нуфузли меҳмонни чақира олмасди.

Уч-тўрт танга жамғармасини харжлаб ҳовлини таъмирлатишга тушди. Xоналар евротаъмирдан чиқарилди. Ҳовлига ғиштпол ётқизилди. Бироқ ҳафта ўтмай Метинбекнинг фикри ўзгарди, уни қўпортириб, ўрнига брускатка ётқизди. Кундан кунга «диди» ўсиб бораётган Метинбек уни ҳам қўпортириб, рангисига алмаштириди. Девордан кўчган бир парча сувоқни ҳам ямаб қўйишга ярамайдиган ўғлидаги бу ўзгаришдан ота ҳайрон. Ҳовлига тузуккина ярашиб турган рангли брускатка ҳам бузиб ташлангач, Яшнар отанинг чинакамига жаҳли қўзиди.

— Ҳой, сен нима қиляпсан? Ярим йил ўтмай уч марта алмаштиридинг-а! Нима бало, бошқа ишинг ўйқми? — деди.

— Эй, бобой...

— Бобой дема, кўрнамак, отангман.

— Энди бобой, бу дада, ота деган атамалар эскириди. Энди замонавий талаффузларга ўтишимиз керак. Мана Брата ҳам отасини бобой дейди.

— Ҳа, ўзингга ўҳшаган устоз топибсан-да.

— Ҳа, энди, бобой... Ҳа, нима деяётгандим. Ҳа-я, янги брускатка чиқиби, тўрт бурчида тўрт хил рангда чироқ ёниб туаркан.

— Ўҳ-хў, шунча брускаткага етарли токни қаердан то-пасан?



Восит
АҲМАД

1956 йилда туғилган. 1983 йили Андиксон нахтачилик институти, 1995 йил Тошкент давлат университетини тамомлаган.

“Бошлиқнинг шолчаси”, “Дум”, “Қизиқчининг ўлими”, “Директор учун бомба” каби ҳикоялар тўпламлари чөн этилган.

Хозирда “Холис” газетасида бош мұхаррир ўринбосари вазифасида ишилайди.

— Бир гап бүлар, ота... бобой. Шунақа, замон ўзгарди, модалар ўзгаратып. Қотиб қопсиз-да. Эски ўқитувчилар ҳаммаси шунақа, — деде овқатини хұриллатиб ичаркан, чап құлидаги телефон антеннасида бурнини кавлади. «Бурун кавлаши ни ҳеч йўқота олмагандим. Энди янгича кавлашга ўтдими?», деде ижирғаниб четга қаради ота.

— Үндан күра, онангнинг қаброри тузаат.

— Эй, бобой, намунча эскічасиз-а?! Яқында Братанга зиёфат берамиз. Мұхым шартноманы имзолаймыз. Ана шундан кейин сиз ишларни айтаверасиз, биз дүндираверамиз.

— Анови құшнимиз, тул хотин Раҳима аянгни девори ағанаңб ётиби. Шуни ўнглаб бер, ана савоб.

— Эй бобой, ҳозир ҳамма ўз аравасини ўзи тортадиган замон, — деди Метинбек энди телефон антеннасини оғзига тиқар экан.

Күнгли алағда бўлган чол бир ўқрайдию, ўрнидан туриб нари кетди.

Шу пайт Метинбекнинг ўғли отаси ёнига келиб хархаша қила бошлади.

— Дада, қачонгача бузук ноутбук билан мактабга бораман. Ўртоқларим билиб қолишиша...

— Билдирмагин-да, азамат. Ҳали шунақасини олиб берайки...

— Бужитерияларингиз ҳам жонга тегди. Дугоналарим сохталигини билиб қолишишами?! Ўламан, шарманда... — деде энди хотини зорлана бошлаганди, Метинбек гапиритирмади.

— Сир берма, хотин, сир берма. Яқында Братан келади. Барча ўша бужи, бужа, эҳ, ўшаларингни тақиб ҳовлида соллана-соллана юрасан. Братан бой эканлигимизга амин бўлиши керак. Қани, бир юриб кўр-чи.

Хотини ўрнидан туриб, товус юриш қилиб кўрсатди. «Ўхшатмагунча учрат-мас», деде гудранди, гулларни парвариш қилиб юрган ота.

Эртасига Метинбек машинада алланималар келтириди.

— Бу яна нимаси? — отанинг янада ҳайрати ошди.

— Барабалический антenna, — деди мингирилаб Метинбек.

— Парабалический денг, — тўғирлади ўғли.

— Барибир эмасми? Қани, ёрдам бериб юбор.

— Уни нима қиласан? — сўради отаси.

— Вой, бобо-ей! Жа-а, тупойсиз-да. Томга қўямиз-да, энди дунё телевидениеси уйимизда деяверинг.

Ота бир нохушликни сезгандай сесканди. Бу бежиз эмас экан. Тушдан кейин ўғли икки барзанги мардикор билан кириб келди. Улар э-йўқ, бе-йўқ кўча эшиги олдида савлат тўкиб турган катта олма дарахтини кеса бошлади.

— Ҳой, тўхта, нима қиласапсан? — улар томон интилди ота.

— Ота, ота! — Метин энди бобой дейищдан тийилиб, отасининг қўлтиғидан олдию кўча томон бошлади.

— Қаранг, анаву томда бара, пара, эҳ, ўша антеннани кўряпсизми? Ана, кўрмаяпсиз. Ўтган-кетғанлар қандай кўришади? Олма тўсиб қоляпти.

— Кўринмаса нима қипти? Олмада нима айб?

— Вой, бобо... ота-ей, жуда дидсизсиз-да. Ахир, бунақа антenna маҳаллада ягона-ку. Одамлар кўриб, сал кўзи қувнаб турсин-да.

— Эй, диди ҳакалак отган, бу олма бола-чақаннинг ризқи-ку. Кўни-кўшни нафланыб турувди.

— Ана, именно шунинг учун ҳам кестиряпман. Шундай олмани сотмай, талонтарож қилиб ётибсиз.

Ота ўғлининг қўлидан аранг чиқдию ичкарига шошилди. Аммо, улгурмади... Дарахт ағанаганда чолнинг ҳам ичида бир нима узилгандай бўлди. Бу ҳолваси экан. Энди ҳовли ўртасидаги чолнинг севимли дарахти – беҳига ҳужум бошланди.

- Мени ҳам кесиб юбор, – деди хүрлиги келган чол.
- Ота, құйсанғиз-чи... Мен бу ерда шунақа бассейн бунёд этайки, иссиқ кунларда салқынлаб ўтирасиз. Атрофлари мрамор бўлади.
- Мармар дегин, – деди ота ижирғаниб.
- Эй бобой, маданиятли одамлар мрамор дейишади. Мана, масалан, бизни Братан ҳам шундай дейди...

Эртасига усталар ҳовуз қилишга киришдилар. Метинбек эса юк машинасида катта китоб жавони, енгил машинасида эса бир дунё китоб келтириди.

«Ие, умрида китоб ўқимаган ўғлимни нима жин урди?» – деди ота ҳайратга тушиб.

– Ҳа, ўғлим, ақлинг кириб қоптими? Китоб ўқисанг, энди одам бўлиб кетасан, – деди кейин ўғлига.

– Э, қаёқда, китоб ўқисам бошим оғрийди. Модаси шунақа бўляпти. Бой одамнинг уйда, ўқиса-ўқимаса, китоб жавони, чиройли муқовали китоблари бўлиши керак.

– Ие, ҳали бу ҳам хўjakўрсинга, де.

– Вой, бобо-ей, ахир, китоб ўқиши планини ҳаммамиз учун бажариб қўйгансиз-у, – дея Метинбек хохолаганча кўчага чиқиб кетди.

Метинбекнинг уйи гўё қурилиш майдонига айланди. Братанни қабул қилишга мўлжалланган зал таъмирланиб, элита пардалар, бежирим стол-стуллар билан жиҳозланди. Ҳовли ва уйларни кузатар экан, Метинбек ўйга толди.

«Бассейн атрофига зўр оромкурсилардан топиш керак. Ҳа, Эшқобилда кўргандай бўлувдим».

У кўчага ошиқиб чиқиб, машинасини Эшқобилнинг фирмаси томон учирди.

– Дўстим, устаҳонангда чиройли стуллар кўргандим. Шуни ўн донасини берсанг, – деди саломни ҳам насия қилиб.

– Бемалол. Лекин ярми битмаган-да.

– Ўтиrsa бўладими?

– Билмадим, кашшаклари қўйилмаган-да. Оғирроқ одам ўтиrsa... Метинбекнинг кўз олдига Братани келдию бир қалқиб кетди. Лекин ниманидир чамалади-да, деди:

– Ке, олиб кета қолай. Вақт тифиз.

– Лекин...

– Битмаганларини четроққа қўярмиз.

Ҳовуз битди. Зиёфат белгиланган куни дастурхон тузатётган хотинига йўл-йўлакай стулларни жойлаштириш тўғрисида уқтириди. Нобопини ҳовуз ёнига қўймасликни тайинлади. Хотини ўз ишларидан ортмай, бу топширикни болаларга айтди.

– Энди энг чиройли, бежирим қўйлакларингизни кийиб олинг, – дея хотинига яна бир эслатди-да, «Эҳ, бобойни бирор ёққа жўнатвормадим-да. Ишқилиб қовун туширмасин-да», дея ўйлаб қолди ва отасига ҳам уқтириди.

– Энди, бобой, яхшироқ кийиниб, мулозамат қилиб турасиз-да. Аммо-лекин тилни сақлайсиз. Бизнесменларнинг майда гапларга тоқати йўқ.

– Балки эшикни бўшатиб қўярман, – заҳарханда қилди ота.

– Нималар деяпсиз, бобой? Бу сизнинг ҳам эшигингиз, – сохта табассум қилди Метинбек.

Қоқ тушда евротаъмирдан чиқарилган ҳовли ёнига иккита хориж машинаси келиб тўхтади. Биттасидан икки нафар озғингина кишилар тушиб, нариги машинанинг эшигини очишиди. Ундан ўрта бўйли, қорни оқиб кетар даражада селкиллаган киши тушиди.

– Ӯша бизнинг Братан бўлади, – деди Метинбек отасига ғурур билан.

– Жа-а, беўхшов эканми? Анаву ёнидагилар мунча арвоқ?

— Бу Бретанни янада салобатли күрсатади-да, ҳалиги гап бор-у, хунук қызлар чиройли күриниш учун ўзидан хунукроқ қызга дугона бўлиб оларкан. Қалай? — деди у бу ўхшатишдан ҳузур қилиб. Сўнгра Бретаннинг истиқболига ошиқди.

Меҳмонлар залга олиб кирилгач, кетма-кет таомлар тортила бошланди. Қиттак-қиттак ҳам авжига чиқди. Ҳайдалиш куйи — ошдан олдин меҳмонлар очиқ ҳавога чиқишиди. Лазиз таомлару ичкилик таъсиридан Бретан янада бўғриқиб, се-мириб кетгандек эди. У аранг нафас оларкан, пишиллаб деди:

— Ну, менимча, бўладиган бола.

— Ҳа, кўриниб туриби, — дейишиди шериклари бир овоздан.

— Шартномани олиб келдингларми?

— Ҳа, — дейишиди гумашталар бир овоздан.

Шу пайт Метинбекнинг хотини кўзни кўйдирар даражадаги либосда, қўлида музқаймоқлар тўла патнис билан меҳмонлар томон юрди. Сархуш Бретан аёл томон сузилиб қарадиу хаёлидан «Жа, сулув эканми?», деган фикр ўтди.

«Даюс хотинини номаҳрамлардан қизғанмайди-я. Ишқилиб, бирор кор-ҳол юз бермасин-да», ғудранди ота ғазабга миниб.

— Бугунок, шу ердаёқ имзолаймиз. Бу бола подводит қилмайди, — дея Бретан ҳовуз томон юрди.

Нарироқда кўл қовуштириб, ийманибгина Бретан томон силжиётган Метинбекнинг кўзлари туйқусдан ҳовуз ёнидаги битмаган стулларга тушди. «Вой, ярасмаслар», дедиу ўша томон шошилди. Аммо бу пайтда Бретан стулларнинг бирига ўтираётган эди. Метинбек аранг «Шеф, Бретан, тўхтанг!», дедиу дами ичига тушди.

Залворли юқдан стул ажаб гичирлади, оёқлари икки томонга керилиб, орқага — ҳовуз томон оға бошлади. Бретан туришга уриндио оғир юкни дабдурустдан кўтара олмади. Шотирлар у томон отилиб унинг узатилган қўлларига ёпишишиди. Бироқ, оғир юк у иккисини ҳам кўшиб ҳовузга ғарқ қилди. Метинбекнинг эси оғиб қолай деди. Ним табассум билан Бретан томон йўлга чиқсан хотини етган жойида ранги ўчиб, тек қотди.

Бретан ва унинг гумашталари сувдан бош кўтаришганда Метинбек ёрдамга шошилди. Бретаннинг бир қулоғида тилла балиқча типиричилар, иккинчи қулоғида нилуфар гули осилиб турарди. У аввал балиқчани Метинбекнинг юзига отдими ё шартномани йиртиб ташладими, бу унинг эсида йўқ. Аммо чолнинг кўнглидаги ҳадик юз бергани аниқ эди.





Захиридин Мұхаммад Җобур

* * *

Қаро зулғинг фироқида паришон рүзгорим бор,
Йузунгнинг шитиёқида не сабру не қарорим бор.

Лабинг багримни қон қилди, күзумдин қон равон қилди,
Нечун ҳолим ямон қилди, ман ондин бир сүрорим бор.

Жаҳондин манга ғам бўлса, утусдин гар алам бўлса,
Не ғам юз мунча ҳам бўлса, сенингдек ғамгусорим бор.


Агар муслиҳмен, ар муфсид ва гар ошиқмен, ар обид,
Не ишинг бор сенинг, зоҳид, манингки ихтиёрим бор.

Фигоним ошти булбулдин, ғами ўйқ зарра бу қулдин,
Басе, Бобур, ўшал гулдин кўнгулда хорхорим бор.

1500

«O'QITUVCHI»

НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ



Manzilimiz: 100206, O'zbekiston,
Toshkent sh., Yangishahar ko'chasi, 1.

Tel.: (+99871) 224-04-12

E-mail: info@oqituvchi.uz

Web-site: www.oqituvchi.uz